

Қалмақон Абдуқодиров

ҲОЖИМУҚОН



С(Қоз)
М 95

Қозоқ тилидан
Носир Фозилов таржимаси

Иккинчи н а ш и

М.— А. $\frac{4803010000 - 23}{360 (04) - 87}$ 27—87

© «Юлдузча» нашриёти, 1987, (безаклар).



БУ — МЕНИНГ ВАЪДАМ ЭДИ

1941 йилнинг баҳори. Олатов бағрида баҳорнинг муаттар ҳиди анқиб турибди. Қорлар эриб, савр ойи бошланган пайт. Майсалар гуркираб ўсиб, дарахтлар япроқ ёза бошлаган.

Апрелнинг ўрта кезлари эди. У пайтларда оёғим сал оғриб юрар, шунинг учун ташқарига камроқ чиқар эдим. Уйимиз олдидаги ариқ сувида идиш-товоқларни ювиб ўтирган аёлим ҳовлиқиб кириб келди:

— Вой, келди! — деди қўлидаги ҳали артилмаган идишларнинг сувини оқизиб, орқасига қараркан. — Ҳожимуқон келди!

Мен ўрнимдан туриб улгурмасимданоқ:

— Қалмақоннинг уйи шуми? — деган йўгон товуш эшитилди. Мен ҳам бу маҳал даҳлизга чиқиб, полвоннинг бесўнақай, йўгон бармоқларини ушлаб улгурган эдим. Ҳа, ҳатто, умрида бир марта кўрмаган одам ҳам уни келбатидан таний олар эди.

Ҳа, у киши бизнинг уй (Олмаота шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 97 уй)да йигирма уч кун турди. Уйимизнинг олдидаги саксон йиллик эман дарахти тагида қозоқнинг не-не қариялари, ҳурматли кишилари бўлмаган дейсиз!

Қўчқорбойнинг боласи Шашубойман,
Қашшоқ-гадо бўлсам ҳам сўзга бойман.

Бир умрга камимас хазинам — халқ,
Моли кўп, деб бойларга бош урмайман.

деб куйлаган Шашубой ҳам,

Оқ сочли Олатовнинг Жамбулиман,
Уланда — мисли учқур дулдулиман.
Устозимдир Бухорбою Суюнбойлар.
Куйлайман, замонамнинг булбулиман,—

деб куйлаган Жамбул ҳам бу даргоҳда кўп маротаба бўлган.

Шунингдек, оқиннинг ажойиб замондоши Нурпейис ҳам; туғма оқин, қўлига дўмбирасини ушласа тўхтамайдиган Исо ҳам; гармонга жўр бўлганда товуши қўшни уйларнинг деворини зириллатадиган Нортой ҳам: ажойиб шоир Кенен, ширин тил Қувват, Соядил, Етти-сувнинг истеъдодли оқини Умматали, Жанубий қозоғистонлик Ўринбой, Алибек, партизан оқин Ўмарлар ҳам бу табаррук жойда бўлишган. Қозоқ даласига биринчи дафъа илм-маърифат чироғини ёққан машҳур Иброй Олтинсариннинг шогирди Спандиёр Кўбеев ҳам шу дарахтнинг тагида ҳордиқ чиқарган. Мана, энди атоқли полвон Ҳожимуқон ҳам ташриф буюрди.

— Қалмақон, Жамбулнинг ўланларини ёзиб олишда кўп хизмат қилдинг, икки йиллаб Нортойни изладинг: сендан Мирзачўл ҳам, Нурота ҳам, Кўқон ҳам, Фарғона ҳам қолмади, ахийри топиб, Олмаотага олиб келинишига сабабчи бўлдинг. Балхашнинг бир чеккасида ётган Шашубойни самолётда олиб келдинг. Хўш, менга айт-чи? Шунча ишларни қилган Қалмақон мен учун нима қилди? Мен-ку камбағал оиласидан чиқиб, полвонлик билан қозоқнинг донғини дунёга таратибман. Хўш, сен шундай одам ҳақида ақалли ўйлаб кўрдингми? Мана, Собитинг бор, Ғабитинг бор, Исонг бор, сен борсан, бошқаларинг бор... Қани мен ҳақимда ёзган китобларинг? Йўқ, мен бунга чидолмайман. Эртага Собитинг олдига бораман. У мени Оренбургдалик вақтимдан бошлаб билади, мени ёзмай Нурмағамбет ҳақида ёзди. Тўғри, Нураканг табаррук одам, ёзгани яхши, лекин, нима учун мени тилга олмайди. Мана шунинг учун ҳам унинг елкасини сал эзиб қўймасам, эсига келмайман чоғи... — деб кулди.

— Хафа бўлманг, Ҳожи ака. Сиз ҳақда ҳам ёзилади, албатта ёзилади. Собит ёзади. Ғабит ёзади... Ажойиб ёзувчилар етишиб келяпти, улар ҳам албатта сизни тилга олмай ўтмайди. Қани, бир чой ичайлик...

Ҳожи аканг кўрган-билганларини бир-бир айтаверди. Мен қўлимга қоғоз, қалам олиб эшитиб ўтирдим. Аммо, қоғозга ҳеч нарса тушира олмадим. У гўё баҳор жаласидай шатир-шутур гапирар, унинг баъзи томчилари жонимга роҳат бағишлар, баъзиси эса муздай тегиб сескантирар эди.

Дарвоқе, жала! Жала кетидан дала ям-яшил қулф уриб кетгандай бўлди. Қилган хизматларидан кўнглим ёришиб, унга қизиқиб қолдим.

«Ари ҳамма гулга қўнади, бироқ ўзига керак гулнинг ширасини сўради, бол олади», деб керак-керагини ёзиб ола бошладим, тушунмаган жойларимни сўраб олдим. Йигирма уч кун бадалига денгиздан томчигина олиб қолишга муяссар бўлдим.

— Ёз, албатта ёз!

— Ёзаман, оға.

— Ошириб ёзаман деб овора бўлма, борини ёз!

— Бўпти, шундай қиламан, оға...

ҚОР КУРАЁТГАН БОЛА

Қантар ойининг қирчиллама совуқ кунларидан бири; ҳамма ёқ оппоқ қиров билан қопланган. Қизилжар шаҳрининг марказий кўчасидаги ҳовлилардан бирида: «Ҳа, ҳа! Кўтар, кўтар!» деган товушлар эшитилади. Бу ҳовли савдогар Иван Ногичнинг мол сақлайдиган жойи; у, кузда сўйилган бўрдоқи молларнинг гўшт-ёғини жўнатаётган эди. Гўшт-ёғни олтмишта чана билан киракаш бой Орлий Масликов ташир эди. Мана, ўттиз пуд ёғ қуйилган катта бочкани ўнта одам ўрнидан қўзғатолмай ҳалак. Ҳалиги сарой ичидан чиқаётган товушлар шуларники эди.

Қор кураш учун ёлланган ўн олти ёшлар чамасидаги бир бола ўқтин-ўқтин ҳовли томонга қараб қўярди.

— Ҳей, бола, отангининг оти нима? — деб сўради эгнига қора тўн кийган хўжайин.

— Нима эди?

— Шунчаки сўраяпман-да.

— Қуда бўлмоқчимисан?.. Гапинг бўлса, ўзимга айтавер, — деди қор кураётган бола кичкина қора кўзини қисиб.

— Нега у ёққа қарайверасан ҳадеб. Тезроқ қорингни кура-да, оладиган ҳақингни олиб, жўнаб қол. Фойдаси йўқ нарсага аланглайверасанми? Ҳадеб ҳовлига қарайверасан...

— Менга тушунтиринг, ахир, нима қилишяпти ўзи у ёқда?

— Тоғ кўтаришяпти.

— Шу ҳовлига сиққан тоғни кўтариша олмаяптими? Шунга ҳам шунча қий-чувми? Ўзлари одамми ё чўпни — хари кўтариб келдик деб, мақтанадиганларданми?

— Ие, бу боланинг сўзи ўттиз пуд ёғдан ҳам оғир бўлди-ку. Саройга олиб бор, одамлар кўтаролмай ётган нарсанинг нима эканлигини кўрсин, — деди дарвоза олдида иссиқ тўнга ўралиб турган савдогар.

— Қани, бориб кўра қол. Ана, хўжайиннинг ўзи рухсат берди.

— Кўрса нима қипти... — деб, ҳалиги бола дарвоза олдида турганларни нари-бери итариб ҳовлига кирди. Ҳамманинг эт-этидан ўтиб кетаётган аёзни назар-писанд ҳам қилмасди. У, пахтали йиртиқ чопон кийиб, этагини белига қистириб, бош кийимларини қўлига олиб юрган кишиларни кўриб ҳайрон бўлди. Жойидан энди ярим метр ерга зўрға сурилган бочканинг ёнига бориб, уни елкаси билан итариб юборган эди, остидаги тахта қасирлаб кетди.

— Кўтаролмаётган тоғларинг шуми?

— Нима, сенга енгил туюляптими?

— Қизиқ... Шу ҳам гап бўлди-ю... Тоғ деганига нима экан десам, челаққа ўхшаган идиш-ку бу. Ун киши чувиллашиб кўтаролмаётганларинг шуми? Қани, бўлмаса четроққа чиқиб, бочкани ортадиган чаналарингни тайёрлайверинглар. Ҳой, яхши чопон кийиб олган акалар, сал нарироқ турунглар, фалокат босиб бирор жойларингни майиб қилиб олманглар тагин.

— Намунча қўпол бу бола! Хўжайинларга ҳам шунақа муомала қиладими... Бир нимани қойил қилиб қўйгандай, нега бунча кеккаяди! — деди мўйловлари музлаб қолган ишчилар.

— Тўхта, мана бу овулдан келган тентакнинг кучини кўрайлик! — деди бу ёққа келаётган иккита бой.

Бола энгашиб, ҳалиги бочкани елкаси билан итариб юборди. Бочка тагига қўйилган тахта, ғўла ва лўмлар шатир-шутур қилиб айқашиб қолди. Ҳадемай ўттиз пуд тўнғ ёғ қўйилган бочка худди шамол учирган қамғоқдек

сарой дарвозасининг олдига думалаб бориб, икки от қўшилган чана устига қандай тушиб қолганини одамлар сезмай ҳам қолишди.

— Ие, бу бола нима қилди ўзи?

— Нима қилганини кўрмаяпсанми? Унтанг қўзғатолмаган бочкани чанага ортиб қўйди.

— Мен буни айтмоқчи эмасдим, хўжайин, шу... асли бу бола одамми, ё?

— Сенингча ким?

— Девми ё... ишқилиб, бир балоси бор...

— Ким бўлса бўлсин-у, аммо ўнтанг кўтаролмаётган бочкани битта ўзи ортиб қўйди чанага. Менга шуниси керак. Мана сенга эллик тийин,— деди ёғ эгаси.

— Мана, йигирма тийин мен бераман,— деди Масликов семиз қўлини барқут шимининг чўнтагига солиб.

— Хасис бой, чўнтагингни қанча ковлаштирсанг ҳам бир сўмлик сариқ чақа илинмади-я,— дейишди икки бой бир-бири билан ҳазиллашиб.

— Сен энди бойиб қолдинг. Энди қор кураганинг учун ҳақ олмасанг ҳам бўлади,— деди ҳовлини кураётган қоровул болага.

— Кўп гапирмай, ваъда қилинган ўн беш тийинни бу ёққа чўзиб қўй. Нима, мен боймидим? Менга ўн беш тийин ҳам овқат бўлади. Мана бу етмиш тийинни овулдаги бувимга юбораман,— деди ялпоқ қайин курак билан баланд девордан ташқарига қор отаётган бола. У терлаб-пишиб кетган эди.

— Орлий, кўп гапирмай, мана бу қозоқни қўлга ол. Киракашликка бундай одам керак бўлади. Ўрни келганда йигирма кишининг ишини бир ўзи қилади. Унга бир қара, ҳали бўғини қотмаган ёш бола-ку. Нақ чўяндан қуйилган алпнинг ҳайкалига ўхшайди.

— Ўзим ҳам шуни ўйлаб йигирма тийин ортиқ бердим-да. Лекин ўзиям йигирма кишининг овқатини ейди-да. Ўзинг айтмоқчи, бўғини қотмаган бола, худди резинка қанордек чўзилаверади.

— Нима, совуқ урган картошка билан сасиган баликни аяйсанми? Пишириб беравер...

— Ҳа, бир иложини қиларман. Ёзин-қишин тинмай қатнаб турган кирага бундай бола албатта керак бўлади. Айниқса узоқ сафарга жуда асқотади.

Бола қорни кураб, тегишли ҳақини олиб бўлгач, Масликов ён дафтарини олиб, кулимсираб, уни гапга солди:

— Укам, сен қаердан келдинг? Биламан, сен Қизилжардан эмассан. Қайси бўлис, қайси овулликсан?

— Оқмўла области, Саритерак бўлиси, Қурама овулданман.

— Отангнинг оти нима?

— Мунгайтпас Эрнақов.

— Узингники-чи?

— Муқон. Сўраб нима қиласан?

— Сен билан дўстлашгим келиб турибди.

— Нима, дўст бўлиб от мингизармидинг?

— Майли, мингизаман. Сен менинг қўлимда ишлайсан, хўпми?

— Майли, ойига нима берасан?

— Ҳаммасини бераман: овқатинг мендан бўлади, кийиминг йўқ экан, кийим бераман. Мана бу катта ишчиларга қанча ҳақ берсам, сенга ҳам шунча ҳақ бераман, ойига бир сўм саксон тийин оласан.

— Дўстим, бунинг оз-ку. Рост, мен иш излаб келганман. Бувим, ота-онам бор, камбағалмиз. Ҳеч бўлмаса топганим ота-онамнинг чой пулига яраб турсин, бир оз қўшинқира.

— Мендан бўлак киши сенга саксон тийиндан ортиқ ҳақ тўламайди. Ҳалиям сенга ачиниб, катталар оладиган ҳақ ҳисобидан беряпман. — Бола бир оз ўйлашиб турди-да, розилик берди.

Бўлажак дунё паҳлавони Ҳожимуқон Масликовга мана шундай ёлланган эди.

* * *

Муқон Масликовнинг уйига келган куниёқ, ишчилар турадиган ётоқхонага жойлашди. Унга сомон тўшалиб, плитка қурилган хонанинг бир бурчаги тегди, кечаси шу ерда тунаб чиқди. Эртасига хўжайин уни — ўттиз пуд ёғ солинган бочкани бир ўзи қўзғатган паҳлавонни уйига чақирди, хотини, бола-чақасига, меҳмонларига кўрсатиб, ўзига хизматкор қилиб олганини айтди. Уйдагилар боланинг бўйини ўлчаб кўришди, уни роса томоша қилишди-ю, аммо Масликовнинг гапига ишонинмади.

— Э, бу бола ўттиз пуд юкни қандай кўтаради? Бўйи бир ярим газу оғирлиги икки юз қадоқ. Тўғри, бўйни, қўл-оёғи йўғонроқ. Бироқ ўттиз пуд юкни кўтара олишига ҳеч ким ишонмайди, — деди ҳисобчи ўзича

тахмин қилиб. Масликов ўз сўзига ишонтира олмаганидан ранжиди.

— Майли, бўлмаса Мунгайтпасовнинг кучини кейин кўрарсанлар, — деди у. — Хўш, ука, яхши ётиб турдингми? Ётоқхона иссиқ эканми? Йигитлар билан туриш кўнгилли бўлса керак-а? Улар дўмбира чалишади, ўлан айтишади, карта ўйнашади. Ҳақиқатан ҳам бизнинг уйимизга қараганда сенларнинг ётоқларинг яхшироқ...

Ҳожимуқон хафа бўлиброқ жавоб берди:

— Хўжайин, мен унчалигини билмадим, ростини айтсам, кечаси билан ухлаёлмай чиқдим.

— Нега? Жанжал қилишарканми? Жанжаллашса, тўрт-бештаси йиғилиб ўттиз пуд келмайди, шартта улоқтирмайсанми...

— Йўғ-э, уришишдан гапирманг... Бувим уришқоқ бола ёмон бўлади, деган. Уришга, жанжалга тобим йўқ.

— Хўш, бўлмаса нега ухлаёлмадинг?

— Ухлаёлмаганимнинг сабаби — тагимизга тўшалган сомон ичида сичқон бор экан: чийиллаганини эшитсам жон-поним чиқиб кетади.

Масликов хотин, бола-чақаси билан силласи қуриб, кўзларидан ёш чиққунча қотиб-қотиб кулишди. У, полвоннинг сичқондан қўрқишини тушуниб етгач, кулгидан тўхтади.

— Вой, ўттиз пуд юк кўтарган паҳлавон-эй, сичқондан бошқа яна нимадан қўрқасан?

— Ундан бошқа ҳеч нарсадан қўрқмайман.

— Бўридан-чи?

— Э, бўри, айиқ, ёввойи чўчқа деганларинг — ит-ку. Итдан ҳам киши қўрқадими? Фақат одам ётадиган жойда сичқоннинг чийиллаши ёмон... — Шундан сўнг хўжайин Муқонга ошхонасининг даҳлизидан жой қилиб берди.

ЧАНА ТОРТГАН БОЛА

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Муқоннинг қўли билан қарағайни қамишдай суғуриб олгани, оғир юкларни якка ўзи аравага ортгани халқ оғзида дoston бўлди, у бир неча марта Челябинскка, Қозонга, Уфага, Самарага бориб ҳам келди. Ун саккизга кирди, бўйи ўсиб, бақувват йигит бўлди.

Қиш ярмидан оғди. Қизилжарда февраль ичи тинмай қор ёғиб, қаттиқ совуқ бўлди. Масликовнинг уйда ўтин ҳам, хашак ҳам тамом бўлди. Қаерда иш оғир

бўлса, Муқонни шу ерга юбориш одат тусига кириб қолди.

Февралнинг охирларида Россиянинг ички томонларига мол олиб кетган от-уловлар қайтгач, улар учун шаҳардан йигирма чақирим наридаги хашакни олиб келиш учун бешта чана юборилди. Чаначилар ичида Муқон ҳам бор эди.

Кейинги пайтларда Муқон Масликов оиласига ўзининг вазмин табиати, тартиблилиги, қобиллиги билан ёқиб қолди. Масликов Муқонга қанақа оғир иш буюрмасин, бари бир, бажармасдан келмаслигига ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун ҳам:

— Митка¹, иложи борича хашакни тезроқ етказишга ҳаракат қил. Хашакни чанага тез-тез ортиб, бошқаларга қарамай келавер. Узоқ сафардан келган отлар очликдан тилини тишлаб турибди, — деди у Муқонга тайинлаб.

— Хўп, — деди Муқон.

Ярим кечада йўлга чиққан чаначилар қор босиб қолган сўқмоқдан юришга қийналиб, отлари ҳам чарчаб, туш пайтида зўрға етиб бордилар. Муқон чанага энг яхши отларни танлаб қўшган бўлса ҳам, оғир йўл чарчатиб қўйди. Совуқ еб, чарчаб келган йигитлар қор босиб, тоғдай бўлиб ётган хашак ғарамини кўриб кайфлари учиб кетди. Ғарам устидаги қорни тозалаш учун бир кундан ортиқ вақт керак эди. Қараса, ишчилар қорни қай томондан очиб, хашакни қайси томондан аравага ортишни маслаҳатлашиб анча турадиган кўринади.

— Силламиз қуриб хашакка зўрға етган эдик, энди қорни тозалайдиган бўлсак хашак билан жасадимиз ҳам чанага ортилади-да, — деди титраб-қақшаб, туклари ҳурпайган бир йигит.

— Масликов бир сўм саксон тийинни ўша жасадинг учун бераётганини энди билдингми? — деди гавдали сариқ йигит.

— Хашакни мана бу биқинидан олганимиз дуруст бўлар, чунки қори унча қалин эмас кўринади. Тагигача, чана сиғадиган қилиб ўйиб олсак, кейин устидан тушган қорни бир бало қилармиз, — деди яна биттаси ғарам атрофидан айланиб.

Сабри чидамаган Муқон, ғарамнинг шамолда очилиб қолган жойига паншахасини санчиб, хашакни қор-

¹ Масликов оиласи Муқон дейишни қийин кўриб, «Митка» деб чақиритарди уни.

пори билан елкасидан ошириб ташлади. Ғарамнинг бир томони ўпирилиб қолди.

— Ие, мана бу нима бало қилди, — дейишди қайси томондан очишни билмай, боши қотиб турган ҳамроҳлари ҳайрон бўлишиб. Муқон индамади. Паншахани иккинчи марта санчиб кўтарганда, ғарамнинг ярмиси очилиб қолди. У шундан кейин отларнинг олдига бир қучоқ олиб бориб ташлади-да, уларни чанадан чиқарди. Кейин ўзи чанасини ғарамга яқин судраб келиб, унга хашак орта бошлади.

— Ҳой, нима қилипсан ўзи? Кейин чанани отларинг бу ердан қандай олиб чиқади? Қорга кўмилиб қолади-ку, — дейишди ҳамроҳлари.

— Уни ўлчаб, бош қотириб ўтиришга вақтим йўқ. Хашакни тезроқ етказишим керак. Хўжайиннинг буйруғи шу, бошқасини билмайман.

— Манави қор отни кўтаролмайди деяпсиз-да, бўлмаса...

— Отни кўтаролмаса, мени кўтарар. От турган жойгача ўзим тортиб бораман.

— Қўй, гапни кўп чўзма, бир оз нон-пон еб, дамимизни олиб олайлик, қандай қилиб ортишни кейин ўйлашиб кўрармиз. Устини анави бола очиб, бир оз енгиллатди-ку, — дейишди исиниб олиш учун қўлларини ишқалаб, юзларини уқалаб, уёқдан-буёққа югуришиб юрган йигитлар.

Ҳамроҳлари тамадди қилиб олгунларича, Муқон чанасига хашакни тоғдай қилиб ортиб, отларининг ёнигача судраб борди. Шундан кейингина нон егани ўтирди.

* * *

Муқон отларини чанага қўшиб, етти-саккиз чақиримча йўл босганда, қаршисидан бўрон турди. Бўрон тоғдай хашак уюлган чанани орқага итариб, отларини чарчатиб қўйди; отларнинг юрганидан тургани кўпайиб қолди. Қуёш ботиб, қоронғи тушди. Муқон отларни тизгинидан тортиб кўмаклашди, паншаха билан чананинг орқасидан итариб ҳам кўрди, бўлмади. Чаккасидан ичига оқиб тушган тер муз бўлиб қотиб қолаверди. Шаҳарга етти-саккиз чақиримча қолганда битта от тинкаси қуриб тўрттала оёғини тираб туриб олди. Жаҳли чиққан Муқон паншаха билан чананинг орқасидан жон-жаҳди билан итариб юборган эди, юролмай турган от чананинг тагида қолди, иккинчи от эса бир

четга чиқиб кетди. Муқон келиб отни то чана тагидан чиқариб олгунча у ўлиб қолди. Шундан сўнг у бир оз дам олди-да, ўлган отни чанадаги хашакнинг устига улоқтирди. Кейин чана бўжиларини маҳкам боғлаб, ёлғиз отга шатакка тушиб, шаҳарнинг четига чанани тортиб келди. Шаҳарга киргандан кейин бу от ҳам юрмай қўйди. Муқон энди уни орқага боғлаб қўйиб, чанани ўзи тортиб кетди. Одамлар энди ўринларидан туриб, ҳовлиларидаги қорларни курай бошлаган маҳалда Муқон орқасига бир от боғланган, устига бир от ортилган чанани тортиб, Масликовнинг саройига кириб келди. Чана судраб келаётган одамнинг ким эканлигини билишга қизиққан шаҳар аҳолиси унинг орқасидан тўда-тўда бўлиб эргашди.

Тоғдай қилиб хашак ортилган чана саройга отсиз кириб келганда, Масликовнинг оиласи ҳам, хизматкорлари ҳам ҳайрон бўлиб ҳовлига чопиб чиқишди..

— Ие, от қани?.. Вой лаънати тўнғиз... — деб бақирди бой овозининг борича.

— Битта отинг чананинг устида, биттаси орқасида, хўжайин, қўрқма, ҳеч нарса далада қолган йўқ, — деди бола.

Хўжайин ўлган отни кўриб:

— Миршаб чақиринглар. Мана бу ҳайвон устидан акт қилсин, — деди.

Шу заҳотиёқ иккита миршаб етиб келиб:

— Қани, торт чанани хашак-пашагию от-поти билан, полицмейстернинг олдига олиб борамиз, — деди.

Бадани терлаб, устини оппоқ қиров босган Муқон ўлик от ортилган чанани яна судраб кетди.

КЎПЧИЛИКНИНГ КЎМАГИ

Муқон чанани полицмейстер идорасига судраб келаётганда, унинг кетидан шаҳарнинг юзга яқин катта-кичик одамлари эргашди, уларни тарқатиш учун миршаблар қанчалик уринмасин, бари бир, ҳеч иш чиқмади. Болалар бўлса, юмшоқ қорни пичоқдек тилиб кетаётган чана орқасидан итаришиб, Муқоннинг юкини енгиллатдилар. Полицмейстер идораси олдига яқинлашгач, миршаблар одамларни ҳайдашди, кейин биттаси бошлиғининг олдига кириб кетди.

Бошлиқ лапанглаб эшик олдига чиққунча, Муқон чана билан идора ёнига келиб қолди. Азбаройи хашак

кўп ортилганлигидан, чанани тортиб келаётган одам кўринмасди, оппоқ қор босган хашак устида бир от узала тушиб ётибди. Чана атрофида болалар чувиллашиб юришибди. Қўлларига челак ва белкурак ушлаган эркак ва аёллар чана тортиб келаётган одамни кўриб қолиш учун шошиб-пишиб югурар, бўйинларини чўзиб қарашар эди. Бошлиқ оломонни кўриб чўчиб кетди. У:

— Бу одамлар нега тўпланишди? — деб ёнида турган миршабга қаради.

— Жаноб олийлари, ўзингиздан қолар гап йўқ... Анави чана судраб келган одамни томоша қилгани тўпланишган-да.

— Нега ҳайдамадинглар?

— Ҳайдашга ҳайдадик, ammo ҳовлисига кириб яна бошқа одамларни эргаштириб чиқишяпти.

— Чана судраган қозоқ ҳам томоша бўлибдими энди буларга! Ҳайданглар, ҳозир тарқашсин. Чанани ҳовлига олиб кирсин, — деб полиция бошлиғи идорасига кириб кетди. Муқон чанасини судраб полицмейстернинг ҳовлисига кириб кетди.

Дарвоза ёпилгандан сўнг миршаб оломонга қараб туриб:

— Агар мана бу қамчи орқамизни тилим-тилим қилмасин десанглар, тарқалинлар! — деди қўлидаги қамчисини ўйнатиб.

— Нега дўқ қиласан? — деди биров оломон ичидан.

— Бўлмаса нега тарқалмайсанлар.

— Томоша қиламиз.

— Шу ҳам томоша бўптими?

— Нима, бизнинг Петроград, Москвадагидай театрмиз, клубимиз, циркимиз борми бориб томоша қиладиган. Биз учун чана судраган ҳам томоша-да. Кўчага тўпланган оломонни кўриб, бошлиғингнинг кайфи учиб кетдими дейман? — деди бир деҳқон...

— Эй, кўп мўйловингни силайвермай, ҳалиги чана судраган одамни бу ёққа чақир. Агар халқнинг шовқин-сурони бошларингни оғритадиган бўлса, уйимизгаёқ олиб кетамиз, нимасига жаҳлинг чиқади. Сенинг жаҳлингни ҳар куни кўравериш бўлганмиз, — деди бозор саҳнини супурадиган қоровул, миршабга яқинлашиб.

— Тарқалинлар деяпман, энди у бу ердан чиқмайди.

— Нега?

— Ни ишлап?

— За что?

— У ҳукуматга фойдаси тегиб турган Масликовнинг отини ўлдириб, чанасини синдирган.

— Усиз ҳам Масликовнинг дам бермай ишлатадиган ориқ-тўриқ отлари ҳар йили ўлиб турибди-ку. Улган отларининг хунини нуқул хизматкорларидан тўлатириб олади. Бу камлик қилгандай, уларга озор беради. Бўронда қолиб анча хизматкори ўлиб кетди-ку, ахир. Нима учун уни қамамайсанлар. Кеча хашак олиб келишгани кетган бешта чанадан битта шу келди. Тўрттасини далада қор босиб қолдимиз, нима бўлди, билмаймиз. От у ёқда турсин, одамлар қирилиб кетяпти-ку. Нега уларни изламайсизлар?— деб бақирди биттаси.

— Кетманглар, ўртоқлар, полвонни томоша қиламиз. Уттиз пуд юкни бир ўзи у қўлидан бу қўлига ўтказиб ўйнаради. Каттакон қарағайни оёғи билан тепиб синдиради дейишади. Кетманглар, кўрамиз,— деди кимдир.

— Бошлиқ қани! Отлар очдан қириладиган бўлди. Хашакни тез олиб келсин деяпти бой,— деди Масликовнинг йигитларидан бири, икки от етаклаб келиб.

Полиция бошлиғи қовоғини солиб оломон олдига чиқди.

— Ҳалойиқ, тушунинг керак-да. Сизларга, тарқалинлар, дедик-ку ахир. Нега қулоқ солмайсизлар. Мана шундай қилиб хафалашиб қоламиз-да!

— Жаноб полицмейстер, одамлар хафалашиб қолгудай ҳеч нарса қилгани йўқ. Қор босиб, ўз оёғимизда турибмиз. Ҳеч кимга оғирлигимиз тушаётгани йўқ-ку.

— Буларга гап уқтириб бўладими,— деб совуққа чидамаган полиция бошлиғи нималарнидир тўнғиллаб ичкарига кириб кетаётган маҳалда, Масликовнинг омборчиси келиб:

— Тақсир, бой хашакни чанаси билан қайтарсин, деяпти, рухсат берсангиз...— деди.

Ҳалойиқдан хафа бўлиб турган бошлиқ баттар тутқиб кетди:

— Тергаб, текшириб акт қилмай, ҳеч кимни чиқармайман.

— Тақсир, ахир отлар очдан ўладиган бўлди...

— Менга деса Масликовнинг ўзи ўлмайдимиз, чиқармайман, дедимми, чиқармайман. Отимни ўлдирди, текшир, деган ўзи-ку. Текшираман, от ўлган ерни бориб кўраман,— деб полиция бошлиғи жаҳл билан эшикни тарс эткизиб ёпиб, ичкарига кириб кетди.

Болалар полицмейстер ҳовлисининг деворига осилиб:

— Ана, чанаси ҳовлининг ўртасига турибди. Ўзи қор устида ялангбош ўтирибди. Ана, ана турди... идорага кириб кетяпти, — деб чувиллашди.

Бир миршаб оломонни тарқатолмагач, уларнинг полвон ҳақидаги гапларига ўзи ҳам аралашди. Ўзгаларнинг олди-қочди гапларини баъзи бир далиллар билан аниқроқ қилиб гапирди.

— Бу чинакам полвон... Чанадаги хашак камида қирқ пуд келади. Устидаги қор ҳам беш пуддан кам эмас. Анави ўлиб қолган от ҳам ўн беш пуд бор. Шундай қилиб, олтмиш пуд юкни етти чақирим ердан бир ўзи судраб келган-да. Ҳар ҳолда, бу унақа-бунақа болалардан эмас.

Полиция бошлиғи Муқонни олдига чақириб сўроқ қилди:

— Масликовнинг қўлида ишлаганингга қанча бўлди?

— Уч йил.

— Нечага кирдинг?

— Уни билмайман, ишқилиб йилим туя...

— Туя деганинг нима?

— Туя — туя-да. Молнинг энг каттаси.

— Туянинг ёшга нима алоқаси бор?

— Қозоқларда ёшни шундай ўлчайди. Сигир, қўй, йилқи ҳаммаси бор...

Ҳеч нарса тушуна олмаган полицмейстер:

— Кўчадан турган одамлар ичида бирорта қозоқ бўлса бу ёққа чақиринглари-чи, — деб буюрди эшик олдида турган миршабга. У сал ўтмай бир оқ соқолли чолни бошлаб кирди. Полицмейстер чолга:

— Мана бу бола «йилим туя» дейди. Шунда неча ёшда бўлади? — деб сўради. Чол болага қараб:

— Туя йилга илинмаган. Балки йилинг сичқон бўлса керак? — деди.

— Қўйинг, номини атаманг, сичқони қурсин. Ойим сенинг ёшинг «махлуқнинг энг каттаси» деган эди. Туядан катта махлуқ бўлмаса керак, деб туяни айта қолган эдим.

— Ундай бўлса йилинг наҳанг экан. Шундай балиқ бор. Дунёда балиқдан катта махлуқ бўлмайди, — деди чол ҳисоблаб. — Боланинг ёши ўн саккизда.

— Яхши. Сизга рухсат, — деди бошлиқ.

— Хўш, Масликовнинг қўлида ишлаганингга уч йил бўлибди. Шундан бери унинг неча отини ўлдирдинг?

— Фақат мана шу чана устида ётган отгина, холос. Мен отни атайлиб ўлдирганим йўқ.

— Қандай қилиб ўлди бўлмаса?

— Масликов хашакни кўп орт, деди. Отлар ортилган хашакни торта олмай қолди. Мен чанани орқасидан итариб юборган эдим, остига тушиб ўлиб қолди.

— Қандай қилиб остига тушди?

— Отингизни чананинг олдига қўйинг, қандай қилиб остига тушганини кўрсатаман.

— Э-ҳа, ҳали сен менинг отимни ҳам ўлдирмоқчимисан? Мен сенга от ўлдиришни кўрсатиб қўяман...

Шу маҳал пўстинга ўраниб олган Масликов кириб келди.

— Отларимнинг ичидаги энг яхшиси шу эди. Шарофиддин мирза Россиядан олиб келиб сотганди. Ёши ўн олтида, балансдаги нархи 180 сўм. Бу итвачча умр бўйи ишлаб, берса ҳам хунини тўлай олмайди. Энди бу ёғи қандай бўлади?

Полицмейстер бойнинг гапини эшитиб бўлиб, Муқонга:

— Кўряпсанми? Бойлар ҳатто отларининг ёшигача билади. Сен бўлсанг ўз ёшингни ҳам билмайсан. Қайси йили қандай иш қилганингни биров сўраб қолса нима дейсан? — деди.

— Уни биламан, бир йили яйловда ўлган ҳўкизни орқалаб келганман. Шундан бир йил кейин Қутманнинг қудуққа тушиб кетган туясини чиқариб берганман. Бу йил эса, мана, бойнинг хашагини, ўлган отини уйига, уйдан шу идорагача судраб келдим. Бунга ёшни билишнинг нима даҳли бор?

— Кўп вайсайверма. Полицмейстер, мана бундан отимни ундириб берасан.

— Меҳнат ҳақидан ушлаб қол.

— Меҳнат ҳақи ойига бир сўм саксон тийин. Унга бу итваччанинг умри ҳам етмайди. Мен кутиб ўтираманми? Унгача бу иблис ҳамма отимни қириб битиради. Уйда моли бўлса олиб келиб берсин.

— Уйингда молинг борми?

— Молим кўп...

— Сени кафиликка оладиган одамнинг борми?

— Ҳеч қанақа кафиликнинг ҳожати йўқ. Умримда ҳеч кимни алдамаганман.

— Ташқарида турган одамлардан сенга кафиликка ўтадигани борми? Кафилсиз бўлмайди.

— Ташқаридагиларнинг ҳаммаси кафил бўла олади.

— Қандай қилиб ҳаммаси кафил бўла олсин? — деб, хайрон бўлди терговчи.

— Қани, ташқарига олиб чиқайлик. Ташқаридаги қозоқлардан битта-яримтаси танир.

— Буни танишликка танийди-я, менга отимнинг хунини тўлайдиган одам керак, — деди Масликов.

— Хўп, сизга керагини топиб бераман. Ташқарига чиқайлик, — деди Муқон. У ташқарига чиқиши билан оломон бир неча тилда чувиллаша бошлади:

— Акт қилишиб бўлдими? Қани, яқинроқ кел-чи, бир кўрайлик, — дейишиб уни ўртага олишди. Идорадан чиққанларнинг амалдорлиги, бойлиги билан ҳеч кимнинг иши бўлмади, ҳеч ким уларга эътибор ҳам бермади.

— Ҳой, халойиқ! У сизларга керак бўлса кафилликка олинглар. У Масликовнинг отини тўлаши керак, — деди полицмейстер.

— Қанақа кафил?! — дейишди одамлар. — Бу ёққа, бу ёққа панароққа олиб келинглар. Бола терлаб турибди, шамоллаб қолмасин, — дейишиб атрофини ўраб, Муқонни кўчанинг нариги бетига олиб кетишди. Полицмейстернинг қичқириши, миршабларнинг ҳуштаги билан кўчада шовқин-сурон кўтарилди.

— Нима шовқин, нима гап ўзи? Нега бунча ҳовлиқасанлар? — деди мўйловдор бир киши орқасига қараб.

— Айбдорни қаёққа олиб кетяпсанлар?

— Қанақа айбдор? Уғирлик қилибдими айбдор бўлади?

— Отнинг хунини тўлаши керак.

— Эй, Масликов, сенда ўзи виждон деган нарса борми! Шу бола хашак олиб келмаганда саройдаги ҳамма отларинг қирилиб кетар эди-ку. Агар сенинг ўрнингда мен бўлсам, бу болага юз сўм берар эдим, — деди унга қушхона қассоби, Петька.

— Вайсайверманглар, бўлди, отнинг хунини тўлайди дедимми, тўлайди, — деди полицмейстер. — Унгача биров кафилликка олиши керак!

— Шунга ҳам кафилми... Шуни деб болани куни билан тутиб ўтирибсанми? Бу сўзингни боя айтсанг-ку, томчидан — денгиз, тариқдан — тоғ яратган халқ бунинг бир иложини қиларди-қўярди, — деди оломон ичидан биров.

— Оти неча пул турар экан?

— Бир юз саксон сўм...

— Қани, бир сўм-бир сўмдан беринглар. Отнинг хуни у ёқда турсин, Масликовнинг отасининг хунига ҳам етарлик пул тўплансин!

Неча юзлаб қўл чўнтакка суқилди. Бирпасда анча пул тўпланиб, Масликовга берилди.

— Шундай меҳр-муҳаббатларинг бўлмаганда, сенларни халқ деб ким айтарди? — деди бир чол. Оломон ичидан бир одам йиғилган пулни Масликовга санаб бериб, тўлаганига қўлидан тилхат олди.

— Тўхтанглар, халойиқ, — деди ҳалиги тилхат олган киши, — ўлган отнинг хуни тўланди, отни ола кетайлик, бўлмаса Масликов уни консерва заводига пуллайди. Ундан кўра терисини шилиб олиб, гўштини итга берганимиз афзал.

От хунидан ортган пулни олган Муқон одамлар билан бирга кетди.

ХАЛҚ НАСИҲАТИ

Шаҳардаги, яланг оёқлар деб аталувчи, турли касб эгалари бошлари қўшилди дегунча вақти чоғлиқ қилишарди: улар орасида Муқон ҳам, ҳикоялар айтиб берувчи чол ҳам, ўйинчи билан сурнайчи ҳам, қизиқчи ҳам бор эди. Мана бугун Сафарбойнинг икки хонали уйи турли касбдаги одамларга лиқ тўлди.

Бундай бош қўшилган жойда фақат мажлис мавзуи юзасидангина гапиришадиган қариялар бу гал ҳам одатлари бўйича полвонлар ҳақида баъзи эсда қолганларини айтиб гурунглашди. Баъзи бировлар ўз кўрган-билганларини бир бошдан муболағасиз завқ билан сўзлашса, баъзилар аллакимдан эшитганларини палапартиш, ширасиз, жонсиз қилиб айтишарди.

— Унутмасам, шу ўтирган Қулимбет оға бўлса керак, қадимги Саритўранғил деган жойда тарақлининг¹ йиғини бўлган эди...

— Айтадиган бўлсанг тўғрилаб айт, маҳмадона... баримта² довида ўтирганинг йўқ-ку, ахир. Тарақлининг ошида бўлганим рост, бироқ у Саритўранғил эмас, Саритерак деган жойда бўлган. Гапни расво қилмай, тўғри айтгин-да, — деди Қулимбет мажлис аҳлини кулдириб.

¹ Уруғ номи (тарж.).

² Бировнинг молини зўрлаб босиб олиш (тарж.).

— Тўранғили нимаю тераги нима, барибир эмасми? Ушандаги анави полвонни айтмайсанми. Сизларга ёлгон, менга чин, боши билан бўйни, анави Андрейнинг зотли буқаси бор-ку, худди шуникидай келади. Уртага тушиб ўтирганда, ҳайратдан ёқасини ушламаган одам қолмади. Белига икки кишининг қучоғи етмайди. Билакларига ола мунчоқни тизиб боғлаб, нақ муштумдай келадиган қўнғироқ ҳам тақиб қўйибди. Утирса катта бир тўнкага ўхшайди. Қўлларини уқалаганда қўнғироғи жинғир-жинғир қилади. Кўкрагини айтмайсанми, кўкраги анави Қуримбойнинг семиз хотини бор-ку, ўшанинг кўкрагидай келади... Кўзлари-чи...

— Э, гапни чўзавермай, қандай курашганидан гапирсангчи!

— Ҳа, шунисини айт, гавдасини қўявер, гавда ҳаммада ҳам бор.

— Аммо, бировни йиқитганини кўрганим йўқ. Эндигина: «Сен чиқ, сен чиқ» дейишаётганда отам «отга бор»... деб ҳайдаб юборди. Билишимча, уни ҳеч ким йиқита олмаган бўлса керак.

— Шуми бор гапинг?

— Ҳа. Катталигини айтаман-да ўша полвоннинг...

— Оти нима экан?

— Билмайман.

— Қулимбет ака, ўзингиз айтиб беринг. Бу кимни гапиряпти?

— Э, бунинг айтаётгани саритераклик. Утемис деган одамнинг йигинида эди. Ушанда бу ўн уч ё ўн тўрт ёшлардаги бола эди. Шунда анави Қоратоғ орқасидан Қўжа полвон деган одам келган. Уни одамлар: «Яғрини ерга тегмаган, одамни кўзга илмаган» деб таърифлаб, аввалига ҳеч ким бетлай олмагани рост. Бироқ уни ориққина чайир бир одам чиқиб йиқитиб кетган.

— Унда анавининг шунча гапи нима бўлди?

— Э, унинг гапи сувга тушса ивиб кетадиган қоғоздек гап-да... Полвон ҳақида айтганларининг бари рост. — У, аввало, ўртага тушиб, худди бир нарса орқасини чимчилаб олгандай кўзини очиб-юмиб, қўлини уқалаб, танаси музлаган отдай силкиниб ўтирди.

Бойлар пойга билан бўлиб, Сир бўйилик ва даштлик — икки тараф бўлиб кетди. Полвонларини синашмоқчи бўлган бу икки тарафнинг қирлик тарафига Удербой оқсоқол, Сир бўйилик тарафига эса, Дизақ-Сўзақдан келган Мавкен деган бир киши бошчилик қилди.

Қўжа полвоннинг кўринишидан чўчиб, ўртага ҳеч ким тушмаганда, Удербой оқсоқолнинг жаҳли чиқди; қалин, ўсиқ қошлари чимирилиб, кўксига тушиб турган соқоли селкилади. У жиддий товушда:

— Ўғил туғдим, деб онаси қувонган бирорта ўғил бола борми? — деб иягини кўтарди.

Тўпнинг орқа томонида турган Қазилхон қизил деган бир йигит отда, тўпни ёриб ўртага чиқди-да:

— Бор, Удербой оға. Чин ўғил бола бўлмаса ҳам, бундайроғи бор, Удербой... — деб отидан туша бошлади. У кийимини ечиб ҳам ўтирмади: фақат туя жун чакмонининг ўнг енгини ечди, чилвир билан белини боғлади-да, бўш енгини белига қистириб қўйди. Қўжа полвоннинг савлатини кўриб ҳайрон қолган одамлар, йигитни у билан курашга тушишини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. У бели ингичка, яғрини ялпоқ, қотма йигит экан. У ўтирган полвоннинг олдида борганда одамлар:

— Бу бечорани қандай ажал бошлаб келдийкин?! — деб чувиллашди. Йигит бу гапларга парво ҳам қилмади. Полвон, юки оғир туя ўрнидан базўр тургандай, зўрға туриб, қўлларини орқасига ёйди.

Қўжа полвон худди ёш бола билан ўйнашгандек бел ушлашмай, яғринидан олмоқчи бўлиб, қўлини чўза бошлаганда, йигит бўрига чанг солган бургутдек Қўжанинг белидаги белбоғидан шап этиб ушлаб олди-ю, шамол ағдарган тўнкадай гурс эткизиб қулатди. Қўжа полвон гангиб қолган бошини ердан кўтаролмай ётганда, йигит енгини кийиб, отига минди-да, пойга томонига жўнаб кетди.

— Исмини билолмадингизми, Қуимбет оға? — дейишди одамлар қизиқишиб.

— Ундай одам албатта тез маълум бўлади; асли туркманлардан келиб, қозоқларга қўшилиб кетган Муғолбек исмли йигит экан.

— Ё анқов Қўжани ҳадис билан йиқитиб кетдимикин-а? — деди биров.

— Кучи бўлмаса ҳадиснинг ўзи билан нима қила оларди. Унда куч ҳам, чаққонлик ҳам бор. «Ғофил қолди, қайта кураштирамиз», деб Сир тараф чувиллашганда, полвон:

— Ҳеч ҳам ғофил қолганим йўқ. Узидан кучли полвон билан орсиз полвонгина қайта курашади. Мен энди курашни йиғиштирдим, — дебди.

— Муғолбекнинг бошқа жойда курашганини кўргангиз ёки эшитганингиз йўқми? У ҳали ҳаётдир?

— Ҳали ҳаёт. Мен билан тенгдош. Олтойдаги тўрт девон бош қўшиб қилган тўйда ҳамма полвонларни йиқитган бир полвонни йиқитди-ю, шу-шу курашга тушмай қўйди. Узи мақтанишни ёмон кўрадиган, вазмин одам. Унга биров «полвон» деса:

— Менинг отим «полвон» эмас, ўз отимни атаб чакираверинглар, — дерди. Икки ўғли, икки уйли бўлиб, Эсил бўйида туришади.

— Муқонимиз ҳам шундай кураги ерга тегмайдиган полвон бўлиб чиқса обрўсига шерик бўлиб, уйда ўтириб олиб, биз ҳам мақтанамиз-ку ҳали, — деб Муқонга қаради Сафарбой чол.

— Табиий битган куч худди оловга ўхшайди. Борди-ю у ўринли ишлатилса тошни эритиб, темирни чархпалакдек айлантиради. Агар ўринсиз ишлатилса борми, элни ўртайди. Ўринли ишлатиш учун ақл керак...

* * *

Отаси Қизилжарга келганда, Муқоннинг бўшаб чиққанига роппа-роса бир ойдан ошган эди. Одамлар Муқонни меҳмондорчиликка чақиришиб, бири кўйлак, бири чопон бериб, уст-боши ҳам бут бўлиб қолди, ранги рўйи ҳам тузук эди. Илгари Мунгайтпас келиб ўғлининг топган-тутган пулини оз бўлса ҳам олиб қайтарди. Бу сафар ўша пулини ҳам олиб қайтишга кўзи етмай келганди, унинг бу фикри нотўғри бўлиб чиқди. Петька ўлган отнинг терисини шилиб олиб, кўнчига берди. Кўнчи яхшилаб кўн қилиб берди. Муқон уйига қайтадиган куни Петька кўнни йигирма беш сўмга пуллаб, унинг чўнтагига солди-да:

— Сен мана бу пулдан озгинасини уйингга бер-да, қолганини эҳтиёт қил, — деди. — Кунлар исиб кетгандан сўнг сени бир жойга юбормоқчи бўлиб маслаҳатлашиб қўйдик. Фабрикамининг механиги Василийнинг бир оғайниси Оренбург циркида полвон экан, у май ойларида бораман дебди, сени ўшанга қўшиб юборамиз. Укам, кучингни бекорга чанага, аравага сарф қилиб юрасанми, келажаги бор жойга ишлат. Кўпчиликнинг умид-ишончини шундагина оқлайсан, — деди.

Петьканинг сўзини жим ўтириб тинглаган Муқонга у айтган «келажак» шуъладай нур сочиб, гўё бу ёққа

кел, деб чақираётгандай бўлиб туюлди. Бироқ унга қайси йўл билан боришни билмасди.

Мунгайтпас шаҳарга яқинроқ бир қишлоққа келиб тунаганда ўғли Муқон ҳақидаги шубҳа ва ваҳималаридан асар ҳам қолмади. У келиб тушган уйдаги чол Мунгайтпасдан ҳол-аҳвол сўраб, унинг бу ёққа нима учун келганини билгач:

— Э, Эрноқ ботирнинг ўғли Мунгайтпас бўлсанг ҳамма гап тушунарли. Отанг Эрноқни ҳам, онанг Ойсарани ҳам яхши биламан. Онангнинг отаси Луқ полвон билан бир вақтлар қуда-андалигимиз ҳам бўлган экан. Борди-келдимиз камайиб қолган бўлса ҳам, сиртдан суриштириб аҳволларингдан хабардор бўлиб тураман. Набираси ҳақида қайғурган қарияни қувонтириб, суюнчисини оладиган хонаси келиб турган экан-у, аттанг, на чора, бир кун қўниб борадиган жойга олиб бориб қўйгудек улов ҳам, илгаригидай қувват ҳам йўқ. Қариганда шу аҳволга тушиб қолдик... Уғлингнинг хабарини эшитганимизга бир ойдан ошиб кетди. Ҳеч хафа бўлма, қайтага қувон. Суюнчим шу — Ойсарага саломимни етказ. У мендан бир ёш кичик, тенгдош эдик. Боғонали Эрдават десанг билади,— деб у Муқоннинг аҳволи ҳақида батафсил гапириб берди.. Мунгайтпас чолнинг уйдан хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

* * *

Муқоннинг феъли-атвори овул кишиларига ғалати туюларди. У бошқа болаларга ўхшаб бекордан-бекорга қийқириб, чопиб юрмасди, болалар йиғилган жойга худди оғир юк орқалаб олган кишидай вазмин, бир-бир қадам ташлаб борар, болалар ошиқ ўйнаса, у сигир ёки отнинг ошиғини йиғиб олиб, ҳеч кимга озор бермай, ўз ҳолича ўйнарди. Бироқ, унга биров тегса аямасди. Баъзи ота-оналар келиб Муқонни қўрқитмоқчи бўлишса, алпанг-талпанг қилиб қоча олмасди ҳам. Унинг югурганига бошқалар аста юриб, етиб олар эди бемалол. Биров уни жеркиса, у индамай қисиқ кўзларини бир нуқтага тикиб тураверарди, юзидан қўрққан-қўрқмаганлигини билиб бўлмасди. Уни баъзи бир кишилар урарди ҳам, бироқ, у бола бўлиб йиғлашни билмасди. Кейин ўша одамлар ўзларига ва овулдагиларнинг ҳаммасига онасидай бўлиб кетган Ойсарадан узр сўраб:

— Муқонингиз бизнинг Сорманни урган экан, мен

уни ҳайиқсин деб думбасига бир тарсаки туширган эдим, хафа бўлмадингизми? — деса:

— Шу битта тарсакини менга келиб айтадиган бўлса, унинг отини Муқон қўярмидим. Унақа гапларни менга сира айтмайди, — дерди Ойсара.

Шундай қилиб, Муқон бировни урганини ҳам, бировдан калтак еганини ҳам айтмайдиган бўлди.

Соқолли домла кичкина тахтага еттита ҳарфни ёзиб бериб:

— Аъузи, — деса, Муқон уни такрорлаб, — оқ хўкиз, — дерди.

— Ҳа баччағар, сира тўғри айтолмадинг-айтолмадинг-да. Энди бисмилло де! — деса: — пишди мунда, — дерди.

Хуллас, у бир йил ўқиб «А» деган ҳарфнинг қандай ёзилишини ҳам ўрганолмади. Домла жаҳли чиқиб, чивик билан саваларди. У шуни ҳам онасига бориб айтмасди. Муқон яраси тузалгунча мактабга бормай юриб, бир куни эрталаб келади-да, мактабга кирмай эшик олдида туради. Ҳамма талабалар кириб кетади. Кейин мактабга оқ яктак кийиб олган домла кириб кетаётганда, Муқон уни елкасидан йўғон таёқ билан уриб, муккасидан қулатади. Шу-шу у домланинг «аъузи», «бисмилло»си билан бир умрга хайрлашди.

Муқоннинг домлани уриб йиқитганини эшитиб:

— Ажаб бўпти! Болаларнинг айтишига қараганда, домланинг калтагига бола у ёқда турсин, хўкиз ҳам чидаш бера олмас экан. Орқасидан тирқираб қон оққанда ҳам болапақир гинг демабди. Онасига ҳам айтмабди. Ҳали эсини йиғиб олмаган ёш болага шунчалик ҳам азоб берадими? Домладан калтак емаган бола йўқ, — дейишди баъзи бир жони ачиганлар.

Домла Ойсаранинг олдига келиб:

— Бойвучча, манави болангиз қўлимда бир йил ўқиб алифбени уқмаса, ҳам мени уришни ўрганибди. Дафъатан тушириб қолса бўладими, мана бир ҳафтадирки, ўрнимдан туролмай ётибман. Бугун олдингизга судралиб зўрға келдим. Бировга боладан калтак едим дейишга ҳам уяламан, унга бундай қилиқни ким ўргатди? — деди инқиллаб.

Кампир бармоғини оғзида хўллаб, йигириб ўтирган урчуғидаги ипнинг чигалини ёзди-да, далада ўйнаб юрган Муқонга қараб «уҳ» тортди.

— Домла, сени қайси болам урди? Мунгайтпаснинг ундай одати йўқ эди-ку. У умрида бирон кимсани «сан» деган бола эмас... Муқоним бўлса ҳали ёш.

— Мунгайтпасингиз урса унинг важи бошқа эди. Мени анави ўқиш калласига кирмайдиган Муқонингиз урди. Муллага боласини берган киши, «эти сизники, суяги бизники», деб беради. Сабоғини билмагандан кейин, урган эдим, кек сақлаб таёқ билан бир уриб йиқитиб кетди.

Кампир бақрайганча домлага бир оз тикилиб турди-да, ўрнидан бир қўзғалиб:

— Унда айб ўзингда экан-да! Мен боламни олиб борганимда «эти сеники» деганим йўқ эди-ку! Аъзойи баданини ит талагандай қилиб ўқитганингнинг нима кераги бор. Бунинг нимасини менга арз қилиб ўтирибсан?..

— «Болани бошидан...» дегандай, уришиб қўймайсизми?

— Уни уришга менинг чамам келади-ми? Ана, ҳув анави ҳўкизга қара. «Ҳўкизча» деган номи бўлмаса, каттакон ҳўкиздек бор. Шуни миниб ўйнайди, чарчаб қолса улоқдай елкасига олиб уйига кўтариб келади. Ҳўкиз кўтариб ўйнаган болага менинг калтагим кор қилади-ми? Домла, ит билан боланинг қилиғи гапириб ўтиришга арзимади. Мактабга бериб, қарзимдан қутулдим. Аммо сенда ўқиб мулла бўлган одамни кўрмадик. Уқимаса нима қилай.. Йиғлаб-сиқтаб тилаб олган набирам эди. Она сутига оғзи тегмай қолган етимчам,— деди кампир йиғи аралаш қалтираб,— унга озор бериб бўлмайди. Етимга теккан етти дўзахнинг ўтида куяди. Ўзинг домла бўла туриб нега урдинг?— деб қизариб кетган кўзлари билан домлага бир оз тикилиб турди-да, кейин ташқарига чиқиб кетди. Домла ломим деёлмай жўнаб қолди. Шу-шу Муқон қайтиб мактабга бормади.

Тенгқурлари мактабга кетганда, кичик болалар билан ўйнай олмай, мол боқиб юрган болаларга қўшилиб далага чиқиб кетадиган бўлди. Мол боқадиган болаларга эш бўлиши уни меҳнатга ўргатди-ю, ўн икки ёшидан ёлланиб ишлай бошлади.

Ёзда у сўна тегиб, думини хода қилиб қочадиган сигирларни эмас, ювош қўзиларни боқишни маъқул кўрди. У қўзиларини сигир подаларига яқин олиб юрар, туш пайтларида Эсил дарёси ёқасидаги соя-салқин жарликларда дам берар эди. У ўн тўртга қадам қўйганда кучи билан овул одамларини ҳайратда қолдирди.

Овулнинг молларини бир ювош йигит боқар эди. Муқон ёшлигиданоқ у билан бирга мол боқар, ўйнар

эди. Чилланинг иссиқ кунларидан бири эди; икки хўкизча ўйнашиб, сузишиб, жар бошига бориб қолди. Ёш Муқон қайтариб келаман дегунча бири иккинчиси-ни сузиб пастга қулатиб юборди. Баландликдан қалпоқдек учиб тушган хўкизча бўйни синиб тил тортмай ўлди-қолди. Подачи бола уни бўғизлаб, беш-олти чақирим келадиган овулга хабар бераман дегунча, бошқа молларидан айрилиб қоладиган бўлди. Муқон бўлса, қўзилар билан сигирларни бирдай эплай олмайди, қочган молни қувиб етиши қийин. Улган хўкизчани далага ташлаб кетай деса, итми, қушми еб кетади. Овулдагиларнинг уришиб-сўкишидан қўрққан подачи бола йиғлаб юборди.

— Ҳей, нега йиғлайсан? — деди Муқон ҳайрон бўлиб.

— Кўрмайсанми, бу ҳаром қотгурнинг ўлиб қолганини?.. Овулга бориб хабар бериб келай десам, ҳамма молларга бир ўзинг қарай олмайсан. Узингни юборай десам, кечгача зўрга етасан, бу сасиб кетади. Ҳеч бўлмаса гўшти тегмаса эгаси хўкизчани менга тўлаттиради. Бунинг эвазига яна бир йил бировнинг молини боқишим керак. Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади, дегани шу-да. Мен йиғламай ким йиғласин...

— Қўй, йиғлама. Менинг қўзиларимни ҳам сигирларингга қўшиб овулга етказсанг бўлгани.. Мен хўкизчани кўтариб эгасига олиб бориб бераман.

— Қандай қилиб кўтарасан?!

— Бу бизнинг қўнғир хўкизчадан оғир эмас, мен уни кичкиналигимдаёқ кўтарганман. Бу сенга қийин кўринса ҳам, менга унчалик қийин эмас, мана бундай елкамга оламан-у, кетавераман, — деб Муқон хўкизчани елкасига қўйиб, жар бошига олиб чиқди. — Қўзиларимни сигирларингга қўшиб, аста ҳайдаб келавер. Мен мана буни олиб бориб ташлаб, олдиндан чиқаман, — деб жўнаб кетди у.

Ун тўрт яшар боланинг хўкизча кўтариб келгани овулдагиларни ҳайратда қолдирди. Ҳатто, хўкизчанинг қандай ўлгани билан ҳеч кимнинг иши ҳам бўлмади. Полицмейстер олдида унинг бир йили «хўкизни орқалаб келганман» дегани мана шу эди. Шундай қилиб, у ёшлигиданоқ полвон деган ном олди.

ЧҮЧҚА КҮЛДАГИ КУРАШ

Қозон шаҳрининг катта маъракаси — «Сабан тўй» (одат бўйича ҳар йили қўш ҳайдаб бўлгач, шундай тўй билан ёзни қарши олиш) ҳар йили «Чўчқа кўлда» ўтар

эди. Бу маъракага Қозон атрофидаги қишлоқлардан, овуллардан, Самара, Екатерина, Уфа, Злотоус шаҳарларидан ҳам одамлар келишар, бу ер ярмаркага айланар эди.

Атторлар, савдогарлар, ошпазлар, ёғочдан заранг коса қилиб сотадиганлар, дуо ёзадиган муллалар, бахшилар, фолбинлар, дўкондор савдогарлар, яғрини ерга тегмаган полвонлар, пойгачилар, кўз бойлагичларнинг яқин-атрофдагилари ҳар йилги одат бўйича шу ерга тўпланишди. Шу ерда сотиш учун Омскдан савдогар Пресняковнинг минглаб қўйи ҳам ҳайдаб келинди.

* * *

Омскдан иш излаб келган бир гуруҳ одам, қўлидан келадиган иш ахтариб, ҳар қайсиси ҳар ерга ўрнашганда, икки кишининг иши ўнгидан келмай қолди. Уларнинг бири — сарғиш, гавдали, қалин соқоли бет-оғзини қоплаган, мўйлови қўчқор шохига ўхшаб буралиб турарди.

Иш излаб юрган ҳалиги икки одам идорама-идора юриб, ўнбоши, старшиналарга учрашиб қайтишаркан, темир йўлда қатор тизилиб турган эллик-олтмиш қизил вагонни кўриб қолди. Унинг нарёғида, очиқ ерда сурув-сурув қўй, олдига арава-арава пичан олиб келиб ташлашяпти. Бир вагоннинг ёнида одамлар темир илгакли тахтани вагонга илинтиролмай овора бўлишяпти: гоҳ кўтаришади, гоҳ тушириб юбориб, қўл-оёқлари яраланади. Бошига бўрк кийиб олган биров ишчиларни бақириб сўкяпти.

— Беш соат ичида қўйлар вагонга чиқарилиб бўлиши керак. Мана икки соат бўптики, ҳамманг ёпирилишиб битта вагонга кўприк ясаёлмайсанлар. Эй, одам бўлмайд кетинглар! Тфу!

— Ҳой йигитлар, анави тахтани кўтаришиб юборинглар!

— Нима деяпсиз, хўжайин? Биз ҳали сизга ёлланганимизча йўқ-ку! Пул туғадиган молни пул берибгина вагонга орттириш мумкин. Бўлмаса бу аҳволда манави одамлар билан кузгача ҳам юклай олмайсиз... — деди соқолли киши.

Бир томони сал илиниб турган оғир тахта, иккинчи томонини кўтараман деганда ерга гурс этиб тушиб кетди. Елиб-югуриб юрган бир ишчи «войдод, ўлдим!» деб

бақириб юборди. Унинг икки оёғи тахта тагида қолиб, йиқилган экан.

Улар чувиллашиб лўм қидириб, тўпирлашиб юрган-да ҳалиги иккита одамнинг кичиги тахтани кўтариб, тагида қолган одамни суғуриб олди-да:

— Мен бунни темирми десам ёғоч экан-ку. Ундан ортиқ киши шу тахтанинг бир томонини кўтара олмайди-я? Эсиз! Павел оға, нариги томонини суяб юбор, тахтани қўйиб берай мана буларга...

— Қўй, ташла! Пул бермагандан кейин нима қиласан овора бўлиб? Аनावи мешқориннинг ўзи қўйиб олсин!

Йўлдошининг қайсарлигидан ранжиган бола тахтанинг вагон томонидан остига кириб, елкаси билан кўтариб юборган эди, ярим газча тахта вагон ичига кириб кетди.

— Ана, энди бу ёғини ўзларинг эпларсанлар! Юр, кетдик, — деди йўлдошига бола.

Улар кета бошлаган пайтда:

— Эй, шошма, гап бор, — деди хўжайин папиросини устма-уст тортиб. — Хўш, қўйлар ортилиб бўлгунча вагонга тахта қўйиб беришларинг учун қанча ҳақ сўрайсанлар!

— Қўйиб беришимиз бир сўм, тушириб беришимиз бир сўм, ҳар вагон учун икки сўм берасан. Бойларнинг, «ҳаммасини бир йўла оласан», деганига кўнмаймиз. Ҳар ўн вагонга ортилиб бўлганда йигирма сўмдан чўзиб турасан.

— Уҳ-ў! Сен бобонгдан мерос қолган гадоёлик билан бир кундаёқ хайрлашмоқчи экансан-да. Гапни кўп айлантирмагин-у, вагон бошига эллик тийиндан ҳақ ол. Уни ҳам сен учун эмас, мана бу қозоқ боласи учун бераман...

— Эллик тийинингга якшанба куни бой бўлиб ўтган ота-боболарингнинг мазорига бориб ароқ ич! Буржуйлар қандай меҳрибон-а... Руслардан орттириб, қозоқни сийлагиси келади. Юр-э, кетдик. — Иккови анча жойга бориб қолишганда ҳалиги бой одам юбориб, вагон бошига бир сўмданга келишиб, қўй юклашди.

Шундай қилиб, қўй ортилган поезд билан Муқон ҳам Қозонга келди. Уч соатча ишлаб топган пулларини иккаласи бўлиб олишди. Павел Омскда қолди.

Қозон шаҳри яқинидаги кичикроқ бир станцияга олиб бориб туширилган қўйлар Чўчқа кўл ёнидаги ўрмонга ўрнашиб, бир ҳафтача туриб қолди. Муқон қўй-

лар манзилга етказилгунча суткасига бир сўмдан ёл-
ланиб икки вагонга қоровуллик қилиб борган эди. Қўй-
лар туширилгач, у қўйчивон бўлиб қолди.

Қозон меҳмонхоналарининг бирида ётган хўжайинга
учрашиш учун кетган бойнинг хўжалик ишларини бош-
қарувчи кишиси икки кун деганда зўрға келиб, кечаси
турадиган қоровулларни алмаштирди. Кеча анча сал-
қин бўлиб, гулхан ёқишди. Қозонни, чойгумни оловга
осиб, давра қуриб ўтиришган кишилар гурунглаша бош-
ладилар. Гап тағларига босиб ўтиришган қарағай ҳақи-
да борарди:

— Нима, шу ерга уй солмоқчимисанлар? Мунча кат-
та қарағайни қандай қилиб олиб келдинглар? — деди
иш бошқарувчиси.

— Миша турганда ёғоч олиб келиш қийинми, қуриб
қолган дарахтни томир-помири билан қўпориб олиб кел-
лаверди. Қўй демасам, ҳамма ёғочларни олиб келади-
ган.

— Ҳей, тагингга мунча қарағайни уйиб, нима бу,
Қозондан уй қилмоқчимисан? Бу ерда сенга текин ёғоч
йўқ, ҳаммасининг ҳам хўжайини бор! Агар ўрмончи
кўриб қолса борми, киссангдаги бор пулингни қоқиш-
тириб олади-я.

— Бой тўламайдими?

— Бой қаёқдан тўлайди, чиқим кўпайиб кетди, деб
қўйлар турадиган жойга ижара ҳақи берган йўғ-у. Сен
бўлсанг кучингни танангга сиғдиролмай, Қозоннинг қа-
рағайи билан ҳазиллашиб юрибсан.

— Шу болани бой Оренбургга етказиб қўрман, де-
ган эди. Ваъдасида турармикан-а?

— Обориб бўпти... Бекорчи чиқимга бойнинг тоби
борми? Шу ўтирган кўпчилигининг вагон эшигини
очишга ҳам мадоринг келмайди. Йўл-йўлакай оғир меҳ-
натлар шу боланинг зиммасида бўлди. Бой бўлса, қўй-
лар вагондан тушган кундан бошлаб ҳақ тўлама, — де-
ди. Мана, ҳадемай беш кун ўтди. Бу боланинг ҳақини
еган ўнгади дейсанми? Йўлдагисидан ташқари яна уч
кунга ҳақ беришга зўрға кўндирдим бойни.

— Сен Оренбургга олиб бориб қўйишни айтасан,
хўжайин бўлса, меҳмонхонада ётган татар савдогарига
бу болани жуда кучли, деб мақтаб сотиб кетишнинг
пайида юрибди-ю. Бироқ, Қозон савдогари Пресняков-
га осон алданадиган кўринмайди.

— Сенинг малайинг Ҳазрат Али бўлса керак, кў-
райлик. Агар айтганинг рост бўлса, унча-мунча пул

ишлаб олса бўлади. Чўчка кўл байрамида пул тикиб кураш бўлади. Агар кичкина полвонларни йиқитса, катта ютуғи бор Добрий-Рабий Гафрит билан кураштирамиз. Уни ҳам йиқитса, ресторанда икки-уч ўтиришга етадиган пул чиқади, — дейди.

— Э, мен уларнинг «Гафрит» деганини биламан, кўрганман уни, — деди аравакаш ўрнидан учиб туриб. — У бутун Эдил бўйига, Сибирга машҳур овчи. Унутмасам, шу кунда олтишдан ошган бўлса керак. Ёшлигидан батраклик, овчилик қилган. Унинг овлайдиган ови хавфли ҳайвонлар: айиқ, йўлбарс, қўтос. Ўзи умрида қўлига милтиқ олган эмас, милтиқни қандай ушлашни ҳам билмайди. У йиртқичлар билан яккама-якка олишиб, терисини шилиб олаверар экан. Шундай бўлса ҳам полвоннинг бирон ери лат емаган.

— Қўй-э... нима, милтиқли кишини бир ёқли қилиб қўядиган йиртқичларни сеҳрлаб ушларканми! Бу гапинга ким ишонади дейсан.

— Ие, сен ҳали унинг кучига ишонмайсанми? Мана бу бола кўтариб келган қарағайни тўрт киши зўрға кўтарамиз-у, у қаёқда ётибди, бундан кучли. Унинг қўлида болтадан бошқа қурол бўлмас экан. Айиқни у тош ёки ёғоч биланоқ уриб оларкан. Мен сенга, унинг қўтосни қандай қилиб ушлаганини айтиб берай: сен қўтосни силаб-сийпаса сут берадиган сигир деб ўйлама. Унинг кучи гавдасида бўлади. Кучлиликда филдан қолишмайди, ҳар шохи Иван Грознийнинг ўғлини уриб ўлдирган ҳассасидай бор. Улар бузоқлаган пайтида жуда хавфли бўлади.

Бекорчи бойлар нималарни қилмаган дейсиз? Лондонлик бир бой атайлаб Россиядаги бир князь ҳамсоясига хат ёзиб, кема билан одам юборибди. Хатда: «Ҳурматли дўстим, шукр, асл тош, олтин, кумушга унчалик муҳтож эмасман. Қайнотам мол боқишга ишқибоз одам. Россиянинг бир қўтосини олиб келиб боқсам, деб армон қилгани-қилган. Шу ваддан битта кема юбордим. Сиз улуғ мартабали дўстимнинг марҳамати билан илтимосим бажарилишига ишонаман», деб ёзибди.

Фарба хўроз қичқирса бошини саждага қўядиган князь, Сибирь ва Уралдаги дўстларига устма-уст телеграмма бериб, уларни ҳам ҳол-жонига қўймабди. Улар қаерда қўтос борлигини, унинг қайси маҳалда бузоқлашини сўраб, уни ушлаб берадиган одамни қидиришибди. Шунда улар шу Добрий-Рабийни топишибди. Добрий-Рабий ўттиз ёшларда экан ўша пайтларда.

Князнинг топшириғини бажо келтирсам, катта мукофот олсам керак, деб ўйлаган сибирликми ё уралликми бир савдогар, қўл-оёғи ерга тегмай излаб, Добрий-Рабийни топиб, икки ойга ёллабди.

— Узиям роса пулга ботгандир-а?..

— Узинг ҳам оғзинга келганини гапираверадиган одам экансан-да, савдогарнинг ҳисобламай пул берганини ҳеч вақт кўрганмисан? Полвон одам ёш боладек, алдасанг лаққа учадиган бўлади. Қайтага «оғирнинг усти, енгилнинг ости билан юрадиганлар» — сен билан бизлар. У орқа-олдини ўйлаб ўтирибди дейсанми? Савдогар: «Сендан бошқа кишининг қўлидан келмайди, подшонинг қариндошларидан бири илтимос қилган эди. Дунёда сени танимайдиган одам борми, арслоннинг оғзидан озиқ тишини суғуриб олган ботирим битта қўтоснинг бузоғини ушлаб берсин», деб сенга салом айтибди, дея тулкилик қилгандан кейин:

— Хўп, майли, — дебди. Ҳақиға нима берасан ҳам демабди.

Савдогар март, апрель ойларида сотадиган нарсаларини олиб, полвон билан Олтой тоғларига боради. У ердаги овчилар билан гаплашиб, улардан: «Қўтоснинг бузоқлайдиган маҳали бўлди. Агар жонингдан тўймаган бўлсанг, ёввойи қўтоснинг бузоғини оламан, деб овора бўлма. Ҳатто, қўлбола қўтослар ҳам, тоққа чиқиб кетгандагина бўлмаса, бузоғининг олдига яқинлаштирмайди. Унинг бузоғини ҳеч маҳал ёпиқ қўрага қамамайди, фақат очиқ жойда туради. Агар қўра ичидан бузоғининг «мў-ў» деган жойда товушини эшитса борми, унинг девори метиндек бўлса ҳам сузиб, ағдариб ташлайди. Ёввойисига яқинлашишни қўлимизда милтиғимиз бўлганда ҳам хаёлимизга келтирган эмасмиз, — деган сўзни эшитибди.

— Ундай бўлса бу ваҳимали гапларингни мен билан келган полвонга айтмай қўя қолинглар. У йўлбарсни қуённинг боласидай қўли билан тутган полвонлардан. Ёввойи қўтосни излаётган одам подшо Романов авлодидан, бу буйруқни бажармасликнинг иложи йўқ. Фақат, бузоқлаб ётган жойини кўрсатсанглар бўлгани, дебди савдогар.

Олтойлик овчилар Добрий-Рабийни кўриб ҳайрон қолишибди: «Бу ўзгача яратилган одам экан, йўлбарс, айиқни тутса тутгандир-у, бироқ қўтосни ҳали кўрмаган бўлса керак. Буни эргаштириб бориб, қўтос билан милтиқсиз олишганини бир кўрайлик. Милтиғимизни

Ўқлаб шай бўлиб турайлик. Мабодо қўтос зўр келса, орага тушамиз», дейишибди бир гуруҳ овчилар.

Полвон қўтослар ўтлаб юрадиган жойга бориб, дарахнинг катта бир шохини кесиб олибди-да, тоғ оралигида тўпидан ажралиб, бузоғи билан ўтлаб юрган битта қўтосга яқинлашибди. Қорли қояларда юрадиган жуни ўсиқ жониворлар, шунчалик оғир, қўпол гавдаси билан тошдан-тошга такадай сакраб ўйнарган. Эсини танигандан буён тоғу тошларда кучли йиртқичлар билан олишиб ўсган полвон ҳам қўтосга дуч келганда дол қолмабди, уни енгиш пайига тушибди. У қия тош орқасидан келиб, кўзга тушганда, бузоғининг атрофида ўтлаб юрган қўтос ўқдай учиб, ўкирганча полвонга ташланибди, полвон унинг олдини катта бир шох билан тўсибди. Олдинги оёқлари ердан киши бўйи кўтарилган қудратли қўтос, ерга оёқларини тирай олмай, дармонсизланибди. Мугузларига ёпишган кучли қўл уни итариб юборганда, у жардан худди тўпдай юмалаб кетибди. Оғир гавда тегиб қўпорилган тошлар тоғ орасини гумбурлатиб юборибди.

— Епирай, бу тоғни қўпориб юбордими, нима бало, — дейишиб ҳайрон қолишибди мерганлар. Шундай қилиб, у энди оёққа турган бузоқни олиб қайтибди.

— Савдогарлар-ку майли-я, бунинг эвазига князь нима берди экан-а?

— Князь бу ўжар полвонни ўн йилга бадарга қилибди.

— Ие, нега энди?

— Қулоқ сол, бу азобга мана бундай дучор бўлибди: катта ўлжа ҳисобланмиш қўтос бузоғи қўлга теккандан сўнг, савдогар темир йўл бўйидаги бир шаҳарга келиб, Петроградда бузоқни интизор бўлиб кутаётганларга уст-ма-уст телеграмма берибди. Бу хабардан Романов бобоси тирилиб келиб, тахтига қайта ўтиргандай қувонган князь лондонлик дўстига хабар берибди: бузоқни ва уни тутган полвонни Архангельскка олиб келиш учун махсус вагон ёллаганини айтибди. Йўл озиғи, кираси учун савдогарга минг сўм пул бериб юборибди.

— Савдогар унинг юз сўмини ҳам сарфламай олиб боргандир-а...

— Уни ўзимизнинг хўжайиндан сўрарсан. Мен бу ёғини айтай. Булар Архангельскка борса, князь болачақаси билан инглиз кемасига миниб, портда кутиб ўтирган экан. Кема капитани полвонни бузоғи билан суратга олмоқчи бўлибди. Капитаннинг уст-бошига қараб унинг ёт одам эканини кўриб:

— Бу қайси мамлакатнинг одами? — деб сўрабди полвон.

— Э, оғайни, сен ушлаган бузоқ сэр Холмснинг саройида туради. Сенинг исминг унинг кундалик дафтарига ёзиладиган бўлди, — деб мақтанмоқчи бўлибди князь.

— Унда бузоқча Россиядан кетадими?

— Лондонга боради, шунинг учун туттирдик-да буни!..

— Россия қўтосининг бузоғини ёт одамларга бериш учун тутганим йўқ. Ундай бўлса бунинг кўз ёшига қоларканман. Орасининг суяги Олтойда қолган эди, боласининг суяги Оқ денгизда қола қолсин! — деб полвон бузоқни даст кўтариб сувга улоқтирибди.

У мана шу қилиги туфайли ўн йилга бадарға қилинбди. Бадаргадан қайтиб келаётганда йўл-йўлакай қишлоғимизда ўн кунча меҳмон қилганмиз. Мана, шунга ҳам ўн йилча бўлиб қолди. Уни Қозон шаҳри атрофидан чиққан дейишади. Бозорларда кучини кўрсатиб ўзига уст-бош топармиш. Савдогарларнинг манави Муқонни кураштирамиз деган одами ўша, елкаси ерга тегмаган Добрий-Рабий. Агар ярмаркага келадиган бўлса, мен уни кўрмасдан кетмайман. Агар ўша бўлса, эсингда бўлсин, болам, бойларнинг гапига кириб бел ушлаша кўрма.

— Уша одамни кўргим келиб кетди.

— Кўрдингми бас, бойлар сени кураштирамай қўймайди.

— Кураш дейдиган бўлса «қўрқаман» деб айтолмайман-да, — Муқон тонг саҳарда туриб, Чўчқа кўлга қараб йўл олди.

* * *

Халқ маъракасини олқишлагандай ҳаво очиқ ва анча иссиқ бўлди. Овулдан келган икки татар, юнунгина кийинган, улкан гавдали бир кишининг олдидан ўтишаркан, гапни бошқа ёққа бурди:

— Мана буниси ҳам келибди. Қизик, буни қандай йиқитар экан?

— Эдилнинг эманига ўхшайди-я!.. Бироқ халқ эмасми, у билан бел ушлашадиганлар ҳам чиқиб қолар.

— Кураш тушгандан нима фойда, ким курашса тупроқ ялагани курашади. Ҳар йилгидай бойлар мусулмонлар билан христианларни икки тараф қилиб, бир-бирига гиж-гижлаб пул тўплашади. Қайси томон йиқитса ҳам пул бойларнинг чўнтагига тушиб, жон куйдирган

шўрликлар бир четда қолади. Албатта манави полвон йиқитади. Шунда хоч таққанлардан бири: «Эй мусулмонлар, давай, пуллариңни обкелинглар! Бизнинг мужик йиқитди», дейди. Шундан кейин ҳазратим беради, поп олади. Кейинчалик ҳеч ким билмас бўлишиб оладилар. Шайтонлар...

— Э... эл оғзида достон бўлган Добрий-Рабий шуми?

— Настоящий ўзи.

— Шундай дегин. У Сабан тўйга келувчилар ўрта-сида машҳур. Унинг қўли теккан одам йиқиладиган юмшоқ жойни излаб қолса керак... Ўтган йили у ўртага чиқиб ўтирди-ю, бироқ ҳеч ким юрак ютиб талабгор бўлиб чиқмади. Шунда девонбоши: «Қани, пулни чўз!» деди. Ҳазратим юз сўмни тутқаздилар, у пулни киссасига уриб жўнаб қолди. Бу бечорага беш сўм берди, холос. Қолгани девонбошиларнинг ҳамёнига тушди... Бу дунёнинг икки оёқли фирибгарлари, тўрт оёқли йиртқичларни қўрқитган полвоннинг топганини ҳам юлқишади.

— Бу йил ҳам худди шундай бўлади. Улардан нима кетди, терласа, полвон терлайди. Топгани ит билан қушга ем бўлади, деганлари мана шу-да!

— Ана, курашга тушадиган жойга борди. Юр, бориб томоша қиламиз.

— Қўйсангчи, нима қиламиз у ерда. У билан ким курашга тушади дейсан? Бекорга вақтимиз ўтади.

— Қани юр, кучини бозорга солган одамнинг неча пул топганини кўрамиз.

Иккаласи бошлашиб кураш тушиладиган майдонга келишди. Шаҳарнинг семиз бойлари, қорни катта савдогарлари, кимхоб тўн кийган ҳокимлари, бойларнинг ипак, атлас кийган, қулоқ-бўйинларига зеби-зийнат тақиб олган қизлари, хотинлари майдонга тўпланишган. Ўртада бошига худди қозондай салла ўраб олган ҳазрат билан цилиндр кийган поп икки тараф бўлишиб туришибди. Уларнинг нарироғида атрофига болаларни тўплаб олиб Добрий-Рабий турибди. У устидаги эски костюмини ечиб, курашга тушганда киядиган ола майкаси билан трусиди майдонга чиқиб ўтирди.

Икки тарафга бўлинган шаҳар аҳли полвонга яқинлашди:

— Кураш бошланди! — деган товуш «Чўчка кўли» атрофидаги ўрмонни янгротиб юборди. Уни эшитган одамлар, вақтинча савдосини тўхтатиб бўлса ҳам, келиб кўришга шошилишди. Моли кўп дўкандорлар де-

маса, харидорсиз қолган кичик дўкончалар ёпилиб, сотувчилари майдонга чопишди.

Томошабинлар икки тараф бўлиб туришган шаҳарликларни писанд ҳам қилишмади. Улар итариб-туртишиб ўртага киришга ҳаракат қилиб, хотиржамгина ўзларини елпиб турган семизларни туртиб-суртиб, икки тарафни бир-бирига қўшиб юборди. Улар полициячиларнинг қичқирганига ҳам парво қилмай, ўртада ўтирган Добрий-Рабийни кўришга интилишарди.

— Бечора, бой бўлганингда шундай юрармидинг. Кучингни қаерга сарф қилишни билмаганингда шу ерда ўтирибсан-да, — деб ачинган товушлар эшитилади. Шу маҳал одамлар топган-тутганини: биров мато, биров бир думалоқ чой, биров бир қадоқ қанд, биров пул олиб бориб бера бошлади.

Одамларнинг полвонга қилаётган марҳаматини кўра олмадим, ё номуси келдим, терлаб-пишиб турганларни итара-итара олдинга чиққан девонбошининг тилмочи:

— Биродарлар, кейинроқ туринглар. Девонбоши «бунақа қилиш ярамайди», деяпти. Полвонни кураштиришимиз керак. Ким йиқитса, ўшанга мукофотни жанобларининг ўзи беради.

— Қани, миршаблар, мана бу одамларни тартибга чақиринглар, — деб қичқирди аллаким.

— Халқдан тушган пулга зодагонларнинг ўзи кайф-сафо қилиб, полвонга жуда оз беради. Биз ўз кучи билан кўнглимизни кўтарган полвонимизнинг қўлига бераётибмиз. Қани, жанобларингизнинг полвони бўлса чиқсин майдонга.

Уҳ-ў... Буни қара, булар янги гап топишмаса ёрилиб кетади. Полвонни ҳам ўзлариники қилиб олишибди.

— Бўлмасам-чи... «Эр йигит ўзи учун туғилса ҳам, эли учун қурбон бўлади». Мирзаларингизнинг пулидан бошқа нимаси бор? Полвон ҳам, шоир ҳам, олим ҳам, чевар ҳам халқники — бизники. Биз халқмиз. Қани, курашга туширадиган полвонинг бўлса олиб чиқ майдонга, — деди кимдир.

— Худди шундай, тўғри айтяпти у, Добрий-Рабий ўзига ўхшаган камбағаллар билан ҳар йили курашади. Энди бойлар билан ҳам бир курашиб кўрсин.

Кўпчиликнинг бу ҳазилига бойлар жавоб беролмади, аллакимларнинг отини атаб курашишга даъват этишди.

— Йилда шу тақирда курашиб, йиқилиб юрганларни чақириб нима қиласан, мой ейдиган бойлардан чакир, — дейишди одамлар.

Орадан анча вақт ўтди, бироқ майдонга ҳеч ким тушмади. Христианлар томонидан девонбошининг ёрдамчиси олдинга чиқиб:

— Ҳазрат афандим, курашга тушадиган мусулмонингиз бўлмаса ютугимизни беринг,— деди.

Баланд бўйли ҳарф терувчи Симғат деган киши томошабинлар олдига чиқиб:

— Помешчик афандим, жаноблар! Бизнингча, кофир ё мусулмонга бўлингандан кўра, бойлар ва камбағалларга бўлинган тузук бўларди. Шунинг учун ҳам халқ бойлар курашсин,— деяпти. Булар учун кофирми, мусулмонми, барибирга ўхшайди. Бу ер ҳазратларим кўпроқ тилга оладиган, у дунёнинг жаннат билан дўзахда бўладиган «аросат майдони» эмас. Шунинг учун ҳам динга қараб фарқ қилиш ярамайди. Халқ кучли полвонни кўрмоқчи, холос. Бугун худонинг қарғиши теккан камбағаллар билан меҳр-шафқати тушган бойларнинг курашини кўргимиз келади. Бойлардан марҳаматини аямаган худо кучдан ҳам бергандир... Шундайми, Добрий? — деди.

— Давай,— деди полвон ўрнидан туриб.

— Тўғри! Қазиларта еган бойлар билан тузлаган бодринг еган камбағалларнинг курашини ҳам бир кўрайлик,— деб чувиллашди халқ. Илгари интилган халқни полицмейстерлар орқага итариб, тартибга чақирди. Ҳеч ким ўртага тушмади. Ҳазрат билан поп бир-бирига яқинлашиб ютуқ пулни ундиришмоқчи бўлишди. Симғат девонбошининг ёрдамчисига қараб:

— Тақсир, курашга тушадиган одам бойлардан топилмаса, халқдан топилиб қолар. Сизлар пул олишга шошилмасанглар ҳам бўлади. Мана, биз излаймиз,— деди.

— Симғат обзи, йигирма беш тийинлик ромнинг кайфи нима бўларди. Мана, ҳалитданоқ қулоғинг қизариб кетди. Вақтни бой беришнинг нима кераги бор.

Симғат бир нима демоқчи бўлиб унинг башарасига тикилди-ю, бироқ ҳеч нима демади. У халққа қараб:

— Оғайнилар, бизнинг мақсадимиз пойга олиш эмас, балки томоша кўриб, кўнгил очиш. Қани, Добрий-Рабийдан кураш ўрганаман деган талабгор борми? Йиқитаман деб эмас, кураш ўрганаман деб ўртага тушсин бор бўлса.

Полвон Сабан тўйга келадиган ҳамма полвонларни йиқитиб бўлган эди. Ҳеч ким «мен бор» деб ўртага чиқмади, фақат, ким чиқар экан дегандай атрофдаги одамларга ола-зарак бўлиб қарарди.

— Эдил буйи фақат Добрийнигина яратмагандир. Қани, борми талабгор?— бу гал Симғатнинг товуши қаттиқроқ эшитилди. Шу маҳал одамлар орасидан оломонни нари-бери итариб кимдир олдинга чиқди.

— Эдил яратмаган бўлса Эсил яратган. Мана, мен борман,— деб устига эски туя жунли чакмон, бошига сирма чит дўппи, оёғига этик кийиб олган бир қора йигит ўртага тушди. Унинг гавдаси Добрий-Рабийникидай бўлмаса ҳам шунга етарли экан. Халқ ҳалиги нотаниш йигитга ҳайратланиб қаради. Ҳамлакор арслондай вазмин ўртага тушган йигитнинг қисқ, сузилган кўзларига полвон ҳам тикилди. Мўйлови эндигина сабза урган ёш йигит ўзини жуда эркин тугарди.

Бу нотаниш йигитни кўриб, йиғилганлар ҳайрон бўлишди. Бирдан кўтарилган шов-шув сув қуйгандай тинди. Симғат йигитга пешвоз юриб, кекса полвонга икки қадам қолганда, уни тўхтатди.

— Нега чиқдинг, укам?

— Курашмоқчиман.

— Э, шундайми. Сабр қил. Қаердан келдинг, қайси уруғдансан?

— Оқмўладанман, Эсил буйидан. Қозоқман.

— Ҳали ёшга ўхшайсан. Нечага кирдинг?

— Ўн тўққиздаман. Ёш эмасман.

— Нечадаман дейди?— деган товушлар эшитилди атрофдан.

— Ҳали ёш, ўн тўққизда,— деб қичқирди Симғат ҳам русчалаб, ҳам татарчалаб.

— Э, ҳали ёш экан. Увол бўлади-ку,— деган товушлар эшитилди.

— Яша, ука, азамат экансан. Эдил буйидагиларни тамом йиқитиб бўлган полвонни йиқитолмасанг ҳам, ўрганиш учун курашганинг маъқул. Сени ёш деяпмизку, лекин ўртага тушиб курашадиган каттамиз қани... Майли, йиқилсанг ҳам пойга берамиз.

— Симғат, йиқилганда ҳам пойга тўлайдиган қанча пулинг бор?— деди девонбошининг тилмочи.

— Жанобларининг йиқитган кишига берадиган нечапули бор?

— Ҳазратда юз, попда юз — икки юз сўм...

— Шу бола йиқилса ҳам уч юз сўм берганим бўлсин.

— Бунча пул сен тугул отангинг пешанасига ҳам битмаган эди-ку.. Қаёқдан оласан шунча пулни?

— Ундай бўлса йиқилганига минг сўм берганим бўлсин.

— Гапни кўпайтирмай, чўнтагингдан уч юз сўмоқ чиқсинчи, кўрайлик кучингни.

— Мана сенга пул. Неча минг керак,— деб Симфат халқни кўрсатди.— Ҳар қайсиси йигирма тийиндан берганда ҳам анча пул йиғилади. Мирзаларингнинг икки юз сўмига ўзларинг шароб олиб ичақолинглар. Қани, Иброй, Хути, Сергей, Ёқуб, Файзулла, Михаил! Пул йиғинглар. Мана мен беш сўм бердим. Ёш полвон билан кекса полвонни кураштириб, томоша қиламиз. Халқнинг қанчалик сахийлигини алломалар бир кўриб қўйсин.

— Ака, мен ўртага йиқилиш учун тушмайман. Бир бел ушлашдимми, катта-кичиклигига қарамайман. Йиқитмасам пулларингизни олмайман ҳам,— деди ёш полвон.

Симфат ёш полвонга қараб илжайди-да, унинг сўзини кекса полвонга тушунтирди.

— Майли, бундай довюрак бола билан курашганим учун мен ҳам номус қилмаганим бўлсин. У чинакам полвончасига гапирди, «ўрни келганда отангни ҳам аяма», деган қадимгилар.

Олдинга интилган халқни орқага суриб, тартибга чақирувчилар кўпайишиб қолди. Майдон кенгайиб, одам устига одам оқиб кела бошлади. Поп билан ҳазрат пул бўлашиб олишни тўхтагиб, курашмоқчи бўлганларнинг ким эканлигини билиб олишмоқчи бўлишди.

— Ҳазрат афандим, энди қандай бўлади? Бўлиниб турамизми ё бирга тураверамизми?

— Бўлмасам-чи, господин поп. Рост, мусулмон билан христиан курашгандан кейин, албатта бўлиниб туриш керак.

— Ёш полвоннинг миллати нима экан?

— Қозоқ.

— Ҳазрат афандим, эсингизда борми, бир вақтлар икковимиз Россия халқларининг қайсиси қайси динга мансуб эканлиги ҳақида гапиришгандик. Ушанда сиз: «Қозоқ халқининг юздан биригина намоз ўқийди. Улар ҳам китобдагидек эмас, «оқ қўйнинг калласи, қора қўйнинг калласи», деб бузиб ўқишади. Шундай экан, уларни мусулмон деса ҳам бўлади, демаса ҳам бўлади», деб қозоқ билан татар жирларидан далил келтириб, бир оғиз ўлан айтгансиз-а! Ҳатто мени яхши тушунсин, деб таржима ҳам қилиб берган эдингиз. Ёдингиздан чиқмаган бўлса у бундай бошланарди:

Қозоқларда манман деган ботирлар кўп,
Бермагани улар тортиб сийшади.
Кўчманчи у, солиб қўйган мачити йўқ,
Ривоятда: «Қозоқ — кофир» дейишади.

Хўш, эсингиздадир-а? Шундай экан, бундай дини номаълум одам учун нимасига бўлинамиз? Қозоқ кофир бўлса — бу ҳам рус-да.

— Бўлмаса ўзидан сўраб қўя қолайлик, — деди ҳазрат. — Ибадулла, қани, сен билиб келгин-чи!

Муфти келиб:

— Молай, ёзирға кирак... Син қайси динда?

— Мен унақа гапларни билмайман, қозоқман.

— Ҳазрат афандим, билмий, — деб қайтиб келди Ибадулла муфти.

— Албатта ўқимаган киши билмий. Юрий господин, инди у қозоқ бўлғач, ҳар ҳолда мусулмон бўлади-да, — деди ҳазрат.

— Майли, ким бўлса ҳам курашаверсин, — деди поп.

— Фамилиянгни айт, девонбоши ёзиб қўй деяпти, — деди ёрдамчи унинг олдиға келиб.

— Муқон.

— Бу отангнинг отими ё ўзингникими?

— Отаннинг оти Мунгайтпас, уни нима қиласан? Курашадиган мен, ўзимни ёзсанг бўлди-да.

— Қани, тайёрлан молай, инди курашасинг.

— Аллақачон тайёр бўлганман.

— Кийимларингни ечмайсанми?

— Нима, кийимимни ечиб сув кечармидим? Шундай курашавераман-да.

— Йўқ, бу бўлмайди. Мана бу полвонга ўхшаб, ечиниб кураш. Мана, сени кияди деб майка, труси олдирдим, — деб Симғат бир бола олиб келган қоғозға ўроғлиқ нарсани чўзди.

— Майли, полвонга аталган кийим бўлса, тура турсин, полвон бўлганимдан кейин киярман. Ҳозирча шундоқ курашавераман, — деб, у шердай пишқириб турган Добрий-Рабий билан беллаша кетди.

— Бу бола кекса полвон учун бир нафаслик гап. Олада сўға, — дейишди баъзи бировлар.

— Ана, илк силкинувдан қолди фақир, — деди кимдир.

— Молайнинг белбоғи узилди, — деб чувуллашди болалар.

— Ана, ана, белини қучоқлади. Энди кўтаради, — деди биров.

- Қўли темирдек узилиб кетди, Эҳ!..

- Қорт ингаша, инди ёта, ёта-да, ота молайни... — деди биров.

Қари полвоннинг энг синалган ҳадисларидан бири шу эди; ётиб қолиб, ёнбоши билан отиб юборар эди. Уни баъзи бир одамлар, йиқилди, деб алданиб қоларди. Бундай ҳадисни илгари болалардан кўп кўрган Муқон, унинг белини маҳкам ушлаб, тиззаси билан биқинидан кўтариб юборди.

— Ана, шу полвон кекса полвонни тўнкадай елкасига кўтариб олди, — деб чувиллашди атрофдагилар. Оёғи ердан узилган кекса полвон ёш полвоннинг белидан ушлайман деб ҳар қанча уринмасин, ушлай олмади.

— Кўтариб ур, — деди бир чол.

Ёш полвон Добрий-Рабийни кўтарганча тўрт-беш қадам юрди-да, ерга тиккасидан қўйди.

— Бола йиқитолмади, — деди девонбоши.

— Йиқитади. Қайта кураштирамиз, — деди муфти.

— Мен йиқилдим, — деди кекса полвон, — мен ўз кучим билан бўшаб чиққаним йўқ, бола бўшатди. Ўзимдан кучли, ёш бир полвон етишиб чиққани учун бахтиёрман. Ёнбошим ерга тегмаган эди, ерга тегмай қаридим. Энди мен курашишни ташладим. Ҳурматли ватандошларим! Менга камбағалсан, деб полвонлик илмини ўргатишмади. Эҳтимол, мен Эдил бўйигагина эмас, балки бутун дунёга машҳур бўлардим. Энди илтимосим шуки, мана бу ёшни тарбиялаб, дунёга танилиши учун ёрдам беринглар, — деди у халққа мурожаат қилиб.

Файзулла билан Сергей халқдан йиғилган бир халта кумуш танга билан бир рўмол қоғоз пулни олиб келиб Симғатнинг қўлига берди.

Симғат, одамлардан бир четда, сув бўйидаги қулаган дарахт устида ўтирган икки полвоннинг олдига борди. Унинг орқасидан эргашган оломонни ёриб чиққан бир кампир:

— Симғат, ма, мана бу кампирлар йиққан сийловни ҳам ол. Пули оз-у, бироқ сирға, билагузук, узукларини ҳам беришди. Полвонларга бер. Катта полвоннинг хотин, бола-чақаси, кичик полвоннинг онаси, қариндошлари бордир, — деб қўлидаги тугунчасини Симғатга узатди.

— Мана, менинг сийловимни ҳам ол. Қиши билан Чўчқа кўлдаги хазинасини пойлаганим учун бой берган тортиқ камзул эди. Полвонлардан бирига бер, роҳат

қилиб кийишсин,— деди бир татар чол сатин камзулини узатиб.

Кимдир биров терлаб-тепчиб бир қучоқ: барқут дўппи, уч-тўртта бир метр-ярим метрлик қуроқ мате чети ҳошияли рўмол, яна анча майда-чуйда нарсаларни олиб келиб, икки полвоннинг ўртасига ташлади.

— Мана сенга, Симғат, халқ сийлови. Қайси бирига берсанг ҳам ихтиёр ўзингда. Йигилганини яна олиб келади.

Одамлар полвонлар томонга оққанда, беш-олти нафар бой ёлғиз ўзлари қаққайишиб қолишди. Бир оз тургач, араваларини чақиритиб тарқаша бошлади. Томоша кўргиси келган баъзи ёшларга ўқрайишиб қараб, аравакашига «ҳайда!» дегандай қўл силташди.

Полвонларни ўраб олган одамлар орасидан бўйнига чолғу осиб, юпунгина кийинган, икки боласини эргаштирган бир чол олдинга чиқди. Чолнинг бўйнига осиб олган чолғуси болаларни қизиқтириб қолди, у одатдаги музыка асбобларининг биронтасига ўхшамасди; тўрт бурчакли ҳам эмас, уч бурчакли ҳам эмас. Аллақандай юпқа тахтадан эгиб ясалган. Усти тери билан қопланган бўлиб, бир неча ингичка сим тортилган эди. Жиякларида бурайдиган мурувватлари ҳам бор. Уни қандай бураб, қандай созлашини ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Бироқ, чолнинг ориқ қўли тегиши билан ундан гоҳ қайғу, гоҳ қувончни ифода қилувчи оҳанрабо куйлар янграрди.

Чол ўртага чиқиб, ўша чолғусини қўлига олди-да, ҳали ҳеч ким эшитмаган янги куйни чала бошлади. Дастлаб бу куй худди момақалдироқдай чақнаб гулдуреди-ю, сўнг шамолнинг ёхуд сув тўлқинининг қирғоққа урилишини эслатувчи жўшқин бир товушни ифодалади.

— Бу қанақа куй? — деди биров.

— Кучни ифодалайдиган куй.

— Ашуласи йўқми?

— Бор.

Шу пайт икки боланинг ингичка товуши гитарага жўр бўлди:

Жўш урса кучлар,
Жам бўлса кучлар,
Денгиз қалқиб тошади.
Тўлқинда тошлар

Ялтирай бошлар,
Кема баланд ошади.
Укириб довул
Тошларни буткул —
Учирар овлоқ,
Қулашар жарлар,
Ийглашар горлар,
Атроф сукутда бироқ.
Қайнаб тошса куч
Тўсиқ келмас дуч,
Инсондан кучли ким бор?
Қуриган кўлни,
Қақраган чўлни
Обод этар одамлар.
Меҳнаткаш эрлар
Тўкишиб терлар,
Безатар юрт савлатин.
Ботир кишилар
Мардона ишлар,
Яратар бахт-давлатин...

Икки кўзи чирт юмуқ чол офтобга қараб олиб чолғусини чалаверди. У икки боласининг ашуласини ҳам унутиб, аллақандай қаҳ-қаҳ кулги, қандайдир шарт шурт урилган шапалоқни эслатувчи бир куйни чаларкан, узун, ориқ бармоқлари торлар устида тинмай югурар, хаёли эса оламни чарх уриб кезарди. Гитарачи чолнинг ёнбошида ўтирган қариялар ҳам чуқур хаёлга чўмиб, узоқ-узоқларга тикилганча соқолларини силашиб ўтиришар, баъзан эса, «э воҳ» деб, ички дардларини ташқарига чиқаргандай бўлардилар. Қулаган дарахт устида ўтирган ёш полвон секин келиб, чўнтагидан эллик тийинлик кумуш тангани гитарачи чолнинг олдига ташлади:

— Куйингиз яхши экан... бахтли бўлинг, — деди у. Добрий-Рабий бўлса ўрнидан турмаёқ, чўнтагидан бир сўмлик кумуш танга олиб чолнинг олдига улоқтирди. У:

— Асл куй экан. Чал, чалавер, мана бу бечора халқ эшитсин, — деди.

Бир четда, дарахтга суяниб турган иш кийимидаги бир киши ўртага яқинлашиб:

— Қария, миллат куйини чалиб беринг, — деб икки боланинг ўртасига бир танга ташлади. Уни болалар олиб, чолнинг олдига ташлаймиз деб, чолғунинг ичига

тушириб юборди. Куй бузилди. Чол юмган кўзларини беихтиёр очиб, ўртага яқинлашган ишчига тикилганча:

Миллат дийлар, миллат дийлар,
Миллат учун бит дийлар.
Миллат куйи — бирлар учун,
Кўп қардошга етмийлар, —

деб ашула айтди-да, кейин гитарасини ёнига олиб қўйди.

Қўлидаги пулларини тезроқ эгаларига топширишга шошилиб турган Симғат, иккига тенг бўлди-да, қулаган дарахт устида ўтирган икки полвон олдига қўйди.

— Жигарларим, бу халқ тортиғи. Халқ бир томчидан сув берса — денгиз бўлади, биттадан тариқ берса — тоғ бўлади. Мана бу беш юз саксон икки сўму етмиш тийин иккалангга тенг бўлинди.

Кекса полвон ўрнидан ирғиб турди:

— Кўрсатаётган илтифотларингиз учун қуллуқ. Бу пул мана бу ёш полвонни ўқитиш учун сарф қилинса. Мен шу пулни тополмаганимдан, қаригунча эл ичидан чиқолмай қолдим. Кераксиз маҳалда топилган хазинадан на фойда? Бу пул мана бунга берилсин, — деб у ёнидаги халтани Муқонга томон суриб қўйди.

— Мен бу кучни муладан олганим йўқ. Қулоғимдан чўзиб, дарра билан ургандан кейин кетиб қолганман. Отам билан бобом ўқимасданоқ — Луқ, Эрноқ полвон деб ном таратган экан. Менга пул тўлаб ўқишнинг нима кераги бор. Уқишга борсам яна биттаси қулоғимдан чўзади. Ундан кўра бу пулларни сен ол, болачақанг бор, — деб Муқон пулни Добрий-Рабийнинг олдига сурди.

— Бўлиб олаверинглар, — деб Симғат пулни яна иккига бўлиб қўйди.

— Сен олиб ўқигин, — деб кекса полвон Муқонга томон сурди.

— Йў-й-йўқ, сен ол, — Муқон халтани нари сурганда унинг қўли Добрий-Рабийнинг қўлига тақалди.

БАТРАК — АКМОЛИНСКИЙ

Муқоннинг Омскда қилган орзуси Қозон шаҳрида бир неча кун турганидан кейин ўзгарди. Бунга қуйидаги воқеа сабаб бўлди.

Сабан тўйи тамом бўлай деб қолганда Қозонга катта шаҳарларнинг биридан сайёр цирк артистлари ке-

либ қолишди. Улар ичида масхарабоз, дорбозлардан ташқари, саккизта полвон бор эди. Цирк дастлаб очилган кунлари Файзулла, Симғатлар билан бирга Муқон ҳам келиб томоша қилди; у саҳнада саф тортиб турган полвонларни кўрганда оғзи очилиб қолди. У ҳатто қўлларини мушт қилиб олган эди.

— Молай, нима қилиб ўтирибсан? Нима бало, кўр-қиб ўтирибсанми? — деди ёнида ўтирган йўлдошларидан бири. Муқон унинг сўзига парво қилмади, гўё мудраб ўтирган одамдай индамади ҳам.

— Нега индамайсан? — деб биқинига туртди ҳалиги одам. У секин ёнига қараб:

— Булар кимлар? — деди саҳна ўртасида айланиб, сафга тизилган полвонларни кўрсатиб.

— Буларнинг кимлигини ҳозир кўрасан.

Цирк, одатдагидек, аввало томошани кичик-кичик номерлардан бошлади; акробатчилар, чавандозлар, масхарабозлар чиқди. Муқонга буларнинг ҳаммаси ёқмади.

— Ҳалиги полвонлар қаёққа кетди? Кураши қачон бошланади, куттиравериб тоқатимни тоқ қилди-ку, — деб ёнидаги йўлдошига қаради.

— Ошиқма, молай, ҳозир бўлади. Кўраётганларнинг қизиқ эмасми?

— Бунинг нимаси қизиқ? Бу овулимиз болалари ўйнайдиган «Олтибоқон», «Откеншек», «Сирик оёқ» деган ўйинлар-ку.

— Чавандозлар-чи?

— Шу ҳам ўйин бўптими? Овулда улоқ чопишиб кўп одам майиб бўлган. Бувим: «Отга минсанг аста юргин, йиқилиб майиб бўласан», деган. Отни аравага қўшмаса, салт минишни ёмон кўраман.

Танаффусдан сўнг, ўрталикдаги майдонни супуриб-сидириб, етти-саккиз одам араванинг филдирагига ўхшаган оғир бир нарсаларни зўрға ўртага олиб чиқишди.

— Молай, мана энди чиқади полвонлар. Уша саккиз одам кўтаролмаётган чўянни бир полвон кўтаради. Кўрдингми, қанақа кучли! — деб қўлини ишқалаб қўйди ёнида ўтирганлардан бири.

— Хўш, кўтарса нима бўпти... Бу саккиз одам «саксони йиғилиб томоша кўрсатадиган» ботирлардан-ку. Тезроқ курашини кўрсатмайдими, — деб мушти билан ёнбошига таянди Муқон кўзини қисиб.

Темир кўтарадиган полвонни кутиб ўтирганида, ўртага ботинкасининг тумшуги ярим газ келадиган, бошига шляпа кийган, қўлида йўғон таёғи бор биттаси

чиқиб, томошабинларга бош қимирлатиб таъзим қилди.

— Буниси нимаси? Темир кўтарадигани шуми?

У худди, «мен» дегандай бошини лиқиллатди.

— Қўй-э, бу супургини ҳам кўтаролмайдиган бир шўрлик-ку, — деди Муқон.

Масхарабоз қўлидаги йўғон таёғи билан Муқонга ташланди. Ўрнидан сапчиб турган Муқонни ёнидагилар ушлаб қолди. У таёғини найза қилиб қарши келди-ю, индамай оғзини қийшайтирди, кўзини олайтирди. Одамлар кулавериб ичак-силласи қотди.

— Бу ким? Нима, мени урмоқчими?

— Сени худо сақлади, молай, урмади. Урганда ҳам нақ сулайтириб қўярди.

— Қўй-э, бунинг ургани нима бўларди? Қулоғидан ушлаб улоқтириб юборарман!

— Уни улоқтиролмайсан. Бу ана шу саккиз полвоннинг отаси, ана, ишонмасанг, анави темирни қандай кўтарганини кўргин, — деди кулавериб ичак-човоғи узилаёзган йўлдоши.

У қўлидаги таёғини Муқонга бир ўқталди-да, улоқтириб юборди. Кейин темирга қараб, унинг атрофидан бир айланди. Темирга қўлини чўзди-ю, бошини чайқади. Бош кийимини ечиб, яна қўлини чўзди. Уҳ тортиб, пешанасини рўмолчаси билан артди, устки кийимларини ечди. Оёғи билан гилдиракни бир тепиб, ўзи чалқанчасидан тушди. Одамлар гур этиб кулишди.

Одамларнинг кулганидан Муқоннинг жаҳли чиқди.

— Нимасига куласанлар? Қани курашади дегани. Маңа бу масхарабоз овулимиздаги «ойқулоқ, нонкам-пир» деган ўйинни қияпти, холос. Буни болалар ҳам қила олади. Мен цирк дегани полвонларни кўрсатадиган, полвонликка ўргатадиган мактабми десам, бу фирт болаларнинг ўйини-ку. Оренбургга борганимда ҳам шунини кўраманми?

— Албатта, цирк бўлгандан кейин...

— Ундай бўлса, мен бормайман.

* * *

Муқон интизорлик билан кутган кураш ҳам бошланди. У ҳар куни томошанинг иккинчи ярми — яъни курашнинггина томоша қилди. Бироқ, французча курашнинг нималигини тушунмаган Муқонни бу томошалар унча қизиқтирмади. Унга бу курашда, гўё полвонлар кучи етганини йиқитиб кетаверадигандек туюлди. Ал-

помишникадай йўгон билаклари билан бирини-бири итаришгани-итаришган. Бири бирини йиқитса ҳам, «яғрини ерга тегмади», деб қайта кураштиради. Бир жуфт полвон бир-бирини бир неча кунгача йиқита олмас, йиқитса ҳам зўр-базўр йиқилар эди. Одамлар қизиқиб кўрадиган «майда-чуйда» томошаларни Муқоннинг кўргиси келмас эди.

Муқонни кузга яқин спорт мактабига жойлаштириш мақсадида юрган босмахона ишчилари, уни цирк ҳунари билан олдиндан таниш бўлишини маъқул кўриб, ҳар куни томошага олиб тушадиган бўлишди. Муқон ўзига акадек бўлиб қолган Симғатга бир неча бор курашга тушгиси келиб юрганини айтса ҳам, у маъқул кўрмади.

— Сен ҳали шошилма. Кураш усулини билмай туриб, ўртага тушиб бўлмайди. Нотаниш полвонлар ичида сенга жони ачийдигани йўқ. Улар ўзларининг обрўйи учун, сен йиқитсанг ҳам «йиқитгани йўқ» деб тураверади. Сенга аввало устоз керак, устоз бўладиган одам бу ерда йўқ. Устоз топиб, сени унга олиб берамиз. Ҳозирча курашни кўриб, кўзинг ўргана берсин, — деб маслаҳат берди Симғат.

Ишчилар ётоғининг бир кичкина ҳужрасида ётган Муқоннинг алламаҳалгача уйқуси келмади. Симғатнинг «устоз керак» деган сўзи унга бувисининг: «Қароғим, катта бўлганингдан кейин, яғрини ерга тегмаган Эржон полвоннинг олдига олиб бориб фотиҳасини олиб бераман», деган сўзини эслатди. Кейин у: «Шу фотиҳани нега анов куни Добрий-Рабийдан ола қолмадим», деб афсусланди. Шу хаёллар билан ухлаб қолган Муқоннинг тушига бувиси кирди.

«Эсил тошиб, унинг бўйи мевали дарахтлар билан тўлиб кетганмиш. Ҳосилининг кўплигидан дарахт шохлари эгилиб, меваларидан эса шарбат томармиш... Юртидаги ҳамма таниш-билишлари шоду хуррам, тўйу томошада юришганмиш. Узи кўрган Қизилжар, Ўмби, Қозон шаҳарларининг аҳолиси ҳам шу маърақада юрганмиш... Сафарбойнинг уйида сўз қилишган полвонлар, цирк полвонлари бир майдонда қатор саф тортиб ўтиришганмиш. Шунда бошида каттакон шохи бор бир полвон ўртага чиқиб: «Қани, курашадиганлар борми», деб сўрабди. Ҳеч ким индамагач: «Талабгор йўқ бўлса, совринни олиб кел! Мен совринни курашмаёқ оламан...» — деб мақтанибди шохли полвон. «Шошма, бундай қилиш ярамайди. Курашадиган киши нега топилмасин, чиқиб қо-

лар, сабр қил», дебди бир ола отга миниб олган оқ соқолли чол. «Буви, мен курашай», — дебди шунда Муқон. Бувиси эса: «Чўчқа кўлга борганингда катта полвон сени шоғирдим деган эди-ку, сен унинг рухсатисиз ҳеч ким билан курашма! Аҳмоқлик қилма! Уша отангдан ўрган», — деб бақариб берибди.

Ўз товушидан уйғониб кетган Муқон ўрнидан туриб, кўзини очса, кун чиқиб ишчилар ишига кетаётган маҳал экан. У ўйлаб ўтириб-ўтириб: «Одамнинг ўнгида ўйлаб юрганлари тушида ғалати бўлиб кўринар экан-да», деб кўйди.

* * *

Курашга берилган Муқон Добрий-Рабийнинг қишлоғига бориб, у билан учрашди. Добрий-Рабийнинг қизи билан ўғли худди қариндоши келгандай хурсанд бўлишди. Муқон унга шаҳарга цирк келганини, ундаги кўп гапларига кекса полвон тушунмаса ҳам, уни маъқуллаб, Дядя Иван номига хат ёзиб берди. Муқон хатда менинг кураш тушишимга ҳам розилик берди, деб ўйлаб, ўзида йўқ севинди. У эртасигаёқ Қозонга етиб келиб, ётоқхонада тунади. Эрталаб дўстлари:

— Молай, сен қаёққа йўқолиб кетдинг? Сени қочиб кетди, деб одамлар бизларни масхара қилишяпти.

— Ким масхара қилади?

— Сен кетган куни Камол бойнинг одами икки марта излаб келди. Бойлар ўзаро маслаҳатлашиб, цирк полвонлари билан пойга тикиб, кураштирмоқчи бўлишган бўлса керак. Қаёққа кетганингни билмагандан сўнг, қочиб кетди, деб гап тарқатишибди.

— Симғат ога қани?

— У, бой юборган одамларга: «Биз уни ўқитмай туриб, курашга солмаймиз. Бойлар совринга тикмоқчи бўлган пулларига ҳозирча карта ўйнаб туришсин», деб жавоб берди. Ўзи кечадан бери сени излаб юрган бўлса керак, икки кундан буён йўқ.

Симғат кечгача ҳам келмади. Муқон тўрт-беш таниш йигитлар билан цирк бошланиши олдидан келди. Бу кунларда циркнинг пул учун курашадиган эрмак курашлари ҳамманинг меъдасига тегиб одамлар кам келадиган бўлди, бугун ҳам кўп жой бўш, томошабинлар худди тақир ерда битган тариқдай сийрак ўтиришибди. Цирк бошлиқлари ҳафсаласи пир бўлган томошабинларни қайта қизиқтириш учун янгироқ репертуар излаётган

маҳал эди. Одатдагидай, ўйиннинг кўп қисмини кўрмай, беҳафсала ўтирган Муқон полвонларнинг ўйинидан зе-рикиб кетди, у «Симғат билан маслаҳатлашмай кураш туша кўрма» деганларини унутиб шартта ўрнидан туриб, цирк бошлиғининг олдига борди. Кўзига онда-сонда ту-шиб юрган одами олдига келгандан сўнг, цирк бошқарув-чиси Сафронов унга бошдан-оёқ бир назар ташлади-да, саҳнадаги кураш тугагунча уни олдинги қатордаги жой-лардан биттасига ўтқазиб қўйди.

— Хўш, нима демоқчисан? — деди бошқарувчи йи-гирма минут олишиб, бир-бирини йиқитолмаган икки полвонни ўтқазиб бўлиб.

— Мана бу полвонлар билан курашсам бўладими?

— Ҳў-ў... бизлар билан курашадиган киши келиб-ди! — деб ҳали ўпкасини босиб олмаган икки полвон Муқоннинг олдига келишди. Бошқарувчи:

— Ҳовлиқманглар! — дегандай қўлини силтаб, ку-рашга тушмоқчи бўлган болани суриштира бошлади.

— Ёшинг нечада?

Муқон бир оз дудуқланиб:

— Утгизларга келиб қолган бўлсам керак... — деди, ҳақиқий ёшимни айтсам кураштирмай қўяр, деган хавф билан.

— Қўй-э, кўп бўлса йигирмага киргандирсан, — де-ди бошқарувчи ҳали болалиги сезилиб турган Муқонга тикилиб.

— Бу мен билан тенг, — деди ёнида эргашиб кел-ган бола, — ўн тўққизда.

— Ҳа, мен янглишмабман. Нега ёшингни яширасан?

— Яширганим йўқ. Ёшни ошириб айтган яхши бў-лади, деганди бувим. Ёшим йигирмадан ошиб кетди. Мана бу бола шунчаки айтди-қўйди. Кураштирсанг бўл-гани.

— Бу билан ади-бади айтишиб ўтиришнинг нима кераги бор! Курашгиси келса бу ёққа юбор, бирпасда кулга ағанаган кучукдай ағанатай, — деди полвонлардан бири кулиб.

— Чиранма! Ҳали кўрамиз кулга ким ағанар экан, — деди бошқарувчи полвонга қараб, кейин Муқондан сўра-ди: — Сен қозонликмисан?

— Йўқ, Оқмўладан келдим.

— Қирғизмисан?

— Ҳа.

— Бўпти бўлмаса. Урнингга бориб ўтира тур, ўйин тугагандан кейин гаплашамиз.

Эртаси куни цирк афишаси жуда ғалати бўлиб чиқди. Сафда турган саккиз полвоннинг қаршисида юпунгина кийинган бола турибди. Бошида жиякли, чий қалпоқ, белида йўғон белбоғ. Унинг остида: «Сайёр циркнинг саккиз полвони билан маҳаллий кураш усулида Батрак-Акмолинский курашади», деб ёзилган. Бу афиша томошабинлар учун янгилик эди. Чанг босиб, бўш турган стуллар одамлар билан лиқ тўлди.

Босмахонада босилиб, шаҳарнинг ҳар жой-ҳар жойига ёпиштирилган афишаларни кўриб, Симғат қаттиқ хафа бўлди. Добрий-Рабий бу ҳақда: «Сизлардан илтимосим шуки, болага кўз-қулоқ бўлиб турунглар. Агар бойларнинг қўлига тушса, бунга худди қопоғон ит деб қарайди. Улар бири билан бири ит-мушук; савдо учун ҳам, ер учун ҳам, югурук от учун ҳам, яхши чана учун ҳам, ҳашаматли уй учун, ҳатто шароб учун ҳам талашингани-талашинган. Мабодо бу бола қўлларига тушиб қолса, алдаб, худди душманидан ўч олгандай, гиж-гижлаб урдиради. Нима ҳам деб бўлади, бирор фалокат рўй бергудай бўлса, унга ёрдам берадиган киши топилмай қолиши мумкин. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Ҳали бундай цирк Қозонда кўп бўлади. Ўқишини битирмай туриб, улар билан курашга туша кўрмайсин. Чунки у ҳали ёш, кучи бўлгани билан ақли расо эмас. Ўйламай ишлатилган куч қачон бўлса ҳам ерга қаратади.

Циркка қабул қилинган кишилар ўз кучига ишониб, ўз тенгимдан йиқилмайман, деб шу ишни касб қилиб олганлар бўлади. Улар бир-бирига устоз бўлиб, бири билмагани бири ўргатишади. Шунинг учун улар ҳаммаша бир-бирини ҳимоя қилади. Улардан бирортасини йиқитиб қўйсанг, қолган ҳаммаси сенга душман бўлади. Мен буни ҳам бошимдан кечирганман. Кейинги вақтда улар таклиф қилса ҳам бормайдиган бўлдим. Бола аввало ўзига устоз, меҳрибон дўст топиб олиб, ундан кейин курашгани маъқул. Петроградда Иван тоға деган — кўпгина полвонларнинг устози бўлган одам бор. Сизлар бир оила аъзоларидай тотув ишчиларсиз. Болани ўша Иван тоға билан учраштириб қўйиш қўлларингдан келади. У мени бир неча марта чақирган, бир неча марта хат ёзган. Ўйланманки, бу бола ўша кишининг тарбиясига борса ёмон бўлмайди», деган эди.

Қариндошлари турадиган овулга бориб келган Симғат, шоша-пиша циркка келди. Цирк лиқ тўла одам, бош суқолмайсан киши. Ҳатто ўриндиқсиз жойларга ҳам би-

лет сотилган. У қўлига афиша ушлаб, цирк ишчилари кирадиган эшикдан кириб келди. У аллақандай бир одамни топиб, ўзини «батрак» полвоннинг акасиман, деб таништириб зўрға кирди. Олдинги қаторда Қозон бойлари, уларнинг хотини, бола-чақалари, савдогарлар ўтиришган эди. У шуларнинг катта жанжали устидан чиқиб қолди.

Полвонлар ўзлари кирадиган эшик олдида қатор тизилишиб бўйинларини чўзиб туришарди. Бошқарувчи усти-устига ҳуштак чалиб, шов-шув кўтараётган томошабинни тинчитолмай жони ҳалак. Қатор турган цирк полвонларидан Семён кимнидир сўкиб, белидаги камарини ечиб улоқтириб юборди. Бир четда устига цирк хизматкорларининг каноп камзулини кийиб, белига пахтадан эшган йўгон белбоғ боғлаб олган Муқон ўтирибди. Тезроқ боланинг ёнига ўтмоқчи бўлган Симфатга ҳалиги қатор турган полвонлар ўқрайиб қараб, уни нарига ўтказишмади.

Циркда қий-чув босилгач, олдинги қаторда ўтирган Камолбой:

— Жаноби Сафронов, сиз бу батрак полвон билан тузишган шартномангизни кўрсатинг-чи, — деди.

— Қанақа шартнома, жаноб?

— Курашга тушмоқчи бўлган батрак, циркнинг меҳнат ҳақи олиб ишлайдиган хизматкори бўлмагандан кейин оладиган ҳақи кўрсатилиб шартнома тузилиши керак.

— Йўқ, тақсир, биз ундай қилганимиз йўқ. Чунки, бу бола ўз ихтиёри билан тушяпти. Биз фақат томоша қилиш учун унинг илтимосини қабул қилдик, холос. Ўзимизнинг шунчаки бир режамиз бор, у полвонларимизнинг ҳаммаси билан курашмоқчи. Агар ҳаммасини йиқитса — йигирма беш сўм, йиқита олмай вақтини ўтказиб юборса, ўн сўм берамиз. Йиқилса, ҳеч нарса бермаймиз. Ютуқ ўйин охирида, натижага қараб тўланади.

— Ҳо... осон қутулмоқчи экансиз-да! Бу бизнинг боламиз. Уни циркка олиб кириб, кучини сўргингиз келибди-да? Мен сизга бу пулларни қаёққа қўйишни ўргатиб қўяман. Мана, мен ҳам битта томошабиниман унинг. Агар шу бугун молай курашмаганда ўн сўм тўлаб, мана бу чанг босган стулингизга келиб ўтирмаган бўлар эдим. Шундайми, оғайнилар? — деб атрофига қаради бой. «Шундай, тўғри... Фақат шунинг учун келдик!..» деган товушлар эшитилди.

— Ана, жаноб бошқарувчи! Шундай экан, бизнинг

баграк йиқитгани учун юз сўм олиши керак, қани, ҳозир чўзиб қўйинг.

— Ҳазилингизни қўйинг, жаноб. Бу сизнинг тери омборингиз эмас, цирк.

Камолбой жаҳли чиқиб, ўрнидан сапчиб турди. Полвонлар билан бирга Симғат ҳам ўғри мушукдек саҳнага лип этиб чиқиб олди. У кела солиб Муқонни қўлидан ушлаб, томошабинларга қарата қўлини кўтарди:

— Сабр қилинглар! — деди у қисқа қилиб.

Олдинги қатордагилар сал тинчланса ҳам, кейинги қаторда ўтиришган беш-олти ёш шовқин-сурон кўтаришди.

— Энди иккинчи полвон чиқса!

— Батрак-Акмолинскийнинг бугунги кураши битди. Энди бошқа полвонлар курашади.

Бу ишга Симғатнинг аралашганини Камолбой ёқтирмай тескари қараб олди. Симғат бошқарувчининг олдига келиб:

— Жаноби Сафронов, сизнинг циркингиз кўпчилик учун, бизлар учун бир кўнгил очадиган жой эканлигига шубҳамиз йўқ. Баъзан сизларни қўмсаб, халқ номидан таклиф ҳам қиламиз, сизлар ҳам келиб турасизлар, бу илтифотларингиз учун ташаккур. Бироқ, бу ҳақда, бирорта гапга тушунадиган одам билан маслаҳатлашмай болани курашга солганингиз яхши бўлмабди. Сиз уни шошиб, худди тажрибакор полвонлардек эълон қилибсиз. Мана сизнинг қилган ишингиз, — деб қўлидаги афишани кўрсатди.

— Хўш, нима демоқчисиз? — деди бошқарувчи қизиқиб.

— Сиз, томошабинга айтинг, бола курашмайди. Курашга тушишга акаси рухсат бермади, денг.

— Акаси қани бунинг?

— Акалари кўп. Овулида ҳам бор, бу ерда ҳам бор. Словянка қишлоғида ҳам битта акаси мен.

Камолбой дик этиб ўрнидан турди:

— Ана, эшакни мина билмаган одам, уни ишдан чиқаради, деган мана шу-да! Дунё топишнинг эвидан чиқолмасанг, уни йўлдан уриб нима қиласан. Ишлата билса, бу бола ҳар куни сенга ўхшаган қўрғошин ковлайдиганлардан юзтасининг топганини топади. Э, хомкалла! Нима қилишингни ўзинг билмайсан-у, яна акаси эмиш. Оқмўлада қўй боқиб юрган қозоқ хотини Қозондаги ҳарф терувчи бир татар учун ўғил туғибдимиш!.. Ҳм...

— Жаноби Камол, эскиларнинг гапини қилиб нима қиласиз. Бу сизга тери сотиб пул топиш эмас! Сиз минишни биладиган эшаклар уйингизда кўп бўлса кўпдир. Аммо бизнинг босмахонада эшак зоти йўқ. Мен икки оёғи билан ер босган ҳар бир одамга барча соф виждонли киши ака бўлишига ҳақли деб ўйлайман. Бироқ шуни яхши билингки, сиз мина билган эшакларга эмас. Ҳар ҳолда бу молай сизга эшак бўлолмайди! — деб, Муқонни эргаштириб циркнинг иш хонасига кириб кетди.

— Муқон, бу нима қилганинг? Ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ўз билганингча курашга тушибсан? Сени укам деб юрган Добрий буни эшитса хафа бўлади-ку. Сендан эмас, мендан хафа бўлади-ку.

— Симғат ака, у сендан хафа бўлмайди. Мен ўтган куни унга бориб, курашга тушмоқчи бўлганимни айтиб, розилигини олиб келганман.

— Эҳ-а. Биз сени йўқотиб, кўчама-кўча қидириб юрганда сен шу ёққа кетган эканса-да. Қандай қилиб рухсат олдинг?

— Билганимча ўрисчалаб тушунтирдим. Урисча «борьба» сўзини унутиб қўйиб, «поступаю кураш» дедим. У: «Курсга кирадиган бўлсанг бўпти», деб севиhib кетди. Ҳатто, рухсатни қоғозга ёзиб ҳам берди.

— Қани ўша қоғоз?

— Уйда.

— Унда чолни жуда боплаган экансан, молай: у сени ўқишга кирадиган бўпти, деб севиhibди. Сен бўлсанг, «чирогимнинг отаси ўқимаёқ хон бўлган» қабилдан қилиб, курашга тушаверибсан.

Муқоннинг Қозон шаҳрига қандай келганини, Добрий-Рабий билан қандай қилиб танишганини, унинг ёш полвон ҳақида айтганларини эшитиб, цирк бошқарувчиси бир оз ўйланиб қолди. Унинг ёзиб берган қоғозини ўқиб, роса кулишди-да, бир қарорга келишди.

Томоша охирида бошқарувчи одамларга: «Батрак-Акмолинский кураши ҳақида эртага янги афиша билан алоҳида эълон қилинади», деди. Цирк раҳбарлари Симғат билан маслаҳатлашиб томошабинлар олдида ёлгончи бўлиб қолмайлик, деб эртасига Добрийни чақириб маслаҳатлашмоқчи бўлишди. Афишада: «Қозон шаҳридаги сайёр цирк ўз томошаларининг охирида томошабинларга замонамиз ёш полвонларининг отахони кекса полвон Добрий-Рабийни кўрсатиш ниятида унга

одам юборди. Унинг розилигини олганимиздан кейин сизларга ваъда қилган батрак-Акмолинский бешта полвон билан маҳаллий кураш усулида, иккита полвон билан эса французча кураш усулида курашади. Батрак-Акмолинскийга икки кун давомида французча кураш усули ўргатилади», деб ёзилган. Бу хабарни эшитиб цирк кассаси олдига яна одам тўпланди.

Цирк халққа берган ваъдасининг устидан чиқди. Навқирон полвонни кўрган цирк бошқарувчиси ҳам Иван тоғага хат ёзиб берди.

УЛУҒ ПЁТР ШАҲРИДА

Туманли, аёзли кунларнинг бирида қиров босган бир эшикни икки киши келиб тақиллатди; улардан бири татарча ўрама ёқали пальто, иккинчиси узун пахтали чопон кийиб олган эди.

— Ким керак сизга?— деб сўради ичкаридан бир аёл киши.

— Иван тоға Лебедев жанобларининг ҳузурига келгандик,— деди ташқарида турганларнинг бири.

— Ундай бўлса тура туринглар, сўраб чиқай,— деб яна битта эшикни гичирлатиб, ичкарига кириб кетган аёлнинг оёқ товуши эшитилди.

Бир оз вақт ўтгач, эшик очилди.

— Киринглар,— деб ишора қилди ўрта ёшлардаги аёл.

Ҳалиги икки одам аёлнинг орқасидан юриб, деворларга суратлар осилган, чиройли қилиб жиҳозланган хонада якка ўтирган кишининг олдига киришди. Қишда юпқа пижама кийиб ўтирган киши пешвоз чиқиб меҳмонларни қарши олди. Мезбоннинг феъли ҳам, муомаласи ҳам, чеҳраси ҳам, меҳмонларнинг назарида, улар илгари учратган одамларга сира ўхшамасди. У меҳмонлар билан ҳол-аҳвол сўрашмасдан аввал қўлларини сиқиб кўришиб, кейин оқ мато гилофли юмшоқ креслоларга таклиф қилди:

— Қаёқдан келдинглар?— деди йўғон қўлларини қорнининг устига қўйиб.

— Қозондан келаётган эдик, жаноб,— деди бидирлаб, қорачадан келган киши.

— Савдо ишлари биланми?— деб сўради уй эгаси бошини кўтариб.

— Йўқ, жаноб, биз унақа кишилардан эмасмиз.

— Хўш, ундай бўлса нима иш билан келдинглар?
— Мана бу болани ўқитмоқчи бўлиб сизга олиб келгандим.

— Уҳ-ў... Қозонликлар қачондан бери бу ўқишни ҳавас қиладиган бўлиб қолишди? Бу хушхабар-ку, — деб уй эгаси ўрнидан турди-да, меҳмонларга яқинлашди.

— Ҳа, қозонликларнинг орзу-ҳаваси кўплигини кундалик ҳаётнинг ўзи кўрсатиб келяпти. Биз ҳали Пётр шаҳридан кўп нарса ўрганамиз. Ҳозирча марҳаматингиздан баҳраманд бўлиш ниятида биттасини олиб келдик.

— Мени жуда хурсанд қилдинглар... Бу бола татарми? Қайси миллатдан?

— Марҳаматли Пётр шаҳри, бунақа сўроқларни бермаса экан, деб тангридан ҳар куни сўраймиз, Иван тоға афандим. Бу боланинг миллати нима бўлишидан қатъий назар, фақат сизнинг мактабингиз учун туғилган одам. Эдил бўйидаги Добрий-Рабий деган полвонни биласизми? Бу болани ўша полвоннинг ўзи юборди.

— Ие, нега билмас эканман уни? Василий Ведняковни айтяпсизми? Мен уни яхши биламан. Бир неча бор хат ёзиб олиб кела олмаганман у одамни. У қандай қилиб бу ерга одам юборадиган бўлиб қолди... Бу бола ким ўзи?

— Бу рус ҳам эмас, татар ҳам — қозоқ.

— Хўш, ундай бўлса бу боланинг Добрий билан қандай алоқаси бор?

— Қанақа алоқаси борлигини сизга ёзган мактубида айтгандир. Аввало сиз мана буни ўқиб кўринг, — деб ҳалиги новча татар қўйнидан йирик-йирик қилиб ёзилган беўхшов хатни чиқариб, унинг қўлига берди.

«Улуғ мартабали Иван тоға Лебедев. Бир неча марта хат орқали чақирганингизда бора олмаганим учун узр. Сиз хатни чин юракдан ёзган эдингиз. Афсуски, бора олмадим. Чунки, бу кунда маблағи йўқ одам қанотсиз қушдай гап. У қаерга ҳам учиб бора оларди. Икки қаноти эмас, бир қанотидан ўқ еган қуш тўқайдан айланиб, четга чиқа олмайди. Мен ҳам шунга ўхшаб туғилиб ўсган Эдил бўйидан ҳеч қаёққа чиқа олмадим. Бўлмаса, бешигимиз каби Москвани, улуғ Пётр шаҳрини кимнинг кўргиси келмайди дейсиз? Шунинг учун ҳам мен етолмаган орзуларга ета оладиган бир болани топа олармикинман, деб кўпдан бери орзу қилиб юардим. Сиз, менга ёзган бир хатингизда «боланинг юборгин», деган экансиз. Ҳа, мен боласиз эмас-

ман. Икки қиз, бир ўғлим бор. Бироқ ўғил отага, қиз онага ўхшайвермас экан. Ўғлим этикдўз, қизларим деҳқон бўлиб кетди. Бир қоп картошкани зўрға кўтарган болани сизга юбориб нима обрў топдим? Мендан туғилган бола этикдўз бўлди-я! Шунинг учун ҳам ўзимга ўхшаган бир бола топиб олсам деб орзу қилиб юрадим. Орзум ушалди, тангрим мана бу қозоқ болани етказди. Иложи борича, илтимосимни ерда қолдирмай мактабингизга қабул қилгайсиз.

Ҳа, ҳурматли Иван тоға, замона одамни оқ-қорага ажратадиган бўлиб қолди, «миллатинг нима?» деб сўрайдиган одат чиқарди. Бу сўроқнинг нима фойдаси бор эканлигини кўп одам тушунмайди. Мен ҳам тушунмайман. Сиз, кўзи очилган, саводли одамсиз, эҳтимол бу гапларга тушунарсиз. Шунинг учун: «Бу ким? Рус билан қозоқнинг нима алоқаси бор?» деб сўрарсиз. Менинг фикримча, ақл билан кучда миллат бўлмайди. Иккаласи ҳам халқники. Бола мендан кўра кучлироқ. Бу ёшда менга бу қадар куч битмаган эди. Кўп йиллар давомида оғир юклар кўтариб, талай одамлар, йиртқич ҳайвонлар билан курашиб, баъзан йиқилиб, баъзан йиқитиб юриб Добрий-Рабий деган ном чиқарган эдим. Бу бола белимни ушлаганда унинг қўли ўттиз тўрт йил ичида бел ушлаган ҳамма қўллардан ҳам кучлироқ тегди. Шунинг учун ҳам мен бу болага инсон боласига отанг ким? — деб сўрамайдиган улуғ Россиянинг янги полвони деб қараб, эритилиб, сайқал берилмаган бу пўлатни мактабингизга тавсия қилдим. Албатта, қариган чоғимда сизга қилган ушбу илтимосим қондирилар деган умиддаман», деб ёзибди Добрий-Рабий. Муқоннинг дастлабки курашиш учун фотиҳа олдим, деган хати мана шу эди.

Кекса полвоннинг хатини юмшоқ креслода ястаниб ўтириб ўқиган уй эгаси, қоғозни юзига қўйиб, бир оз ўйланиб ўтирди-да, кейин бирдан болалардай сакраб ўрнидан турди. Эшик ёнида креслода ўтирган Муқоннинг ёнига келиб, худди ҳамла қилган арслондай унинг икки елкасидан босди. Унинг нима мақсадда бундай қилганини тушунмаган Муқон, «буниси нимаси?» дегандай ўрнидан учиб турди. Оғир креслонинг орқаси Муқоннинг елкаси билан Иван тоғанинг қорни ўртасига кўтарилди. Иван тоға уни қайта ўтказмоқчи бўлиб темирдек қўллари билан елкасидан босган эди, Муқон қимир этмади, шунда Иван тоға унинг елкасидан ошиб, олдига тушди. Икки пудлик кресло билан тўқ-

қиз пудлик Иван тоға гурс этиб тушганда уйнинг поли зириллаб кетди. Елкасини жаҳл билан силкиган Муқон, осилган киши йиқилган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Бироқ у юк устидан сакраган мушукдек полга дик этиб тушди.

— Ие, мунча асовсан?.. Жуда ҳуркак экансан-ку...
— Бўлмаса нима қилмоқчийдинг? Жим ўтирган одамнинг устига мушукдай сакраб...
— Мактабга кирадиган одамдан имтиҳон олиш керак-да.

— Бу нима деганинг? Имтиҳон деганинг нима?
— Куч синаш-да...
— Куч синаган киши сичқон пойлаган мушукдай, индамай келиб босадими? Ундан кўра белинга қайиш боғлаб, олдимга чиқ. Кучни ана ундан кейин синайсан.

Унинг йўғон товуш билан русча-қозоқча аралаштириб, чалакам-чатти айтган сўзларини Иван тоғага ёнидаги татар таржима қилиб берди... Иван тоға қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, иш стулига бориб ўтирди. Трубкасига тўлдириб тамаки солиб, чекди.

— Мактаб ҳақини ким тўлайди?
— Қанча ҳақ тўлаш керак?
— Йилига бир юз эллик сўмдан.
— Бу боланинг бисотида кучидан бошқа ҳеч нарсаи йўқ. Йўл харажати билан, бир неча кунлик овқат пулини Қозондаги Каримов деган кишининг босма хонасида ишлайдиган ишчилар йиғиб беришди. Мактабга борар, деб озгина пул беришган эди. Бироқ ўзингиз кўриб турибсиз, бу бола саккиз одамнинг овқатини ейди. Сизга юз эллик сўмдан берса, ўзи оч қолади-ку. Мактаб ҳақини сал арзонроқ қилсангиз қандай бўларкин?

Иван тоға оғзидан трубкасини юлиб олиб, ерга бир тупурди-да, кўзини қисиб туриб татарга деди:

— Нима, сен Қозон бозорида савдо қиляпсанми?.. Бу мактабга давлат сариқ чақа бермайди. Бу ерда ишлаётган ўнлаб хизматчилар қум ейдими? Ҳеч бўлмаса бир йиллигини тўлаши керак, бусиз иложи йўқ...

— Хўп, тақсир, хўп. Эртага пули билан олиб келаман.

— Пули бўлса, ўзинг келмасанг ҳам бўлади. Буни мактабга қабул қиламан. Айтгандай, бу боланинг бир номи «Батрак-Акмолинский-а?...»

Симғат Муқонни ётиб юрган уйига олиб бориб узоқ суҳбатлашди. Бу уй Яушев деган бойнинг Петрограддан оладиган майда-чуйда нарсаларини тайёрлаб турадиган бир савдогарники эди. Улар қозонлик бир савдогарнинг унинг номига ёзган хатини ола келишиб, шу ерга тушишганди. У: «Агар кўпроқ турадиган бўлсам, ётадиган жой топиб олармиз», деганди. Симғат овулга қайтадиган бўлгандан сўнг, Муқонга баъзи бир маслаҳатлар берди:

— Молай, агар имконияти бўлса ўша мактабнинг ётоқхонасига жойлашиб ол. Ҳамма вақт руслар билан бирга бўлганинг яхши. Уларнинг бир яхши томони шундаки, кўпчилиги қувлик, шумлик, ҳаромликни билмайди. Уларнинг яхши одатларини ўрганиб олиш керак. Ётоқда ётсанг, кам харажат бўласан. Иккинчидан; қандай билим ўргансанг ҳам рус тилида ўрганасан, руслар билан ётсанг, тилни тез ўрганасан. Рус тилини билсанг, чет эл одамлари билан гаплаша оласан. Агар шу мактабни битирсанг, дунёни айланиб томоша қилишинг ҳам мумкин. Дунёдаги полвонлар билан учрашишинг мумкин. Шунда улар билан рус тилида муомала қиласан. Сендан илтимос, зинҳор бу уйда ётувчи бўлма.

— Қайтага, мусулмоннинг уйи яхши бўлмайdimи? Мана бу кампир: «Мусулмон экан, айбат молай экан, бик матур молай экан», деб ичи-бағримга кириб боряпти. Шу ерда ётаверсам нима қилади?

— Сен молай, мусулмон, кофир деганда зинҳор қулоқ солувчи бўлма. Мусулмонларнинг бири ўша ўзинг кўрган Қозондаги ҳазратми? Унга бойлар мачит солиб берган. У кечаю кундуз бойларнинг мол-мулки кўпайсин, деб дуо қилади. Мана бу кампирнинг сени яхши мусулмон экансан, деб мақташига сабаб, сендан кўпроқ пул ундириш. Сенинг ўқишга келганингни билдиб, «пули кўп қозоқ бойларидан бирининг ўғли бўлса керак», деб ўйлаб, мусулмон деяпти-да. Агар пулинг тугаб қолса сени мусулмон демайди. Эртадан бошлаб бу уйда қорангни кўрсатма. Бунинг бир ёмон ери шундаки, мен кетганимдан кейин «пуддан қисилиб қолдим, бир оз қарз бериб тур», деб қўлингдаги бор пулингни шилиб олади-ю, бир ой ўтгач, ижара ҳақи, овқат пули, деб уйдан ҳайдаб чиқаради. Сен бу кампирнинг нима деб шивирлаётганини тушунасанми?

— «Ё олло, ё олло», демайдими?

— Ҳеч вақтда олло демайди. Олти сўм олтмиш тийин, олти сўм олтмиш тийин дейди. Мен Қозон татариман-ку, буларнинг тилини яхши биламан.

— Ё тавба! Э, мен унинг асто.. асто... асто... деганини олло деб ўтирибдими десам, олтмиш тийин деётгани экан-да. Мен буни Қозонда ҳам эшитганман. Улар ҳам олтмиш тийин деркан-да бўлмаса?

— Бўлмасамчи, ҳаммасини ҳазрат ўргатган. Буларнинг олло дегани — пул дегани. Астаъфирулло дегани — олти сўм олтмиш тийин дегани. Оллоху акбар дегани — ола бер дегани. Буларга зинҳор яқин юрувчи бўлма,— деб қоғозга ўраб камзулининг ички чўнтагига солиб, устидан тикиб ташлаган пулни олиб, санаб берди. Бу беш юз йигирма беш сўм эди. Пулни бераркан:

— Молай, бу ер сенинг қозоғингнинг даласи эмас. Бу ерда тўйгунча еяверадиган қўй гўшти кам. Пулни олди-орқасига қараб, ўйлаб ишлат, қийнаиб қолма. Мен келгуси йили яна бир келиб, сенга пул ташлаб кетаман,— деди Симғат.

Эртасига Симғат Муқонни Иван тоғанинг мактабига кузатиб қўйиб, ўзи Қозонга жўнаб кетди.

* * *

Муқон Иван тоғанинг идорасига кириб юз эллик сўм тўлагандан сўнг, мактаб бошқарувчиси уни катта бир залга бошлаб кирди. Залда эртақларда ҳикоя қилинадиган Кўҳиқоф девларидай талайгина полвон яланғоч бўлиб олиб, турли машқлар қилаётган экан. Муқон ичкари кириши билан оғзи очилганча ҳайрон бўлиб туриб қолди. Иван тоға ҳам уларга яқинроқ бориб тўхтади.

Залнинг шифти жуда ҳам баланд, нақ икки юз ҳўкизга қўра бўлгудай кенг экан. Муқон ҳаммаёққа кўз югуртириб чиқди. Унда ёғочдан қилиниб, усти чарм билан қопланган тўрт оёқли от ҳам бор, унинг устидан сакраб ўтишади, осилиб ўйнайдиган йўғон арқонлар ҳам бор. Шифтга осиб қўйилган чиғириқлар ҳам бор. Бир чеккада икки пудлик болға турибди. Турник ҳам турибди. Тахта устига қатор гир тошлар тизилиб қўйилди. Лўм темирлар, узун-узун рельслар ётибди. Катта-катта харсанг тошлар, штангалар ётибди. Уртага кат-

та гилам солинган. Саккиз қанотли ўтовдай каттакон юмалоқ тахта ҳам турибди. Гилам устида икки полвон айиқдек терга пишиб олишмоқда, бири бирини ерга олиб уради-да, шердай босади. Йиқилган полвон бир ағнаб ўрнидан сапчиб туради-да, йўғон билагини билан рақибини бир уради, у инқиллаб қулаб тушади.

Уйнинг бир томонидаги катта эшикдан бир рельсга йигирмата одамни миндириб кўтариб олган полвон кириб келди, у зални айланиб чиқди-да, кейин одамларни тушириб, рельсни бурчакка олиб бориб ташлади. Ҳамма полвонлар уни олқишлаб чапак чалишди.

Ҳуштак тишлаб олган бир одам бориб унинг қўлини ушлади.

— Яша, Дубний, — деб Иван тоға ҳам унинг ёнига борди.

У индамай бошини лиқиллатиб, йигирма нафар одам билан ўн саккиз пудлик оғир рельснинг салмоғи тушиб қизарган елкасини оқ сочиқ билан ишқалаб-ишқалаб юборди. Ҳалиги олишаётган полвонлар ҳам бири-бирини йиқитиша олмай, Иван тоғанинг олдига келишди. Нима кўтариб чарчашганини ким билади, ҳар ҳолда залдаги ҳамма полвонлар қора терга ботган, сувга тушган қайишдай ивишиб турибди. Улар ҳам деворда осифлиқ турган сочиқ-лунгиларни олиб, терларини артишиб, эман дарахтидан қилинган уч оёқли стулларга қатор ўтиришди. Ҳалиги ҳуштак тишлаб юрган киши директорнинг ёрдамчиси эди. У Иван тоғанинг ёнига келиб, унга бугунги ўтказиладиган программани кўрсатди. Унинг сўзини эшитиб бўлиб:

— Мен сизларга янги шерик топиб келдим. Мунгайтпасов, бу ёққа кел, — деди Иван тоға.

Кўрганларини кўнглига сиғдиrolмай, тушида кўраётгандай зал ичини томоша қилиб турган Муқон унинг чақирганини эшитмади. У йўғон тош устунга суянганча, бир четдаги устига сандиқдай-сандиқдай тўртта тош ортилган аравани томоша қилиб тураверди.

Иван тоға олдида турган бир полвонга:

— Бориб олиб кел. Эҳтимол, у сенлардан ҳайиқиб тургандир, — деди. Полвон Муқоннинг олдига бориб, кулимсираб:

— Омонмисан, дўстим, сени Иван тоға чақиряпти, — деб, одати бўйича унинг қўлини кучининг бориचा сиқиб ушлади. Аравадан ҳали кўзини олмаган Муқон унинг қўлини силтаб юборди. Думалоқ тош устида турган полвон полга дик этиб тушди.

Кечаги воқеани айтиб, кучини таърифлаб турган директор:

— Ана, Коляни учириб юборди, — деди.

— Буниси нимаси? Тентакми дейман?

— Йўқ. Унақага ўхшамайди. Кенг даланинг асов йигити-да. Узи ҳали ёш, энди ўн тўққизга кирибди. Ҳали у бунақа сиқиб ушлашни билмайди-да. Эдилдаги Иван Васильевич билан курашиб танилибди.

— Уни йиқитибдими? — ҳайрон бўлишиб сўрашди турганлар.

— Гап унинг йиқита олиш ёки йиқита олмаслигида эмас. Менимча, уни ҳеч ким йиқита олмайди. Бироқ у кўп полвонларнинг кучини синаб кўрган. Аммо шу вақтгача уларнинг биронтасини менинг мактабимга тавсия қилмаган эди. Бу болага ихлоси тушибди. Ҳаммадан мени у ёзган хат ҳайрон қолдирди. Уни кейин ўзларингга ўқиб берарман. Бақувватлиги ҳақида Киев циркининг бошқарувчиси ҳам ёзибди.

— Буни ўзидан сўраш керак экан.

— Ҳозирча сизлар билан суҳбатлаша олмас. Чунки, тилни яхши билмайди. Сал тилни ўргансин, кейин сўрагимиз. Ҳозир қоида бўйича биринчи синовдан ўтказайлик, — деди директор.

Муқонни чақириб келиш учун борган полвон унинг ёнига қайта яқинлашмай, қўли билан сени Иван тоға чақиряпти, дегандай ишора қилиб, уни бошлаб келди. Утирган полвонлар ўринларидан туришиб, қўл беришиб кўришди. Фақат Дубнийгина ўтирган жойида қўл чўзиб, стулга тортиб ўтқизди. У қўлини қаттиқроқ қисса ҳам, боягидай силтаб юбормай, сезмаган киши бўлиб стулга ўтирди. Утирганлар ўзаро гаплашишиб енгил имтиҳонни ҳозироқ бошламоқчи бўлишди. Тахта устида турган беш пудлик тошдан то ўн қадоқлик тошларгача кўрсатиб:

— Шу турган тошларнинг қайсинисини иккитадан кўтара оласан? — деди директор ёрдамчиси.

— Мен бунинг ҳаммасини ҳам кўтара оламан.

— Сен бунақа гапларингни қўй. Уқувчи аввало, иккита ўн қадоқлик тошни кўтаришдан бошлайди. Ярим пудлик икки тошни жимжилоғи билан, икки пудлик икки тошни икки қўли билан кўтарадиган бўлиб мактаб битирган, чакки полвон эмас. Сен ўн қадоқликни кўтаргинг келмаса, ярим пудликни кўтарақол.

Муқон тошлар турган тахтага бориб, бир-бир қараб чиқди. Ҳаммаси ҳам унча катта тош эмасга ўхшаб

кўринди. «Шу тошларни кўтаришни ўқиш деган полвонлар ҳам ўзини полвонман, деб юрибди-да, а», деб ўйлади у ўзича. У қисик кўзларини катта тошларга тикди, жуфтлаб қўйган тошларни ушлаб-ушлаб кўрди. Дастлаб кўрган бир жуфт тош ҳеч оғир эмасдек туюлди. Уч пудлик икки тошни: «Ҳозирча шу етар, четки иккаласини кейин кўтарарман», деди-ю, тахта устидан юлиб олиб, челақдай икки ёғида полвонларнинг олдига олиб келди.

— Шуми кўтарганинг?

— Бўлмаса, қандай қилиб кўтаради?

— Йўқ, бундай кўтариб бўлмайди. Қани, Дубний, сен кўтариб кўрсат.

Дубний тахта олдига борди-да, икки пудлик икки тошни икки қўлига олди, кейин билагини букиб, аввал ўнг қўлини, кейин чап қўлини чаққон юқорига кўтарди. Тошлар унинг қўлига сирғадек кийилиб қолди. У қараб турган одамлар атрофини бир айланиб чиқди-да, тошларни ерга қўйди.

— Мана шундай қилиб кўтариш керак,— деди ёрдамчи.

— Э, бундай кичкина тошни кўтара олмай нимаси бор,— деб Муқон битта тошни юқорига кўтарди-ю, иккинчисини кўтара олмай билагига уриб олди.

— Ташла, келмай туриб, майиб бўласан,— деди Иван тоға.

Муқон шигға терга тушиб кетди: «Мен буни нега кўтара олмадим?» — деб хафа бўлди у.

— Бузоқлигида кўтариб ўрганган оддий одам, полвонлар кўтара олмайдиган катта ҳўкизни ҳам кўтара олади. Оғир нарсани кўтариш учун, аввало, унинг усулени билиш керак. Икки пуд тошни Дубнийдай кўтараман деган одам бу мактабда икки йил ўқиши керак. Бекорга кучанган билан иш чиқмайди. У ё кўтарган буюмини, ё ўзини майиб қилади,— деди мактаб директори.

— Мана, Дубнийнинг шериги келди. Бу ҳам мактабга янги келганда шундай асов эди. Кейинчалик ўрганиб полвон бўлди. Икки йил ўрганса бу ҳам шундай бўлади,— деди ёрдамчи.

— Мен икки тошни кўтариш учун икки йил юрмаман бу ерда. Эртага худди шундай қилиб кўтарсам бўлдим... — деб олдида турган тўрт пудлик икки тошни коптоқдай отиб юборди.

— Бу бола девми ўзи, нима бало... Эй, тошларнинг

бандини синдирасан. Ўрнига олиб бориб қўйиш керак, — деб тўнгиллади қоровул чол.

Ҳа, шундай қилиб, Муқон Иван тоғанинг мактабига ўқишга кирди. Бу мактаб полвонларга французча курашиш усулини ўргатар эди.

* * *

Мана, туманли ҳаво сийраклашиб, кунлар исиб, ҳаммаёқ ёқимли ҳид таратиб, баҳор ҳам етиб келди. Қиши билан спорт залига сизмай юрган Муқон очиқ майдонга чиқиб, баъзи бир машғулотларини шу ерда ўтказадиган бўлди.

«Келиннинг юзини ким аввал очса, шу одам иссиқ бўлиб кўринади» деганларидай, шу ерга келганда дастлаб учратган Иван тоғани у ўз оғасидай кўриб қолди. У ҳар сафар мактабга кирганида Муқон қариндоши келгандай севинар эди. Бироқ у кейинги кунларда кам кирадиган бўлиб қолди. Полвонлар сўнги кунларда тош кўтариш, темир букиш, бураш, турли курашларга тушиш, гавдага тош қўйиб синдириш, одамларни рельсга ўтқазиб кўтариш, тиши билан арава тортиш, чалқанча ётиб устидан арава ўтказишни ўрганишди. Бунинг ҳаммаси куч билан бўладиган машғулотлар эди. Бироқ сал-палгина кучи бор полвонлар Муқон қилолмайдиган мураккаб машқларни бажара олар эди. Уларнинг қўлидан китоб тушмасди. Баъзан эса китобга қараб туриб баъзи янги ўйинларни топишарди. Муқон у китобларга қанча қарамасин, барибир ҳеч нарса тушунмасди. Шундан кейин у русча алифбе сотиб олди. У ёнида ётган Семён деган полвонга:

— Дўстим, шуни менга ўргатгин! — деди. У Муқоннинг илтимосини бажону дил қабул қилди. У ярим кечагача бешта ҳарф ўргатди. Бироқ Муқон «А» ҳарфидан бошқасини кечаси ўрганса кундузи эсидан чиқариб, адаштириб, уларнинг қандай ёзилишини эсидан чиқариб қўяверди. Семён, «ўргатмай қўймайман», деб бу ишга қаттиқ бел боғлади. У сўраса Муқон «а» деб оғзини очади-ю, бошқа ҳарфларни айта олмай кураш нормаларинингми, ўйин қуролларинингми номини айтади адаштиради.

Ахири:

— Семён, қўй, мени қийнама. Менга бу ўқиш юз пуд тош кўтаргандан ҳам оғир. Бунинг устига бу китобининг ичида сичқоннинг сурати бор экан. Мен

бу китобингни ўқиб мулла бўлмай қўя қолай, — деб китобни Семённинг кўрпасига қараб улоқтириб юборди. Кейин у ўз жойига ётиб хаёлга чўмди: «Ёшлигимда нега ўқимадим экан-а? Отам мени нега қулоқ чўзиб ўқитадиган муллага берди экан? Нега қозоқлар мана шундай мактаб очмайди? Одам боласи бўлгандан кейин нега ҳамма бир тилда сўзлашмайди? Ёшлигимдан руслар билан бирга ўсганимда тилини яхши билиб олган бўлардим. Нега овулимиз шу шаҳарнинг ёнида бўлмаган. Ҳамма ўқишни ўрганганда мен нега ўрганмадим...» — шу ўйлар билан у уйқуга кетди.

Муқон эрталаб негадир кўнгли ғаш бўлиб турди. Унинг эсига узоқдаги Саритерак далалари, отаси, бағрига босган бувиси тушди, овулини эслади. Бугунги бўладиган машғулотлар Муқонга ёқмайдиган машғулотлар: ёғочдан ҳатлаш, турникка осилиш, ип нарвонга ўрмалаб чиқиш эди. У шу машғулотларни машқ қилиб, анчасини тўғри бажаролмай терлаб ўтирган маҳалда, кўпдан бери кўрмаган Иван тоға кириб келди. У Иван тоғани кўриб хўрлиги келиб кетди. Қўл бериб кўришар экан:

— Оға, мени бир амаллаб бу балодан қутқар, — деди.

— Нимадан? — деб Иван тоға унинг хомуш юзига қаради.

— Курашингнинг ҳамма хилини ўрганай, кимни йиқит десанг йиқитай, рельсни эгай, йўғон симларингни бураб берай, етмиш пуд юк ортилган аравангни тишим билан тортай, эллик пудлик от-аравангни устимдан ўткавай. Саккиз пудлик тошни устимда синдирай, лекин ёғоч отдан сакраш, ип нарвонга ўрмалаш азобидан мени қутқарсанг. Мен шуларни ўрганмаёқ қўяй, — деди йиғламсираб. Иван тоға унинг нима деяётганига тушунгач, хахолаб кулди.

— Буларнинг нима қийинлиги бор?

— Жуда майда-чуйда... Бир неча марта қўлимни оғритиб, оёғимни синдириб қўяёздим.

Иван тоға унинг юзига тикилиб туриб:

— Майли, сен буларни қилмай қўяқол. Бироқ машғулотлар тугагунча бошқаларнинг ишини кўриб тур, — деди.

* * *

Хат-саводи йўқ Муқонга полвонлик ҳунарининг энг оғир усулларини ўрганишга тўғри келди. Энг енгиллари ҳисобланган — лўмни бўйнига қўйиб эгиш, уч пуд-

лик икки тошни икки қўли билан юқори кўтариш, энг оғирлари: ўн икки пудлик рельсга йигирма беш одам миндириб кўтариш, тўрт пудлик тошни гавдасида болға билан уриб синдириш, икки отни тизгинидан тортиб тўхтатиш, устига тахта қўйиб, юк ортилган икки отлик аравани ўтказиш, эллик пуд юк ортилган аравани тиши билан тортишни ўрганди. Буларнинг ҳаммасини икки йил ичида ўрганиши керак эди. Бироқ, бунга Муқоннинг сабри чидамади. У вақт билан ҳисоблашмай, кечаю кундуз терлаб-пишиб, залдан чиқмай машқ қилди. Қўл-оёғи яраланиб қонга беланган кунлари ҳам бўлди. Бутун ихлоси билан ўрганаётганини кўриб мактаб директори унинг баъзи бир ножўя ҳаракатларини кечирди. Унинг бу одати Иван тоғага ёқди. Етакчи полвонларга, истаган маҳалда унга ўргатишни уқтирди.

— Мана бу қора полвонни нима қиламан? Мактаб залининг эшигини тўздириб юборди-ку, ичига кириб олиб йиғувлик турган темирларни улоқтиради, кўтаради. Яна биронтасини ўз ўрнига обориб қўймайди. Вақт-бевақт отларни олиб чиқиб машқ қилади. Мен у оғир нарсаларни қандай қилиб ўрнига қўяман. Уртоқ директор, бу бир бало-ку. Омбордаги рельсни сўраган эди, калит йўқ дедим.

— Қаёқда? — деб сўради у.

— Йўқолган, — дедим мен.

— Нега йўқотасан? — деб дўқ қилди. — Эзиб ташламаса гўрга эди, деб кайфим учди. Бетимга тикилиб турди-ю, худо инсоф бериб, тегмади. Жаҳл билан қулфни шартта юлиб ташлади. Омбордан рельсни олиб чиқиб, қадоқ тошларни боғлаб:

— Устимга мин, деб бақирди. Нима қилай, қўрққанимдан миндим. Зални бир оз айланиб мени туширди. Худо ёрлақаб рельсни жойига олиб бориб қўйди. Кошки эди шу билан тинса, чалқанчасига ётиб, икки пудлик тошни қорнига қўйди-да, менга:

— Ур болға билан! — деди. Мен оғир болгани қандай қилиб кўтарардим. Азбаройи ўтакам ёрилаёзганидан олдингизга қочиб келдим. Байрам куни ҳам дам олмайдиган қанақа қарғиш теккан одам ўзи?.. Сиздан илтимосим шуки, мени қоровуллиқдан бўшатинг. Бу мўғулингиз мени бир кун эмас, бир кун ўлдириб қўяди, — деб йиғлади. Унинг сўзларига Иван тоға қотиб-қотиб кулди. Кейин:

— Узи қаёқда? — деб сўради.

— Залда. Йиғувлик турган темир, тошларни кўтариб ҳаммаёқнинг тўс-тўполоғини чиқариб ётибди.

Иван тоға қоровул билан залга келганда Муқон ҳамма асбобларни жой-жойига қўйиб, сочиқ билан юзини артиб турган экан. Уз ҳунарини қунт билан эринмай ўрганаётган талабасига Иван тоға ҳеч нарса демади.

— Мунгайтпасов, бу нима қилганинг, нега байрамда дам олмайсан,— деди. Муқон салом бериб:

— Оқар сув кўлга бориб қуйилмагунча тинч топадим, домла. Мактабни муваффақиятли тугатмай туриб, менга байрам қилишнинг нима кераги бор. Ҳар йили юз эллик сўм тўлаб туришга пул қани, икки йил кутиб юрамани. Дубний бу йил битираман деяпти, мен ҳам шундан қолмай ўрганиб чиқаман,— деди Муқон энтикиб.

Иван тоға унга меҳрибонлик билан тикилди. Муқон билан тенгдош бўлган Дубнийнинг кучлилиги кўзга тушгач, уни кемага юк ташувчи бўлиб юрган жойидан чақиртириб олишганди. У ўзига ўхшаб кўп қийинчилик тортган Муқонга кўп ёрдам берди. Илгарилари циркларда бир оз юриб тажриба орттирган Дубний, кучи бор дўстини ўзига шерик қилиб олишга ҳаракат қилди. У ўрганиб юрган ҳамма ҳунарини Муқонга тушунтириб ўргата бошлади.

Келажақда, шубҳасиз, Россиянинг энг кучли полвонларидан бири бўлиб етишадиган Дубнийнинг Муқонга алоҳида меҳр қўйганига бошқалар ҳайрон қолишарди.

— Сен ҳозир Россиянинг яккаю ягона полвонсан. Шу қозоққа мунча вақтингни бўлиб, овора бўласан. Шунча овора бўлганинга яраша у сендай полвон бўлиб етишадими, йўқми? — деб сўрашарди.

Шунда Дубний:

— Мен, сен яккаю ягона полвонсан, деган гапни жуда кўп одамдан эшитдим,— дерди жиддий. — Бу нотўғри. Мен Россияда битта эмасман, мана бунинг кучи меникидан кам эмас. Эсларингда бўлсин, бунинг кучи ҳали яхши етилгани йўқ. У кучда мен билан тенглашиб, кураш усуллари яхши ургангандан сўнг мен у билан курашмайман.

Мактаб ҳаётининг дастлабки кунларида Муқон Дубнийнинг беғараз дўстлигига шубҳа билан қарар, «ҳеч кимдан йиқилмайман», деб ўзига қаттиқ ишонган Муқон кунда Дубнийдан қолишганига хўрлиги келар эди.

Поддубнийни ерга олиб урса, у тагидан лип этиб чиқиб кетади-ю, ўзини босиб олади. Ағанатиб, яғринини ерга теккизади.

— Бу нотўғри йиқитди, — деб даъво ҳам қилиб кўрди. Бироқ кўриб турганлар:

— Тўғри йиқитди, сен бу курашнинг ҳадисини ҳали билмайсан, — дейишди. Баттар алам қилганидан мактабни ташлаб кетгиси келди. Бироқ «қочиб кетди» демасин, деб бу фикридан қайтди. Энди бутун фикр ёди Поддубнийни йиқитишда бўлиб, куну тун шу ҳақда ўйлайдиган бўлиб қолди. Ниҳоят у, «қолган умрим шу мактабда ўтса ҳам уни йиқитмай қўймаганим бўлсин», деган қарорга келди. Кейинги вақтларда Муқоннинг танаси пўлатдек тобланиб, кучи кундан-кунга ошаборди. Дубний ҳам энди уни зўрга йиқитадиган бўлиб қолди. Кейинги бир курашда иккаласи бир соат олишиб бир-бирини йиқита олмай ажралишди.

— Бу мени йиқитади. Билмай юрган бир ҳадиси бор эди, энди уни ўрганди, — деди Дубний. Ўз мақсадига етишга оз қолганига кўзи етган Муқон, сал ором топгандай бўлди. Улуғ Россиянинг қозоқ полвони мактабга кириб ўқий бошлаганига беш ой тўлиб, олтинчи ойга қадам қўйди.

* * *

Мактаб дирекцияси «тажриба» ишларига тайёрлаиш ҳақида буйруқ берди. Полвонлар рўйхатга олиниб, турли шаҳарларга тақсимланди.

Олтинчи ойнинг охирларида мактаб залига жуда кўп одам тўпланди. Илгари бу ерга келмаган қорни катта, чўнтак соатининг боғлари осилиб турган, ясантусан кийинган одамлар келишди. Иван тоға бу гал полвонларга ўзи раҳбарлик қилди, холироқ уйда уларни сафга тизиб, Дубнийни энг олдинга, ундан кейин Муқонни турғазди. Йигирма тўрт полвон саф тортиб спорт залига кириб келди. Муқон мактабга кирган маҳалида асов, қўпол эди. Олти ой ўқиш уни худди совутилган отдай, симга тизилган кумушдай сип-силлиқ қилиб чиқарди: ичи тортилиб, арслондай тана қўйди. Бўйни йўғонлашган, елкаси тоғдек келар эди. Билагадаги мускуллари худди денгиз тўлқинидай ўйнаб турар, қора труси, сиртдан боғлаб олган қора ипак белбоғ унга жуда ярашиб тушган эди.

Иван тоға полвонларни келган кишилар олдига қатор тизиб қўйиб, таништира бошлади:

— Жаноблар, хонимлар, улуғ Россиянинг фахри бўлган мана бу йигирма тўрт нафар ёш полвон мактабимизнинг бу йилги программасини тугатиб, амалий ишга чиқиш арафасида турибди. Биринчи Дубний,— деди Иван тоға. Гулдурос қарсак кўтарилди. Полвон бир қадам олға чиқиб таъзим қилди.

— Иккинчи Мунгайтпасов Муқон.

Энди қарсак гулдирай бошлаганда ўтирганлардан соатининг боғи осилган, қорни катта биров:

— Фамилияси қанақа?— деб сўраб қолди. Чапак бўлинди.

— Мунгайтпасов,— деб такрорлади Иван тоға.

— Қайси миллатдан?— деди яна ҳалиги киши.

— Қозоқ.

— Қаёқдан келган? Ким юборган?

— Самаралик полвон Иван Васильевич тавсия қилган.

— Нега иккинчи ўринда турибди?

— Кучига қараб, тақсир.

— Қизиқ,— деди у астагина. Ўтирганлар ўзаро нима ҳақдадир сўзлашишди. Муқон ўрнида қимир этмай тураверди.

— Ўртага чиқсин,— дейишди одамлар. Ўртада турган Иван тоға Муқонга ўртага чиқ дегандай қўли билан ишора қилди. Гавдасини кериб, оғир қадам ташлаб ёш полвон ўртага чиқди. Ҳали тўлишиб етмаган ёш полвоннинг танаси ўтирганларга ёқди. Узоқ чапак чалишиди, бир ёш қиз унга гулдаста олиб чиқиб берди. У гулни Иван тоғага бериб, ўзи ўрнига бориб турди.

Полвонларни тугал таништириб бўлгач, ўйин бошланди. Ўйинда Муқон рельс эгиш билан бирга, йигирма беш одам чиққан аравани тиши билан йигирма беш метр жойга тортиб бориш ҳунарини кўрсатди.

Олтин соатнинг боғичини осилтириб ўтирган қорни катта киши — бешта шаҳар циркининг хўжайини эди. У ўйинни кўриб бўлгач, Муқонни чақириб унга йигирма беш сўм сийлов берди-да:

— Бундан буён кўпчиликка ўзингни Муқон деб таништиравер. Мунгайтпасов демай қўяқол, хўпми,— деди.

Шунинг учун Ҳожимуқон менинг отим,
Менга қасдлик қилган эли ҳеч кўрмадим.

Таҳсил олдим улуғ Пётр шаҳаридан,
Эсимдадир полвон дея олган хатим.

Шу кунги курашда уч полвонни йиқитиб, Дубнийни йиқита олмай ажрашди.

Полвонлар тажриба ўтказгани Одесса шаҳридаги мактабга юборилди. Бу ердаги кураш Муқон кучда Дубнийга тенглашиб олганини кўрсатди.

* * *

Минг тўққиз юз қирқ биринчи йили, катта эман дарахтининг соясида ўтириб, ўз ўтмишини ҳикоя қиларкан, Муқон Дубнийни эслаб:

— У менинг жигарим эди. Иккаламиз кўп йиллар бирга юриб, кўп жойларни кўрдик. Жон аямас дўст тутиндик, у менинг устозим эди. Уни мен Парижга бориб келганимиздан кейин кўра олмадим, — деган эди товуши титраб.

— Бу нима деганингиз, Ҳожи ака? У ҳали ҳаёт-ку. Бориб кўрсангиз ҳам бўлади.

— Ҳозир қаерда экан? — деб севиниб кетди у.

— Украинада бўлса керак. Суриштирса топилади.

— Қани энди, шундай қадрдон дўстингни кўриб, қўлини қисиб икки оғиз гаплашсанг. Гавдаси ҳам жуда келишган эди. Бундай кучли одам туғилаверади дейсанми! Шу замоннинг Рустами достони-ку...

Россиянинг турли шаҳарларидан тўпланган қирқта полвон бир ярим ой курашиб, биринчиликни Дубний, иккинчи ўринни Муқон олди. Шунда танланган тўрт полвоннинг бири бўлиб Муқон ҳам Петроградга келди. Қирқ полвондан ўттиз саккизтасини йиқитиб, биттасини йиқита олмаган Дубний биринчи мукофот билан катта медаль, Муқон ўттиз еттитасини йиқитиб, иккитасини йиқита олмай, иккинчи мукофот билан кичик кумуш медаль тақиб қайтди.

Иван тоға галаба билан қайтган полвонлари шарафига тўй-тантана қилиб берди. Уларга ўн беш кун дам бериб, «Ватан ишончини шараф билан оқлайди», деб ишонилган тўрт полвонни яна Гамбургдаги тажриба мактабига юборди.

— У ерга борганларингдан сўнг, уларнинг ҳунаrlарини яхшилаб ўрганинглaр. Кураштирганларида кўз-

га кўринган полвонларини йиқитмай, лекин ўзларинг билан қайта курашга тушмайдиган қилиб ташланглар. Хўш, мактабда ўқиб юришган талабалари билан чет элдан келиб чираниб юрганларини, соғ қўймай коптокдай учираверинглар. Бу кундаги немисларга раҳбарлик қилаётган одамлар нотўғри тарбия олган болага ўхшайди, салгина ютуққа эга бўлса бас, қўлига конфет ушлаб олган боладай ҳовлиқиб, оғзи йиртилгунча вайсайди. Сал ютқазиб қўйса борми, нақ бўтадай бўзлайди. Полвонларини йиқитиб азоб бермаёк, ҳунарларини ўрганиб қайтаверинглар, — деди Иван тоға.

— Талабалари йиқилса азобланмайдими?

— Улар жуда манман бўлади. Чет эл одамларини одам қаторига қўшишмайди. Атоқли полвонлари йиқилмаса бас, кичикларига унча қайғурмайди.

— Нима, унда немисларнинг катта полвонларини йиқитиб бўлмайдими? — деди Муқон.

Улар келса, Россиянинг полвонларини йиқитиб кетамиз, деб келишади. Кучларингни ана ўшанда кўрсатсанлар. Сен мана бу рельсни эгиб, етмиш пудлик аравани тишинг билан тортадиган ҳунарингни кўрсатма. Уларнинг энг кучли полвони кўтарганчалик кўтарсанг ҳам бўлади. Хўш, ҳаммангга айтадиган гапим шуки, бебошлик қилманглар, бу бизнинг шаънимизга тўғри келмайди. Вазмин, оғир, сабрли бўлинглар, мақтанчоқлик, қизиққонлик ҳамиша уятга қўяди. Мана шуни эсларингдан чиқарманглар, — деди тарбиячи.

* * *

Уч ой Гамбургда бўлиб, полвонларимиз Петроградга қайтадиган маҳалида, циркда атоқли немис полвонларининг ўйинларини томоша қилишди. Уларнинг программасида кураш йўқ эди. Фақат айиқ билан, ҳўкиз билан олишиш, отни қўл билан ушлаб тўхтатиш, лўмни бўйнига солиб эгиш каби ҳунарларинигина кўрсатишар эди.

Конферансье:

— Фон-Кениг икки қўлида икки отни ушлаб қимир эткизмайди, — деб эълон қилганда, немислар:

— Хаил! — деб бақаришди бирдан.

Бутун баданини қайишлар билан чандиб ташлаган икки отни бир одам ўртага олиб чиқди. Катта бир немис чиқиб думига тақиб ўтказилган тизгинини қўлига ўраб олиб, оёқларини отнинг орқа оёқларига тираб

талтайиб турди. Қўнғироқ жинғирлаб, отларга қамчи урилди. Икки от икки томонга тортди. Фон-Кенингнинг маҳкам ушланган қўллари отларни қимир этказмай қўйди. Хотин-халажлар, болалар зални янгратиб чапак чалишди.

«Ана кўрдингми?» дегандай, яхши костюм кийиб олган новча, олифта немис кўзларини қисиб томоша қилиб ўтирган рус полвонини туртди. У биқинига теккан қўлни маҳкам, худди омбир билан қисгандай қисди-да, немисга қаради. Немис худди юраги оғриган одамдай башараси буришиб, оғзидан трубкаси тушиб кетди. У ўрнидан сапчиб турди. Рус полвони қўлини сал бўшатиб:

— Нега биқинимга туртасан?.. — деди ўрнидан кўзгалмай.

— Анавини кўргин дедим-да...

— Унинг нимасини кўради?

— Русларда ҳам шундай кучли полвон борми?

— Биздами?... Бизда йиртқич арслоннинг жағини айириб, ёввойи филни думидан ушлаб тўхтатадиганлар тўлиб-тошиб ётибди. Отнинг оёқларини босиб туриб, бошини қайиш билан боғлаб тортиб тўхтатиш ҳам полвонликми?

— Хўш, сенингча қанақа қилиб тўхтатиш керак.

— Думидан ушлаб тўхтатиш керак.

Иккаласининг тилини бир-бирига зўрға тушунтириб ўтирган бир немис таржимон, думи деган сўзни тушунтиролмай ҳайрон бўлиб қолди. Муқон немис шимининг орқа томонини бураб, думнинг нималигини тушунтирмоқчи бўлган эди, у сакраб туриб, ёнида ўтирган бир аёлнинг оёғини босиб олди, шовқин-сурон кўтарилди. Полиция келиб шовқин-суроннинг сабабини суривчисини чақирди. Бу гапга цирк бошқарувчиси ҳам ҳайрон бўлиб:

— Бундай одам қаерда бор экан? — деб сўради.

— Россияда.

— Оти ким?

— Ундай одам кўп.

— Сен ҳам тўхтата оласанми?

— Тўхтата оламан.

— Икки отними, бир отними?

— Икки отни.

Муқон пиджагини ечиб ўртага тушди. Отларни қайта олиб чиқишди.

— Ана, думидан ушлаб тўхтата қол.
— Қайишларини олиб ташланглар.
— Тураверсин-да.
— Йўқ, олинглар. Қайишидан ушлади деб тан олмайсанлар. Отнинг бошини ҳеч ким ушламасин, бўш қўяверинглар.

— Рушланд, қўлингни юлиб кетади...

— Майли, ишинг бўлмасин. Бироқ отнинг бирор ери майиб бўлса жавоб бермайман, қўлингдан тилхат бер.

— Қўлингни юлиб кетса биз ҳам жавобгар эмасмиз.

— Бўпти.

Цирк бошқарувчиси ён дафтарини олиб иккита тилхат ёзди. Бирини қўл қўйиб Муқонга берди, иккинчисини эса Муқонга қўл қўйдириб ўзи олди. Унгача немислар ҳовлиқишиб биридан бири сўраб, жанжалнинг сабабини ҳам билиб олишди. Улар зўр томоша кўрсатмоқчи бўлаётган рус полвонига ҳайрон қолишди. Муқон устидаги қайишлари олиниб, икки томонга қараб турган отларнинг ўртасига кирди, қўнғироқ чалинди, отларга қамчи урилди. Кучининг борича икки томонга юлқинган отларнинг бошлари қўтарилганда, аёллар: «Рушланд капут», дейишиб кўзларини юмиб олишди. Отларнинг қисқа думларини билакларига маҳкам ўраб олган Муқон бир тортган эди, иккала от ҳам чўққайиб ўтириб қолди.

— Мана бундай қилиб тўхтатиш керак. Бу-ку от. Россияда филни думидан ушлаб тўхтага оладиган полвонлар тўлиб ётибди,— деди қўлига ёпишиб қолган қилларни олиб, инқиллаб ётган отларни ўрнидан турғизар экан. Хаёлига ҳам келтирмаган кучни ўз кўзлари билан кўрган немислар ўрниларидан туришиб, қотиб қолишди.

— Мана бу темирни бўйнингга солиб эга оласанми?— деди бир немис, ўрнига ўтириш учун кетиб бораётган Муқонга, икки газдан ошиқроқ лўмни кўрсатиб.

— Бу болаларнинг ўйинчоғи-ку. Бунинг учун мен бўйнимни ифлос қилиб ўтираманми,— деб қўлига олди-да, чивикдек эгиб ташлади.

— Бу нима қилганинг? Кейинги ўйинга тайёрланган темирни расво қилдинг,— деди цирк бошқарувчиси.

— Мана бу одам эгиб кўр-чи деди-ку?

— Уни қўл билан эгмайди. Бўйнига қўйиб эгади,— деб елкасини кўрсатди. Муқон темирлар турган тахта олдига бориб, биттасини қўлига олди-да:

— Бу ҳам болаларнинг ўйинчоғи. Бизнинг полвонлар бундан ҳам йўғон темирларни мана бундай бўйнига галстук қилиб ўраб олади, — деб битта темирни бўйнига галстук қилиб ўраб ташлади. Ҳайрон қолган цирк бошқарувчиси томошабинларга нималардир деб, Муқоннинг қўлини кўтариб ҳаммага кўрсатди. Уйин тугади, эртасига эса полвонлар Россияга жўнаб кетишди. Бироқ, бўлар-бўлмасни шарҳлаб ёзадиган немис газеталари бу ҳақда лом-мим демади. Унинг кучини саҳнада кўрган томошабинлар оғиздан-оғизга кўчириб, элга тарқатишди.

— Рус полвонлари бизнинг полвонларимиздан кучли экан, деган одамларни полиция қамаб ташлади, — дейишди немислар.

* * *

Полвонлар Петербургга қайтиб келганларидан сўнг, мажлис бўлиб, мактабни тугатган полвонларни ҳунарларига қараб турли гуруҳга бўлдилар. Тўрт полвонни чет эл циркига юбормоқчи бўлишди. Улар Дубний, сибирлик Дмитрий Мартинов, сахалинлик Иван Корень ва Муқонлар эди. Петербург циркининг хўжайини:

— Буни четга чиқармай қўя қолайлик, бунга Россия ҳам бўлади-ку, — деди.

Шунда мажлисда қатнашиб ўтирган Дубний:

— Агар Муқон бормаса мен ҳам бормайман, нега энди бормас экан, сабабини тушунтиринглар, — деди.

— Чет мамлакатга борган ҳар бир одам мамлакатимизнинг шону шарафини кўз қорачиғидай сақлаши керак. Чет эл полвони билан курашган етти яшар бола ҳам енгиб чиқиши керак. Шунинг учун чет мамлакатга кетаётган ҳар бир полвон жудаям ишонарли бўлиши керак. Рус ҳақининг ишончини оқлай билиши керак. Унинг кучи кўп бўлгани билан саводи йўқ. Саводсиз куч — филни ўргатгандек гап, уни қовун, тарвуз бериб эргаштириб олиб кетса ҳам бўлаверади. У рус эмас, мусулмон. Европанинг баъзи шаҳарларида бўлганингиздан кейин, сенларни Парижга, Стамбулга, Ҳиндистонга, Кобулга юборамиз. Ана шунда бировнинг гапига лаққа учиб, обрў оладиган жойда йиқилса, ёки «мен мусулмон эдим», деб туриб олса нима қиласан.

— Йўқ, бу ундайлардан эмас. Унинг мусулмон, кофир деган сўзлар билан иши йўқ. У рус тилини ўрганди, ўз фикрини тўла тушунтира оладиган бўлди. Германияга борганда биз унга қозоқ десак, у:

— Мен Россияга борганимдан кейин қозоқ бўламан, ҳозир русман. Бувим — «Эр йигит миллат учун туғилмайди, юрт учун, халқ учун туғилади, уйда овулни, ташқарида элни ўйла», дерди. Подшолигимиз рус халқи бўлганидан кейин, немисларнинг мени ҳам рус деб атаганлари маъқул. Мен уларга руснинг кучини кўрсатиб қўяман,— деди. У бизга бир эртак айтиб берди: — Бир ўтинчи чол бор экан. У боласи, икки ола ҳўкизи билан ўтин ташиб юрганда, ўғли ола ҳўкизининг бунчалик кўп ўтин кўтарганига ҳайрон қолиб: «Дада, худони кучли дейди, унинг кучи бизнинг ола ҳўкизиникидан ҳам кўпми?» — деб сўрабди. Шунда дадаси ранжиб: «Қўй, ўғлим, ҳалол худоми, ҳаром худоми, кўринмаган худони ҳайвонга тенглаштирмагин», дебди. Бизнинг қозоқлар худони кўзи билан кўрмаса ишонмайди,— дейди у. Шундай деб ўтирган одамни мусулмон деб бўладими? Бизлар баъзи бир пулга йиқиладиган сотқин полвонлар ҳақида гапирганимизда, у: «Ор-номусини сотган ҳайвон. Ундай одам, одам эмас. Бир одамга кучини сотган одам бир кун умр кўради. Бироқ кўпчиликка хизмат қилган одам оч, яланғоч қоладими ҳеч? Эл номуси учун ҳалол хизмат қилсанг, у сенга ош ҳам, нон ҳам, уст-бош ҳам, мол ҳам, пул ҳам бўлади. Мен Қизилжардаги одамларни, мени кўриб қувониб кўзига ёш олган Добрий-Рабийни, Қозон шаҳридаги ичадиган ошини бўлиб бериб, мени ўқишга юборган ишчиларни, туғишган оғамдай бўлиб қолган Иван тоғани ҳеч қачон унутмайман. Улар менга, «халқ учун кучингни бер, обрў ол», деган. Пулга сотилиб йиқилгунимча ўлганим яхши, дейди. Шундай одамдан шубҳаланиб бўладими? У яна: «Курашда йиқилиш ўлим билан барабар. Дастлаб кураш усулини ўргана олмай юрган пайтларимда доимо сендан йиқилиб юрдим. Баъзан номус қилиб ўзимни-ўзим ўлдиргим ҳам келди. Баъзан жаҳлим чиқиб, сени парча-парча қилиб ташлагим ҳам келди. Бироқ, кейин бундоқ ўйлаб кўрсам, йиқилганим сенинг дўстлигингдан қиммат эмас экан. Менинг кучим сеникидан кам эмас, фақат кураш усулини: ўрганишим керак экан, мана ўргандим. Энди, Россия полвонларини йиқитаман, деб келган чет эллик такаббур, мақтанчоқ полвонлар қўлимга тушадиган бўлса, иккинчи марта курашга тушмайдиган қилиб қўяман», деди. Шундай содиқ одамни миллати рус эмас деб бўладими? Бу бизни уялтирмайди. Агар у бормайдиган бўлса, мени ҳам рўйхатдан ўчириб ташланглар, мен

ҳам чет элга бормаيمان. Полвон бўлмасам, ҳаммола бўлиб ҳам кун кўравераман, — деди Дубний ранжиб.

Цирк хўжайини Жаровдан бошқа ҳамма Муқон тарафдори эди. Дубний ёқлаб гапиргандан сўнг у ҳам индамай қолди. Мактаб тавсияси ўз кучида қолди.

Қозоқлардан чиқдим , исмим Ҳожимуқон,
Полвонликдан сўзлай бир оз ҳикоя.
Аталдим мен ўн икки йил «Урис полвон»,
Йигирма тўрт юртни кездим бениҳоя.

ПАРИЖДА

Эстония, Латвия, Астро-Венгрия, Польша, Швейцария мамлакатларида бўлиб, кўп курашларни кўрган Муқон чиниқиб, ягрини ерга тегмайдиган полвон бўлди. Кўп полвонларнинг номларини эшитиб, улар билан учрашишни сабрсизлик билан кутди. Туғилиб ўсган дала-сини соғинган Муқон:

Туғилдим у насибам бўлди туздан,
Ким бор экан ўз элидан умид узган?
Эсимга тушган чоғда азиз элим,
Еш думалаб тушади икки кўздан, —

деб ўлан айтадиган бўлди. Ёши ўттиздан ошиб, энди элимга қайтмасам бўлмас, деб юрган маҳалда Дубний Ригадан бир тўп полвон билан келиб қолди. Уни кўрганда худди туғишганини кўргандай қувонадиган Муқон, у билан апоқ-чапоқ бўлиб гурунглашди.

— Муқон, энди ҳадемай Парижга жўнаймиз. У ерга ер юзининг ҳамма полвонлари келадиган бўлибди. Бизлар курашиб кўрмаган Франция полвони Пауш, Италия полвони Струмент, Австралия полвони Рос-Баки, Германия полвонлари Фон-Кениг, Ганг-Каван, Англия полвони Лон-Пул, турк полвонлари Қора Мустафо, Ҳожи Али, Ҳиндистон полвони Прохфи, Япония полвони Сар-Кеккилар келишадиган бўлибди. Шулар билан курашиб ўз кучимизни синаймиз, — деди.

Муқон кўра олмай юрган полвонларининг номини эшитиб қувонди. Ҳатто, соғинган элини ҳам унутиб, сафар кунини сабрсизлик билан кутди.

Эртаю кеч ўйлаган нарса тушга кирмай қўймайди. Тезроқ курашишни сабрсизлик билан кутган Муқон-

нинг тушига одамларга ўхшамайдиган, аллақандай махлуқлар билан юлқишиб, айиқлар, арслонлар билан олишиб юрганлари кирди. Баъзан бақириб, ўрnidан туриб кетадиган бўлиб қолди. Уйғонса ўнгида ҳеч нарса кўринмасди, ёнидаги ўртоқлари:

— Сенга нима бўлди? — дейишиб кулишарди.

— Туш кўрдим.

— Қанақа туш?

— Қора айиқ билан олишиб, бош терисини шилиб ташладим.

— Бўпти, унда эртага чўчка гўшти ер экансан, ёт, — деб яна кулишарди ўртоқлари.

— Йўқ, ҳалиги, Парижга қачон кетамиз.

— Франция ҳукумати инглиз полвонларига рухсат бермай кечиктираётганга ўхшайди.

— Бу қанақаси бўлди. Франция ҳукумати унда инглизлардан қўрққанми? Французлар қўрқса, мана биз курашамиз.

— Улар полвонларидан қўрқмайди, дўстим, бошқаларидан қўрқади. Инглизларнинг бир ёққа одам юборса, ёнига жосус қўшиб юборадиган одати бор-ку, эҳтимол, ўшанисидан қўрққандир.

— Нима, жосус полвонман деб келади?

— Полвон бўлиб ҳам келади, полвонларга раҳбар бўлиб ҳам келади. Қолаверса, шу полвонларнинг бирига хизматчи бўлиб ҳам келади.

— Борганинда жосусни сезсанг, менга айтиб қўй. Бир пайтини топиб, яхшилаб таъзирини бериб қўй, иккинчи полвонлар орасида юрмайдиган бўлади.

Гарчи рус полвонларидан шубҳаси бўлмаса-да, инглизлар ва турклар билан келишиб олиб рухсат этишди. Жаҳон биринчилиги учун бўладиган курашда биринчи марта қатнашиш учун Дубний, Муқон, Мартинов, Иван Корень — тўрталаси Парижга жўнаб кетишди.

Париждаги Россия элчихонаси ходимлари ўз ватанидан келган полвонларни хуш чирой билан қарши олишиб, махсус тайёрланган жойларга ўрнаштиришди. Уларнинг ҳурматини жойига қўйишиб, дам беришди. Бошқа мамлакат элчихоналари ходимлари ўз полвонларини афишаларда таърифлаб, суратларини солдириб, унинг тагига бўйларининг узунликларини, елкаларининг кенгликларини, оғирликларини ёздириб, бу афишаларни тегишли жойларга тарқатиб ҳам улгуришган эди. Шу вақтдаги — Россиянинг Франциядаги элчихонаси

ҳузуридаги санъат ва маданият ишларини бошқариб турган Степан Николаевич ватан шон-шарафини ҳамма нарсадан ҳам юқори қўядиган одам эди. У икки сўзининг бирида: «Россиянинг ити талашса ҳам енгиб чиқса дейман», дерди. У, шунингдек, маданиятли, олим киши эди. Бу курашда Россия полвонларининг ҳам қатнашиши ҳақида хабар топгандан кейин, ёнбоши ёстиққа тегмай бирор нарсани баҳона қилиб бўлса ҳам бориб, уларнинг кийган кийимларини, таъминотини кўриб, чиқарган афишаларини кузатиб турди. Полвонлар келадиган куни улар ётадиган уйнинг деворига ана шу афишалар ёпиштириб ташланган эди. Келишлари биланоқ полвонларнинг кўзи шу афишаларга тушди. Улар ичида ҳаддан ташқари безатилгани немисларники эди: унда катта қилиб икки бошли семурғининг сурати солинган, икки томони эман дарахтининг япроғи билан безатилиб, ўртасига учта полвоннинг сурати солинган. Уртасидагисининг сурати жуда катта қилиб олинган бўлиб, тагига: Анс, бўйи тўрт газ, яғрини бир ярим газ, оғирлиги ўн бир пуд, деб ёзиб қўйилибди. Икки томондагисининг бири илгари Муқон кўрган Фон-Кениг, иккинчиси эса Ганс-Каван экан. Бу учаласининг ўртасига ер шарининг сурати солинган, гўё улар футбол ўйнаётгандай эди.

— Ҳа, анчагина оғир экан, — деди Иван Корень астагина.

— Нимани айтяпсан? — деди Муқон чамадонидан нимадир қидираётиб.

— Мана бу, битта немис полвонни айтяпман.

— Қанча пуд экан?

— Ўн бир пуд деб ёзибди.

— Ўн саккиз пудлик темирни елкангда обкашдай

кўтариб юрасан-у, унинг нимасига ҳайрон қоласан.

— Темир. — темир. Бу жонли одам-да.

— Одам бўлса нима бўпти, бу ўн бир пуд оғирликнинг ҳаммаси куч эмас. Улар пўк бўлади. Ўзинг биласанки, немисларнинг энг яхши кўрадиган овқати картошка шўрва. Сиқилса суви чиқиб кетиб, қуруқ суяги қолади, — деб бесўнақай бармоқлари билан чамадонини ёпди.

— Кучингни кўрармиз, Миша, — деб кулди Иван.

— Қайтанга, каттаси, гавдалиги маъқул, туядай қилиб олиб урасан. Кичкинаси ер ёригидан лип этиб чиқадиган сичқондай ёмон бўлади. Мен катталаридан қўрқмайман.

— Э, айтмоқчи, сени сичқондан қўрқади дейишади, ростми? Ана, каравотинг тагида сичқон юрибди.

— Ҳей, қўй, унақа совуқ гапни гапирма, — деб энгашиб каравотнинг тагига бир қараб қўйди. — Мен ундан қўрқмайман, лаънатининг чийиллашидан қўрқаман. Овозини эшитмасам дейман, — деди Муқон. Кейин у деворга ёпиштирилган афишаларни кўздан кечирди. Шуларнинг ичидан биттасига тикилиб:

— Ие, мана бу бошларига қизил дўппи кийиб олишган қуш бурунлилар ким? Кўйлаклари ғалати-я, узун-узун... Тагидаги ёзувини ўқи-чи, Иван. Қайси давлатдан экан? — деб Коренга қаради.

— Улар сенинг туғишганларинг, мусулмонлар.

— Қаердаги мусулмонлар! Шундақа узун кўйлак, қизил дўппи кийганлар ҳам мусулмон бўларканми?

— Ҳа, бўлади. Булар турклар.

— Эҳа, буларнинг ичида Ҳожи Алиси қайси бири?

— Ўртадагиси. Икки ёнидагиси Қора Мустафо билан Мирза Аҳмад деган полвонлари. Тагидаги арабча ёзувини ўқиб кўрмайсанми?

— Мана бу тўлиб ётган жимжима чизиқларнинг қайси бири арабча? — деди Муқон қўли билан кўрсатиб.

— Ана шуниси арабча.

— Ҳей, арабча деганинг қумга тушган чумоли изига ўхшаган қинғир-қийшиқ бир бало-ку. Қўй, бу ёзувдан туркларнинг полвонини таниб олишни менга раво кўрмаган экан. Раво кўрмаса кўрмас, бу ёзув билан бошимни қотирмаёқ қўя қолай. Бари бир ўзи қўлимга тушар.

— Эҳтимол, сен уни кўрмассан, у сен билан курашмас.

— Нега энди кўрмас эканман. Нима, улар курашга тушмай, Парижга чўчқа боққани келибдимми?

— Фойдаси тегадиган жойда улар динни ўртага солишади. Агар улар сенинг йиқита олишингга кўзи етса, биз мусулмонлармиз, деб курашмай қўя қолади.

— Тўғри келса отангни ҳам аяма, деган бувим. Ўз отасини танимайдиган куч пусирмонни (бу Муқоннинг ўз тили) бошига урсинми! Мен бировдан йиқилиб худодан имон сўрамайман, — деди Муқон қовоғини солиб.

* * *

Полвонлар ҳаммомга тушиб, уст-бошларини алмаштиришгач, уларни кўриш учун Степан Николаевич келди. У ўз ватандошларини очиқ кўнгил билан қарши

олди, ҳол-аҳвол сўради, ватан ҳаётини суриштирди, йўл қийинчиликларини сўради. У гаплашиб ўтириб:

— Қалай, мана бу полвонларнинг оғирлиги, гавдаси, исм-шарифлари билан танишдингларми? — деб девордаги афишаларга қаради.

— Ҳа, танишяпмиз.

— Савлагини кўриб, қўрқиб кетмадингларми?

— Сурат кўриб қўрқадиган одам курашгани келадими... Бизнинг Миша (улар Муқонни шундай деб атайдилар): «Бу гавданнинг ярми сув билан картошка, сиқиб ташласа қуруқ суяги қолади», деяпти. Қўрққан киши шундай дейдими, ака?

— У ким? — деб қатор ўтирган полвонларга бир қаради.

— Мана бу, — деб Дубний ёнида ўтирган Муқонга қаради. Степан Николаевич унга меҳрибонларча тикилди.

— Қайси миллатдан?

— Қирғиз.

— Биз «қирғиз» деб ўрол дарёсидан то нарёғи Хитойга етгунча чўзилган бепоён далада яшовчи халқни айтаемиз. Бу, миллатларга унча эътибор берилмай айтилган гап. Бўлмаса бу ерда қозоқ ҳам, қирғиз ҳам, қорақалпоқ ҳам, ўзбек ҳам бор. Шуларнинг қайси биридансан?

— Қозоқ.

— Қаердаги?

— Эсил бўйидаги, Саритерак бўлисидан.

— Тушунарли. Чин қозоқ экансан.¹ У ўрта юз қозоқларининг ери-ку. Бир маҳаллар мен Оқмўла областида Тўрғайда бўлганман. Қозоқлар ростгўй, оқ кўнгил, меҳмондўст, янгилликни ёқловчи халқ. Унинг Чўқон, Иброй каби маърифатпарвар кишилари бор. Энди тушунарли. — У Муқонга яқинлашиб, мактабдан қандай хунар ўрганиб чиққанини суриштира бошлади. У суҳбатининг охирида:

— Мана бу полвонлардек афишага суратимизни солдириб мақтанамизми? — деди. Дубний индамай ўтирган полвонларга бир-бир қараб чиқди-да:

— Бундай қилишнинг нима кераги бор? Суратимиз билан эмас, кучимизни кўрсатиб мақтансак бўлмайди-

¹ Қозоқлар территориал учта: — кичик юз, ўрта юз, катта юзга бўлинган. Шуни айтмоқчи (тарж.).

ми? «Ўзини ўзи мақтаган ҳўкиз — тентак» дегандай, мақтанчоқлик халқимизга хос эмас-ку.

— Хўш, бошқаларинг нима дейсанлар? Қани, сен нима дейсан, қозоғим?

— Дубний тўғри айтди. Афиша ёздириб, суратларини олдирган шу қуруқ мақтанчоқларни йиқитсак, бизни одамларнинг ўзи мақташади.

— Мен ҳам худди шу фикрда эдим. Суратларингни эмас, кучларингни кўрсатинглар. Бироқ Россиянинг ҳаммасини бир хил кийимда кўрсатмай, ҳар ким ўз миллий кийими билан, яъни кавказ, украин, сибирликлар ўз миллий кийимларида чиқсин. Кийимларинг бошқа-бошқа бўлса ҳам, мақсадларинг бир бўлса бас,— деди Степан Николаевич. Шундай қилиб, у, ҳар миллатнинг ўз кийимини ҳозирлатиб қўйди. Муқонга қадимги қозоқларнинг туя жун чакмони топилмади, унинг бошига оқ тивит қалпоқ, устига Бухоронинг йўл-йўл ола беқасам тўни кийдирилди. Шундай қилиб, Муқон бутун дунё паҳлавонлари тўпланган Париж циркига ола тўн билан кирди.

* * *

Полвонларнинг халқаро курашига раҳбарлик қилувчи (аралаш тузилган) комиссия биринчи ҳафта ичида полвонларнинг кучини намойиш қилиб, уларни кўпчиликка таништиришни маъқул деб топди. Капитализмга тиш-тирноғи билан ёпишиб олган Европа мамлакатларининг сиёсий дипломатлари феодализм қолдиқларидан ҳали батамом қутула олмаган Россиянинг ҳар бир майда-чуйда нуқсонларидан кулгиси келар эди. Улар Россия ўз полвонларининг афишасини олиб чиқиб осмаганини «камбағалликка» йўйиб кулдилар. Мезбон мамлакат Франция дастлабки курашга Россия полвонларини тавсия қилди. Комиссия аъзоси бўлган Степан Николаевич бу таклифни қабул қилмади.

— Бизнинг қурилиш ва маданият соҳасида Европанинг бир қанча мамлакатларидан орқада эканлигимиз рост. Кечаги полвонлар ҳақидаги афишалар Берлинда, Лондонда, Стамбул ва бошқа жойларда босилиб келди. Бизнинг полвонларимиз ундай афишалар олиб келгани йўқ. Бунинг устига Англия, Германия, Францияники сингари дунёга маълум бўлган полвонларимиз ҳам йўқ, нуқул ёш полвонлар келди. Бизнинг полвонларимиз бу курашда ҳамма полвонларни йиқи-

тиб, пойга олгани келгани йўқ, балки илғор мамлакатларнинг полвонларидан ўртак олгани, ўргангани келди. Россия полвонлари энг охирида чиқса ҳам бўлади, — деди.

Мақтанчоқ дипломатлар гердайишиб бир-бирларига маъноли қарашиб, бу таклифга қарши чиқмадилар.

«Бу русларнинг урушда ўлган-тирилганига қарамай жанг қилгани бўлмаса, бизникига ўхшаган, кураш техникасини яхши билган, маданиятли полвонлар уларга қаёқдан келсин», деб ўйлашди ўзларича. Аммо уларнинг бу хом хаёли кўпга чўзилмади, кураш бошлангунча эди, холос.

* * *

Кураш ҳам бошланди. Полвонлар Париж аҳлига турли-туман ҳунарларини, кучларини намойиш қилдилар.

Баъзи полвонлар ириллаган арслонни оёғидан ушлаб, улоқтириб юборди, катта ҳўкиз билан олишиб, чўққайтириб ўтқазиб қўйди. Икки пудлик қирқ тошдан бештасини шардек учуриб ўйнади, билакдай темирни бўйни билан, лўм темирни эса тиши билан эгди; икки қўли билан икки отни қимир этказмай қўйди; қўлларига тўрт одамни мингизиб, манежни айланди; боши билан ерда туриб, оёғида олтита одамни ўйнатди; икки пудлик тошни устига қўйиб, ярим пудлик болға билан уриб синдиртирди.

Ҳиндистон полвони юмалоқ тахта устида ўз хўжайинини бутун оиласи билан, дастурхон атрофида ўтирган ҳолда кўтариб чиқди.

Африка полвони ўттиз пудлик филни турган жойида кўтарди. Яна анча ҳунар, куч кўрсатган полвонларни Париж аҳли олқишлади.

— Эртага Россия полвонларининг ҳунарини кўрасизлар, — деб эълон қилди цирк бошқарувчиси. Гулдурос қарсақлар бутун Парижни янгротиб юборгандай бўлди. Эртасига цирк очилганда ўртада бошқа полвонлар тайёрлатиб қўйган каби ўйин асбоблари кўринмади. Фақат цирк майдонида катта-кичик гилдираклар, қалин тахталар ётар эди. Баъзи томошабинлар:

— Э, булар чопишми ё сакрашми, ишқилиб шунга ўхшаш бир ўйин кўрсатишаркан-да. Бундай томошани ҳар куни кўриб юрибмиз-ку, — деб ўйлашди. Россия полвонларини кутиб ўтирганлар ичида: «Руслар нуқул ёш болаларни юборишиб, афишада суратларини кўрса-

тишга уялишганмиш», деган гапларни эшитганлар ҳам бор эди. Улар сахнада ётган асбобларни кўриб: «Мана бу юмалоқ тахтани нима қилишар экан... Нуқул шунақа оғир нарсаларни ташишибди-ку...» — деб ҳайрон бўлишди. Рус полвонлари ўқишни эндигина битиришиб чиққан дейишганларида, томошабинлар: «Демак, полвонлари жуссаси кичик, пачоқ бўлса керак», деб ўтиришди. Кутавериб сабри тугаган халқ устма-уст қарсак чалди.

Одат бўйича полвонлар ўртага чиқиб, бошқарувчи таништиргандагина таъзим қиларди, булар ундай қилмади, ҳатто ҳали ўзлари чиқишгани йўқ. Ниҳоят, циркни бошқариб юрган француз чиқиб:

— Рус полвонларининг ўйинини бошлаймиз, — деди.

Одамлар дув этиб цирк эшигига қарашди. Мускуллари бўлак-бўлак бўлиб турган биров ўн саккиз пудлик рельсга йигирма бешта цирк хизматчисини миндириб кўтариб чиқди. У бу юкни писанд қилмай, худди қўли бўш одамдай эркин қадам ташларди. Гулдурос қарсак орасидан:

— Шарқий Европада биринчиликни олган Дубний, — деб қичқирди француз. Бу сўз баъзи бир одамларнинг кулоғига элас-элас эшитилди.

Полвон цирк майдонини бир айланиб ўртага турдида, томошабинлардан яна бир нечтасини чақириб, рельсининг икки учини бостирди. Қирққа яқин одамнинг оғирлигидан рельсининг икки учи эгилиб ерга тегди. Шунчалик оғир юк кўтарган рус полвонининг шуҳрати Париж циркининг деворларини ёриб, ташқарига чиққандай бўлди. Унинг кетидан саккиз пудлик иккита сандиқдай-сандиқдай келадиган тошни қўлтиғида, икки пуд келадиган чўян болғани тишида кўтариб яна бир полвон чиқди. Уни: «Россия полвони Дмитрий Мартинов», деб таништиришди.

Унинг кетидан беш пудлик иккита қадоқ тошни жимжилоғида илиб чиққан полвонни:

— Бу сахалинлик Иван Корень, — деб таништирди цирк бошқарувчиси. Уларнинг орқасидан бошида қалпоқ, эгнида ола шохи тўнли одам икки ўрқачли катта туяга миниб чиқди. Бу европаликларнинг кўзига худди Чингизхон тирилиб келгандай бўлди. Залдаги болаларнинг қий-чувидан, қарсакдан унинг номини айтишга ҳам имкон бўлмади. Одамлар ўрнидан туришиб бир-бирининг елкаси оша қарашди, гуё цирк ичи кўчаётгандай бўлди. Бироқ полвон буларга мутлақо парво

қилмади. Туядан тушиб, унинг олдинги тиззасига оёғи билан туртиб:

— Чўк! — деди.

Елкасидан ушлаб, пастга босган кучли қўл туяни чўктирди-ю, тиззасидан қайиш ўтказиб, туяни худди қопга ўхшатиб орқалади-да, яна қайтиб кириб кетди. Ағрайиб қолган томошабин унинг туяни қандай кўтариб кетганини ҳам сезмай қолди. Кетидан кирмоқчи бўлиб эргашган болаларини юбормай, томошабинлар циркни бошига кўтариб қичқиришди:

— Қани у? Яна чиқсин! — деган товушларга:

— Чиқади, — деб жавоб қилди бошқарувчи.

Қайта кўришни истаб, цирк эшигига тикилган томошабинларга полвоннинг қалпоғигина кўринди. Томошабинлар яна зўр бериб чапак чалишди.

Полвон циркнинг ўрта саҳнига бир аравани тиши билан тортиб чиқди. Арава устига ёпилган оқ нарса устига тўрт тилда, етмиш беш пуд, деб ёзиб қўйилган эди.

— Шарқий Европа биринчилигини олган Муқон Мунгайтпасов... — деди бошқарувчи.

— Бу рус эмас-ку... мўғул-ку... — деган товушлар эшитилди.

— Я не монгул, а рус из казахской степи, — деди полвон йўғон товуш билан русчалаб. Музыка садолари остида рус полвонлари ўз ҳунарларини кўрсатишда давом этди.

* * *

Дунёнинг талай-талай шаҳрин кезиб,
Танитдим мен жонажон қозоқ элин.
Устимдан оғир автобус ўтганда ҳам
Қайишмади, букилмади менинг белим, —

дерди Муқон.

Лўм темирни эгиб, бўйнига галстук қилиб ўраш Муқоннинг энг енгил машқларидан бири эди. Буни томошабинлар ҳам кўрди. Музыка авжига минган маҳалда ўртада турган сандиқдай тошни тўрт киши базўр кўтариб келиб, Муқоннинг устига қўйди. Сўнгра цирк бошқарувчиси:

— Қани, ким уриб синдиради? — деди томошабинларга қараб. Уч-тўртта одам:

— Мен синдираман, — деб ўртага чиқди-ю, бироқ,

болгани кўтара олмай орқага қайтаверди. Кўзлари йилтираб, икки қўли билан тошнинг икки томонидан аста кўтариб, чип-чип терлаб ётган Муқоннинг устидаги тошни уриб синдириш ҳазилакам иш эмас эди.

— Мен бир кўрай-чи,— деб Ҳиндистоннинг Рига-Рибер деган полвони болганинг дастасини ушлади. Тошни бир урганда синдириш керак эди. Қари бургутникадай ўроқбурун ҳинд полвони болгани қулочкашлаб кўтарди. У арслон гавдасидай ястаниб ётган гавдага кучининг борича урмоқчи. Музыка бирдан тинди. Мингларча жуфт кўзлар кўтарилган болгага тикилди. Бу даҳшатли манзарага қаролмай юзини бурган одамлар ҳам бўлди. Музыка портлаган бомбадай бирдан янграб кетганда чўян теккан тошдан ярқ этиб ўт чиқди. Муқон икки бўлинган тошни икки томонга отиб юбориб ўридан учиб турди.

— Ҳарҳолда, маданиятсизроқ ўйин экан,— деди немисларнинг бош полвони.

— Россиянинг катта полвонларини излаётган полвонларимизда шундай кучли, ёш полвонларни йиқитамиз деган умид қолдимикан?— дейди чет эллик дипломатлар ўзаро шивирлашиб.

Одамлар ўрнидан туришаётган маҳалда:

— Эртага кураш бошланади,— деб эълон қилди цирк бошқарувчиси.

Шу куни Париж аҳли фақат рус полвонларининг кучи ҳақида, уларга тенг келадиган полвонларнинг йўқлиги ҳақида гапиришишди.

* * *

Цирк билетлари ҳаддан ташқари қимматлашиб кетди. Ишчининг бир ҳафталик меҳнат ҳақи цирк билетига зўрға етадиган бўлиб қолди. Бунинг устига савдогарлар эрталаб ҳамма билетни олиб қўйиб, кечқурун икки ҳисса қимматга сотишадиган бўлишди. Шунинг учун ишчилар туя кўтарган, рельс эгган рус полвонлари курашадиган кунни кутишди. Навбатма-навбат томоша қилишиб, кўрганларини бошқа ўртоқларига ҳикоя қилиб беришди.

Курашга тушадиган қирқ тўрт полвондан иккиси рус полвонлари кўтарган рельсни кўтарамиз деб майиб бўлиб, қатордан чиқиб қолишди. Қолган қирқ икки полвон билан кураш бошланганда, дастлабки ўн кун ичида русларнинг икки полвони муттасил қатнашиб

турди. Улар на ўзлари йиқилди, на бошқаларни йиқитди. Муқон билан Дубний докторнинг справкаси билан курашга қатнашмай фақат томоша қилиб ўтиришди. Ҳиндистон полвонини араб полвони, араб полвонини турк полвони, италия полвонини инглиз полвони, инглиз полвонини немис полвони, немис полвонини француз полвони, француз полвонини турк полвони йиқитишиб ким кучли, ким кучсиз эканлиги маълум бўлиб қолди. Қанақа усулда курашишлари ҳам маълум бўлиб қолди. Икки рус полвоннинг тушишини таклиф қилувчилар кўпайиб кетди. Шундан кейин Дубний билан Муқон ҳам курашга қатнашди.

— Полвон бўлиш учун Россиядан чиқиб, чет элдан устоз изламайман, ўз элимдаги устозим бўлади, — деган эди етти марта жаҳон чемпиони номини олган, полвонларнинг полвони Иван Поддубний. У жуда тўғри айтган эди. Иван тоға мактаби рус полвонларига замонага хос французча курашни бенуқсон ўргатганини — «устоздан шогирд ўзгани»ни Париждаги кураш равшан кўрсатди.

Бу курашда рус полвонлари фавқулодда ёки омад туфайли эмас, балки кучи билан, кураш ҳадисини яхши билгани туфайли ғалаба қилди.

Сараланган полвонлар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ: оғирлиги беш пуду ўн уч қадоққача бўлганлар, енгил курашда Франция чемпиони деган ном олиш учун, иккинчи гуруҳ: ўзидан оғир полвонлар билан курашиб, жаҳон чемпиони номини олиш учун, русларнинг икки полвони иккинчи гуруҳга қўшилди.

Полвоннинг номи аталганда: «Николани йиқитадиган ҳали онасининг қорнида ётибди», дейишди одамлар. У ўртага чиққанда қарсақдан цирк янграб кетди. Бироқ, амалда улар ўйлаганча чиқмай қолди, арслондек ҳайбат билан ташланган Николанинг бўйни Дубнийнинг бағрига кирди-да, гилам ўртасига узала тушди. Эркин кучни эркин ишлатаётган ёш рус полвонига Париж аҳли ҳайрон қолишди.

Дубнийда бекорга ҳаракат қилиш, терлаш деган гап бўлмади; ёнбошидан босиб ётган чемпионни қимир этказмай бир қўлини қўлтиги тагидан, бир қўлини бўйнидан ўтказиб олиб, қисиб тураверди. Унинг курагини ерга тегизишга шошилмади ҳам. Бироқ дақиқа сайин Раулнинг нафаси қисила борди. Гавдасини омбир каби қисиб ётган Дубний, худди ҳазиллашаётган болалардай, шивирлаб деди:

— Бу иссиқ қучоғим — сенинг такаббурлигинг учун, сени такаббур қилиб ўстирган Париж учун!

Орадан қирқ минут ўтганда Рауль хириллаб:

— Мана бу мени бўшатсин, бир гапим бор, — деб судьядан илтимос қилди.

— Йў-ўқ, бўлмайди! Бу ҳийла қиялпти, қочиб кетади, — деди Дубний. У илтимос қилавериб қўймагандан сўнг судья бўшаттирди. Ранги бўзариб кетган Рауль судья столига бир оз суяниб турди-да, курашни энди давом эттиришнинг ҳожати йўқлигини айтиб, одамлар орасига ўзини урди. Уни пирим деб ҳисоблайдиган офицерлар: «Бошқатдан курашинг, минг франк берамиз», деб ваъда қилишса ҳам бўлмади, бошини чайқаб, кураш майдонига доримади. Унинг ўйлаган қувлиги «дуёдан курагим ерга тегмай ўтди», дейиш эди. Бунисига Дубний кўнмади.

— Биз майдондан қочган одамни енгилди, деб ҳисоблаймиз, Рауль йиқилди, — деди у. Дубнийнинг сўзини маъқуллаган товушлар циркни янградиб юборди. Судья ҳам кўпчиликнинг фикрига қўшилди.

— Эртага Муқон билан Ҳожи Али курашади, — деб эълон қилди цирк бошқарувчиси. Одамлар эртанги кун билетини сотиб олишиб тарқалишди. Муқоннинг кўз олдига Дубнийнинг Николани қандай йиқитгани кўриниб кетди.

* * *

Ҳар куни Парижнинг марказий боғидан айланиб келиш полвонларга одат бўлиб қолганди. Ола тўн, оқ қалпоқ кийиб олган Муқон бир қадоқча келадиган кумуш тангасини қўлига олиб, боғ оралаб келарди. Ҳар куни у билан бирга юрадиган Дубний қаергадир вакил бўлиб кетиб, бугун ёлғиз ўзи қолди. Қалин буталар олдидан ўтаётганда, кутилмаган жойдан бошларига попукли қизил дўппи кийиб олишган икки турк чиқиб қолди:

— Салом, туғишган! — қўлларини кўксига қилиб омонлашди улар. Алланарсаларни ўйлаб аста келаётган Муқон уларга қараб:

— Салом, салом! — деди. Уларнинг бири — кеча ўздан йиқилган Қора Мустафо, иккинчиси — олифта кийинган бир турк эди. Улар келган томонини кўрсатиб:

— Марҳабо, марҳабо! — дейишди. Дарахтлар орасидаги шийпондан бир тўп туркларнинг гурунглашган товушлари эшитилди.

Муқонни икки турк икки қўлтиғидан суяб, шуларнинг олдига олиб келишди. У ерда етти-саккиз чоғли турк ўтиришар, улар орасида оқ шойи салласига жиға қадаб олган беги ҳам бор экан. У чилимга тамаки солиб, резинка найдан дам-бадам бурқиратиб тортарди. Бегидан бошқалари ўринларидан туришиб, «марҳабо» деб сўрашди, ўзаро арабча нималардир дейишиб кулишиб олишди. Уларнинг нима деб, нима қўяётганини Муқон тушунмади. Бек унинг бўй-бастига узоқ тикилди. Бу вақтда Муқоннинг бет-оғзи соппа-соғ, гавдаси лат емаган, семиз, чиройли кези эди. Елкалари тахтадай ялпоқ, алп гавдали, худди арслондек йигит эди. Бек унга айлана қараб:

— Чўх гўзал йигит-а... — деди ёнидагиларга. Биттаси турк тилини тушунса керак, деб ўйлаб:

— Сен мусулмон-а, қардош. Туркистонийдур? — деди Муқоннинг елкасига қоқиб. Уларнинг нима деяётганига яхши тушунмаган Муқон, ўйланиб туриб:

— Я не понял, — деди. Турклар яна ўзаро арабча-туркча қилиб гаплашиб олишди. Сўнг ўйга толган бек русчалаб сўради:

— Сен турк наслидансан-а, мусулмонсан-ку?

— Ҳа, пусурмонман.

— Сенларнинг ҳокимларинг рус-а?

— Ҳа, ҳокимимиз рус, бўлисимиз қозоқ.

— Сенларда мачит, мадраса бўлмайди, а?

— Бизнинг қозоқларга уларнинг кераги ҳам йўқ. Кўчманчи халқ бўлгандан кейин, нима, уларни туяга ортиб юрадимиз?

— Савдо, савдогарларинг ҳам йўқ. Сенларда тургун бозор ҳам йўқ, шундаймасми?

— Савдогар деган нарса сувдаги балиқдай гап. Эл бор ерда у ҳам бор. Бироқ қозоқларнинг энг ёмон кўрадиган нарсаси савдо иши. Савдо иши билан шуғулланган киши алдамчи, ёлғончи бўлади. Бизнинг халқимиз шундай одамларни ёмон кўради.

— Сен русни яхши кўрасанми ё мусулмонни яхши кўрасанми?

— Мен, кишини алдамайдиган, ёлғон гапирмайдиган одамни яхши кўраман.

— Ундай бўлса мусулмонлар одамни алдамайди.

— Қайдам... Бизнинг элимизда пайғамбар авлоди хўжа бўлибди, дерди бувим, элнинг моли ўғирланиб, топилмай кетаверар экан. Шунда, бир қозоқ хўжанинг кечаси тасбеҳ ўғирганига қулоқ солса, у:

— Ургилайин тасбеҳ, сендан,
Гумон қилмас ҳеч ким мендан.
Нафсим менинг бўлди бало...
Ҳафтада ейман бир тана,
Ло илоҳа иллолло...—

дермиш. Шунга ўхшаган пусурмонлар тўлиб ётибди. Уни ёлғон сўзламайди, деганига ким ишонади. Хўп, анча гаплашдик, мен энди кетай,— деб Муқон ўрнидан турди.

— Сен бир оз сабр қил, туғишган. Қаёққа боряпсан?

— Кечқурун курашга тушишим керак. Анави сув сотадиган жойдан беш-олти шиша пиво ичиб қайтаман.

— Ундай бўлса у шу ерда бор. Қани, туғишганимиз билан танишганимиз учун энг яхши нав шароблардан қуйиб юборинглар,— деб одамларига қаради бек.

Салқин ҳовуз сувига солиб қўйилган кумуш кўзани олиб, кумуш косаларга тўлдириб-тўлдириб қизил вино қуйишди. Муқон турклар билан чўқиштириб икки марта кўтарганда чаккасидан тер чиқиб кетди. Бошидаги қалпоғини олиб юзини елпиди. Иштаҳа билан ичаётган полвонга турклар уч-тўрт коса ортиқ ичириб юборишди. Кайфи ошган Муқон ўлан айта бошлади:

Сўрасанг Муқон полвон менинг отим,
Урта юз, ўзим қипчоқ асли зотим.
Асли отам — қора қипчоқ Қўбланди,
Қўллаб турар курашганда зурриётин...

— Қандай ажойиб ўлан-а,— дейишди турклар вағирлашиб.

— Туғишганларим, сенлар учун ичаман,— деб у яна икки коса ичди. Кўзлари сузилиб, қўллари керилиб, билагининг мушаклари ўйнай бошлади.

— Қардош, қалай, туғишганларинг ўртасида ўтиришганингни унутмайсанми?

— Ҳеч қачон унутмайман!

— Бугун ким билан курашишингни биласанми?

— Менга бари бир. Чўзиладиган қўли, ушлайдиган бели бўлса бас, курашавераман.

— Сен ундай дема, исломни ёдингда тут. Бугунги курашадиган одамнинг мана бу йигит,— деб бек ўз ёнида ўтирган юзи чўзинчоқ, ўроқбурун, гавдаси Муқон-никига бир ярим келадиган Ҳожи Алини кўрсатди.—

Бу кофир мамлакатларининг ўттиз саккиз полвонини йиқитди. Энди икки полвон қолди. Уларнинг биттаси сен. Агар сен Ҳожи Алини йиқитсанг, жаҳон полвони деган номни кофирлар олмоқчи. Борди-ю, сен йиқилсанг, мусулмонларнинг обрўси кўтарилиб, жаҳон полвони номини ислом олиб, ҳазрати Алининг арвоҳи рози бўлади.

— Э, гап буёқда экан-ку, — деди, кўзлари қизара бошлаган Муқон.

— Аҳа. Энди тушунди. Курашда дин учун йиқилиш уёқда турсин, ҳар бир мусулмон шаҳид бўлиб жон бермоғи даркор.

— Хўп, нима қил дейсан?

— Бугун Ҳожи Алидан йиқилиб, обрўни мусулмонларга олиб бер. Бунинг учун Стамбулга боргандан сўнг алоҳида мукофот оласан, мен айтаман, халифа ўз қўли билан беради.

— Эй, анавинингдан борми яна! Яна озгина қуйиб юбор, — деб шароб қуйиб ўтирган туркка қаради. Кўзани силқитиб, кумуш косага тўлдириб қуйилган шаробни унга берди. Муқон бошини қуйи солиб ўйланиб ўтирганча шаробни шимирди-ю:

— Хўп бўлади, обрўни пусурмонга олиб бераман, — деди.

— Оллонинг раҳмати ёғилсин сенга, — деди бек гулгул яшнаб.

Муқон қалпоғини киймай, қўлида мижиғлаб ушлаганича, хайрлашмай кета бошлади.

— Нега хайрлашмайсан? — деди Мирза Аҳмад полвон кулиб.

— Кечқурун цирқда учрашамиз-ку, унгача нимасига хайрлашамиз? — деб ётоқхонасига жўнади Муқон.

— Ана, буниси йиқиладиган бўлди. Энди рус полвонни бир амаллаб йиқитишинг керак, — деб бек хандон отиб кулди.

— Мусулмон деган сўзни тўғри айтолмайдиган одамнинг йиқиламан, деган сўзига ишониб бўлмайди. Беш киши ичадиган шаробни бир ўзи ичди. Агар шу бир оз бўшаштириб, бир нарса қилмаса «йиқиламан» деганига мен сира ишонмайман, — деди турк полвони оғир хўрсиниб.

— Анқовроқ кўринади, ушлашаётганда мусулмонлигини эсига солиш учун бисмиллони эшиттириб айт. Йиқилиб бериши ҳам мумкин. Майли, нима бўлса ҳам кечқурун кўрамиз.

— Араб, форс, Миср, ҳинд, Буюк Британия, Германиянинг полвонларини йиқитган турк полвони Ҳожи Али рус полвони Муқон Мунгайтпасов билан французча курашади. Вақти йигирма минут, — деб эълон қилди цирк бошқарувчиси.

Цирк одамга лиқ тўлган, юриб бўлмади. Томошабинлар чапак чалиб зални янградиб юборди. Шунда қайсидир бир турк француз тилида:

— Иккаласи ҳам мусулмон полвони... — деб қичқирди. Бироқ унга ҳеч ким эътибор бермади. Муқон устидаги ола тўнини ечиб ташлаб, туки йўқ арслонга ўхшаб бир-бир босиб тепадай бўлиб турган турк полвонининг рўпарасига бориб турди. Турк полвони кичкина полвонни менсимагандай, йўғонлиги филнинг оёғидай келадиган билагига билан унинг елкасига бир урди. Бу уришига илгари бошқа полвонлар юз тубан қулаб тушарди. Бу зарб Муқонга ҳам энгил тегмади, энгашиқираб бориб ўзини ўнглаб олди. Биринчи уришда қулата олмаган турк, жаҳли чиқиб яна ҳамла қилганда ҳуштак чалиб, судья йўлини тўсиб қолди. Французча курашнинг қондаси бўйича дастлабки урганда йиқита олмаса навбати ўтган ҳисобланарди.

Муқоннинг жаҳли чиқиб кетди. У, бу қадар оғир зарбани биринчи марта ейтиши эди. Уларга тикилиб турган мингларча жуфт кўзлар гўё: «Мана, бу рус полвони йиқилиб қолаёзди», деяётгандек бўлди. Парижга келган кунларининг эртасига Степан Николаевич:

«Ватан обрўси — бутун Россия халқларининг обрўси. Россиянинг ити талашса ҳам энгиб чиққанини маъқул кўрамиз», — деган эди. Уша Степан Николаевич циркнинг бир жойида Муқоннинг энгиб чиқишини истаб ўтиргандай туюлиб кетди. Бувиси Ойсара: «Ном чиқармоқчи бўлган одам аввало ўз номусини ҳимоя қилади. Ўз номусини ҳимоя қилган одам, овул обрўсини сақлай олади», дерди. Муқоннинг йиқилганини эшитса бувиси нима дейди? Муқонга оқ сочли вазмин бувиси Степан Николаевич билан бирга циркда ўтиргандай бўлди. Ҳазаби тошиб, тишини ғижирлатди. Уртада турган судьяни елкаси билан бир туртиб, фил бўйинли турк полвонига чап берди. У бўйнига ёпишган пўлат қўлнинг яшинми ё электр токими эканлигини сезмай қолди, тоғ қуласа ҳам парво қилмайдиган зўр

гавдаси коптоқдай учиб кетганини сезмай ҳам қолди. Муқон уни кўтариб, бошидан ошириб отиб юборди. Кейин чаққонлик билан бўрига чанг солган бургутдай босди. Турк полвони ёйдек эгилиб, оёқларини тиклолмай, қадини ростлай олмай қолди. Энгашиб унинг курагини кўрган судья ҳуштагини чалиб, соатига қаради:

— Тўрт минут ичида турк полвони Ҳожи Алини рус полвони Муқон Мунгайтпасов йиқитди, — деди.

— Кўппак ўғли, мусулмончилик оринг, ваъданг қани? — деди икки қўлини тираб ўрнидан зўрға тураётган Ҳожи Али.

— Йиқилиб пусурмон бўлганимдан кўра, йиқитиб полвон бўлганим яхши, — деди ҳали жаҳлидан тушмаган Муқон, қовоғини солиб.

«Мен умримда йиқилишни хаёлимга келтирган эмасман. Боғда, турклардан айрилгандан сўнг, ётоқхонага келгунча турли хаёлларга бордим: ёши, гавдаси менга қараганда икки ҳисса катта полвоннинг ўз кучига ишонмай, менга ялингандай бўлиб, ўз шериклари орқали арзу ҳолини айттирганига сал аягим ҳам келди. Бироқ, кўнглида бор гапини очиқ айтмай, «турк, туғишган, пусурмон, ислом», деб тушунмайдиган сўзлар айтганига жаҳлим чиқди. Ростини айтсам, ётоқхонага борганимдан кейин, шуни бугун йиқитмай қўя қолсам нима қилади? — деган фикрга ҳам бордим. Бироқ, унинг курашда ўзини тутиши мени бу фикрдан қайтарди. Иван тоға: «Ўз рақибини ўлдирмоқчи бўлган полвонлар бирданига мана шундай ҳамла қилади», деган эди. Ундай бўлса, унда пусурмонлик ҳам, туғишганлик ҳам йўқ, фақат душманликкина бор, холос. Унинг йиқилгандан ўрнидан туролмай «кўппак ўғли» деган сўзига кўп йил ўтгандан сўнг тушундим. Буниси «итнинг боласи» дегани экан. Эшитган заҳоти тушунганимда уни циркдан омон чиқармас эдим», деган эди полвон.

* * *

Эртаси куни курашга Поддубний¹ билан Ҳожи Али тушиши керак эди. Биринчи курашда анча юрак олдириб, бўшашиб қолган Ҳожи Али ўн тўрт минутда йиқилди. Поддубний қирқта полвонни йиқитиб биринчи бўлди. У энди жаҳон чемпиони номини олиш учун

¹ Юқорида уни Ҳожимуқоннинг тили билан Дубний деб атаган эдик.

ўзининг дўсти, тарбиялаб ўстирган шогирди Муқон билан курашиши керак эди.

Муқон, аввало, немис полвони Анс билан курашга тушиши керак эди. У Поддубнийдан йиқилгандан кейин ҳар куни «оғрийдиган» бўлиб қолди. Илгари тез-тез кўриниб турадиган полвон энди сийрак келар, келса ҳам бир четда, кўринмас жойда ўтирар эди. Бироқ уч кун илгари номи ёзилиб, расми солинган афишалар кўчага осилиб ташланган эди. Бу афишаларни кўрган одамлар уни курашмаганига қўймади. Ҳар куни сўраб, унга тинчлик бермади. У рус полвонининг кучига чидаш беролмади, йиқилди.

Ғолиб чиққан икки полвонни ўртага чиқариб комиссия раиси (француз):

— Жаҳон биринчилиги учун бўлган курашнинг биринчи ўрнини ҳам, иккинчи ўрнини ҳам рус полвонлари олди. Булар мана шу қаршиларингда турган полвонлар. Бериладиган мукофотимиз мана бу,— деб у битта катта, битта кичкина олтин медални кафтига солиб кўрсатди,— бу медални қандай қилиб олса шундай қилиб олишади, бари бир шуларники. Комиссия сафига кирган ўн уч давлат вакили курашларни муттасил кузатиб туришди. Қўйилган шартлар бенуқсон бажарилди. Ҳеч қандай ҳийла-найранг, алдаш деган гаплар бўлгани йўқ,— деди. Циркни яна гулдурос олқишлар янгатди.

Икки боланинг ёқалашаётганини кўрса, ишидан қолиб томоша қилиш инглиз ҳукмрон доираларининг азалдан одати эмасми? Уларнинг вакилларига бу икки рус полвоннинг курашганини кўриш қизиқ туюлди. Агар қора танли одамни оқ танли одам енгса: «Бу оқ танлининг алоҳида устунлиги ҳисобланади. Борди-ю, оқ танлини қора танли йиқитса, унда айиқ одамни йиқитгандай гап», деб тушунадиган одамлар, шу курашни томоша қилгиси келиб қолди.

— Жаҳон чемпиони медалини ким олганлигини ўз кўзимиз билан кўрмоқчимиз. Курашин,— дейишди улар.

— Жаноблар, бир оилага теккан мукофотни бўлиб бераман дейиш ҳаддан ташқари ўжарлик эмасми?— деди Степан Николаевич.

— Шарқлик одамни биз ҳеч қачон Россия оиласининг аъзоси деб ҳисобламаймиз,— деди биров.

— Албатта, дунёни фақат сиёсатгина бўлади, бўлмаса одам одамдан бўлингиси келмайди. Ана, кураша-

ман деса ўзлари билади. Бироқ биринчи ўрин билан иккинчи ўрин Россияники эканлиги акт билан мустаҳкамланди, — деди Степан Николаевич. Икки полвоннинг курашишини илтимос қилиб уч-тўрт киши чапак чалди, кўпчилик буни рус полвонларининг умум ғалабасини табриклаган олқишга айлантириб юборди. Шунда Муқон:

— Уз оғаси билан одобсиз укагина талашади. Биринчи ўрин мана бу кишиники, — деб Поддубнийни елкасига миндириб кийинадиган хонага олиб кириб кетди. У Парижда кичик олтин медаль билан бирга ҳар бир мамлакатнинг бош полвонини йиқитганда бериладиган саккиз медални қўшиб тақиб қайтди.

У шундан саккиз йил кейин Швейцарияга бориб жаҳон чемпиони номини олиб, катта олтин медаль билан мукофотланди.

КҮТАРИБ УРАР ГУППИНСКИЙ

Уйқуга кетган Муқон, чўчиб уйғониб, иягини икки кафтининг ўртасига олганича, бир оз хаёлга чўмди. Утган-кетган гаплар хаёлидан бир-бир ўта бошлади. Овулини, болалик чоғларини эслади. Эсил дарёсининг сўлим бўйлари, далалари, қирлари, сойлари, баъзан овул оралаб кенгайиб, баъзан торайиб оқадиган ўзанлар кўз олдига келди. Ялангликлардаги яйловларга кўчиб, но-чорроқ оилалар эса овул атрофида қолгандай... Ешлигидаёқ алпанг-талпанг босиб зўрға юрадиган Муқон қўллари орқасига қилиб, севикли бувисининг кетидан аста эргашиб бораётгандай эди назарида. Муқон бувиси нима қилса шунга тақлид қилар, қўлини катта кишилардай орқасига қилиб кейин қолар, олдинга ўтиб кетган бувиси уни тез-тез чақирар эди.

— Жойбосарим-ов, юрсанг-чи тезроқ. Кун қизимай уйга етиб олайлик-да, қулуним... Қариганимда эрмагим, етим қўзим... Юр тезроқ, — дер эди у. Муқон худди эпақасиз бола ясаган қорбободай, оёғини судраб босиб, шошилмай аста етиб оларди. Бувиси уни бир оз жойгача опичиб борарди-да, «ух» деб ўтириб қолар эди. Энди ўзинг юр, қароғим. Мана, уйга ҳам етай деб қолдик. Қорнинг ҳам очиб қолгандир, мана бу қурут-ни оғзинга солиб ол.

У шундай деб камзулининг чўнтагидан қурут олиб, унинг қўлига тутқазар эди.

Шулар эсига тушиб, гўё ҳозир қурут сўраётгандай оғзи сув очиб кетди. У ўрнидан туриб ён-верига қаради. Ҳалиги ўйлаганлари хаёл бўлиб чиқди. Ҳозиргина қурут берган бувиси Ойсаранинг ёқимли товуши қулоғининг тагида жаранглаб кетгандай бўлди. Полвон бувисига эркалангандай каравотига чўзилди. Рўпарасидаги ойнага қараб, соқоли ўсганини кўрди.

— Қўй, энди уйга қайтмасам бўлмас... Эсилнинг тотли сувидан бир челақ қониб ичмагунимча, меҳрим қонмайдиганга ўхшайди, — деди-да, соқолини олиб, цирк бошлиғининг олдига жўнади. Ундан узоқ муддатга рухсат олди.

Шундай қилиб у туғилиб ўсган юртига қайтди.

Муқон кузда келган эди, қор тушгунча қайта олмади. Боқиров ярмаркасидан келган одамлар шаҳарга кўчма цирк келганини, унда бир тўп полвонлар кураш тушаётганини, улар орасида икки-уч улкан полвон бор эканини ҳайрат билан гапиришарди.

Циркдагилар Нурмағамбет полвонни курашга таклиф қилиб, овулига хабар юборишган экан, тонишолмабди. Олатовдаги тоғаларининг олдига кетиб қолган экан. Полвонни бир кўришга орзуманд эканлар-у, тоғаларининг олдига кетиб қолганини эшитиб афсус қилишибди.

— Ундай бўлса, нега оқпошшонинг полвони Муқонни чақиришмайди. Икки буклаб ерга кўтариб ураб эди, — деди юган, қуйишқон ясайдиган уста.

— Қўй-э, булар Муқон билан бел ушлаша олармиди, анчайин майда-чуйда полвонлар бўлса керак-да.

— Майда-чуйдаси нимаси! Ораларида Муқонга икки баравар келадиганлари ҳам бор дейишяпти-ку. Ахир шунча гавдани бекорга кўтариб юришмагандир? Бир нимаси бордир.

— Муқонга бу гапни айтманглар. Улар билан кураш тушишга қўрқади, — деди Муқон билан бирга тепкилашиб ўсган йигитлардан бири ҳазиллашиб. — Бизнинг полвонимиз ёнида оқпошшо турмаса кураш тушолмайди. У шохли полвонлар билан кураш тушаётганда, пошшо уларга: «Йиқилиб бермасаларинг, бошларингни оламан!» деб дўқ қилади шекилли...

— Ҳой, қўй, нақ қулоғингни юлиб қўлингга бераман-а!

— Ана айтмадимми, фақат менга етади кучи... Чўнтагимдаги сичқонни қўйиб юборайми? Ишонмайсанми? Мана, ўзинг қўлинггни тиқиб қарайқол, чийиллаб туриб-

ди, — деб чўнтагини Муқон томонга яқинлаштирди ҳалиги жўраси.

— Э, қўй шунақа гапингни, нима кераги бор сичқонни гапириб!

— Ундай бўлса, мени шаҳарга бирга олиб бориб, полвонларни йиқитиб, пулини олиб берасан. Агар шундай қилмасанг, бугун хирмонга бораман-да, бир халта сичқон олиб келиб, ётадиган ерингга қўйиб юбораман. Менинг айтганимни қилмасанг, мен ҳам сўзимдан қайтмайман. Сичқонларнинг ўртасида ётасан...

— Қўй энди, сичқонинг курсин!

— Нега қўяр эканман, ҳой хотин, менга оттўрвани олиб чиқиб бергин. Хирмонга бориб сичқон олиб келай. Мен буни медалларини шалдиратиб овулда юргизиб бўпман. Бориб кураш тушсин. Менга чойчақа керак. Анави полвонларни йиқитиб, пул ишлаб берсин. Бўлмаса ётадиган жойини сичқонга тўлдириб юбораман...

— Қўй. Петроградга кетиб қолмасин тагин?

— Нима, мени Петроградга боролмайди деб ўйлаётсанми? Уёққа ҳам бир халта сичқон олиб бориб, ётган жойига қўйиб юборарман.

Даврада ўтирган қариялар тенгқурларнинг ҳазил-мутойибаларидан маза қилиб кулишди. Баъзи қариялар:

— Қароғим Муқон, ҳазил-мутойиба ўз йўли билан, сенинг таърифингни кўп марта эшитдиг-у, лекин ҳалига қадар кучинг борлигини ўз кўзимиз билан кўрганимиз йўқ. Уша шаҳардаги полвонлар билан бир кураш тушиб кўрсатсанг. Ҳаммамиз боролмасак ҳам ўртамыздан вакил сайлаб юборармиз. Улар кўриб келиб бизларга айтиб берар, ахир. Ўз кўзимиз билан кўрганимиз тузук, эл орасида фахр билан айтиб юрамиз. Бундай томоша кунда-кунда бўлавермайди. Қиличини судраб қиш ҳам келиб қолди. Мана шундай пайтда томоша кўриб қолмасак, қантарга бориб кунимиз бўрон билан олишиб ўтади, — дейишди.

— Ҳужжатларимни текшириб кўришса, улар курашга тушмайди-да.

— Ундай бўлса, ҳужжатларингни кўрсатма. Узингни Муқон Мунгайтпасов деб таништирмай, анчайин, овул одами бўлиб бориб кураш тушақол.

— Французча курашни қаёқдан ўргандинг, дейишса нима дейман?

— Бизга қозоқча курашга тушибоқ йиқитиб бер-чи. Шунга кўрсак ҳам бўлади.

— Бу бошқа гап. Ундай бўлса менга этик билан

қалин гуппи-чопон топиб беринглар. Мана бу кийим-ларимни кўришса, шубҳаланишади.

Ҳамма нарса топилди. Қўшни овулдан ўн чоқли киши Муқонни олиб шаҳарга тушиб кетди.

* * *

Томоша кўрсатиш учун келган цирк бутун қиш бўйи шу ерда қолди. Халқ курашни жуда қизиқиб томоша қилади. Сўнгги пайтларда, ҳар куни бир-бирига ўхшаш номерлар қайтарилавергач, одамлар камроқ келадиган бўлиб қолишди. Цирк маъмуриятига: «Қозоқча кураш кўрсатишларингизни сўраймиз», деган илтимослар тушди. Шундан сўнг цирк раҳбарлари бу илтимосни бажо келтириш учун Чўлоқ полвонни қидиришибди, у қаёқ-қадир, узоқ қариндошиникига кетиб қолиб, топишолмабди. Ниҳоят, томошабинларнинг истаклари ҳам бажариладиган кун келди.

Ҳожимуқонлар бир танишлариникига от-уловларини бойлашиб, қамчи ва чивиқларини белларига қистиришган кўйи цирк кассасидан билет олишиб, ичкарига киришди.

Шу ерда айланишиб юрган одамлар:

— Ҳов анави қалин гуппи кийиб олган одам полвон эмиш. Циркдаги полвонлар билан кураш тушадиган кўринади. Улар билан гаплашмоқчимиз... Юринглар, бизлар ҳам кўрамиз, нима деб гаплашишаркан,— деб циркка оқиб кела бошлашди.

Баъзилар эса:

— Овулдан келган полвон французча курашни билармиди, Муқонга ўхшаган, ўқиган полвонлар бўлмаса,— дейишди.

— Рост, Муқон нега келмайди?

— Оқпошшо рухсат бермайди-да. Бўлмаса, беш-олти йил илгари дуч келган бир татар кишига: «Овулимни соғиндим, қайтаман», деган экан. Ҳали дараги йўқ. Келганда ҳам булар билан кураш тушмаса керак.

— Нима, булар Муқондан камми, анави Ботумский дегани унча-мунча девдан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас.

— Қўй-е, гавдаси бўлмаса, ичи бўш кўринади. Демокчиманки, алпанг-талпанг қилиб юрган билан ҳеч эви йўқ.

Одамлар шу тахлит гаплар билан томошанинг дастлабки номерларини ўтказишди. Энди гал курашга келди, ўртага чиқадиган полвоннинг номи айтилди.

— Нега бизга қозоқча кураш кўрсатмайсизлар? Агар сизларга пул керак бўлса, қозоқча кураш кўрсатинглар. Ана шунда бутун қозоқлар бола-чақаси билан кўчиб келишади циркка. Пул ҳам кўп тушади.

— Бу илтимосларингизни жон деб бажарар эдик, лекин Нурмағамбет полвонни қидириб тополмадик.

— Нурмағамбет бўлмаса, бошқаси бўлар. Эл эмасми, мана, Имонжусип бор, Муродбек бор. Қариброқ қолган бўлса ҳам, Эржон полвон бор. Нима қилайликки, Муқонимизни Петроградга олдириб, оқпошшо юбормаяпти. Уша полвонларимизнинг боши қўшилса, ўзимиз ҳам бир цирк ташкил қилардик!

Муқоннинг ёнида ўтирган жўраларидан бири: «Мана, у...» деб гап бошлаган эди, полвон: «Жим ўтир!»— деб унинг сонини қаттиқ чимчилади.

— Овозингни чиқарсанг, сон гўштингни юлиб олиб, шимингга ўраб, қўлингга тутқазаман!

— Хў, ўртоқ цирк бошлиғи, бирпас мана бу ерга келиб ўтир-чи, сенга айтадиган гапимиз бор,— деди Муқоннинг тоғаси Қали чол. «Бу чол нима деркин?» дегандай цирк бошлиғи унинг олдига келиб ўтирди.

— Оғайни, сен мана бу гуппи кийиб олган қозоқча бир қара. Бу менинг болам бўлади. Овулда юриб мол боқишдан бошқани билмайди. Ўзига яраша кучи ҳам бор. Агарда олди-бердисини сен билан келишиб олсак, бу бола сенинг ҳамма полвонинг билан қозоқча кураш тушади. Борди-ю, йиқилса, сен бизга сариқ чақа ҳам берма, агар керак десанг миниб келган туямни ҳам сенга ташлаб кетаман.

Қалиги чол мугуздан қилинган носвой шишаси билан нарироқда ўтирган Муқонни кўрсатди. Цирк бошлиғи унга бошдан-оёқ бир қараб чиқди, қалин гупписининг олдинги тугмаларини очиб ташлаб, чалқайиб ўтирган Муқонга бирпас разм солди. Уст-бошига қараб овул одамидан фарқи йўқлигини сизди. Аммо унинг шаҳарда яшовчи одамларникига ўхшатиб қўйилган соқол-мўйловини кўриб сал шубҳа қилди. Бунинг устига циркка келган одамлар, цирк бошлиғига хушомад қилишар эди. Бу бўлса ҳеч нарсани писанд қилмай, кеккайиб ўтирибди. Сал такаббурроқ кўринади. Цирк бошлиғи полвоннинг қўлтиғига қўл солиб кўрмоқчи бўлиб:

— Сен русчани биласанми?— деб сўради. Муқон аса:

— Нима дейди? Сен тушуняпсанми?— деб ёнида ўтирган одамга ҳайрон бўлиб қаради.

— У ўрисчани билмайди, — дейишди ёнида ўтирганлар.

Цирк раҳбари гумон аралаш пичинг билан кулди. Хуллас томошабинга, айниқса пулга муҳтож цирк бошлиғи қозоқ полвони билан муроса қилди, қозоқча курашни тушунадиган одамлар иштирокида комиссия тузиш лозим эканлигини айтди. Меҳнат ҳақига келганда эса цирк бошлиғи кутилмаган даражада «сахийлик» қилди:

— Қозоқча кураш тушиб, сендан йиқилган ҳар полвон бошига беш сўмдан ҳақ тўлайман, йиқита олмасанг уч сўмдан... Борди-ю, йиқилиб қолсанг, мана бу отанг айтгандай мендан сариқ чақа оламан, деб ўйлама, — деди у. Тилмоч бу гапларни Муқонга тушунтирди. У бу таклифга кўнмади.

— Бу ерда ўн икки полвон бор экан. Улар билан тугал кураш тушаман, — деди овул полвони, — бордию йиқитсам, ҳар бирига йигирма беш сўмдан тўла. Тагин, бугунгидай, ҳар куни битта полвон билан кураштириб вақт чўзиш бўлмасин. Мен ҳаммаси билан бир кунда курашаман.

— Йў-ўқ, бу бўлмайди, — цирк бошлиғи чўчиб тушди. — Циркимизнинг бир кунлик фойдаси йигирма беш сўмдан ортмайди. Уни сенга бериб қўйиб, ҳаммамиз оч ўтиролмаймиз. Биринчи гурпуадаги тўрт полвонимиз ойига йигирма беш сўмдан олади. Шунақа, дўстим, сен пул топишни осон деб ўйлама!

— Мен олтиш сўм учун бу ерда ўн икки кун лақиллаб юра олмайман. Бундан кўра, ўн икки қўйимни қишдан эсон-омон олиб чиқсам, олтиш сўмлик қўзи туғиб беради. Полвонларингнинг афт-ангорини кўрдим, йўқ десанг, эртага овулга қайтаман.

Овулдан келган полвоннинг цирк бошлиғи билан гаплашаётганини кўриб, анча томошабин тўпланиб қолган, ҳатто, цирк полвонлари ҳам унинг атрофини ўраб олишган эди.

— Бизни кўриб қўрқиб, атайлаб гапни чўзаяпти. Бунга йўл бўлсин! Узи, ҳатто қозоқча курашни ҳам билмайдиган, рўдапога ўхшайди. Зўр полвон бўлса қозоқлар танир эди-ку. Буни ҳеч ким билмайди.... — дейишди ўзаро.

«Шошмай турларинг ҳали. Мен сенларга кўрсатиб қўяман кимлигимни!» — деди ичида Муқон.

Унинг қозоқча гапларини цирк бошлиғига базўр тушунтириб ўтирган тилмоч ҳалигиларнинг гапларини

сал билдиргандай бўлган эди, Муқон тўнғилаб берди. Шунда ҳалиги цирк полвонлари шубҳага боришди:

— Бу русчани билади шекилли, «кўрсатиб қўяман!» деяпти-ку, — деб овулдан келганларга қарашди. Муқоннинг тоғаси тезда жавоб қилди:

— Йўқ, чироғим, шунчаки айтган гапидир-да, ўрси тилини билмайди, билса ўзи сўзлашмасмиди? — деди.

— Қайдам... — деб тилмоч ҳам шубҳаланиб қолди.

Бу пайт Муқон ичида: «Кўпчиликнинг олдида бу бечораларни сўйган улоқдай улоқтириб ташласам, обрўси тушиб юрмасин тағин», деб ўйлар эди. Шу боисдан кураш ҳақини баҳона қилиб, кураш тушмай кетгиси ҳам бор эди-ю, ҳалиги полвонларнинг «қўрқяпти», деганини эшитганидан сўнг: «Буларни бир мартадан эмас, икки мартадан йиқитиб шарманда қилмасамми!...» — деб, кураш тушишга бел боғлади.

— Ҳой, агар циркнинг бир кунлик фойдаси йигирма беш сўм бўлса, мен сендан бир тийин ҳам ҳақ олмаганим бўлсин. Ҳатто, юз сўм топсанг ҳам сариқ чақа сўрамай қўя қолай. Мана бу одамлар, мен кураш тушаман, деганим учун келишган. Мабодо кураш тушадиган бўлсам, одамлар бундан ҳам кўп келади, мен бунга аминман. Менга, бир кунда кассага тушган пулнинг юз сўмидан ортигининг ярмини берсанг ҳам бўлади. Хиёнат бўлмасин. Кассани текшириб туриш учун комиссия тузилсин. Борди-ю, мен ўша ўн икки полвонингнинг ақалли биттасидан йиқилсам ҳам бир тийин олмайман. Агар иккитасидан йиқилсам, овулдан миниб келган саккиз от, тўртта туямиз бор, шуларни ҳам бериб кетаман, — деди Муқон.

— Мана бу Жойбосар ҳаммамизни овулга яёв ҳайдайдиган бўлди-ёв, — деди жўраларидан бири.

— Товушингни чиқарма, омон бўлсак, туяларга ақча юклаб кетасан!

Полвонлардан бири: «Йиқилсам, миниб келган от-уловимиз тугал сеники», деган гапни чалароқ тушунди шекилли, ўрнидан учиб туриб: «Биттаси меники!» — деб кафтига туфлаб қўйди. Уларнинг фикрича, бунинг ҳаммаси қизиқ устида айтилаётган, анчайин, бекорчи гаплардек эди. Томошабинлардан кассага юз сўмдан ортиқ пул тушмайди, деб ўйлашди улар. Овул полвони айтганидек, шартнома тузилди. Кассани текшириб, кундалик тушган фойдани ҳалол айтиб туришни тилмоч йигит ўз бўйнига олди. Цирк бошлиғи эртагаёқ шу мазмунда буйруқ чиқарадиган бўлди. Муқон бошлиқ-

нинг сал вақтни чўзаман, деган таклифига ҳам талашмади.

— Томоша энди бошланади. Эртага қозоқча кураш томоша қиламиз. Нурмағамбет бўлганида-ку ютиши турган гап эди. Буни ким билади, ҳали ёш. Ҳали Нурмағамбетдай чиниққан эмас. Исмини нима деди?

— Жойбосар деди-ку, ҳали ёнида ўтирган йигит.

— У жўрасига ўхшайди, ҳазил қилгандир. Шартномада нима деб ёзди экан-а? Саидмурод, сен олдида ўтирган эдинг-ку, нима деди, эшитдингми?

— Менимча, шартномага ёзилган ҳам ўзининг номи эмас. Жуда ғалати бўлди. У, аввало: «Мен билан кураш тушадиган полвонларнинг исм-шарифларини ёз»,— деди. Цирк бошлиғи: «Петро Сибирский, Михаил Шатинский, Замук Батумский, Иван Оралский.» деб ёзди. Сўнг: «Ўз исм-шарифингни айт», деди. Шунда у тилмочга қараб: «Буларнинг исм-шарифлари бир хилда тугалар экан, мени ҳам Кўтариб урар Гуппинский деб ёзиб қўяқол»,— деди. У ҳам шартномага шундай деб ёзиб қўя қолди. Уларга пул тушса бўлди-да. Бу қозоқ бизларни йиқитиб кетади, деган гап уларнинг хаёлида йўқ эди.

— Эҳ, этганг, мана шундай пайтда Муқон бўларми-ди? Номини эшиттириб хурсанд қилгунча дийдорини бир кўрсатса бўлмасмиди-я...

* * *

Эртаси куни цирк афишалари ёпиштириладиган тахтага катта сурат осилди. Унда, циркнинг ўн икки нафар полвони қаршисида, тулки тумоғининг чап томонини ичига қайириб олган, этикли, эғнида қалин гупписи бор қозоқ турар эди. У белини йўғон арқон билан боғлаб олиб, билакларини шимаргани ҳолда: «Қани, мард бўлсанг яқинлашиб кўр!» дегандай юлқиниб турар, сурати тагига: «Бу — овул полвони Кўтариб урар Гуппинский», деб ёзиб қўйилган эди. Бугун қозоқча кураш бўлади, деган хабар шаҳарга, овулга ўша куниеъ ёйилиб кетган эди. Циркнинг ҳамма билетлари тушгача қолмай сотилиб бўлди. Ўз нархи буёқда турсин, билетлар икки баравар қимматлашиб кетди. Тушга яқин цирк бошлиғининг столи устини шаҳарнинг обрўли кишиларидан: «Бизга ҳам билетдан қолдиринг!» деган мазмундаги хатлар босиб кетди. Мавжуд ўринлар устига қўшимча жойлар ҳозирланиб, цирк ходимлари стол ташиб анча овора бўлишди. Оқшомда, томоша-

лар бошланиши олдида, одамлар одатдаги майда-чуйда ўйинларни кўргиси келмай қарсак чалишиб:

— Полвонлар чиқишсин! Бизга овулдан келган Кўтариб урарни кўрсатинглар! — деб чуғурлашди.

Хуллас, навбат полвонларга етди.

Цирк ходимларининг кундузги ўзаро йиғилишида бошлиқ:

— Худо илтимосимизни инобатга олди. Мен цирк бошлиғи бўлганимдан бери мунчалик томошабин тўп-ланганини кўрган эмасман. Бундан кейин ҳам томошабинлар мана шундай келиб турса, овул полвонини бутун қиш ичи олиб қолар эдим. Начора, халқ унинг ё йиқитгани, ё эса йиқилганини кўришга муштоқ. Эндиги гап шуки, дастлабки етти полвон билан бўладиган курашни сал чўзишга ҳаракат қилайлик. Қозоқ курашида чалиб йиқитиш мумкин. Бироқ овул полвони бундай қилмасликка ваъда берди. Аксинча, рус курашида ёта солиб отиш усули бор, шу ҳадисани ишлатмасликларингни ўтинди. Фақат кучларинг кўп бўлса кўтариб олиб, сўнг йиқитинглар. Кучимиз бор, деб кўтарган заҳоти йиқитиб ўтирмай, вақтни бир оз чўзишни ҳам ўйланглар. Вақт қанчалик чўзилса, шунчалик пул кўпайиши ёдларингдан чиқмасин. Фикримча, агар бу полвон овулдан келмаганида, улар шаҳар спорт мактабида таълим олган талабалардан бири, дер эдим. Тагин русчани билмас экан, деб оғизларингга келганини гапираверманглар. Рус тилини билса эҳтимол. Сабабки, русларнинг ўзи зўрға тушунадиган спорт терминларини айтганимда, тилмоч таржима қилишга қийналди-ю, у бўлса, тушундим, деб қўлини силтаб қўйди. Ҳарҳолда анойи эмас кўринади. Эҳтиёт бўлиш керак. Тагин бу оддий қозоқ бўлмай, Поддубнийнинг шериги Қора Иван бўлиб юрмасин. Уни шу ердан чиққан, деб эшитганман.

— Қора Иван!?! — деб ҳайрон бўлишди полвонлар. — Қўй-е, у чет элга кетган полвонлар орасида эди-ку. Мен Москвада газетада ўқиганман. У қозоқ эмас...

— Уни мен танийман, — деди Дмитрий Томский.

— Мен ҳам яхши танийман, — деди Черний Замук Батумский.

— Ҳа, айтгандай, Замук, сен Иван билан курашдим, деб юрар эдинг. Шу қора Иван эмасмиди? Сарик Ивандан фарқи қалай?

— Улар сариқ, қора бўлгани билан кучи шайтоннинг боласиникидай... — деб тўнғиллади у ёқтирмай. Чунки у Муқондан икки марта йиқилган эди.

— Дмитрий, сен уни қаерда учратган эдинг? Кураш тушганмидинг?

— Курашганим йўғ-у, бизлар мактабни тугатиб чиққанзимизда, улар Харьковда кураш тушиб юришган экан. Бизларни синаб кўриш, малака ошириш учун шуларнинг ихтиёрига юборишганда, мени Қора Иван оталиққа олган. У қаёқда! Қадди-қоматини кўрсанг ҳавасинг келарди... Мана бу унинг тирноғига ҳам арзимайди.

— Майли, у бўлмаса яна яхши. Билишимча, бу қозоқ ичиб бўлиб улоқтириб ташлайдиган пивонинг шишаси эмас, ҳарҳолда эҳтиёт бўлганларинг яхши, — деди цирк бошлиғи.

— Фақат Қора Иван бўлиб, гафлатда қолмасак бўлгани. Йиқиш-йиқилиш ўзимизнинг ихтиёримизда-ку, — деб баъзи полвонлар шубҳа қилишди.

Циркдагилар, аввало, икки полвонни ҳозирладилар. Бояги: «Икки отнинг бири меники», деб кафтига тупурган, ихчам гавдали Митя Амурский саҳнага чиқди. Муқон ўрнидан турди. Сиртқи кийимларини ечиб, уйдан ҳозирлаб келган жун чакмонини кийиб, барини қайириб белига боғлади, этигини ечиб, маҳси кийди-да, даврага тушди. У ўзини саҳнада нотаниш қилиб кўрсатгиси келса ҳам, бари бир бўлмади, мактабда ўрганган юришини қилиб ўртага чиқди. Унинг бу юришини қарсақлар, қий-чувлар садоси остида пайқамай қолишди.

У бир чеккада стол қўйиб ўтирган комиссия олдига бориб ўтирмади, тўғри полвоннинг олдига келди.

— Жойбосар илгаригидан илдамроқ юрадиган бўлиб қолганми? Жуда ихчам бўлиб кетибди, йиқитади шекилли, — деди бирга келган жўраси.

У полвоннинг олдига келганда қўлларини чўзиб, гавдасини ғоз тикди. Мушак гўшглари чакмони сиртидан тикмачоқдай бўлиб бўртиб кетди.

— Ана, кўрдингми, мушаклари темирдай тортишиб кетди, овулдан келган оддий одам эмас бу! — деди цирк полвони ёнида турган бошлиқ.

Кураш вақти қирқ минут, услуби қозоқча эканлиги ҳақида томошабинга эълон қилинди.

— Ҳой, тилмоч, мен қозоқча кураш тартибини айтаман, сен яхшилаб мана бунга тушунтир. Айтганимни бузса, мендан ўпкаламасин. Сен шошмай тур, полвон!

Қўлингни югуртираверма, белимдан ушла. Олдин қўлингни менга бер, — Муқон унинг икки қўлини сиқиб ушлади-да, ўзининг белбоғига олиб борди. — Маҳкам ушла! — у шундай деди-да, ўзи ҳам унинг белбоғидан тутиб, бир тортди-ю, яна бўшатди.

— Белбоғинг бўш. Мана, меникидай қилиб қаттиқ боғла. Ушлаганда белбоғинг бўш бўлса белингни қийиб юборади. Тагин нонтопар белингдан айрилиб қолма, бу бел эртага ҳам керак бўлади сенга. Тушундингми? Яхшилаб тушунтир, тилмоч. Қанақа гапирасан ўзинг ё ўрисчани билмайсанми? — деб тилмочни ҳам бир чақиб олди.

Курашсиз ўтган кунларини кун қаторига қўшмайдиган Муқон овулда икки-уч ой юриб зерикиб қолгани учунми, циркка кириб ечинганда, қайта сувга тушган балиқдай сергакланиб кетди. Рўпарасида турган полвонга қозоқча кураш усулини худди ўзининг устозлари — Иван тоға, Поддубнийдек ўргатар эди. Цирк полвони Муқоннинг қўли теккан сайин қитиғи келиб, тинкаси қуриб бўлди, бор умиди пучга чиқди. Негадир унинг эсига нуқул Қора Иван тушар эди.

Муқон қозоқча кураш ҳадисини ўргатаман деб, гоҳ олдинга итариб, гоҳ орқага чекинтириб, гоҳ билакларини қисиб, биқинига нуқиб юрганидаёқ бечора полвоннинг ҳоли қолмаган эди. Буни пайқаган цирк бошлиғи ундан имо билан:

- Аҳволинг қалай? — деб сўради.
- Дуруст-у, лекин...
- «Лекин» деганинг нимаси?
- Илгари бу курашни кўрмаганимдан...
- Ўргатапти-ку.

Уларнинг гап-сўзи билан Муқоннинг иши йўқ эди. У: — Ҳой, оёғингни олдинга чиқар. Бундай! — деб унинг болдирини сиқиб ўзига қараб тортди. Кейин тилмочга қараб деди: — Бунингга айт, тагин ўрисча кураш усулини ишлатаман деб ерга ағанамасин! Ундай қилса бурни пачоқ бўлиши мумкин, — деб орқага итариброқ бориб полвонга қаради.

— Қани, тезроқ ушлаш. Онасига эргашиб тўйга келган болага ўхшаб талтаяверма, — деб бақирди кимдир томошабинлар орасидан. Муқон унга парво ҳам қилмади. Калта чакмонининг енгини қайтараётди:

— Мунча ошиқасанлар, кучини чамалаб кўряпман. Бу мен ўйлагандай қизларнинг қўғирчоғи эмасга ўхшайди. Ким билади тагин...

Улар бир-бирини ушлашиб, нари-бери суришиб бир оз ўртада юришди. Митя овул полвонини бағрига тортиб юлқигиси келади. Муқон унга бўй бермайди, ўзига тортиб, қимир эткизмай қўяди. Шу тарзда йигирма беш минут ўтиб кетди. Митянинг аъзойи бадани терлаб, худди юрак оғриғи тутган кишидай ҳансираб қолди. Одамларнинг сабр-тоқати тугади:

— Ҳой, Кўтариб урар болам, нега шунча эрмак қиласан? Йиқитсанг-чи тезроқ! — дейишди улар чувиллашиб.

— Нима қилай, оғалар-ов, кучим етмаяпти, — деди Муқон полвон билан суришиб юраркан.

— Кучинг борлигини кўриб турибмиз. Ўзинг, анчайин, эрмак қилиб юрибсан-да.

— Қўймадинглар-да, бўлмаса арвоҳга сиғининглар...

У Митяни «ҳап!» деб кўтарган эди, худди паншахага санчилган бир боғ похолдай осмонга чиқиб кетгандай бўлди. Цирк бошлиғи уни улоқтириб юборади, деб ўйлаб ҳуштагини чуриллатганча уларнинг ёнига чопиб келди. Муқоннинг бир қўли белбоғидан бўшаши билан ҳалиги полвон худди мушукдек дик этиб ерга тушди.

— Мана бу мени ўлдирадиган бўлди, — деди у ўпкасини босолмай. Муқоннинг бир қўли ҳали ҳам унинг белида эди. Бўшатишини сўради. — Бундай кураши қуриб кетсин...

— Ҳой, тилмоч, мана бу нима деяпти ўзи? Бирор-тамиз йиқилмагунимизча мен уни бўшатмайман.

— Энди бу усулда ҳеч ҳам курашмаганим бўлсин, — деди Митя.

Шу билан биринчи полвон комиссия томонидан енгилди, деб топилди. Муқон иккинчи полвонни уч минут ичида йиқитди-да, кийимларини кийиб циркдан чиқиб кетди.

Эртасига Муқонни цирк бошлиғи идорасига чақириб олиб, илтимос қилди:

— Кўтариб урар Гуппинский, ростингни айт, сен кимсан? Билиб турибман, сен рус тилини ҳам биласан, тилмочсиз сўйлайвер. Бизни алдама.

— Нима деяпти бу, тушунтир-чи? — деб Муқон тилмочни қидириб қолди. Тилмоч йўқ эди. Цирк бошлиғи Муқонни синамоқчи бўлиб, атайлаб тилмочни қўшни хонага ўтқазиб қўйган экан, начора, чақириб келишга мажбур бўлди. Ҳалиги гап қайта бошдан қозоқчалаб айтилди.

— Йў-ўқ, ўлай агар... Исмим ҳам, бор

гапим ҳам шу. Отамни кўрдиларинг-ку, ҳалиги, кунда шу ерга келиб юрган қора чол.

Цирк бошлиғи Муқондан гап ололмади. Кейин иккинчи илтимосини айтди:

— Агар иложи бўлса, шартномани қайта тузайлик. Баҳоргача циркимизда қол. Мен ўзим ўттиз беш сўм маош оламан, сенга эллик сўмдан берамиз. Ҳалиги... кассага тушган юз сўмдан ортиғининг ярмини оламан, деган гапингни қўй.

— Йўқ, бўлмайди. Ваъда—ваъда. Мен икки сўзламайман. Оқ қоғозга бармоқ босдимми, гапимда турман. Кассага пул тушмаса бир тийининг ҳам керак эмас. Полвонларингнинг иккитаси йиқилди. Энди қолганларининг биттасидан йиқилсам, от-уловимни ташлайману кетавераман. Бугун нечтаси билан кураш туширасан, ихтиёр ўзингда. Бугун ҳам йиқитадиган бўлсам, эртага ҳақимни оламан. Шаҳарда ҳамма нарса сотиғли эканини ўзинг биласан. Уловларимизга хашак, ўзимизга овқат дегандай... Узингдан қоларгап йўқ. Пул керак бўляпти. Мен шу ишларни бир кунда саранжомлаб кета қолай деган эдим, унга ўзинг кўнмадинг. Тағин у-бу гапларни баҳона қилиб, кураш мuddатини чўзиб ўтирма. Қозоқларнинг чорвадор халқ эканини ўзинг биласан, овулда молимиз бор, чўп-хашак ташишимиз керак. Хайрингни берсин, бизларни кўп ушлама,— деб Муқон цирк бошлиғининг шартномани қайта тузиш ҳақидаги таклифини рад қилди.

Муқон шартнома тузишиб, бир нухасини аллақачон қўлига олган, цирк бошлиғи шунга кўнмай иложи йўқ эди. Кураш давом этарди. Бир ҳафта ичида ҳамма полвон йиқилиб бўлди. Шартнома бўйича Муқонга уч юз эллик сўм пул теғди. Сотилган билетларни, кассани Муқон текшириб ўтирмади, қўлига илинганини олди. Бу орада чопон, рўмол дегандай... томошабинлардан совға-салом тушиб турди.

Қозоқча кураш тугагач, цирк кассасига тушиб турган пул бирданига камайиб кетишига кўзи етган цирк бошлиғи Муқонни шериклари билан обрўли бир қозоқникида меҳмон қилиб, цирк ҳисобидан бирталай совға-саломлар берди. Цирк полвонлари ҳам дастурхон устида жамул-жам бўлишди. Оби-ёвғон келгунича улар қуйидагича илтимосни ўртага ташлади.

— Жаноб Кўтариб урар мирза, сезиб турибмизки, бу сенинг ҳақиқий исминг эмас. Ўзинг айтмаганингдан кейин, начора, шундай деб аташимиздан бошқа иложи-

миз йўқ. Кеча бир кишиникига меҳмон бўлиб борган эдик. Уша уйнинг боласи бизга, сени: «У яшириниС юрган атоқли полвон Муқон Мунгайтпасов», деди Отаси: «Сен уни қаёқдан биласан! У ҳали овулга келган: йўқ», деб боласини жеркиб ташлади. Биз бу гапда ҳайрон бўлдик. Назаримизда қозоқлар орасида ҳали биз билмайдиган номдор одамлар кўп шекилли. Э-л-юрт эмасми, шундай бўлиши табиий, энди сендан ил-тимосимиз шуки, мабодо молларингдан хавотир олаёт-ган бўлсанг, отангни овулга қайтара турсанг-у, ўзини бир оз муддатга биз билан қолсанг...

Қозоқча курашда полвонларимизни ҳаш-паш дегун-ча йиқитдинг. Булар ҳам, баъзилар ўйлаганидай, осон-ликча жон берадиганлардан эмас, кўп полвонларни йиқитиб соврин олишган, циркимизга саралаб олинган полвонлар эди. Буларга ҳам армон бўлиб қолмасин. Улар: «Кучининг кўплигига шубҳамиз йўғ-у, аммо, ҳали ўрганмаганимиз, қозоқча курашга тушганимиз учун доғда қолдик. Французча кураш бўлганида бошқа гап эди», дейишяпти. Шунинг учун ҳам сени отанг билан бирга шу жойга таклиф қилиб ўтирибмиз. Хўш, бу гапга нима дейсан? — деди.

Муқон жилмайиб шерикларига қаради. Улар ҳам ел-каларини учириб:

— Ўзинг биласан,— дейишди.

— Мен французча курашни билмайман-да.

— Билишинга шубҳамиз йўқ. Борди-ю, билмаган-нингда ҳам, билмаган-кўрмаган қозоқча курашга тушиб бизлар ҳам йиқилдик-ку, нима қипти, сен ҳам йиқилар-сан...

— Мен қандай курашга тушсам ҳам йиқилгим кел-майди,— деди Муқон кулиб.— Майли, бу таклифни бир ўйлаб кўрай. Эртага циркка бориб натижасини айтаман...

* * *

Цирк афишалари ўзгартирилиб, Кўтариб урар Гуппинскийнинг французча курашга тушиши эълон қилинди. Бунга эшитиб томошабинлар тагин ҳам кўпая бошлади. Билетлар етишмай қолди. Кураш бўлади деса, ўзларини томдан ташлайдиган қозоқлар овулдан оқиб кела бошладилар. Цирк шартига кўра, Муқон кунора битта полвон билан курашадиган бўлди. Дастлаб ўртага Митя чиқди.

— Дўстим, мен сенга қозоқча курашни ўргатган эдим-ку, сен ҳам менга французча курашни ўргат. Белинга белбоғинг йўқ, сени қандай йиқитаман, худди сувдан чиққан балиқдай липиллаб турибсан... — деди Муқон.

Митя нима дейишини билмай кулиб юборди:

— Билмасанг ҳам, менда сени йиқитаман деган умид йўқ...

— Қани, бошла бўлмаса, қанақа бўлади ўзи? Менинг қаеримдан ушлайсан?...

Митя келиб Муқоннинг елкасига туртиб юборган эди, у муккасидан тушди.

— Ие, анави бир уриб йиқитдимми? Асти, кучи кўп бўлса ҳам, ҳадисини билмагандан кейин қийин экан-да, а? — деб чувуллашди одамлар.

Муқон тез йиқилгандан сўнг Митя кураш усулини билмайди шекилли деб, нимадандир умидвор бўлиб, қўлтиғига қўлини тиқиб ағдармоқчи бўлган эди, уни қўзғата олмади. Кейин Митя унинг қўлтиғидан қўлини суғуриб оламан деб анча овора бўлди, худди михланиб қўйилгандай... Муқон ҳали қимир этмай ётибди, унинг устида Митя худди ёш боладай сакраб, обдан силласи қуриди. Йигирма минутча вақт ўтди. Муқон трусси эмас, кенг почали шим кийиб олган эди. Шим Митянинг теридан жиққа ҳўл бўлиб кетди. Вақт тугашига атиги икки минут қолганида Муқон Митянинг икки қўлидан маҳкам ушлаб олиб ўрнидан учиб турди-да, кутилмаган бир чаққонлик билан уни тагига босди. Митя оёғини ёзиб ҳам улгурмади, худди тандирга ёпилган нондай ерга ёпишди-қолди.

— Классик ғалаба! — деди судья.

— Узи ўргатган усул билан йиқитдим, бунақа курашни ким кўрибди, — деди Муқон.

Овул полвонининг кураш ҳадиси кундан-кунга оша борди.

— Мана бу полвонларнинг ҳадисини обдан билиб олди, — дейишди одамлар. Ниҳоят саккизта полвон йиқилиб, майдонга Черний Замук чиққанида Муқон унга кўз қирини ташлаб:

— Бу билан кейин курашаман, — деди. Унинг гавдаси Муқондан икки баравар катта эди.

— Шундан хавфи борга ўхшайди, — деб тахмин қилишди томошабинлар. Муқон бу гапларга парво ҳам қилмай, бошқалари билан курашни давом эттираверди.

Ун бир полвон ўн бир хил усул билан кураш тушса ҳам бари бир, йиқилиб қолаверди, ҳакамлик қилувчиларнинг ҳеч қандай эътирози бўлмади. Шаҳар ҳокимлари, тўралари, хуллас каттаю кичиги курашни зўр қизиқиш билан кузатиб боришди. Улар бунчалик куч, қудрат овул кишисининг пешанасига қандай битганидан ҳайрон бўлар, уни шу вақтгача пайқамай юрганларидан ўкинишар эди. Бу полвоннинг ким эканини билиш ниятида Саритерак бўлисига текширув хати ҳам ёзилди. Хатга қуйидаги мазмунда жавоб олинди: «Ҳурматли бўлисимизнинг чопари! Шу нарсани сизга маълум қиламизки, кураш тушаётган йигит, Қали деган чолнинг ўғли. Унинг жияни Муқон Мунгайтпасов Петроградда кураш тушиб юрибди. Улар, асли, уруғ-аймоғи билан полвон ўтган...»

Шундан кейин уларнинг: «Бу Қора Иван бўлса керак», деган шубҳаларига ўрин қолмади.

Шаҳарга келганига бир ойдан ортиқ вақт ўтиб, ахийри Чёрный Замук билан учрашадиган кун ҳам етиб келди. Томошабинлар кундан-кунга кўпая бошлади. Билетлар қўлдан-қўлга ўтиб, нархи беш сўмгача чиқиб кетди. Номдор полвонларнинг бири ўтган кунги курашда кутилмаган қисқа муддат ичида йиқилди. Бир қизиқ жиҳати шунда эдики, кичик полвонлар курашда вақтни анча чўзишга муяссар бўлишган эди, катталар эса кўпга бормай таслим бўлаверди. Энг зўр ҳисобланган полвонларнинг бири уч ярим минутдаёқ елкаси ер искади.

Бугун Муқон циркка анча куттириб келди. У ўз вақтида келавермагач: «У рости билан мана шу полвондан хавфсирайди шекилли. Тағин, қочиб кетиб шарманда қилмасайди», деб гап қилишди. У келди. Аренага яқинроқ ўтирганлар:

— Полвон, бугун кечикиб келдинг, ҳар куни эрта келар эдинг, — деб ундан ҳол сўрашди.

— Сал мазам йўқроқ, шамоллаб қолганга ўхшайман... бугун келмай қўяқолай деган эдим-у, тағин одамлар, мана бу полвондан қўрқди, демасин, деб уялганимдан келдим, — деб қўя қолди.

— Ҳов анави куни, қозоқча кураш тушганда, уни бир зумда йиқитган эдинг. Ушанда баъзилар уни: «Қозоқча курашни билмагани учун йиқилди», деди. Сен бўлсанг уларнинг кураш усулини билмасанг ҳам йиқитаётибсан. Бизнингча, ҳар қандай ҳадиснинг онаси

кучда бўлса керак. Бу полвоннинг кучи ўзингникидан кўпми ё?...

— О, бу тенги йўқ полвон-ку. Анов куни бир йиқитиб қолдим-да, бўлмаса... Билмадим, бугун қандай бўлади... — деди Муқон қўрққан киши бўлиб.

— Худо сенга ёр бўлсин, чирогим! Чўчима! Кучинг кўп эканлигини циркдагиларнинг ўзлари ҳам тан оляпти-ку, — деб баъзи чоллар тасалли беришар эди.

Муқон Чёрний Замукнинг олдига жадал юриб борди-да, шаппа бўйнига ёпишиб қучоқлаб олди. Иккаласининг бошлари бир-бири билан тақашиб, қўллари худди занжирдай айқашиб қолди. Улар буқалардай бир-бирини итаришиб-суришиб ўртада бир-икки дақиқа юришди. Кейин Муқон кутилмаган бир чаққонлик билан Замукнинг қўлларини ёзиб юборди. Ерга энгашиб ўзини ўнгламоқчи бўлган эди, имкон бермади. Зилдай оғир ва улкан гавда гилам устига гурс этиб йиқилиб тушди. У муккасидан ётиб эсини йиғиб олгунча бўлмай Муқон уни шартта ағдарди-да, устига узала тушиб ётди... Судьянинг ҳуштаги «чур-р» этди. Ғолибнинг ниҳоятда қонун-қоидали йиқитганини, унинг тенгиз куч эгаси эканини эълон қилишди.

Полвонлар гилам устида ўринларидан туриб, кураш қонунига биноан қўл беришиб, ғолиб йиқитгани учун узр айтар экан, Муқон Замукка:

— Сен тушингда оғам Ванядан икки марта йиқилиб, икки марта юзингдаги маскангни олдирган эдинг. Энди бу ерга келиб мендан йиқилганинг уят эмасми? — деди русчалаб.

Замук ҳайрон бўлиб, унинг юзига бирпас тикилиб турди-да:

— У-ў, дўстим Ваня, жигарим... Сени кўрар кун ҳам бор экан-ку, — дея қучоғини кенг ёзди...

«ЖИБ-ЖИЦА» КУРАШИ

Полвонлар Петербургда қайтиб келганларидан сўнг, уларнинг Парижда кўрсатган кучлари халқ оғзида дoston бўлиб кетди. Баъзи бир савдо ишлари минбари бўлиб хизмат қиладиган газеталар эътиборсиз жойга уларнинг суратларини босиб, шарҳладилар. Ташқи ишлар министрлигига Париждаги элчихонадан характеристикалар келгандан сўнг, баъзи бир якка шахсларнинг тавсиясига кўра, қатнашганларнинг ҳаммаси медаль

билан мукофотланди. Поддубний билан Муқонга подшонинг бош сурати солинган медаль тақдим этилиб, қозоқлар орасида «Мунгайтпасовнинг ўғли оқпошшонинг полвони бўлибди, у подшонинг уйида бирга тураркан», деган миш-миш гаплар тарқалиб кетди.

— Вой тавба, у чўқиниб кетган-ку, а,— деб кампирлар шивир-шивир гап қилишди.

— Кўрган одамларнинг айтишига қараганда, у чўқинмаган кўринади, бошига оқ қалпоқ, устига Бухоронинг ола тўнни кийдириб қўйганмиш. Жума кунлари кўчага чиқиб юрармиш, бир кўзли жинни курашиб енгибди. Шохли бир девни курашиб йиқитибди,— деб гап-сўз тарқатишибди бекорчи чоллар. «Қизил соқолли ҳазрати Маъдининг ўзи Муқон деган одам ҳақида гапирибди. Чамаси охир замон бўлиб, яқин ўртада Дажжол чиқса керак», деб ваҳима қилишибди. Бу гапларни эшитган қозоқлар нима қилиб бўлса ҳам Муқонни бир кўришга интизор бўлишди. Бироқ, элини қанчалик соғинмасин, Муқон уйига, овулига қайтишга вақт тополмади. Курашни яхши кўрадиган Муқон чет элларни кезиб, курашадиган одам ахтариб кетди. Россия шаънига доғ туширмайдиган рус полвонлари, кураш бўлади, деган шаҳарга тўхтамай борадиган бўлишди. Муқон сўнгги уч йил ичида Лондон, Анқара, Эрон, Ироқ, Ҳинди-Хитой шаҳарларини оралаб чиқди. У, қозоқлар овулида гап-сўз қилганидек, подшо уйида турмади. Ҳатто подшони кўргани ҳам йўқ, кўра олмани учун афсусланмади ҳам. Ётса ҳам, турса ҳам Қизилжардаги полицмейстер дарвозаси олдидаги одамлар унинг кўз олдидан кетмас, уларни кўргиси келар эди. У ёши улгайиб етилган сайин, кўп йил умр кўриш орзуси кучайган сайин талай мамлакатларни оралаб, талай воқеаларни бошидан кечирди. Баъзи мамлакатларда одамлар ҳатто сояси тушадиган япроқ ҳам тополмай, ноҳақ ўлиб, бутун умри қарздан чиқмай, қул бўлиб сотилган бечораларни учратди. Шуларни кўзи билан кўриб, ўз ватандошларининг меҳрибончилиги, одамгарчилиги сира кўз олдидан кетмади: ўлган отнинг хунини тўлагани, Сафарбойникида ўтган кеча, Чўчқа кўлдаги маърака, оқ кўнгил Добрий-Рабий, соф пиятли Иван тоға ва ниҳоят Дубнийнинг ёқимли сиймоси, Париждаги Степан Николаевичнинг меҳрибонликлари кўз олдидан бир-бир ўтганда: «Меҳрибон, қучоғи кенг ўз элим, бепоён Россиям», деб талай марта хўрсинган кунлари ҳам бўлди Муқоннинг.

Дунёни кезиб чиққан полвонларнинг узоқ сафари Харбин шаҳрига келиб тўхтади. Бу ерга Хитой, Япон, Корея, Мўғул мамлакатларининг полвонлари келишган эди.

Сар-Кек-Ки — бу Япониянинг Парижда бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги мусобақасида қатнашган полвони. У французча курашда Ҳожимуқондан икки минутда йиқилган эди. Японлар изза бўлгани учун кек сақлайдиган халқ. Япониянинг Микадоси¹, қайғини юргизмаган шамолни: «Россия томондан, Хитой томондан эсанг шамол», деб халқини гиж-гижлаб, ўчакиштирар экан. Сар-Кек-Ки ҳам ана шу тарбияни олган-да. У кўп гапиришни, кулишни ёмон кўрар экан. Хитойдан, Кореядан келишган ўн икки полвонни енгиб, элимга обрў билан қайтаман деб турганда, ўзини ҳашпаш дегунча йиқитиб қўйган рус полвони келиб қолди. Яна курашни қайталаб, вақтни чўзмаслик учун Сар-Кек-Кини ким йиқитса, у йиқитган ўн икки полвонни йиқитган ҳисобланиб, пойгани шу одам олади деган кураш комиссиясининг қарори чиқиб қолди.

— Кураш французча бўлади, — деди комиссия.

Мен японча «Жиб-Жица» курашида курашман, — деди Сар-Кек-Ки. Бу курашда ҳеч қандай қоида бўлмас экан, тўғри келган жойидан ушлаб, чамаси келса юлиб ташлайверар экан.

— Иван Корень, сен японларга яқинроқсан-ку, бу кураш усулини биладигандирсан, сен кураша қол, — деди бу курашни билмаган Муқон.

— Қўй-э, талаган итдек яраланиб нима кераги бор. Курашмайман, — деди сахалинлик Иван.

— Мен «Жиб-жица» дан бошқа усул билан курашмайман. Рус полвонлари курашмаса, мукофотни курашмаёқ олавераман. Биринчилик меники, — деб Сар-Кек-Ки безрайиб туриб олди. Ҳожимуқон бир оз ерга қараб турди-да, оғзидаги носини жаҳл билан тупуриб:

— Ез мени, агар итнинг кураши бўлса ҳам курашганим бўлсин, — деди.

Мабодо бирортаси ўлиб қолса, жавобгар бўлмаслиги учун иккаласи бир-бирининг қўлидан тилхат олишди. Кейин циркдаги томошабинлардан икки одамни чақириб олиб актга қўл қўйдиришди-ю, иккаласига ҳам

¹ Япон подшоши.

оқ майка, труси кийдиришди. Оралиғини икки саржин ерча қўйишиб, қўнғироғини чалди цирк бошқарувчиси. Япон полвони темирдай қаттиқ қўли билан Ҳожимуқонни бир уриб ўтди. У қўз илғамайдиган тезликда яна бир уриб, циркнинг иккинчи томонига сакради. Ҳожимуқоннинг бош-кўзидан тирқираб қон оқди. Рус полвонлари. ўринларидан учиб туришиб, ўртада сакраб юрган япон полвони сари ташланишди.

— Чиқ буёққа. Уладиган бўлдинг-ку, бечора! — деб қичқирди кимдир овозининг борича. Судьянинг ҳуштаги устма-уст чалиниб Сар-Кек-Кига қарши ташланган полвонларнинг йўлини тўсди:

— Қаёққа?

— Нима, ўлдирмоқчимиз бу?

— Бу курашнинг қоидаси шу! Кучи етса у ҳам шундай қилсин!

Арслондек ҳамла қилган учта полвон чиққан жойида туриб қолишди:

— Лаънатининг қўлини энди теккизма! — деб бақирди.

Япон полвони яна урмоқчи бўлиб учинчи марта ўқдай учиб келаётганда қонга бўялган Ҳожимуқон уни икки қўлидан шап ушлаб, орқасига қайирди-да, елкасидан кўтариб олиб ерга урди. Муккасидан тушириб, ўнг тиззаси билан яғринидан чап оёғи билан елкасидан босиб туриб, чап қўли билан Сар-Кек-Кининг бутун юз терисини шилиб олди.

«Улдим!» деган даҳшатли товуш эшитилди. Бироқ Ҳожимуқоннинг қасосли пўлат қўллари унга раҳм-шафқат қилмади. Унинг қонга беланган оғир гавдаси қимир этмади. Сар-Кек-Кининг бош териси сидирилиб елкасига келганда, цирк бошқарувчисининг ҳуштаги чалинди. Музыка қисқагина мотам куйини чалди. Бундай ўлимни кўп кўрган цирк бошқарувчиси Сар-Кек-Кининг ўлимини одатдаги иш деб, индамай қўя қолди. У касалхонага олиб борилгандан кейин ўлди. Ҳожимуқон ҳам бир ой даволаниб, тузалиб кетди. Бироқ унинг Иван тоға мактабидан сулувланиб чиққан ҳуснига озгина доғ тушди.

Баҳор пайти эди. Ҳожимуқон касалхонадан чиқиб, ўз дўстларининг сафига қўшилди. Булар ётадиган жой Харбин циркининг қурилиш материаллари турадиган ҳовлисидаги бир бўлмада эди. Ҳовли ичида уюлиб ётган ёғочлар устига кийимларини ёзиб, кунгайда тоғ бургутидай тўртта полвон ўтирарди. Булар ичида ёш жиҳатдан каттаси ҳам, хўжалик ишлар бошқарувчиси ҳам Иван Корень эди. Олдиларига қалинроқ бир цирк

афишасини ёйиб, нонларини, тузланган балиқларини, шишаларини, сирларини ўртага ташлашди.

— Тўйга келинглар, оғайнилар! Дуня, Яков бобони чақир.

— Полвонлар, буларинг нима?

— Тўй. Кўпдан бери мана бу «Қора Иванни» кутиб ётган эдик. Бу — элга қайтадиган маҳалимиздаги йўл очаримиз.

— Бу полвоннинг оти Ҳожимуқон эмасми?

— Биз буни илгари Қора Иван дер эдик. Сиз айтган отни Стамбулга борганда олганди, бошидаги ярани ўшанда орттирган эди-да! Энди буни илгариги номи билан айтамыз. Қутлуғ отинг қайта топилганлиги учун... Ол, кружкангни бир кўтариб юбор...

Шу ўтирган полвонлар бориб курашган шаҳарлардан бири Стамбул эди. Шунда Муқонга турклар қизиқиб қолиб, ўз тўпидан ажратиб олиш пайига тушишиб ишлатмаган ҳийласи қолмабди. Муқон ҳар кунги одати бўйича меҳмонхона боғи ўртасидан ўтадиган ариқ бўйида ювиниб, сувда сузиб юрган кичкина балиқларни томоша қилиб ўтирганда, қаёқдандир, унинг устига сув сачрабди. У бошини кўтариб рўпарасига қараса, ариқнинг нарига юзида бошларига зар дўппи кийиб, оғизларини оқ шоҳи рўмол билан ўраб олган икки қизга кўзи тушибди.

— Салом! — деб кулишибди қизлар йигитга.

— Саломат бўлинглар, гўзаллар! Нега сув сачрата-санлар?

— Нега қарамайсан?

— Сувдаги сулув балиқларни томоша қилиб ўтирибман.

— Вой, балиқ бизлардан сулувми?

— Сулув, уларнинг оғзи сенларникига ўхшаб қийшиқ эмас...

— Бизларнинг оғзимиз қийшиқмикан?

— Қийшиқ бўлмаса нега рўмол билан ўраб олган-санлар?

Икки қиз қиқир-қиқир кулишиб оғзидан рўмолини олишибди. Уларнинг маржон тақилган оппоқ бўйинлари, инжу тишлари, гулдай қизил юзлари Муқонни мафтун қилибди.

— Лабларинг гўзал экан, бундай лабни ўпса ҳам бўлади.

— Бизларнинг сенга ўпкизиб ҳаром қиладиган лабимиз йўқ.

- Менинг оғзим ҳаромми?
 - Ҳа, ҳаром. Сени кофир бўлиб кетган турк, дейишади, ростми?
 - Ёлғон. Мен кофир эмасман, пусурмонман. Турк эмасман, қозоқман. Сенларга мени «кофир» деб ким айтди?
 - Биладиган кишилар айтди. Бизлар сени шу боғда ҳар куни кўрамиз. Биладиган кишилардан суриштириб сўрасак, шундай дейишди.
 - Сенлар қаерда турасанлар?
 - Рўпарангдаги очиқ турган деразани кўряпсанми?
 - Ҳа.
 - Худди шу уйда турамиз. Юр, уйимизга бориб меҳмон бўл.
 - Мен уйлариингга бормайман.
 - Нега?
 - Мен Стамбулга меҳмон бўлиш учун келганим йўқ, курашгани келганман. Курашим тамом бўлгандан сўнг, қайтаман.
 - Қаёққа?
 - Россияга.
 - Россия кофирлар ватани, бизда қол.
 - Сенлар нотўғри айтяпсанлар. Россияда кофирлар йўқ, фақат руслар бор. Улар яхши одамлар. Бувим: «Кимнинг нияти ёмон бўлса, ўша одам кофир», деганди. Қани, сенлар мени кофир деган одамни шу ерга олиб келинглари-чи!
 - Нима қиласан?
 - Мана шу сувга тумшуғини ботираман! Ундан кейин бундай сўзни айтмайдиган бўлади.
- Уша икки қиз унинг орқасидан бир неча марта эргашиб, хоҳлаган биттамингни олгин-у, Стамбулда қол, дейдиган бўлишибди. Шунда Муқон:
- Менинг учун азиз нарса — қиз эмас, жонажон ватанимининг тупроғи, — деб жавоб берибди.
- Муқон бир куни Стамбулнинг катта мачитини кўргани борганда турк эшони бошига туркча попукли қизил дўппи кийдириб:
- Бу ҳамма мусулмон мачитларининг онаси. Бунинг ичига кирган одам «ҳожиди» бўлади. Энди сен Ҳожимуқон бўлдинг, — деб бошидаги попукли туркча қизил дўппи билан суратга олиб, газетага чиқаради. Шу-шу ўртоқлари ҳазиллашиб бошқача ном билан чақириб юришган экан. Ўзи билан кўп йил дўст бўлиб

бирга юрган Иван Кореннинг боя ҳазиллашиб айтган ҳикояси мана шу эди.

— Энди Японияга борамизми?

— Қўй-э... — деди Ҳожимуқон оқ қилиб кўтарган кружкасини тўнкариб қўйиб. — Мен Дубний билан Лондонга бормоқчи эдим, кемада юра олмаганимдан қолдим. Тушсам кўнглим айнийди. Бу ер билан Япония ўртасида катта денгиз бор экан. Уларни мен билан кураштирадиган полвонларининг ишини Ҳарбинда бир ёқли қилдим-ку, бўлар энди, бормаيمان. Элни соғиндим. Энди элимга қайтаман. Ер юзининг баъзи жойларини оралаб кўрдим. Бироқ, жонажон ватанимиз тупроғидан азиз, Россиядан гўзал мамлакатни кўрмадим.

— Тўғри айтасан, оғайни. Бизнинг мамлакатдан ҳам гўзал мамлакат, халқимиздан меҳрибон халқ бу дунёда топиладими! Шу халқ билан бирга яшаб, бирга ишлашдан ҳам катта бахт борми дунёда!

— Оренбург цирки хат устига хат юбориб, чақириб қўймапти, борайлик, — деди Корень.

— Тўйларинг тўйга қўшилиб, сафарларинг беҳатар бўлсин! — деди Яков, ҳазилкаш полвонларнинг ҳикоясини мароқ билан эшитиб бўлиб.

Дунёга машҳур бўлди алп кучим,
Одамарни танг қолдириб кураш тушдим,
Улдирмоқчи бўлганда Сар-Кек-Кининг
Сидирганман, тулкидайин бош терисин.

МИРЗА

Минг тўққиз юз ўн тўртинчи йилнинг қиши худди жаҳон империалистик уруши каби совуқ келди. Кунора бўрон, изғиринли ёз бўлиб турди. Декабрь ойининг бошларида қўрадаги уюлган қорни икки от қўшилган тахта мола билан тозалаётганлар олдига, устига қашқир терисидан тикилган пўстин кийган, бошида қора қозондай қалпоғи, қўлида катта сандиқдай чамадони бор биров кириб келди. У:

— Эй, биродар, Қуттибой мирзанинг ҳовлиси шуми? — деб сўради терлаб-пишиб, уюлган қорни қўрадан олиб чиқиб кетаётган кишидан.

Қуттибой Қизилжарнинг кўзга кўринган савдогари эди. Бу ҳовлининг ярмидаги уй европача услубда солинган бўлса ҳам иккинчи ярми хашак уюмлари, чанага

қўшиладиган от, сотиладиган қўй ва ҳоказолар билан ивирсиб ётарди. Кечаси билан увиллаб эсган шамол ҳовлини қорга кўмар, хашакни ҳар томонга сочиб юборарди. Ана шу сочилган хашак, уюлган қорни тозалаш учун ўнларча ёлланган ишчи кечаю кундуз тинмай ишларди. Ниҳоятда чарчаган хизматкор қора қалпоқли бу кишига ҳайрон бўлиб қаради-да, индамай ўтиб кетди. Йўловчи унинг қайтиб келишини кутиб турди. Хизматкор кейинги моладаги қорни олиб борганда, оти қорга тикилиб қолди. Икки хизматчи тикилган отни чиқариш учун ҳар қанча уринса ҳам бўлмади, терлаб-пишиб кетди. Уларни кўриб турган ҳовлидаги йўловчининг тоқати тоқ бўлди. Чамадонини дарвоза олдига қўйиб, улар олдига бориб:

— Ҳой, намунча уриниб ётибсанлар?— деб сўради.

— Кўрмаяпсизми, мирза?

— Кўрганда нима, сўйса бир қозон гўшт чиқмайдиган отни тортиб ололмаётганларинг уят эмасми?

— Албатта, мирзаларнинг кўзига шундай кўринадиде. Сизлар фақат гўшт ейишни биласизлар. Бу отнинг оғирлигини кўтарган кишигина билади!

— Буларнинг гапини қара-ю. Бор, сен бориб курак олиб кел, қорни қазиб чиқариб олайлик, — деди иккинчи хизматкор қора қалпоқли пўстин кийган одамга жаҳл қилиб. Бир хизматкор устига ёпишган қорни қоқиб, қорга ботмаган отини бурди.

— Эй, тўхта! Молани чиқариб, қор устига кўндалангига ташла. Нима қиласан куракка овора бўлиб, — деди ҳалиги нотаниш киши.

— Нимага, мирза?

— Сен мирза-пирза деган гапингни қўй, ишқилиб отингни чиқариб берсам бўлдимми? Тахтани қорга оёғим ботмайдиган қилиб ташлагин. Нима қилмоқчи эканимни кўрсатай сенга.

Қорга оти ботган хизматкор хўмрайиб қарар экан:

— Важоҳатидан худди айиққа ўхшайди-я, қаёқдан келиб қолди бу ерга?— деб тўнғиллади. Иккинчи хизматкор нима қилишни билмай туриб қолди.

— Нега ағрайиб турибсан, еч дейман тахтани.

— Қотиб қолган қайиш ечилади дейсизми, мирза.

Бориб курак олиб келаман..

— Вой бечора-ей, курак-курак дегунча тахтани олиб келсанг-чи?— деб у молани бир қўли билан тикилиб ётган отга қараб итариб юборди. Тахта қўшиғлиқ турган от-поти, одами билан судраб юрган

чанадай енгил сурилиб қор уюмига бориб тиралди. От тўрт оёғи тайганиб чўнқайиб ўтириб қолди. Ҳалиги одам от ботган қор устига тахтани кўндаланг қўйиб, ёл-думидан ушлаб, «ҳауп» деб бир силтаганда, отни қозиқдай суғуриб олиб, бир четга думалатиб юборди. Чарчаб қолган от, туёқлари ерга теккандан сўнг, ўрнидан туриб бир силкинди-да, ёнидаги отга қаради. Икки хизматкор худди туш кўришгандай бир-бирига маъноли қарашиб олишиб, номаълум кишига тикилишди. Улар отларининг тизгинидан ушлар экан, сўрашди:

— Мирза, чамадонингиз кўчада қолдими?

— Ҳа.

— Биттаси илиб кетмасин яна. Бу ёрда бебош болалар кўп...

— Илиб кетадиган болалар иккалангга ўхшаса, қаерга борарди дейсан. Унинг оғирлиги ҳалиги отдай бор. Хизматкорлар отларини қўрага ҳайдаб кирдилар.

— Йигитлар, йигитлар!.. Қўрага биров кирди ё Дажжол, ё Маддоҳ — иккаласидан бири. Афт-ангори шундан бошқага ўхшамайди, — деб ваҳима қилишди ҳалиги хизматчилар, қўрада қор кураб, хас-хашакни тозалаб юрганларга.

— Нима деб валдираяпсанлар ўзи?

— Нима бўларди... Дев!

— Нима деб алжираяпсанлар? Кўзларингга бир нарса кўриндими ўзи!?! Шу замонда дев бўлармиди!?

— Ана, ана, қўрага кирди.

Қўра ичидаги одамлар уни кўриб ҳайрон бўлиб қолишди. Бошқалардан унчалик катта бўлмаса ҳам қашқир терисидан пўстин кийиб олган гавда одамларга девдек бўлиб кўринди.

— Вой-бўй, бу одамда бир гап бор! Қўлидаги чамадонининг ўзи бир чанага юк бўлади-ку. Ким экан у, сўзлашдингларми?

— Сўзлашдик.

— Тили қанақа, ўзимизнинг одамларга ўхшаб сўзлар эканми?

— Ҳа, рус тилини аралаштириб қозоқча сўзлашди.

— Ундай бўлса татар экан-да.

— Билмадик. Юзига тикилиб қараёлмадик. Қулоқ, лабларининг дабдаласи чиқиб кетган. Кийимига қараб, мирза бўлса керак, деб ўйлаган эдик, кўтариб юрган чамадонини кўриб, ким эканига ҳам ақлимиз етмай қолди...

— Хўш, ундай бўлса полвон эканини қаёқдан билдинглар?

— Ия, боя мана бу от қорга тиқилиб қолди-ку. Шунда орқаси зўрға кўриниб турган отни бир ўзи тортиб олиб, бир четга улоқтириб юборди.

— Отни улоқтириб юборди дейсанми?

— От буёқда турсин, вазоҳатидан туяни ҳам улоқтирадиганга ўхшайди. Бекорга уни ё Дажжол, ё Маддоҳ деяпмизми?

— Хўш, сўзлашганда нима деди?

— Айтарлик ҳеч нима демади-ю, сал манқароқми, ҳарҳолда, товуши ғалати, худди инграган арслоннинг овозига ўхшайди. Фақат мен кўчага чиқиб кетаётганимда: «Қуттибой мирзанинг ҳовлиси шуми?» деб сўради, холос. Мен шошилганимдан юзига ҳам қараёлмай ўтиб кетавердим. Отнинг қорга тиқилиб қолганини кўриб, олдимизга келди-да, менинг моламини оёғи тагига қўйиб, чиқариб берди.

— Э, ундай бўлса ичкаридан (Россиядан) келган мирзанинг дўстларидан биттасидир-да.

— Йўқ, мирза бўлса от тугул одам ўлиб ётса ҳам қайрилиб қарамасди. Қайси мирза шундай катта чамадонни қўлида кўтариб юради? Ё одамга кўтартириб, ё аравада олиб келмасмиди?

— Рост, агар мирза бўлса қорга ботмоқ тугул қонга беланиб ётса ҳам қарамай кетавермасмиди? Бу оддий одамлардан бўлса керак.

— Унда ким бўлса экан-а? Ана, мирзанинг уйига кириб кетди. Ҳол-аҳволини ҳам сўрай олмади-а?

* * *

Қуттибой мирзанинг ташқари уйида ётадиган ов ити «вов» деди-ю, «ҳай!!!» деган салмоқли товушдан кўрқиб, эшиги очиқ турган ошхонага кириб кетди. Илгари бундай қилмайдиган итнинг ғингшишидан шубҳаланган пазанда аёл чўчиб тушди. Ҳали ширин уйқуда ётган мирзанинг оиласи, меҳмонлари учун овқат тайёрлаётган ошпаз аёл, қўлига капгирини олиб ташқари уйга чиқди.

— Кампир, Қуттибой мирза уйдаими? — деди йўғон бир товуш.

Бошига қора қалпоқ эғнига пўстин кийиб олган одам оқсоч хотиннинг кўзига гўё айиқ сўзлаётгандай кўринди. У кўрққанидан мирза ухлаб ётган хонага

қараб югурди. Эшикни одатдагидай тақиллатиб кириш-
га ҳам чамаси келмай, бирдан очиб:

— Мирза! — деди товушининг борича, уйғонганига
анча бўлса-да, туришга эриниб ётган Қуттибойга.

— Нима? — деди у қўрқиб кетган аёлга қараб.

— Келди.

— Ким?

— Қора қалпоқ кийган қашқир... бир...

— Нима деб алжираяпсан? — деб мирза бошини
кўтарди.

Аёл бошқа ҳеч нарса деёлмай мирзанинг хотини
ётган хонага чиқиб кетди.

— Нима дейди бу малъун. Қалпоғи нимаси, қашқир
нимаси?... — деб мирза шошиб-пишиб кийина бошлади.
Ҳовлида қор кураётганларга ёрдамлашиб юрган уй
хизматкори «дев» ни кўрмоқчи бўлиб, шошилиб уй-
га кирди. У даҳлизда турган меҳмонни кийимларини
ечиб қўядиган хонага олиб кириб:

— Ечининг, мирза, мен хўжайинга хабар берай, —
деб чиқиб кетди.

Меҳмон энди пўстинини ечиб миҳга илаётганда
Қуттибойнинг товуши эшитилди:

— Сен қаёқда юрибсан ўзинг? Уйга бир бало
кириб кетди, деб тоза қўрқитди-ку, анави оқсоч малъун!

— Мен қор кураётгандим, мирза. Сизни сўраб қо-
ра қалпоқли, пўстин кийган бир мирза келди. Уша
кишини айтгандир-да.

— Пўстини бор дейсанми?... Қаёқдан келибди?

— Унисини билмадим-у, мирза, ҳарҳолда кийини-
шидан Россиядан келадиган меҳмонларга ўхшайди.

— Ундай бўлса, унинг нимасидан қўрқиб юрибди,
анави жин ургур. Уйга киргиздингми? Юк-пуки борми?

— Бошқа юки борми-йўқми билмайман, қўлида
бир катта чамадони бор. Ечинадиган уйга олиб кириб
қўйй дегандим, кўтаролмадим. Узи кўтариб юрганига
қараганда ичида пул бўлса керак.

— Баракалло, ҳа, бу бошқа гап! Ҳалиги қўрқитиб,
кийимимни ҳам тузукроқ кия олмадим. Мен кийиниб,
юз-қўлимни ювиб чиққунимча Россиядан келадиган
одамлар учун ажратилган меҳмонхонага олиб кир, —
деб мирза ўз хонасига кириб кетди.

* * *

Қуттибой мирза тоза ювиниб, европача кийиниб
меҳмонхонага кирганда, меҳмонни кўриши билан лол

бўлиб, эшик олдида қотиб қолди. Унинг миясидаги ширин хаёллар меҳмонни кўриши билан чиппакка чиқди. У меҳмонни пулдор, минглаб мол сотиб олиб кетадиган қориндор савдогарлардан бўлса керак, деб ўйлаган эди. Йўқ, меҳмон бошқа одам бўлиб чиқди. У ҳечам савдогарга ўхшамасди, оддий одамга ҳам, ўқитувчига ҳам, инженерга ҳам ўхшамасди. Унинг кўз олдида камзулининг ёқасидан этагигача медаль, значок тақиб олган бир одам ўтирарди. Камзулининг олдида тугма қадашга ҳам жой қолмабди, ҳаммаёғи турли значок билан медалга тўлиб кетган. Унинг ичида олтини ҳам, кумуши ҳам, миси ҳам бор. Сал кўзгалса бас, шамол тебратган дарахт япроғидай шилдир-шилдир қилади. Бундай мукофотни, Қуттибой ўзи ҳамтовоқ бўлган губернаторда ҳам кўрмаган эди. Ҳарбий одам дей деса, ҳеч қандай белгиси йўқ. Мирза ҳайрон бўлиб:

— Ассалому алайкум! — деди.

— Саломатмисиз, Қуттибой Мирза? Мен Россиянинг жаҳон полвони номини олган Ҳожимуқон Мунгайтпасов бўламан.

Қуттибой мирза халқ неча йилдан буён кўришга интизор бўлган атоқли полвоннинг уйига келганига хурсанд бўлди-ю, бироқ фойдаси тегадиган савдогар бўлмаганига ачинди. Ранжиганини билдирмасликка ҳаракат қилди. «Нима бўлса ҳам бундан тезроқ қутулиш керак. Бир тойнинг гўштини кўрдим демайди-ган бу полвон мени нечук излаб келдйкин?» деб ўйлади.

Унинг эсига қиш бошида Саритерак бўлисидан меҳмон бўлиб келган бир чолнинг айтган гаплари тушди. Улар дастурхон устида ҳазил-мутойиба қилиб ўтириб:

— Чироғим, бўлис, подшонниг буйруғи, деб, кўп қўй йиғиб юбординлар. Мунча қўйни нима қилар экан у? — дебди саритераклик бир оқсоқол халқнинг тобора қашшоқлашиб бораётганини айтиб. Шунда бўлис жавоб берибди:

— Подшога қанча қўй бўлса ҳам кўплик қилмайди, оқсоқол, Петербургда қозоқларнинг Ҳожимуқон деган бир полвони бор дейишади. У ҳар куни беш қўйнинг гўштини ермиш. Унга овқат етказиб бўладими! Шунга бераётган бўлса керак.

— Астафирулло!... Эшитмаган гапларни эшитасан-а. Унда йилига бир минг саккиз юз қўй ейдими?

— Вой-бўй, икки мингга яқин-у!

— Қайдам, чироғим, унчалигини билмадим!.. Петербургда полвон борлиги ҳам ростдир-ку, бироқ бир овулнинг қўйини бирполвонга сўйиб бериб, пош-шойи олам ўзлари қуруқ ўтирмагандирлар. У буёқда тур-син-у, Қасқирбойбийнинг ўзи халқдан олиб, шу йилнинг ўзида эллиқдан ортиқ қўй сўйди. Халқ фарзандлари: ботир, олим, шоир еса чиқинимиз далага кетди демас эдик. Қайдам, қароғим...— дейди шунда оқсоқол қу-либ.

Қуттибой Ҳожимуқонга катта қозонни тўлдириб, гўшт пиширттирди. Унинг ичида қази ҳам, қарта ҳам, ёл қуйруқ ҳам бор эди. Шу атрофдан келадиған меҳмонлар учун тайёрлаб қўйилган уйга дастурхон ёздириб, икки йигит тоғорани тўлдириб гўшт олиб келишди. Бу ерга шаҳарлик полвонни кўриш учун икки-уч чоллар ҳам келишганди. Бойнинг қариндош-уруғлари ҳам бола-чақалари билан келишди.

— Полвон, Россияда кўп йил юрган бўлсангиз ҳам, овул одатини унутмагандирсиз. Қўйнинг калласини қўймади¹ деб кўнглингизга келмасин, мирзанинг озроқ моли далада эди. Бозордан олай деган эди, мен аёз-да қолган молнинг гўшти нима бўларди, деб олдирма-дим. Ҳозир айни сўқим гўшти ейдиган маҳал-ку, мана, буюргани олдингизга келди, қани олинг,— деди қария-лардан бири.

— Мирза, полвонни йигирма тўрт йил четда юриб ичкиликка ўрганмагандир дейсанми? Берадиганинг бўлса, бизлардан тортинмай беравер, овқат олдиған ичиб ўтирсин,— деди битта чол.

Мирза оқсоч хотинга, олиб кел, дегандай имо қил-ди. Аёл боланинг бўйидай келадиған шишани олиб келиб мирзанинг қўлига берди. Ҳожимуқон дастурхон атрофида ўтирган одамларга бир қараб олди-да:

— Мирза, мен йигирма тўрт йил четда юриб, сенинг уйингда биринчи марта ўтирибман. Бу бир навқирон йигитнинг умри. Куз ўтиб қиш келгандай, қиш ўтиб баҳор киргандай, бир неча киши дунёдан ўтиб, унинг чироғини боласи ёқиб ўтирибди. Шуларнинг бири, мана

¹ Қозоқлардаги урф-одатга биноан энг азиз меҳмоннинг олди-га албатта қўйнинг калласи қўйилади.

сен ўзингсан. Саканг¹нинг вафот этганини бундан етти йил илгари эшитган эдим. Ичкилигингни қўя тур.

— Чироғим-эй, қаёқдан эсингга тушиб қолди... Бугун кун жума эди, жуда яхши эсга солдинг-да,— дейишди қариялар севинишиб.

— Мирза, яна бир илтимосим бор, уни ҳам овқат бетидан дастурхон олинмай турганда айтай. Мен ейман десам, тойингга қўшиб қўйингни сўйиб оссанг ҳам ичагимга юқ бўлмайди. Емайман десам, оддий киши ейдиган овқатга ҳам қаноат қиламан. Шу Қизилжар шаҳрида мен ҳам қор кураганман. Энди ҳовлингни кураб юрган йигитларнинг мени танимай «мирза» деб юришибди. Улар хўжайиннинг олдига киришга уялиш-япти шекилли. Бу менинг ҳам бошимдан ўтган. Ким билади, қашқир терисидан пўстин, тивит қалпоқ кийганимни кўриб, мени мирзалардан биттасидир, деб юришгандир. Қуттибой турганда менга мирзаликни ким қўйибди?— деди полвон.

— Рост айтасан, полвон, берганига шукр,— деди Жонтой мирзага кўз ости билан қараб, соқолини силаркан.

— Ҳа, мирзасан, қулочингни кенг ёз! Уша, мени мирза деб ҳайқариб юрган йигитларнинг ҳаммасини чақир, кирсин. Пўстинли одамнинг Ҳожимуқон эканини, чин мирза Қуттибой эканини кўриб қўйишин. Мени кириб кўришга ҳам ботинолмай юрибди, шўрликлар.

— Полвон, улар овқатдан канда эмас. Бизлар шулардан ортганини еб ўтирибмиз. Эртага уларнинг ётоқхонасига бориб, алоҳида гаплашармиз. Ҳалиги пошшонинг саройида бўлганингни айтиб бер-чи... Саройини олтин билан кумушга беаб ташлагандир-а. Ҳа, подшойи аъзам саройидан нимани аяди дейсан. Унинг саройининг дарвозасини кўриш ҳам катта гап-а?— деди Қуттибой гапни бошқа томонга бурмоқчи бўлиб, полвонни овқатга таклиф қиларкан.

Ҳожимуқон ўрнидан қўзғалмай, «сабр қил» дегандай мирзага қўлини чўзиб, кўзини қисиб қаради:

— Ҳей, Қуттибой, бундан йигирма икки йил бурун мен қўшнинг Масликовнинг пичанини олиб келаман деб, бўронда оти ўлиб қолиб, чанани менга яёв судратиб, хунини тўла, деб мени полицмейстерга олиб борганда, сен ҳали ёш бола эдинг. Одамлар отнинг хунини тўлаймиз, деб пул тўплашаётганда Ҳусайин бобо тўранинг ёнида турган отангга: «Чироғим Сакенжон, мана бу

¹ Қўттибойнинг отасининг қисқартирилган оти (тарж.).

бечора болага худо кучдан берибди, шунисидан хурсанд бўлган халқ ўлган отнинг хунини тўлаб юборишмоқчи бўлишяпти. Тўлабой ўғли Жумрат битта оёғини ит талаган отини девонага бериб юбориб обрў топган экан. Сенга, якка ўзинг тўлаб юбора қол, демайлик, кўпчилик қатори сен ҳам бер», дегани эсингдами?

— Ҳа, эсимда.

— Шунда марҳум отанг сенга пул бериб, бор, тўпловчига олиб бориб бер, деган эди, эсингда бўлса шу пул қанча сўм эди?

— Буниси эсимда йўқ, — деди у тутилиб.

— Унда Қуттибой ёш эди-да. Орадан шунча вақт ўтиб кетди-ю, эсида турадимми? — деди Қуттибойга яқинроқ ўтирган бир чол, сийрак соқолини силаркан, кўзларини чирт юмиб.

— Унутган бўлсанг, эсингга солиб қўяй, мирза: Хусайин бобога олиб бориб берган пулинг ўн беш тийин эди. У бетингга қараб туриб: «Ўғлим, ямоқчи Жаъфар ҳам беш сўм берди. Мирзалингинг шу бўлса, ма, отангга олиб бориб бер, чилим олиб чексин. Усиз ҳам шу юрт омон бўлса, бир от хунини тўлашар!» деб тескари қараган эди. Мен бу ерга ётадиган уй тополмагандан келганим йўқ. Мени Масликовнинг панжасидан қутқариб олган одамларнинг кўпчилиги ҳаёт ҳали. Фақат, сени шу ернинг кўзга кўринган кишиси-ку, энди эрки ўзига текканда бир кўрай, деб келдим.

— Ҳа, марҳум Сакенгнинг баъзан шундай хасилиги тутиб қоларди. Баъзан жуда сахийлик қилиб, Омск, Оренбурглардан келганларга пулни аямай бериб ҳам юборарди. Бўлмаса ўша отнинг хунини бир ўзи тўлаб юборса ҳам қудрати келарди-ку, — деб, гўшт тўғраб ўтирган чол гўштнинг ёғлироқ жойидан бир кесиб оғзига солди. — Шундай қилиб, чироғим Ҳожимуқон, Қуттибойнинг қўли очик. Давлатини кам қилмасин, талай одамнинг ҳожатини чиқаряпти, — деб мирзага кўз қирини ташлаб қўйди.

— Мен айтмоқчи бўлган нарса у эмас, мен мирзадан мол-дунё сўрагани келганим йўқ. Эшикнинг тирқишидан, қиров босган деразалардан одамлар мўралашиб, қарашиб юришибди. Хизматкор йигитлар бўлса керак. Мен кетган маҳалда Масликовнинг қўлида ишлаб юрган Сейилбек билан Сергейни ҳам кўриб қолдим. Ҳаммаси ҳам мени кўргиси келиб юргандир. Уларни аёзда қолган сигирдай эшикда мўралатмай, киргиз. Шу овқат ҳаммамизга ҳам бўлади, бир ўтириб

гаплашайлик. Подшо ва вазирларнинг уйида кўрган-билганларимни айтиб берай, улар ўз қулоқлари билан эшитишсин.

— У ким ўзи, эшик олдида юрган? — мирза эшик томондагиларга қаради.

— Ким бўларди, мирза, «подшонинг полвонини кўрамиз», деб ўзимизнинг йигитлар тўп-тўп бўлиб, келиб юришибди. Қўшни ҳовлиларда ҳам анча одам бор. Эшикни илиб, қоровул қўйиб қўйдик. Бўлмаса уйга кириб келадиган.

— Мирза, киргиз уларни, шулардан ийманиб далага чиқолмай ўтирибман.

— Уйга тўплаб ўтирмай, эртага уларнинг олдига борсангиз нима қилади?

— Мен уйингга қишлагани келганим йўқ. Эртага кетаман. Ҳозир кирит. Бўлмаса овқатингни емайман.

— Ҳа, ҳаммамиз ҳам полвонни кўргани келиб ўтирибмиз. Бу овқат бўлса ҳар куни еб-ичиб юрибмиз. Полвоннинг айтгани бўла қолсин, чақиринг, мирза, — дейишиб ўтирганлар Қуттибойга тикилди.

— Бай-бай-бай, оёқлари ифлос, уйни равсо қилишадиган бўлди-да.

— Илфос қиладиган бўлса, тозалайдиган ўзлари. Киришсин.

Йигитларни чақирди. Биринчи бўлиб Сейилбек билан Сергей кириб, Ҳожимуқон билан кучоқлашиб кўришди. Бошқа йигитлар салом беришиб, эшик олдида қатор ўтиришди.

— Ана энди ароғингни қуй, мирза. Бу ангишвонадай қадаҳларингни қуй, чой ичадиган пиёлага қуй. Сейилбек билан Сергейдан бошлаб, йигитларнинг ҳаммасига текис қуй.

— Узингга деб олдирилган бир литр ароқ эди, ҳаммасига етмайди-ку, полвон? Дўкон ёпилиб қолди.

— Қуттибойники етмаса, Ҳожимуқонники етади, мирза, қуявер. Тўлдириб-тўлдириб қуй, ичгандан кейин ичгандай бўлишсин.

— Бир маҳалда хизматкор бўлиб юрган Ҳожимуқон, мана, Пётр шаҳридан таълим-тарбия олиб, бутун оламини кезиб, улуғ Россиянинг қозоқ полвони деган ном орттирдим. Йигирма икки йил! Чет элда йигирма икки йил кезиб, мана, тупроғи олтин жонажон элимга келдим. Мана бу ўзимизнинг қўлбола шаробни бойнинг эшигида бирга ишлаган, бир майизни бўлиб с эски дўстларим — Сергей, Сейилбек, сизларнинг со

фингиз учун ичай. Мирзага ва келинларга подшо шаробидан берай, — деб чамадонни очиб, Оренбургдан олган шаробдан беш шишасини олиб Қуттибойнинг олдига қўйди-да, — ол, бошладик, — деб ўз косасини шимирди Ҳожимуқон. «Подшо» шаробидан бир-бир кўтарган одамларнинг кўнгли анча кўтарилиб қолди.

— Мана, подшонинг конфетидан болаларингга беринглар, — деб полвон турли қоғозларга ўралган конфетларни сочиб юборди. Утирганлар уни таллашиб-тортишиб териб олишди.

Овқат ейилиб бўлиб, чаккадан тер чиққандан сўнг Ҳожимуқон алламаҳалгача кўрган-билганларини ҳикоя қилиб берди. Охирида:

Йигирма тўрт подшо ерин кезиб ўтдим,
Неча-неча полвонларни йиқитдим мен.
Юрагимни илитган меҳри мўл-кўл
Ўз.элимдай меҳрибонни топмадим мен, —

деб ўлан ҳам айтиб берди.

— Подшонинг тилла саройида юриб ҳам элни соғиндингми? — деди мирза.

— Эй... тилла деганинг нима, бу бир тош-да! Инсондан, ота-онадан, ўз элингдан азиз нима бор дунёда. Тўпланган одамлар полвондан хурсанд бўлишиб тарқалишди. Ҳожимуқон ётадиган жойига чиқиб кетаётиб, мирзага:

— Мирза, отамнинг ўлганини эшитиб, шошилинч келаётган эдим, бир амаллаб уловинг билан овулга етказиб ташла, — деди.

— Хўп, полвон.

ЧҮЛОҚ ПОЛВОН БИЛАН УЧРАШУВ

Уч от қўшилган, соявонли чана қалин қорни пичоқдек тилиб, Оқмўла томонга келарди. Кучли бўрон туриб, чана, қўнган бекатида икки кун туриб қолди. Бекатга бошқа жойлардан келиб тушган кишилар чана ҳали келиб етмасдан овул одамларига: «Подшонинг тоғ кўтарадиган полвони келаётган экан», деб тезда миш-миш тарқатишди.

Хотинлар эшитган хабар, баъзи бир газеталардан тез тарқайди — эшитган одамлар уйида ўтиролмади.

— Ойи, эшитдингизми?

— Нимани, чирогим?

— Бекатга дев келибди дейди!..

— Вой, шўрим қурсин, яна нима гап ўзи. Дев ни-масы? Дев деган нарса Кўҳиқофда бўлади, дейишар-ди-ку? Ҳай, Қизларқул, буёққа кел! Мана бу шум ха-барни эшитдингми? Хўш, келин, уни ким айтибди?

— Узим ҳам чала-чулпа эшитиб қолдим. Қайнаға-миз Элгезер бор-ку, ўша сўфи отамга айтаётган экан. Текебойнинг ўғли Темирбек йўқолган йилқини излаб, бекатга борган экан. Борса, бекат қорга кўмилиб қол-ганмиш. У: «Бу қандоқ бўлди, буларни қор кўмиб на-фас ололмай қолган бўлса керак», деб ўйлаб, ҳайрон бўлиб турса, қор уюми бирдан ағдарилиб тушибди. Бундоқ қараса, тагида подшонинг полвони ётган эмиш. Ҳалиги қорни ўша полвон кафти билан сидириб таш-лаган эмиш.

Шу сўз минг хил ўзгариб, оғиздан-оғизга кўчиб юр-ди. Эсил, Нура атрофини бир зумда айланиб чиқди.

Ҳақиқати: чанада устига кўк мовут костюм кийиб, уй ичида киядиган кигиз чувакни оёғига илиб, оғзи очик шишадан лиқ-лиқ шароб ютиб, бир йўловчи ке-ларди.

— Кун ҳам ботай деб қолди. Бекатга яқинлашдикми?

— Кун ботарга етиб борамиз, яқинлашиб қолдик.

— Қизи бор, деддингми?

— Қизи бўлганда қандоқ... Баҳор гули, жаннатнинг ҳури...

— Ҳа, чуқ де, тезроқ ҳайда. Қош қораймасдан етиб олайлик.

Чанага қўшилган учқур отлар худди қатор учган ўр-даклардай олди тозаланиб, очик турган бекат дарвоза-сидан ғизиллаб кириб келди. Юзлари қизариб кетган Рисбек, молларга емиш солиб бўлиб, қўранинг эшигини эндигина ёпган эди. У кўп вақтлардан бери кўрмаган меҳмонни хушомад билан қарши олди, чана ҳайдаб келган йигитга тил учида салом бериб, чананинг эшигига ёпишди. У эшикни очиб юборган эди, чуваги-ни ташлаб, ўрнидан туриб келаётган мирзага кўзи туш-ди. Чанада уст-боши қўнғироқдек шилдираб биров уймалаша бошлади. Бекатчи чанада бир одамми, ё уч одамми ажратолмади. Бекатчи қашқир терисидан ти-килган пўстиннинг ёқасини кўриши биланоқ:

— Ҳой, Ҳадича, чирогим, бери кел! Меҳмонни уйга олиб кир, совуқ еб қолгандир, — деб чанадан чиқиб келаётган кишининг қўлтиғидан суяди.

— Раҳмат, нарироқ туринг, яна оёгингизни босиб олмай. Мана бу пўстинни ушлаб туринг-чи, ерга тушиб киймасам эшикка сиғмайдиганга ўхшайман.

«Э, бу қорни катта мирзалардан бири экан», деб ўйлади мартабали одам келса атрофида парвона бўлиб, бундайроқ одам келса совуқроқ муомала қиладиган Рисбек. Қашқир терисидан тикилган пўстин кўлига тек-кач, яна ҳам питиллаб қолди.

— Қароғим Хадича, Мирзанинг пўстинини қорга тек-кизмай ушлаб тургин, мен унга ёрдамлашиб юборай...

— Қизингизга бу пўстин оғирлик қилади, кўтарол-майди, ўзингиз уйга олиб кираверинг. Синглим, бун-дайроқ кел, уйга олиб кирадиган нарсаларимни берай.

— Майли, майли, қароғим, мирзанинг берганларини аҳтиёт қил, яна синиб-пиниб қолмасин, — деб бекатчи пўстинни кўтариб уйга жўнади.

У уйга кириши билан хотинига шивирлади:

— Хотин, чанадан биров тушди, бундақа одамни биринчи кўришим. Устида бир нарсалар шалдир-шул-дур қилади. Ё пул солган сандиғимикин-а? Ма, пўс-тинини уйга олиб кириб, тозароқ кўрпаларингдан сол. Хадичага уйга олиб кирадиган нарсаларини бераётган эди, мен чиқай...

— Мана бу кийимига қараганда, шаҳарлик савдо-гарга ўхшайди-ку, ўзи қозоқмикан?

— Қоронғида қаёқдан билай, гап-сўзидан қозоққа ўхшайди, русча аралаштириб гапиради. Уйга кирган-дан сўнг сўрармиз... — деб шошилинч чиқиб кетди.

— Ма, синглим, синдириб қўйма, — деб меҳмон кат-та рўмолга тугилган нарсани қизга узатди. Қиз уни қучоқлаб ушлади.

— Қароғим, буни менга бер-да, оғангни уйга олиб кир, совуқ еб қолмасин, — деди бекатчи хушомадомуз. Кўк мовут камзули ярқ-юрқ этган қора қалпоқли мир-за уйга кирди. Даҳлизда хотини эрига шивирлади:

— Ҳов, боёқиш, мана бу шақир-шуқур қилиб кўта-риб келаётганинг нима бало!..

— Ароқ-шаробидир-да.

— Неча киши экан?

— Чаначисидан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Вой шўрим, шунинг барини бир ўзи ичармикан?..

— Ичгани яхши, хотин. Ароқ мирзаларни сахий қилади. Мен отларни жойлаштириб кирай. Сен қозонга нима солишингни сўра. Қазни, сурланган семиз қўй гўш-ти борлигини айт. Печа... гўшт пишир, дер экан.

Қирчиллама аёз отларнинг қайишларини тошдай қотириб юборибди. Чанани ҳайдаб келган йигитнинг қўли совуқдан увишиб отларни чанадан чиқара олмаётган эди, бекатчи унга ёрдамлашиб юборди. У йигитга қарашаётиб:

— Йигит, бу мирза ким бўлади? — деб сўради.

— Уни ўзидан сўрарсиз. Кимлигини билмадим, — деди қоронғида туртиниб, отни қантариб боғлаётган йигит, совуқдан тишлари такиллаб.

— Чана ўзиникими ё ёллаб олдимми?

— Узиники ҳам эмас, ёллаб ҳам олгани йўқ... Ана, яна биров дарвозани тақиллатяпти. Боринг, — деб йигит бекатчини туртди. У ёпиқ дарвозанинг олдига бориб:

— Ким? — деб сўради.

— Чанада одам келдимми? — деди ё ўн уч, ё ўн тўрт ёшлардаги бола товуши.

— Ҳа, келди, нима ишинг бор? Кимнинг ўғлисан? — деди бекатчи дарвозани очмай туриб.

— Раҳмат! — деди-да, ҳалиги бола отини чоптириб кетди.

— Бу қанақа бола? Қаёқдан келди?! — деди бекатчи ҳайрон бўлиб. У отларга қараб юрган маҳалда уй эгасининг аёли:

— Хадича, меҳмонларга чой қўйиб юбор, — деб қизини ҳовлига чиқариб юборди-да, ўзи мирзага назар солди. Турли одамларни кўрган бекатчи аёл, бундай одамни ҳеч кўрмаган эди. Афғ-ангори, савлати на бойга, на ҳокимга ва на савдогарга ўхшарди. Аёл кимга ўхшатишини билмай, ҳайрон бўлди.

— Мирза, биз йўловчиларни кутадиган одам бўлгандан кейин, қозонимизни меҳмонимизнинг хоҳишига қараб осар эдик. Овқат ерсиз? — деди.

— Еганда қандай... Албатта, янга. Қанақа гўштларингиз бор?

— Йилқининг қазиси бор, ёл бор, семиз қўй гўшти бор.

— Ундай бўлса, қазидан ўн қадоқ, ёлдан ўн қадоқ, қўй гўшtidан ўн қадоқ осинг. Ҳозирча мана буни олиб туринг, — деб у ўн сўмлик қизил ола қоғозни аёлга чўзди. Ҳисобсиз берилган пулни аёл ололмай ҳайрон бўлиб қолди.

— Олаверинг, янга, қолганини яна олаверасиз. Совуқда қорним очинқираб қолди. Овқатингизни тезроқ пиширинг.

Аёл эшик олдига келган эрига шивирлади:

— Мирза уйдаги гўштниг ҳаммасини қозонга сол деярти. Бир от пули — ўн сўм бериб ҳам қўйди.

— Неча қадоқ гўшт сол, деди?

— Ҳттиз қадоқ. Қазии билан ёлдан ярим пуд, қўй гўштинан ўн қадоқ. Мунча гўштни нима қилмоқчи, қозонга сифмайди-ку, ахир.

— Йўлга олиб кетадигандир-да. Йўлга олиб кетадиган бўлса, ўзидан сўраб бўлак пишириб бер.

— Ҳзингиз сўрай қолинг.

— Бор, бор, гўштлирни олиб келавер. Чана ҳайдаб келган йигитга кўрсатиб тортиб, корсонга солавер. Мен жойлашиб ўтиргандан кейин сўрайман...

Чўнтагига ўн сўм тушган Рисбек уйга кулимсираб кирди.

— Мирза, «юз одамнинг тусини билгунча, бир одамнинг исмини бил» деган, сўраганнинг айби йўқ... Ким бўласиз? Қайси уруғдансиз? Қаёқдан келяпсиз? Гаплашиб ўтирайлик, — деди мезбон меҳмонга яқин чордана куриб ўтириб.

— Жонбилмас уруғиданман. Белгисиз бойнинг ўғлиман. Россияга бир минг саккиз юз тўқсон икки қўй олиб бориб сотиб, (Ҳожимуқоннинг Россияга борган йили) энди элимга кетяпман.

— Қизиқ, эшитмаган гапларни эшитасан-а, Жонбилмас қайси уруққа киради? Оргинми, Қипчоқми?

— Утоғаси, унисини ўзим ҳам яхши билмайман.

— Майли. Ҳа, айтмоқчи, овқатни кўпроқ қил, деган экансиз, йўлда ейдиганингизни бўлак пиширсинми?

— Йўғ-э, йўлда киши овқат ермиди? Ҳаммасини пишириб олиб келаверсин.

Бу оилада учта жон бор эди. Кўп йиллардан бери умри йўловчи кутиб ўтган бу оила, ўтган-кетган йўловчиларнинг хизмат ҳақидан ташқари қизига у-бу нарсалар ташлаб кетишини яхши кўрар эди. Қизнинг оти Ҳадича эди. Илгари йўловчилар беш-ўн тийин ёки бир-иккита конфет берар, уни қуруқ қолдирмас эдилар. Энди Ҳадичанинг бўйи етиб қолди. Одамлар унга нима беришини билмай, кичикроқ нарса берай деса уялиб, улғайиб қолган қиз болага беришга арзийдиган нарса тополмай фақат ётоқ жойига, еган-ичганига ҳақ тўлаб кетишаверадиган бўлиб қолди. Бу йўловчилар орасида бойлар ҳам, оддий одамлар ҳам, савдогар ва тўралар ҳам келиб кетади. Аммо, бу оила шу вақтгача мана бундай феъли атвори бошқача мирзани кўрмаган эди.

Хадича буғини бурқиратиб самоварини олиб кириши билан ёнбошлаб ётган меҳмон бошини кўтарди-да:
— Синглим, анови тугунни менга олиб бергин, Петербургдан олиб келган нарсалардан сенга ҳам берай, — деди.

Дастурхонни ёзиб, пиёлаларни тайёрлаб қўйган қиз, тугунни мирзага олиб берди. У аввало, беш шиша ароқни олиб қатор қилиб қўйди-да, бир сиқим конфет олиб ташлади. Кейин «Гулжаҳон» деган совун билан бир қути вазелин олиб қизга берди.

— Ма, синглим, бу бозорлигим. Яна бир йўлим тушганда, той ҳам миндириб кетаман.

— Э, мирза, қўйинг. Овулга олиб кетаётган совғасаломингизни йўл-йўлакай улашсангиз, нимаси қолади? — дейишди қизнинг ота-онаси.

— Ҳечқиси йўқ, ўтоғаси. Парво қилманг. Бу фақат чанадагиси. Петербургдан ортилган юк ҳали йўлда.

«У қандай нарсалар экан-а?» — деб ўйлади бекатчи. Чой ичиб олган мирза, шу уйдаги ҳамма ёстиқни бошига қўйдириб, қашқир терисидан тикилган пўстинини оёғига ёпиб, овқат пишгунча ёнбошлади.

— Хотин, овқатингни шошилмай бемалол пиширавер. Мирза бир оз дам олсин, — деди Рисбек.

* * *

Ёстиғини баландроқ қилиб ухлаш Ҳожимуқоннинг одати эди. Боши ёстиққа тегди дегунча уйқуга кетарди-ю, лекин билмаган, эшитмаган бўлиб ётиб, ҳамма гапни эшитиб оларди. Бироқ у кейин, «фалончи фалон деди», деб оғиз очмасди. Бировнинг орқасидан гап-сўз қилишни ҳам ёмон кўрарди.

Овқат пишган маҳалда бир кучли қўл дарвозани тақиллатди. Шунчалик қаттиқ урдик, ҳар урганда ёғоч уйнинг деворлари зирқиллаб кетди.

— Ёпирай, бу ким бўлди яна? — деб бир бўлак гўштни корсонга солаётган аёл эрига қаради.

— Худо билади, полвон бўлса керагов... Аввал куни овулига келди, деб эшитгандим. Мен чиқай, — деб Рисбек корсонни ерга қўйиб, дарвозани очгани кетди. Дарвозага яқин бориб:

— Ким? — деб сўради тўнини елкасига ташлаб олган бекатчи.

— Оч дарвозангни, Нурмағамбетман!

— Вой айланай, сени жуда кўргим келиб ўтирган-

дим, худонинг ўзи етказди... — деди дарвозани тез очиб, отининг жиловидан ушлаб.

— Отни панароқ жойга боғла. Чоптириб келдим, терлаб қолди.

— Отдан ғам еманг, полвон, ўзим биламан. Сиз совуқ емай уйга кираверинг.

Тўрда, қашқир терисидан тикилган пўстин ёпиниб, тўнкадай бўлиб ётган мирзага тур деёлмай, уй эгаси шунга яқинроқ жойга тўрт қават кўрпача солди. Полвон устки кийимларини ечиб, уй ичи билан кўришди.

— Полвон, сизни кўрмаганимизга ҳам анча бўлди-а. Овулга келганингизни эшитгандик. Бориб кўрай десак қор қалин ёғиб, ҳеч иложи бўлмади!.. — деб Рисбек эшиқдан кира сўзга тушди. Полвон унга жавоб бермай, буклаб ушлаган қамчиси билан:

— Мана бу эшик олдида тўнкага ўхшаб ётган ким? — деди у ётган мирзага ишора қилиб.

— У Саритерак томондаги мирзалардан бирига ўхшайди. Петербургга бориб қўй сотиб қайтганми? Ҳар қалай... Чана билан қайтибди, йўл анча қийнаб қўйган кўринади. Қош қорайганда келган эди, дам олиб ётибди.

— Ким экан?

— Билмадим, полвон элидан дедими. Жонбилмас дедими, бир уруғнинг номини айтди. Эсимдан чиқибди... — деди бекатчи шивирлиб.

Чўлоқ полвон баланд товуш билан:

— Унда тўнка экани аниқ бўлди, майли, ёта турсин. Ётган мирза инграниб бошини кўтарди-да, полвонга кўз қири билан қаради-ю, индамади.

— Мирза, қаердан келяпсан?

— Петербургдан.

— Ҳўш, уёқдагилар омон-эсонми?

— Омон.

— Подшонинг Ҳожимуқон деган полвони бор эмиш, кўрдингми?

— Йўқ.

— Унда сен шунча ерни кезиб, овулда мен кўрган Ҳожимуқонни кўролмабсан-да?

— Сиз уни қаерда кўрдингиз?

— Кўрганда ҳам, боладим. У қор босган бир бекатда ўтирган экан. «Мен подшонинг полвониман», деб мақтади. Мен уни ўтирган жойидан шартта кўтариб олиб кўчага улоқтириб юбордим.

— Ёлгон айтяпсиз. Сиз уни кўрганингиз йўқ. Ҳожи-

муқонни улоқтириб юборишингиз учун сиз аввало мен билан беллашиб кўришингиз керак?

— Э, шунақа ҳунаринг ҳам борми?

— Бор.

— Ундай бўлса тур ўрнингдан.

Мирза камзулига тақилган медалларни шалдиратиб ўрнидан сакраб турди. Нурмағамбет ҳам ўрнидан туриб, Ҳожимуқонни қучоқлаб бағрига босди.

— Номинг чиқиб, элимизнинг обрўси бўлган жигарим, соғиниб юрганда сени ҳам кўрдим! Кел, ўпай...

Қозоқнинг икки полвони бекатчининг уйида мана шундай учрашди.

ҚУДАЛИК

Нурмағамбетнинг ёши Ҳожимуқонникидан бир мучал катта эди. Шунинг учун ҳам у: «Жигарим, соғиниб юрганда сени ҳам кўрдим!»— деб узоқ бағрига босиб турди. У кўришаркан, ўзининг хафачилиги ё халқ бошига тушган кулфатлар эсига тушдими, кўзларидан ёш томчилади.

— Дардга тўлган кўнглим сал бўшади шекилли...

— Янга, мана бу менинг тагимдаги кўрпачаларни қайта ёзиб солинг, Нуракам жойлашиб ўтирсин, — деди «мирза» Нурмағамбет билан ўтираётиб...

Уйдаги одамлар ҳеч нарсага тушунмади. Боя, ўрнингдан тур, деганда талай мирзаларнинг пешонасини уриб ёрган Чўлоқ полвон яна бир жанжални бошламаса гўрга эди, деб ўйлашди-ю, бироқ ўзлари «мирза» деб ўтирган одам подшо полвони ҳақида бир нарса айтиб, курашгани ўрнидан учиб турганда, қучоқламоқ тугул салом бермайдиган полвон, уни «жигарим» деб бағрига босганда, ундан баттар ҳайрон бўлиб қолишди.

— Қароғим, Хадича, оғангнинг тагидаги кўрпачаларни ёзиброқ сол, — деди кейин. — Бу ким бўлди, чирогим, чинингни айтгин, — деб чана ҳайдаб келган болага имо қилди.

— Сабр қилинг, ҳозир биласиз, — деб минғирлади у.

— Бу мирзанинг ким эканини энди билдингми, Рисбек? — деди Нурмағамбет бекатчига.

— Қайдам, қароғим, тўққиз йўл қўшиладиган жойда қирқ йил ўтириб бундай ғалати учрашувни энди кўриб турибман. Охири хайрли бўлсин.

— Охири хайрли бўлади, Бибигул. Хайрли бўлмаса, мирза учун пиширилган овқат мен билан «оқ подшонинг

асраётган полвони» — эл оғзида дoston бўлган Ҳожимуқонга буюрармиди? Бу фақат меҳмон учун пиширилган овқат эмас, олдимиздаги бўладиган тўйларнинг йўл очаридир. Бу менинг неча йилдан бери интизор бўлиб кутган жигарим Ҳожимуқон.

— Вой, айланай, нима деяпсиз... — деб қўлидаги гўшт олиб солаётган капгирини корсонга қўя солиб, аёл орқасига ўгирилди. Оққўнгил Рисбек нима қиларини билмай Ҳожимуқонни кучоқлади. Полвон, шоир, ботир йигитларни таъриф қилганда, ўйига турли нарсалар келадиган қизнинг юзи нурланиб кетди.

— Қароғим, икки полвоннинг боши қўшилса сени гапирарди, сени ҳам кўрар кунимиз бор экан-ку. Бой, хон, тўра, султонларнинг номи овул атрофидан нарига чиққан эмасди, сенинг кучинг ўрис, қозоққа маълум бўлиб, доврўғи оламни тутди, чироғим. Баъзи бир номи чиққан кишилар Петербургга бориб подшо сенатининг уйини кўрибдимиш, деб сўз қиларди халқ. Сен ўша уйда турибсан. Утган куни шу ерда тунаб ўтган йўловчилар туни билан: «Қутгибой ҳам ҳазилакам одамлардан эмас! Подшонинг полвони ўшанинг уйига тушибди, подшонинг ароқ, шаробини, конфет-шоколадини тўкиб ташлабди», деб сўз қилишган эди. Агар Нурмағамбет бизникига келмаганда сенинг ким эканлигингни билмай, «мирза», деб кетаверар эканмиз-да... Вой чироғим-эй, отингни нимага яширасан?

— Рисбек, мен бу ерга бекорга келганим йўқ. Мен бунинг шаҳардан чиққандан буён отини яшириб келаётганини эшитиб юрганман. Овул рўпарасидаги икки бекатга ҳам одам юбортириб, унинг бугун шу ерга келишини билганман. Кечқурун дарвозангни тақиллатиб сўраб кетган бола бор-ку, ўшани мен юборганман.

— Қара, йўл устида ўтириб биз билмаган нарсани, овулда ўтириб сен билибсан-а?

— Буни сенлар қаёқдан танийсанлар, ўзича очилиб сўзламаса, оти, зотини айтмаса ё башарасини танимасанглар. Бу менмидим, мени шу ёш боладан тортиб то мункиллаб қолган чолларгача овозимданоқ таниб олади... Бу анчадан бери уясида ётган бўри боласидек подшонинг саройига тиқилиб ётибди-ю...

— Подшонинг саройига тиқилиб ётганим йўқ, оға!
— Хўш, бўлмаса қаёқда юрдинг!.. Овулда сенинг йўлингга кўзи тўрт бўлиб қараб ўтирганлар озми? Мана мен ҳам шундайларнинг бириман. Сени кўришга интизор бўлган одамларга отингни яшириб, «мирзаман»

деб Қуттибойнинг кичкинагина чанасида юргунча, менга бир оғиз хабар қилсанг нима бўларди! Сени от кўтара олмаса, туя кўтарарди-да. Устига гилам ёпиб, оқ туяга миндириб овул оралатиб олиб келмасмидим. Итнинг боласига ҳам қўйилаверадиган «мирза» номи, жаҳон полвонларини йиқитган Ҳожимуқон деган номдан мўғтабар бўптими! Ўтирган жойингда япондан қолган тиртиқ қулоғингни юлиб ташлайман... — деб ҳазил аралаш жаҳли чиқди Нурмағамбетнинг. — Шундай қилиб, сени оқпошшонинг саройида туради, дегани ёлғон бўлдимми?

— Подшо полвонни нима қилсин, оға.

— Ер юзининг ярмисини сўраб ўтирган подшони қўриқлаш учун кучли одамлар керак бўлмайдимми?

— Э, уни қўриқлаш учун олти отари бор битта эси паст етади. Подшога ўнта билими бор ақлли кишидан, битта ароқ заводи бор пулдор бой ортиқ.

— Бу қанақаси? Подшода қирқ кишининг ақли бўлади, дейишарди-ку. Бу ярамас кишининг иши-ку. Қуролни кучи бор киши ушламаса, қўғирчоққа ўхшаган одамдан ким қўрқади.

— Қўрқади, оға. Подшолик — эртақларда таърифланган сеҳрли узукдек гап. Мен ўқиб чиққан мактабнинг директори ҳам билимли, ҳам ақлли, ҳам полвон. Ушайм мактабга қараб юрган ориқ полициячидан қўрқарди. Унинг маст бўлмаган куни йўқ. Борди-ю, ўчакишиб қолса, ноҳақ бўлса ҳам унинг сўзи ўтади. Ҳокимият ўшаларнинг қўлида бўлгандан кейин, начора, тинглайсан-да.

— Мактабларингнинг бошлиғи қайси юртлик экан?

— Халқ ниҳоятда севади, ўзи ўрис, оти Иван тоға.

— Унақа экан, устидан подшога арз қилмайдимми?

— Подшонинг ўзи шунақа бўлгандан кейин кимга арз қилсин!

— Ундай бўлса, жигарим, бизларнинг арз-додимиз оқпошшонинг қулоғига етмай ётибди, оғизма-оғиз гаплашсак мушқулимиз осон бўларди, деб юрганимиз, «оч қолган товуқнинг тушига тарик киради», дегандай гап экан-да. Унда сени қўллаб-қўлтиқлаб одам қилганлар фақат, Иван тоғага ўхшайдиганлар экан, шунинг учун қайтиб кетаман, деган гапни қўй, элда бўл. Қаерга борсанг ҳам халқ мададкор бўлса, Иван ҳам, Ибадулла ҳам шу ердан топилади. Урганганларингни болаларга ўргат. Бу дала ҳали қанча-қанча Ҳожимуқон билан Нурмағамбетни етиштириб беради. Хўш, уйландингми?

— Уйланишга қўл теккани йўқ.

— Қашқир терисидан пўстин кийиб, қора чамадон кўтариб келгунча, олтин сочли оқ фаришталарнинг биттасини етаклаб келсанг бўлмасмиди?

— Қўй-е, мирза оға, уни нима қилади? Қайним оламан деса, қайси қозоқ қизини бермайди дейсиз, ўз юртимдан уйланай деган-да, — деди бекатчининг аёли.

— Олиб келса нима қилибди, Бибигул. Егорнинг қизи Мариям Дудорга тегиб, мана бутун қозоқларнинг ўланида куйланиб юрибди. Агар қайним деб қовурганг қайишса, қизинг Хадичани бера қол. Энди, буни қўлдан чиқармай маҳкам ушлаб қолайлик, — деди полвон, Ҳожимуқондан кўзини олмай ўтирган қизга қараб.

— Ҳой хотин, озгина иссиқ шўрва олиб кел-чи, овқат ҳам совиб қолай деди, — деди Рисбек гўштни тўғраб бўлиб, қўлини артар экан. Қиз уялганидан ерга қаради. Терлаб кетган аёл, бетига қон югуриб:

— Қизнинг ихтиёри менда эмас, полвон оға, овул оғаси ўзинг билан отасида.

Полвон илжайиб Рисбекка қаради:

— Рисбек, Бибигулнинг сўзини эшитдингми? Агар ихтиёр менда бўлса, бу масалани кейинга чўзмайман, мен ўз фикримни айтиб бўлдим. Овқатингга қўл урмай туриб, сен ҳам ўз сўзингни айт, насия қилишни ёмон кўраман, буни ўзинг ҳам биласан-ку, — деди полвон жиддий.

— Қайдан билай, қароғим... Пешонасига ёзгани бордир-да, ўрни келганда бир оғиз сўз билан ҳам иш битиб кетади, ўзингдан қолар гап йўқ, қароғим. Оти чиққан йигит овулга келаётган экан, беҳазил айтаётган бўлсанг ўйлашиб кўрармиз яна.

— Менинг гапимда ҳазил бўлмайди, ўзинг биласан-ку, чин сўзим Рисбек ака. Агар Хадичанинг оғаси деб ихтиёрини менга берсанглар, шу овқатни қуда оши дейман. Мен қудалашини учун инимни эргаштириб келган бўламан. Аравакашим мана бу Қуттибойнинг йигити бўлади. Киядиган тўнинг мана бу мирзанинг қашқир терисидан тикилган пўстини. Минадиган отинг учун уйга бор-да, йўрғамни миниб қайт. Қалинингни элдан йиғиб бераман, эл менинг тугалмас хазинам эканини биласан-ку!

— Мана, полвон оғасининг қилган иши. Ишни кўз очиб юмгунча битирди-қўйди. Қудаси ҳам ўзи, оғаси ҳам. Бир талай мирзадан совчи келганида қовоғидан қор ёққан эди, энди билсак гап буёқда экан-да. Ҳатто

миниб юрган ёлғиз бўз йўрғасини ҳам берадиган бўлди. Ҳа, айтгандай, бизлар минадиган отини ҳам олиб қўйдик, — деди қизнинг онаси.

— Ия, қандай қилиб, нима, бу мирзанинг етаклаб юрган йилқиси бор эканми? Қандай қилиб олдинг, қув найманнинг қизи.

— Айтсам яна жаҳлинг чиқадими, қайдам... Меҳмон келгандан кейин одатимиз бўйича қандай овқат пиширайлик, деб сўраган эдик. «Мирзаман» деб келган қайним ўн сўм пул берди-да, «мана бу пулни олгин-да, бор гўштингни ос», деди.

— Сен олдингми?

— Олдим. Кап-катта одам «мирзаман», деб тургандан кейин олмай бўладими. Энди нима деяримни билмай уялиб ўтирибман, — деб Бибигул кулди.

— Вой, уйига келган меҳмоннинг айил-юганини ўғирлайдиган найманнинг қизи-ей, ҳали отнинг пулини ҳам олиб қўйдим дегин!

— Ҳа, мирза оға. Нега бўлмаса исмини яширади, ўзи айбдор. Узингиз эмасми, мирзаларни ҳечам аямагин, деган.

— Бунинг тўғри. Бироқ, мен қудалашиб ўтиргандан кейин отни мен минишим керак, пулни бу ёққа чўз!

— Пул деса сичқон кўрган мушукдай чанг соладиган оғанг менга пул ушлатармиди, олиб қўйган аллақачон. Қуданг — оғанг-ку, битта қозиқ довини қирқ йилга чўзадиган орғинлар — энди ўзларинг довлаша-веринглар. Найманнинг қизи энди бу машмашадан қутулди, мирза оға.

— Рисбек ака, сен ҳам менга ўхшаб жуда эпчилсан-да... Мана бу найман қизининг сув юқтирмай қутулиб кетганини қара. Майли, бош молни ўз қўлингга олибсан, буёғининг ҳисобини кейин қилармиз, — деб кулди полвон.

— Ол, чироғим Ҳожимуқон, катта-катта ол. Бу тиркичилик кишини нима қўйга солмайди дейсан. Бу Рисбек ҳам ота уруғимдан. Ҳар одамнинг туз-насибасини тангрим у туғилмай туриб дафтарига ёзиб қўярмиш. Бундай ўйлаб кўрсанг, тангрининг ўзи ҳам кирим-чиқим дафтари бор савдогарга ўхшайди. У ўша улушларини тақсим қилганда бизнинг ота-бобомизга: мол боқиш билан йўл кузатишни, Қуттибой билан Иттибойга мол, пул йиғишни ёзган кўринади. Мен тангрининг бу тақсимотига кўнмай, улардан бир оз у-бусини тортиб еб кўрдим. Аммо, тангри менга: «Мен сени емасин, деб

ёзганман», дегани йўғу бироқ пул билан мол хўжайинлари бир оз койишди. Бундоқ ўйлаб қарасам, бу билан тирикчилик қилиб бўлмас экан. Кейин, қўй, бу ишим билан болаларга ёмон тарбия бериб қўядиган кўринаман, деб бунақа ишларни қўйдим. Бир қишлоққа яқинроқ жойга кўчиб бориб, болаларимни ўқишга бериб, ўқитаётиман. Рисбек акам бу бекатга Бибигулга уйланган йили келган эди, чамаси ўттиз йилча бўлиб қолгандир-а?

— Ҳа, йигирма саккиз йил бўлди. Тўнғичимиз ўлмаганда набира кўрган бўлардик. Қандоқ қилай, саккизта фарзанддан битта шу Хадичага эга бўлиб ўтирибмиз, — деб Бибигул кўз ёши қилди.

— Э, янга, қолганининг умрини сўра. Шундай қилиб, Рисбек акамнинг озгина қўй-эчкиси бизнинг овулда. Сендай ҳурматли меҳмонга бор молини сўйиб, калла солиб беришдан Рисбек акам қисилмас эди-ю.. лекин овули қурмағур ўн чақиримча жойда-да. Хўш, отангнинг ўтган йили вафот қилганидан хабарим бор. «Отанг ўлса кўмилар, отинг ўлса сўйилар, ҳар кун бундай улфатчилик қаёқдан топилар» дегандай, сенинг йўлинг бундай ўнгидан тушавермас. Соғиниб юргандим, зўрға топиб олдим. Энди ўн-ўн беш кун тур, меҳрим қонсин, тўрт овулли Тўқтовулни тоза айлантирмай жавоб тегади деб ўйлама асло! Буни қора чамадонини нариги уйингга олиб кириб, эшигини қулфла-да, эртага Қуттибойнинг чанасига тушиб, Хадича билан бизнинг овулга юр, Бибигул. Рисбек акам бекатига уч-тўрт кун ўзи қараб турар. Энди одамлар оқподшонинг полвонини Нурмағамбетнинг уйида кўрсин, — деб у айтганини қилиб, эртасига икки от қўшган чана билан уларни овулга олиб кетди.

Бекатдан чиққанда Нурмағамбет йўрға отига Хадичани миндириб, ўзи Ҳожимуқон билан бирга чанага ўтирган эди, бир оз йўл юргач, чанани тўхтатиб:

— Хадича, туш отдан, совуқ еб қолдинг, чанага миниб ол, подшо полвонининг пўстинига ўраниб ўтирасан. Узиям тўрт кишига етадиган мўл кўрилади. Мен олдинроқ бориб меҳмонларга жой ҳозирлатай, — деди.

— Қўй, оғаси, отда кетаверсин, уялади, — деб Бибигул қаршилиқ кўрсатса ҳам, юзлари совуқдан олмадай қизариб кетган қизни отдан кўтариб олди.

— Ҳей, Ҳожимуқон, ялпайиб ётмай пўстинингнинг бир томонини буёққа ёз! Уялармиш-а! Йигитнинг пўс-

тинини ёпиниб ўтиришга сен уяласан, — деб чанага шўнғитиб юборди.

— Қизгинамдан айланай, кел, оғаннинг совуқ еди деганича бор экан, кел, ўртамизга кир, — деб Бибигул нарироқ сурилди. Ҳожимуқон пўстинининг мўл этагини бургутнинг қанотидай ёзиб ёш қизнинг елкасига ташлади, уни бағрига босиб ўтирди. Аввалига қиз ётсираб ўзини бир оз тортиб ўтирди, лекин аста-секин ўрганиб қолди.

— Бола, энди чанангни менинг изимдан секин ҳайдайвер, тагин овул орасидаги сўқмоқларда ағдариб юборма! — деб Нурмағамбет овулга от чоптириб кетди. У овулга бориши билан бой овулнинг яйловига одам юбориб, бир той олдирди. Унинг устига яна икки қўй сўйдирди. Икки хонали уйдаги ускуналарни бўшатириб, гиламлар билан жиҳозлатди. Яқин атрофдаги ҳамма қиз-жувонларни йиғиб, уйларга бўлиб ўтқазди-да, аввало, уйга тўлган аёлларга:

— Мана, ўзларинг кўпдан бери сўз қилишиб юришган, подшонинг саройида турадиган Ҳожимуқон полвонларинг. Бу тоғ кўтарган бир кўзли, фил кўтарган шоҳли полвонни йиқитишга қудрати келса ҳам, шундай йўли тушганда ўзини танитиб, бир кўришга интизор бўлган халқни айланиб, кўриб ўтиш хаёлига келмабди. Қуттибойнинг чанасига тушиб «мирза» бўлиб келаётган экан. Рисбекнинг бекатидан тутиб олиб, икки кўлини маҳкам ушладим-да, юзидаги пардасини Ҳадичага олдирдим. Шундай қилиб, мана, ўзини овулга олиб келдим. Мана энди, дўстлар, бу бирининг ўғлинг, бирининг инингдай гап, танишинглар у билан.

— Кўп яша, чироғим, бола-чақаннинг роҳатини кўр! Бунинг кучи бизга ош-нон бўлмаса ҳам, қозоқ деган номни бутун дунёга танитди-ку. Баракалло. Энди хуморимиз босилгунча жавоб берма унга.

— Қозиққа бойлаб қўйсамми деб турибман.

— Раҳматли онаси қарағайни қозиқдек юлиб оларди. Бунга қозиқ чидармикан?

— Қимир этказолмайдиган қозиқ топамиз.

— Майли ундай бўлса, биз ҳам ёрдамлашайлик.

— Агар ёрдам берсанглар, Рисбек билан қуда бўлиб қизини олиб бераман, ана ўшанда қиз бунга қимир эттирмайдиган қозиқ бўлади.

— Чироғим Нурмағамбет, жуда ақлли иш қилибсан. Ёрдам берамиз, — дейишиб катталар маъқуллашди.

— Агар қизимиз овулниги, ўғлимиз элимизники бўлса ҳеч қийинчилиги йўқ! Тўйни эртагаёқ бошлаш керак...

Қариялар тарқалишгач, қизлар ўйини бошланди. Дўмбира, сурнай чалиниб, турли жозибали куйлар янгради. Уқтин-ўқтин Ҳожимуқон ўзининг хунарини кўрсатди; гавдасида тош чиннидай синиб, темирлар чивиқдай буралди.

Нурмағамбет Қуттибойнинг чана ҳайдовчи йигитини бир кун тунатиб, эртасига чанаси билан қайтариб юборди. Ҳожимуқонни қўшни овулларга нортую қўшилган чанада олиб боришди, бу полвоннинг шаънига ярашиб тушди. Қаерга борса ҳам ўйин-кулги, хушчақчақлигини ташламайдиган Нурмағамбет, овул қиз-йигитларини ёнида олиб юрди, шулар билан бирга Хадича ҳам сайил қилди.

— Қизгина, бахтинг очилибди, қутлуғ бўлсин! Полвон оғангнинг орқасида, номи тилларда дoston бўлган оқпошшонинг полвонига унаштирилибсан-у, — деган янгаларининг сўзи дастлаб қизга эриш кўринса-да, кейин ўрганиб кетди. Баъзи бир шўх янгалар уни итариб, Ҳожимуқоннинг олдига йиқитишни ҳам ўйлаб чиқарди. Нурмағамбет овулида бўлган кечаларнинг бирида янгалар «қўл ушлатар» ини¹ ҳам олиб улгуришди.

Овулга тезроқ кетишга шошилган полвонни Нурмағамбет ўн кунча ушлади, хабар топиб келган саритераклик овулдошлари билан бамаслаҳат Рисбекни олдириб, семиз қўй сўйдирди-да, қудалик тўйини қилди. Янги ойнинг ўрталарида, ўз уйида тўй қилиб, Хадичани қўшмоқчи бўлишди. Овулнинг ёш-яланглари кечаси алламаҳалгача ўйин-кулги қилиб тарқалишди. Нурмағамбетнинг уйида фақат Ҳожимуқон билан Хадичагина қолишди. Ҳожимуқон қизнинг нозик қўлларини йўғон, бақувват қўли билан ушлаб, кичкина кўзлари билан унинг юзига узоқ тикилди.

— Энди қолган умримизни бирга ўтказамиз-а... Сени кўришим билан кўнглим-кўнглингга цирк гумбазига боғланган арқондек маҳкам боғланди. Кундан-

¹ Қозоқларнинг урф-одатига биноан тўйдан олдин янгалар келин ва куёвнинг қўлларини бир-бирларига ушлатиб пул, совғасалом олишади (тарж.).

кунга кўзимга иссиқ кўриниб кетяпсан... Ташлаб кет
тишга ҳам кўзим қиймай қолди...

— Сизга ким кетгин деяпти?..

— Келаман, кечикмай келаман, Хадичам... — Учинг
қалин лаби қизнинг юзига тақалди.

* * *

Бутун умри курашдан бошқани ўйламай келган
Ҳожимуқон, овулига қараб йўл олганда, энди яна бир
нарса — саҳрода, жар ёқасида қолган бекатчининг уйи
ҳақида ўйлар эди. У уйда, ўзимизга таниш уч киши
туради. Саритеракка йўл олганда чанада тескари қараб
ўтирган Ҳожимуқон, кўп вақтгача шу уйдан кўзини
олмади. Нурмағамбетникида ўтган ўн кунлик тотли
ҳаётнинг баъзи лавҳалари кўз олдидан ўтиб, чанадаги-
ларнинг сўзларига унча қулоқ ҳам бермади. Бекатчи-
нинг уйи кўздан ғойиб бўлганда, қор босган кенг даладан
чана олти-етти чақирим узоқлашиб кетган эди.
Унинг ёнида ўтирган икки одам, ўзи билан бирга туғи-
либ, бирга ўсган тенгдошлари, кўп йиллардан бери кўр-
май соғинган дўстининг келаётганини эшитиб икки кун-
лик йўлга улов билан келишган эди. Қозоқларнинг
урф-одатини яхши биладиган Нурмағамбет уни ўзига
ўла-ўлгунча дўст, деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам
Ҳожимуқоннинг овулидан келган одамларни иззатини
ўрнига қўйиб кутди.

— Менинг кўпдан бери кутган, кўришга муштоқ
бўлган одамим келиб, ўйлаганимдан зиёд маърака қила-
ётган вақтимда келдинглар. Боримиз шу. Оз бўлса кўп-
дай кўриб, маъзур тутинглар.

— Йўғ-э, ҳечам-да... Одамгарчилик бойликнинг қули
эмас, бойлик одамгарчиликнинг қули. Шундай экан, эрк-
сиз қулни эгаси сийлов қилиб ҳам беради, сотади ҳам.
Қўлимда давлатим бўлса, ҳеч қачон ҳеч кимдан аяма-
ганман, аямайман ҳам. Шу билан камайиб қолдим деб
ўкинмайман ҳам. Бироқ, илож қанча, керак маҳалида
дунёси қурғур топилмай ҳам қолади.

— Мана, Ҳожимуқонни овуллариингга олиб кетмоқ-
чи бўлиб ўтирибсанлар. Зар қадрини заргар билади, де-
ганидай бунда қандай фазилат борлигини мен биламан.
Бироқ, шу мен билган фазилатни ҳам кўпчилик тушун-
гунча ҳали анча вақт борга ўхшайди. Уғлинг ўсса, ўғли
яхшига қўшни бўл, қизинг ўсса, қизи яхшига қўшни бўл,

деб болаларимиз жуда тўғри айтган. Болаларимизнинг келажаги ҳақида ўйлаганда ўрис халқининг ҳунар-билимини кўпроқ ўрганиш керак эканлигини ҳаётнинг ўзи айтиб турибди. Уриснинг тарбияси қор кураб юрган Ҳожимуқонга шунча обрў, шунча мартаба берди. Энди уни қўлдан чиқармаслик учун овулларнинг катта-кичиги билан маслаҳатлашмаёқ, ўзимча оғалик қилган бўларман деб ўйлаб қариндошимнинг қизига унаштириб қўйдим. Бу ишимни овулимизнинг катта-кичиги маъқул кўришди. Бир ниятим бор: эл яйловга кўчиб чиққандан сўнг Эсил, Нурадаги одамларнинг ёрдами билан бутун Орқа¹ қозоқларга тўй берсам дейман. Мана, бу уруш деган бир бало чиқиб, эл турмуши кундан-кунга ёмонлашяпти. Эл омон бўлса, яхши кунлар келар ҳали. Отасига фотиҳа ўқилгандан сўнг тезроқ қайтинглар.

Бизларда «жиянчилик» деган бир одат бор эмасми? Шу одат бўйича, бир йигит қариб қолган тоғасиникига келиб, уч-тўрт кун меҳмон бўлиб, сўнг қайтар пайтида тамагир она мақсадини айтибди. Чол тоғаси инграниб ўтириб, кетиш тараддудини кўраётган жиянига:

«Чироғим жиян, ҳаммасига тушуниб турибман! Менинг тўримдан гўрим яқин, кетиб қолмай менга учрашиб қолганинг маъқул. Сендан ҳеч нарса аямайман. Уйда: миниб юрган бир отим, ёзда соғиб ичадиган бир қулунли биям бор, энди ўзинг биласан... Бир-икки сигирим, беш-ўн туёқ, қўй, эчким бор, ўзингдан қолар гап йўқ, лекин яна ўзинг биласан... Хўш, мана бу сандиқда, онангга қўйлакли беш аршин мато бор, шуни ола кет!...» — деган экан. Ушанга ўхшаб бизникига биринчи келишларинг, «бир нима қиладиган» қўлимда ҳеч нарса йўқ, қўйнидан тўкилса қўнжигга демоқчи, мана бу чопонларни менга биров кийдирган эди. Энди иккаланг шу икки чопонни кийиб кетинглар, — деб иккаласига чопон ёпди. Бу мардлик Ҳожимуқонни кўп ўйлатиб қўйди. Нурмағамбетнинг салобатли гавдаси билан бирга, бекатчининг уйида қолган нозанин қизнинг ёрқин қиёфаси кўз олдига келди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ёш қиз очилиб ҳеч нарса деёлмади. Янги создай ҳали садо бермаган бу жононнинг пардаларини жой-жойига қўйиб, торларини таранг тортиб, қулоғини бураб тилга келтиришга Ҳожимуқон ҳам ожиз эди. Янгалар урчуқдек айлантириб қўлига ушлатганда, худ-

¹ Тоғ орқасида яшовчи қозоқларни орқа қозоқлар дейишади. (тарж.).

ди тузоққа тушган асовдек юлқиниб, юзлари гул-гул яшнаб, қўлтиғига кирган қизга бирон дурустроқ сўз топиб айта олмади.

Шу ўйлар билан рўмолини илмоқчи бўлиб чўнтаги-га қўл солган эди, қўлига бир парча нарса илинди: у ҳошияси қизил ип билан тикилган, юпқа рўмолча эди. Бу рўмолчани у Хадичанинг қўлида кўрганди, чўнтаги-га қандай тушиб қолганига ҳайрон бўлди. Осиглиқ турган камзулига билмасдан солиб қўйган бўлса, мен олиб кетаверганман, деб ўйлади у. Бировнинг кичкина нарса-сини олса ҳам ўзига қайтариб беришга одатланган Ҳожимуқон қизнинг рўмолчасини олиб кетганидан жуда номус қилди.

— Эй, тўхта! Чанани қайтар, — деди у ўрнидан кўтарилиб.

— Ҳа, Жойбосар, нима бўлди? — деди Нурмағамбетнинг одамгарчилигини айтиб тугатолмай келаётган дўсти. Ҳожимуқон ёш пайтида танаси оғир бўлиб, бир нарсани олиб қочган болага қувиб етолмасди, шунинг учун уни тенгдошлари — «Жойбосар» деб аташарди.

— Хадичанинг рўмолчаси чўнтагимда кетибди. Шунини ўзига олиб бориб бермасак уят бўлади.

— Қўй-е! Энди бир бекатдай жойда қолган овулга қайтиб бормоқчимисан?

— Бўлмасам-чи...

— Э, каллаварам, уни қиз атайлаб солиб қўйган чўнтагинга. Қизнинг йигитга берадиган шундай ҳадяси бўлади. Кап-катта ҳўкиздай бўлиб шунини билмайсанми? Ўзингнинг рўмолчанг бормиди?

— Бор.

— Қани, кўрсат-чи.

Ҳожимуқон чўнтагини ахтариб рўмолчасини тополмади.

— Рўмолчам йўқ, — деди медалларини бешикка тақилган қўнғироқдек шиқирлатиб, чўнтагини ахтарган Ҳожимуқон.

— Бўлди, қиз олиб қолган.

— Қўй-е, Хадича ундай қилмайди. Олса, ўзимдан сўраб олмасмиди?

— Э, хомкалла, сенинг бир парча латтангни сўраб нима қилсин. Ўзинг билиб ҳадя қилмаганингдан кейин ўзи олган-қўйган-да.

— Хўш, ундай бўлса унинг рўмолчасини менинг чўнтагимга ким солган?

— Уни ҳам ўзи солган. «Рўмолчамни кўз нурундай сақла, Оқ мачит, Перовский, Оренбург, Тройцк, деб санғиб юрмай тез қайтиб кел, тўйни тезроқ қилайлик», дегани-да.

— Қўй-е, кип-кичкина қиз шуни билармиди?

— Ҳм... шу қизни кип-кичкина деб ўтирганингдан кейин — ҳеч нарсани билмас экансан, оғайни. Олганингдан кейин кўрасан, ҳали кип-кичкина бўлиб, миянгда ёнғоқ чақсин.

— Қўйинглар-э, сўзларинг суйилиб кетяпти, — деб Ҳожимуқон анча вақт индамай ўтирди. Устига мўлгина пичан тўшалган юшоққина чана Саритеракка қараб йўл олди.

* * *

Полвонини соғиниб қолган овул одамлари меҳмони-га, Нурмағамбетга ўхшаб, икки ҳафта тўй-томоша қилиб берди. Отасининг ошини қилиб ўтказгунча яна ўн беш кун вақт ўтди. Қавму қариндошлари, ёру биродарларини кўриб чиқаман дегунча бир ой ҳам ўтди. Кун исиб, қорлар эрий бошлади. Ҳадича унинг қалбидан тобора чуқур жой олиб, уни ўйлаб, баъзи тунларни бедор ўтказди. Овул кишиларининг меҳрибонлик билан «қароғим, чироғим» деб айланиб-ўргулишларига берилиб, хаёлига келганини қилавериш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолди. Яқин-йироқдаги овулга бормай деса ҳам одамлар қўймай олиб кетишади. Ўз касбидан бошқа соҳада тортиниб, уялиб юрадиган Ҳожимуқон ҳеч кимга «Ҳадичани соғиндим» деёлмади. Овул каттаконлари жам бўлган бир йиғинда Нурмағамбетнинг одамгарчилигини сўз қилишиб, Рисбекнинг қизини бермоқчи бўлганини маъқуллашди.

— Эр эрлигини қилган экан, биз ҳам бир одамгарчилик қилайлик. Бироқ у тўйни кечроқ қиламиз дебди, ҳа, эзгуликнинг эрта-кечи йўқ, шошилмайлик. «Шошилган қиз эрга ёлчимас» деган. Ҳаммамиз бўлиб қирқ-эллик уй қурама бормиз; боримиз йирикроқ, йўғимиз майдароқ мол тўплаб Нурмағамбетни, Рисбек билан овулдаги кўзга кўринган кишиларни чақирайлик. Хўш, Муқоннинг озроқ пули борга ўхшайди. Бор пулини отасининг таъзиясига сарф қилмоқчи эди, бизлар йўл қўймай, харажат қилдирмадик. Қор эриб кетмасидан шаҳарга одам юбориб, қизга уст-бош олдирайлик.

Эл фахри бўлган Нурмағамбет полвон овулимизнинг яқинида турган бўлса ҳам, ҳали биз томонларга келгани йўқ эди, миндирса уялиб қолмайдиган от топиб қўйинглар. Бунинг учун қорақалпоқ, туркман билан алоқаси бор Қарғали, Қайдаулдаги ўрқора, Нуралига ишнинг кўзини биладиган бир йигит юбориб, дурустроқ от сўратайлик. Қипчоқлиги тутса текин берар, агар унутса пулга берар.

Қариялар шошилмай тараддуд кўра бошладилар. Қор кетгунча айтилганларнинг ҳаммаси муҳайё бўлди. Шаҳар йўлидаги бекатчининг қизини саритеракликларнинг кўпи кўрган эди, бир қизга ўлчаб, уст-бошларини ҳам тикиб қўйишди. Қор кетиб, орқанинг ўт-ўлани кўкара бошлади. Овул каттаконларининг Нурмағамбетни чақирадиган маҳали ҳам келиб қолди. Беш-ўн чоғли йигитларни эргаштириб овул оралаган Ҳожимуқон Рисбекнинг бекатига яқин бир овулга келди.

— Йигитлар, энди бекатга кириб ўтмасак бўлмайди!

— Тўғри, бекатчи бузоғининг маъраши ҳам полвонимизнинг қулоғига ширин эшитиляпти, — деди ҳазилкаш дўсти.

Улар борган овулидан қайтадиган куни, кун жуда чарақлаб очилиб кетди. Кечаси билан ёққан ёмғирдан сувга ташна бўлиб ётган кўкатлар гуркираб ўсди. Қор сувидан кейин гоҳ қиров, гоҳ шудринг туширадиган тунги салқин йўқолиб, худди кўкатлар ёмғирдан ювилган шойидек қулф уриб кетди. Бекатга томон келаётган салт отлиқлар энди сабза урган ўт-ўланларнинг оламини тўлдирган муаттар ҳидидан маст бўлишиб ўлан айтишар, гурунглашар, ўрталарида кетаётган ҳурматли полвоннинг Хадичаси ҳақида ҳазил-мутойиба қилишар, чақчақлашиб кулишар, Муқонда эса уларга жавоб берадиган тил йўқ эли.

— Ҳой, менга қараларинг, ҳадеб қув тиллик қилавермай, Хадичани қўшиб ашула айтларинг. Аттанг, Нурмағамбетдай ўлан айтиб, куй ярата оладиган бўлсам, ўзимдан бошқа одам кўтара олмайдиган китоб ёзардим.

— Ундай бўлса оғирлиги туядай китоб бўлар эканда. Бундай китобга нималарни ёзардинг?

— Э, топилади: қошини, кўзини, сочини, хипча белини, ойдаи юзини, ёқимли қилиғини, болдай ширин сўзини, ўзимнинг дук-дук урган юрагимни, тушларимни ёзаверардим, ёзаверардим. Борди-ю, тақдир бўлиб, бир ёстиққа бош қўядиган бўлсак, Омск, Оренбург каби цирки бор шаҳарларнинг бирига олиб бориб Россия

полвонларининг хотинларидай ложага ўтқазиб қўядим-у, ўзим курашга тушардим.

— Э, ундай бўлса, Нурмағамбет сенга Хадичани бермайди. У, сени узоққа кетмайди, ҳунарини ёшларга ўргатади, деб бермоқчи бўляпти-да. Сен уни ола солиб Оренбург, Петербургга кетадиган бўлсанг, биз шу буғуноқ бориб Нурмағамбетга айтамыз.

— Бундоқ ўйлаб кўринглар, ахир мен сенларга ўхшаб мол боқа олмасам, сўқа ҳайдаб, ўт ўра олмасам, қандай қилиб тирикчилик қиламан? Мен пулсиз кун кўра олмайман. Савдогарчилик қилиб пул топиш қўлимдан келмаса. Цирки бор шаҳарга бормаи қандай тура оламан...

— Нурмағамбет умри бино бўлиб шу эл ичида тирикчилик қилиб келди-ку, сен ҳам бир кунингни кўрарсан. Мана, келганингга уч ой бўлди. Шундан бери эл сендан ош-нонини аядими? Шундай қилиб яшайверасан-да...

— Нурмағамбет ҳам, бундай тирикчилик жонимга тегди, деяпти. Бу тарқоқ эл шаҳар бўлиб, шаҳрида цирк, театр қурилгунча мен эл ичида бекор юра олармидим... Майли, уни кейин ўйлашиб кўрармиз, қани бир ўлан айтиб юборинглар.

Урдаклар кўлни бўйлаб учар ҳар чоғ,
Қўлимда кўк қарчиғай, белда белбоғ,
Мавж урган дарё узра ёздим қулоч,
Хадичам, сенсиз менга йўқдир илож.
Оқ юзинг ойдай тиниқ, чиройланган,
Кўп одам кўраман, деб гир айланган.
Ёнингдан кета олмас Ҳожимуқон
Савдогарда мато кўрган кишисимон.
Бир дарахтда қўш ўрик,
Еш йигитга қиз кўрик.
Овулинг олис кўчганда,
Бўлар қандай кун кўриб! —

деб ўлан айтишар, Ҳожимуқон ҳам қўшилишар эди.
— Бу ўланлар сенга ёқяптими, Лайлосининг ишқиди юрган Мажнун?

— Нурмағамбетнинг Ғалияга айтган ўланидай бўлса...

Бир тўп йигит гурунглашиб, бекатга яқинлашиб қолди.

Очилганда баҳор гули
Тинмас булбул хониши.
Гул узилиб, куй тинишин —
Истармиди ҳеч киши?

* * *

— Ойи, буёққа келинг-чи, мазам қочяпти.

Саҳар туриб сигирини соққан Бибигул челагини қўя солиб, ёстиққа суюниб ўтирган Хадичанинг олдига келди. Юзи ўт бўлиб, қовоғи сал киртайибди.

— Қизим, нима бўлди, шамоллаб қолгандирсан-да, кеча кечқурун далада юпун кийиниб юрган эдинг, — деди пешонасини кафти билан босиб, кўзига тикилган онаси.

— Дадам қани? — деди қовжираган лабларини қимтиб, кўзи сузилиб.

— Молларни далага чиқариб юргандир, жонгинам...

— Сув борми?

— Ҳозир чой қайнайди, чироққинам.

— Унда мен бир оз ёта турай, сиз ишингизга боравринг, — деб ёстиғига ёнбошлади.

Бу Ҳожимуқонлар келишидан бир кун олдин бўлган эди.

Рисбек молларини далага чиқариб, уйига келганда, Бибигул чой-нонни ҳозирлаб, дастурхон ёзиб, Хадичанинг ёнига бориб бошини ушлаб ўтирган эди.

— Чироғим, туриб юз-қўлингни юв, бир пиёла чой ичиб ол.

— Қўзичоғим, баҳор келиб ҳаммаёқ яшнаб кетди. Мана, ўлмаган қул, омон бўлса шу кунларни ҳам кўрар экан. Одам бўшашиб эринчоқ бўлиб кетяпти. Хадичахон, бугун кўп ухладинг-ку, турсанг бўларди... Саритеракдаги қипчоқларнинг келамиз, деган куни ҳам яқинлашиб қолди. Бугун тушдан кейин қадимги жойига ўтовни тикмасак бўлмас. Тур, болам, — деб калта тўнини ечиб, қизининг олдига отаси ҳам келди. — Ҳа, сен нега хафасан, қовоғинг солиқ? — деб Бибигулнинг юзига қаради у.

— Хадичанинг тоби йўқроқ, ётиб қоладими, қайдам?

— Қўй-е, нафасингни совуқ қилма! Баҳорда кишининг шундай сал мазаси қочади.

— Илойим шундай бўлсин... Қайдам, кўпдан қолган ёлғизим эди...

— Қўй деяпман сенга, қаёқдаги совуқ гапларни га-

пирма... Қани, қани, ҳа дадаси айлансин, буёққа кел-чи, бир искай, — деб қўлини теккизган эди, дадаси ҳам чўчиб кетди. Танаси чўғдай ёниб турган экан, — вой-бўй, худо кўрсатмасин! Иссиғи жуда баланд-ку...

— Дадаси, чой-пойингизни ичиб, отга мининг-да, аввало йўл-йўлакай овчи қайнимга хабар қилинг, уйида бўлса келсин, ундан кейин полвоннинг уйига боринг, ўшаникида сано, симобга ўхшаган дорилар бўларди. Табиб уйида бўлса ола келинг, томирни ушлаб кўрсин.

Рисбек отига миниб Нурмағамбетникига кетди. Етти фарзандини ер қўйнига берган Бибигул ташқарига чиқиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади:

— Э, бевафо ҳаёт! Бизга келганда шунчалар бераҳм бўлдинг! Шундай далада якка ўзи қолган бекатни бор-йўғидан жудо қилдинг. Эл зада бўлган қушлардай ҳар томонда таралиб юрибди... Бошингга иш тушса ёрдамга чақиргундай жон топмайсан бу ерлардан! Ҳурккан овдай биридан-бири қочиб юрган бу элдан керагида эмчи, қисилганда дамчи топиб кўр-чи. Ҳамма болаларим табиб топа олмаганликдан ўлди. Утдай ёниб ётган болагинамга нима эм қилдим. Э воҳ...

Довдираб қолган шўрлик она битта заранг олди-да, уни сувга ботириб, хаста ётган қизини учуқлади, кейин зарангни ташқарига олиб чиқиб тўнқариб қўйди. Совуқ сувдан бадани жунжиккан Хадича кўрпасини устига ёпиб ётиб қолди.

— Қизим, дадангнинг тўнини ёпай-чи, зора терла-санг, — деб куйган баданни баттар ёндирди. Хадичанинг аҳволи дақиқа сайин оғирлашиб борарди.

— Ойи, устимдаги тўнни олинг, нафасим қисилиб кетяпти, — деди лаблари қуриб, қорая бошлаган Хадича.

— Чироғим, терникидир, бир оз сабр қил...

У олиб келган сувдан бир қултум ютди-да, қўлига қайтариб берди.

— Ташқарига чиқиб қаранг-чи, ойи, кўринармикан?

— Ким, чироққинам?

— Ҳалиги... — деб буёғини айта олмай юзини девор томонга бурди Хадича.

Ташқаридан от дупури эшитилди. Бибигул чиққанда кун тушга яқинлашиб, қуёш нури ерни товадек қиздирар эди. Келган одам овчи қайнисини экан. У отини бойлаётди:

— Янга, Хадичанинг тоби қочиб қолдими? — деб сўради.

— Қайдам, кўрпа-тўшак қилиб ётибди,— деди у астагина, сўнг уйига кириб кетди.

— Қароққинам келди.

— Ким, ойи? — деб бошини кўтарди қиз.

— Айланай, овчи оғанг!

— Эй... — у башарасини буруштириб, тўнни қўли билан суриб ташлаб, сув сўради. Яна бир қултум ютиб пиёлани ёнига қўйди.

— Қароғим, тузукмисан? — деб сўраган овчининг юзига у бир қаради-ю, индамади.

Тушдан кейин Хадичанинг иссиғи ошиб, ловиллаб ёна бошлади. Дам-бадам сув сўрарди. Катта овулга кетган Рисбек табибни тополмай, қишлоқдага болалари ёнига кетган Нурмағамбетнинг орқасидан одам юборди, ўзи бир сиқим сано топиб келди. У келганда Хадича алаҳлаб ётган эди.

— Ойи, келдими?

— Келдим, қулуним. Сано олиб келдим. Буюрса, ҳозир ичасан,— деб манглайини силади Рисбек.

Хадича бошини кўтариб, уйда ўтирганларга бир-бир қаради-да, яна ётди.

Кечга томон катта овулдан қизлар, келинчаклар; туяга, отга минган ўнча одамлар келишди. Кечаси билан мижжа қоқмаган Хадичани навбатма-навбат пойлаб чиқишди. У аввал қимир этмай ўтирган онасидан қайта-қайта «келдими?» деб сўрар эди. Онаси келган одамларни бирма-бир айтиб чиқди. «Уларнинг менга кераги йўқ», дегандай индамай ётарди қиз.

— Ойи, кичкина сандиқдагини олиб беринг-чи? — деди бир маҳал. Ойиси кичкина сандиқни олдига олиб келиб очди-да:

— Қароғим, ўзинг қара-чи, нима эди излаганинг? — деди.

Хадича бошимни суяб туринг дегандай ишора қилди. Дадаси бошини суяди. У кўзини сузиб сандиққа қаради-да, чети кўришиб турган рўмолчани кўрсатди. У Ҳожимуқоннинг рўмолчаси эди. Ойиси кўзларидан ёш оқиб, рўмолчани суғуриб олди.

— Бошимни боғланг,— деди қиз.— Тонг отдими?

Хадичанинг оғзига сув томизилаётган қайғули кечада, яқин бир ерда тунаб чиққан Ҳожимуқонлар бекатга келиб тушишди. Кайфи чоғ бўлиб келган йигитлар одамларнинг уйдан қовоғи солиниб, хафа бўлиб чиқаётганларини кўриб бўшашиб қолдилар. Лол бўлиб қолган Ҳожимуқонни Нурмағамбетнинг аёли қўлидан аста уш-

лаб уйга бошлаб кирди. Хадичанинг бошида кўз ёши тўкиб ўтиришган кампир-чолнинг ёнига келиб:

— Эркам, мана, Ҳожимуқон келди! — деди йиғи ара-лаш товуш билан.

— Келди... — деди қиз ва нури сўнаётган кўзларини очди. Бошини кўтаргиси келгандай даҳанини аста қимирлатди.

— Полвон, сен қўлидан торт-чи, — деди янгаси. У қўлини ушлаганда, қиз яна кўзини очди: «Хайр!..» дегандай лаблари қимирлаб мангуликка кўз юмди.

Уйда дод-фарёд кўтарилганда, Хадичанинг қўлини ҳамон ушлаб турган Ҳожимуқонни тислантириб, қизга тикилиб қараб турган табиб йигит:

— Вой, аттанг, куйдирги чиққан экан-ку! Билган заҳоти эмлаганда тузалиб қоларди, — деди.

Ҳожимуқоннинг кичкина қисик кўзларидан ёш маржондай юмалаб тушарди. У ташқарига чиқиб:

— Чини билан кетганингми? — деди.

Хадича вафот этди ўн еттида,
Қараб ҳеч тўймас эдим нур юзига.
Эсизгина аҳдимиз, паймонимиз,
Армон бўлди, чиқмай кетди юзага.

УЙЛАНИШ

Овул қариялари эл оралаб юрган Ҳожимуқонга чопар юбориб, Нурмағамбет билан Рисбекни чақириб келишни топширган эди. Қуда чақириқ суюнчи олиб, ўлжа билан қайтаман, деб келган чопар йигит, ўйин-кулги ўрнига, йиғи устидан чиқди. Унча-мунчага парво қилмайдиган Ҳожимуқон ҳам хафа эди. Илгари кам сўз эди, энди мутлақо сўзламайдиган бўлиб қолибди. Чопар уни холироқ жойда учратиб, бирор нарса дей деса, у қарамасди. Хадичани кўмиб бўлган одамлар кетмон, куракларини, бақон сириқлардан ясалган тобутни туяга ортиб бекатга жўнаб кетишди. Бу ҳол фақатгина, суюнчи оламан, деб келган чопар йигитнигина эмас, шу билан бирга, шу қизни олсам умр йўлдошим бўлар деб ўйлаган Ҳожимуқоннинг ҳам, атоқли полвон Ҳожимуқонни ўз қўли билан уйлантирди, деган обрўга эга бўлсам, деб ўйлаган Нурмағамбетнинг ҳам, саккиз боламдан

¹ Утовнинг қисмлари (тарж.).

қолган ёлғизим — Хадичамни элга машхур бўлган ўз тенгига қўшадиган бўлдик, энди шуларга умр берсин, қўша қарисин, деб ният қилишган Рисбек билан Бибигулнинг ҳам, элнинг гули, сайраган булбули, камбағал бўлса-да, беками кўст йигит Нурмағамбет билан қуданда тушадиган бўлдик, деб қувонишган қудаларнинг ҳам умидини узди. Бекатга етиб, уйига кирган Рисбек ўзини йўқотиб бир оз ётди-да, кейин ўрнидан сапчиб туриб, тўнини қўлтиғига қисганча:

— Бибигул, уйингга қара! Мен Хадичанинг уйига бориб келай. Ҳали бола-ку, мол-жонга қарай олади дейсанми улар?.. Уйда бир-икки кун ётиб, ёрдамлашиб келай!.. — деб чиқиб кетди.

Қовоқлари тушиб, ҳар жой, ҳар жойда чўққайишиб ўтиришган одамлар кетиб бораётган чолни ушлаб олишиб, юзига сув сепиб ётқизиб қўйишди. Шундай бир оғир вазиятда Ҳожимуқон билан бирга келган йигитлардан баъзилари чопарни эргаштириб овулга кетишди.

Бекатда, қизни кўмиб келганларга бир-икки мол сўйиб бериб, Нурмағамбет:

— Тўю томоша қиламан, сурнай товушини эшитаман деган жойда, нолаю фиғон эшитдим, — деди, — Бу замон мени қайси истагимга етказган эди! Бибигул янга! Мана бу оғам яккаю ягона меросхўридан ажралди, энди уни ота деб ким чақиради? Бироқ начора?! Тақдирга тан бериш керак, қолганларнинг жони ба-саломат бўлсин. Мен, Ҳожимуқонни эргаштириб овулга олиб борай, овулда сал кўнглини ёзиб қайтар.

— Оға, мен энди овулга бормайман, — деди Нурмағамбетникида икки кун бўлган Ҳожимуқон, — сиз мени Қизилжарга бир амаллаб етказиб ташланг. Мен яна Россияга кетаман. Мени овулда турсин деса Хадича ўлмас эди...

— Вой тентаг-эй, нималар деяпсан ўзинг? Хадича ўлса, қолган умрингнинг барини олиб кетди, деб ўйлайсанми? Бунинг ҳаммаси вақтинча, ёмғир тиниб, булут тарқалади, ўт-ўланлар кўкаради. Сен бу гапларингни қўй, мен сени ҳеч қаёққа юбормайман.

— Қўй, оға, энди менинг орзу-умидларим сув бетидаги пуфакдай пучга чиқди. Овулга қайтиб бориб нима ҳам қилдим; отамга ош бердим. Овул қариялари шу баҳона билан сизни чақиртириб дийдор кўришамиз деб қувонишиб юрган эди. Чақириб келган одам мотам устидан чиқиб қолиб, сизга айта олмай кетди.

— Улар ёзган хатни ўқидим. Бироқ, мана бу йиғи-

сиғида унга бирон нарса деёлмадим. Қиз ўз дардини, сирру асрорини очмай кетгани учун умр бўйи йиғлаб ўтган Жанатдай бўлмоқчимисан? Қўй, яна бир-икки кун бўл. Мен сени баҳринг очиладиган бир жойга олиб борай.

— Оға, ўша Жанат ҳақида гапириб бер.

— Хўп, мен айтиб берай, бироқ сен Россияга кетаман деган гапингни қўй.— У ҳикоясини бошлади: — Отам болалик вақтида кексароқ бир киши билан Уйсиндаги тоғасиникига кетиб бораётиб, Балхаш бўйидаги бир уйга қўнибди. Отам кирган уй — қадим қозоқлар ёзда яшайдиган ўтов эди. Уша ўтовни таърифлаб айтган сўзлари ҳали-ҳали эсимда, ўтовни шундай таъриф қилган эди: у ўтовнинг одам паналаб ўтиргудек жойи ҳам йўқ экан; бир вақтлар қалин босилган кигиздан қилинган ёпқичлар тўзиб кетгандан сўнг қирқ ямоқ бўлиб, тери, тўзган чопоннинг этаги, кўкраги, ҳатто бош кийимининг баъзи бўлаклари ҳам ямалавериб, нима эканини ажратиб бўлмайдиган ҳолга келибди. Кигиз уйни кўтариб турган керага, увуқ, бўсаға, кесаки, чанғароқлари¹ тўзиб, бир неча жойлари қисиб боғланиб, ерга тегиб турган жойлари чириб, қирқила-қирқила пастақкина бўлиб қолибди. Эшик ўрнига аллақандай ориқлаб ўлган ҳайвоннинг териси осилган экан.

Уй теварагида мол, ит ёки мушук каби ҳайвонларнинг оти-зоти йўқ, баланд тепалик ёнбошида ёлғиз уй ҳалиги чайланамо ўтовгина чўққайиб тураркан.

Йўловчилар бориб тушганда ўтовда икки киши бор экан. Улардан бири ниҳоятда озиб-тўзиб кетган, эти бориб суягига ёпишган ёш бир аёл, иккинчиси эски бир ёғоч каравотда, латта-путталар устида ўтирган бир қари чол экан. Отам у чолни тасвирлашга сўз тополмай, шу уйнинг кўриниши қандай бўлса чолнинг кўриниши ҳам шундай эди, дерди.

Уй шунчалик тўзиган, хонавайрон бўлган бўлса ҳам, унинг айрим жойлари бу уй қачонлардир бир бой одамнинг уйи эканлигидан далолат бериб тураркан, қарағайданми ёки бошқа дарахтданми, ҳарҳолда керага ва увуқлари катта дарахтдан қилинганлиги кўриниб тураркан. У, аввало, ўн икки қанотли уй бўлиб, синиғи кесилиб, бир-бирига уланиб, тўрт қанотлик уйдаи бўлиб қолибди. Керага ва увуқларнинг пардозланган жойлари кўк бўёқ билан бўялиб, қалоқлари суяк билан, кумуш билан қопланган. У суяк устига Хитойнингми

¹ Утовнинг қисмлари (тарж.).

ёки Ҳиндистоннингми нақши ўйилган экан. Ёғоч каравотнинг бош томони ҳам шундай; ўйма нақш билан безатилиб, баъзи жойлари кумуш билан қопланган экан. Булар ҳам майишган, синган, баъзилари тушиб, ўрни очилаб қолган, қоқилган михларнинг учида, ўйилган суякларнинг орасида йилтираган кумуш синиқлари кўринармиш. Чол бўлса, ўша ёғоч каравот устида, қора қурум тўзиқ гиламлар устида ўтираркан. Олисдан келган йўловчилар унинг олдига салом бериб киришса, у алик олмас экан. Отам чолнинг бош томонида турган қўбизни, тўшак олдида кигиздан тикилиб керагага қирлаб кетган ипак ип билан осиб қўйилган икки тугунчакни кўриб ҳайрон бўлибди.

Йўловчилар уйнинг аҳволини кўриб кетгилари келса-да, яқин теварак-атрофда овул бўлмагани учун шу ерда қўнишга мажбур бўлишибди. Юкларини олиб, уовларини ўтга қўйибди. Ҳеч ким булардан ҳол-аҳвол сўрамаса-да, отамнинг ёнидаги одам онда-сонда товуш чиқариб, ўсиқ қошлари кўзларини бекитиб турган чолга ўзининг аҳволидан гапира берибди. Унга чол индамабди.

Кун ботиш олдидан тўрвасига икки балиқ солиб олган, ўттизлар чамасидаги йигит келибди. У ҳам жуда ориқ, юпун экан. У уйга келган меҳмонларга ҳайрон бўлиб кўз қирини ташлаб саломлашибди.

— Чироғим, орқадан Олатоғдаги оғайниларимизга кетиб бораётган эдик. От-уовларимизга дам бермоқчи бўлиб, шу ерда қолдик. Қария чарчаб қолганми, сира жавоб бермайди, ким бўласизлар? — дебди.

— Тўбиқти... — деб тўнғиллабди йигит.

— Ундай бўлса, биз арғинданмиз, асли туғишган эканмиз-ку. Нега мунча четга чиқиб кетгансизлар?

— Э-э... — деб хўрсинибди-да йигит, каравотда ўтирган чолга қарабди-ю, индамабди. Аёл тўрвадаги балиқни ташқарига олиб чиқиб тозалаб, пишира бошлабди. Отам ҳам ўтга чойгумини қўйиб, чой қайнатибди. Йўловчилар йигит билан чолдан қанчалик эзмаланиб сўрамасин, бари бир, бир тузукроқ жавоб ололмай, ташқарига чиқиб чойини ичишибди-ю, кейин эгар-жабдуқларини бошларига қўйиб ётишибди. Уйдагилар ҳам балиқни еб, гапиришмай уйқуга кетишибди.

Энди тонг ёришиб келаётганда уйқуси сергак йўлоши отамни уйғотиб юборибди. Қулоқ солса, уйдан қўбиз товуши чиқаётган эмиш. Отам: « Бундай куйни умримда эшитмагандим », деб таъриф қилар эди.

...Кўм-кўк ажриққа кўмилиб ётган йўловчилар бошларини кўтаришиб жим ётишганча бутун вужудлари билан тинглашибди.

— Қўбиздан дастлаб «оҳ!» дегандай бир нидо чиқиб, оғир, мунгли бир куй тарала бошлабди. У ойдинда, кўл бетиде эркин учган кушларнинг сайраши, енгил шабада, кичик тўлқинларнинг шовиллашига ўхшаб ёқимли куй таралиб кишига ором берар, ширин ҳис-туйғулар уйғотар, баъзан эса булбулнинг навосига, тойнинг кишнашига, кўзининг маърашига, ёш боланинг кулгисига ўхшаш товушлар чиқариб тингловчига завқ бағишлар; куй баъзан киши кўнглини шодликка тўлдирад, баъзан ғамгин қилиб, чуқур ўйга толдирад эди... — дерди отам.

Куйни яхши кўрадиган отам бу маҳал ажриқдан эмаклаб келиб, пачоғи чиққан ёғоч каравот устида ўтириб, икки кўзини чирт юмиб, кичкина қўбизни завқ билан чалаётган чолга кераганинг сиртидан қараб ётган эдим, дейди. Созанда куй сал бузилса, бир нарсадан чўчигандай кўзини шарт очиб, худди эсини йиғиб олгандай, яна кўзини юмганича чалишда давом этар экан. Куй худди йўрғалаган от дупурига ўхшаб бир хил оҳангда янграб турибди. Бир маҳал унда ҳурган ит, аллақандай инграган нарсанинг товуши акс этиб, қувонч, кимнингдир норозилиги сезилибди, боғлоғлик от бўшгандай товуш эркин садо бериб, учган қирондай бўлибди. Кейин бу товуш тобора ингичка бўлиб турли оҳангда жаранглабди-ю, дастлабки «Оҳ!» ни қайталаб, увиллаб эсган шамолдай, бўталоғидан айрилган нордай, эгасиз қолган итдай, турли-туман товуш-оҳанглар чиқарибди. Қўштор нолиб йиғлаганда отам ҳам, бошини кўтармай ётган йўлдоши ҳам аччиқ-аччиқ йиғлашибди. Кўзи беркилган булоқдай чолнинг кўзларидан ёш чиқмас экан; бироқ қўбиз товуши билан жўр бўлиб ўксиган, ғамгин товуш чиқибди. Кейин қўбизни чап томонга, камонни ўнг томонга қўйиб, керагага осиглиқ турган тугунчакни олиб бағрига босибди-да, индамай ўтириб қолибди. Уша чолнинг исми Жанат экан. Уни тилдан қолдириб, одамгарчиликдан чиқариб, сўққабош қилиб, шу қўйга солган нарса бир сулув қизнинг савдоси экан. Сулув қиз сувда чўмилаётган маҳалда уни илон чақиб ўлдирибди. Шунда Жанат қизнинг сочи билан илоннинг бошини олиб икки тугунга тугиб қўйган экан. У маҳалда ёши ўн саккизда экан — Қиз Жайиқ бўйидан келган

экан. Энди буёғини кейинроқ, тўйинг бўлган куни айтиб бераман.

— Жон оға, ҳозир айтиб бер...

Йўқ.

* * *

Ҳожимуқон Нурмағамбет билан сайил қилиб юрганда, овул одамлари яна бошқа бир гап топиб қўйишди: **Хадичанинг** кийимини бўйига ўлчаб бичтирган қиз, **Ҳожимуқонга** муносиб қиз эди, қариялар ўзаро маслаҳатлашиб **ўша** қизни олиб беришмоқчи бўлишди. Ҳожимуқон кўп вақтгача Хадичани унутолмади. Ичимдагини топ, деб юрадиган вазмин табиатли Ҳожимуқон кўп вақтгача бу ҳақда гапирмади. Узини қўшиб ўлан айтадиган чўлоқ полвонга тавсиф қилиб, дўмбира чертадиган, юқорида келтирилган тўртликларни Нурмағамбетдан ўрганиб, унинг оти бор жойларига ўз отини қўшиб айтадиган бўлди. Хадича вафот этгандан сўнг, биринчи бандининг охиридаги: «Хадича вафот этди ўн еттида» мисрасини кўп такрорлайдиган бўлиб қолди.

У овул қариялари маъқул кўришган қизни ёқтирмади. «Акалар, бир оз сабр қилинлар», деб овул оралаб юриб, бир куни аравада Қизилжарга кетиб қолганини эшитиб қолишди одамлар. У шу кетганича дом-дараксиз йўқолиб, кейинчалик Варшавадан дараги топилди.

Ёзнинг қулф урган кўм-кўк майсаси. Висла дарёсининг бўйида, худди чўққига қўнган бургутдек уч-тўрт полвон, труси-майкада, қатор ўтиришарди.

— Эй, қизил ниқоб, сенга нима бўлди, сира қовоғинг очилмайди? Сен илгари бундай эмасдинг-ку, нима бало, элингга бораман деб ғам-ғусса орттириб келдингми?

— Менинг ҳеч қандай қайғум йўқ.

— Эй, Ваня, сен ҳазиллашма, биз сенга ёш бола эмасмиз, сен билан Европани камида икки марта айлашиб чиққан Россиянинг шохли полвонлари сўзлашяпти. Сен нимадандир хафасан ё бўлмаса илгариги фикрингдан қайтгансан.

— Нега ундай дейсан?

— Нега дейсанми? Негалигини айтай... Илгари бизлардан ҳеч сиригни яширмас эдинг, энди ҳеч гаплашгинг келмайди. Илгарилари атоқли полвонлар, ёш полвонларни қийнамай, аяброқ курашар эди, сен-чи, сен бўлсанг қўлингга тушган полвоннинг юзидаги ниқобини юлиб оласан. Кураш бошланганига ўн кун бўлибди-ю, йиққан ниқобинг бир халта бўлди. Юриш-туришингни

кўриб сени жинни бўлдими, деб ўйлаб юрганлар ҳам бор. Биров сени йиқитдими десак, шарқий Россияда сени йиқитадиган ҳеч ким йўқ. Ростингни айт, нима бўлди сенга?

— Бошимга оғир мусибат тушгани рост, бир сулув қизни севгандим, оламан деб турганимда ўлиб қолди, — деб у бошидан ўтган воқеани айтиб берди.

— Ҳа, айтдик-ку, бир гап бор деб. Бу шарқликларнинг қадимий одати, севганига ета олмаса, ишқида куйиб-ёниб, жинни бўлади. Энди бу дардинга бизлар даво топамиз.

— Мен касал эмасман.

— Сенинг касалинг, хотин касали, уни бизлар топамиз. Шу ерда бир полвон қиз бор. Биз қатнашаётган курашни ҳам ўша қизнинг оғаси ташкил этган. Қиз ҳар куни циркка келиб курашимизни кўриб ўтираркан, бироқ у қандай қиз эканлигини ҳеч қайсимиз билмаймиз. Шу ерда курашган полвонларнинг энг зўри билан курашармиш. Йиқилса ўшанга тегармиш, умр бўйи шунинг хизматкори бўлармиш, йиқитса, ҳамма полвонларнинг ниқоб-нишонларини йиғиштириб, чамадонга солиб, йиқилган полвонга пиёда кўтартириб юрармиш.

— Мен унинг лаш-лушини кўтаришга тобим йўқ.

— Начора, шарти шу бўлгандан кейин, йиқилсанг кўтарасан-да!

— Йиқилмайман!

— Қандай қилиб йиқилмайсан, Поддубнийдан кучлимисан?

— Кучлиман, деб мақтана олмайман.

— У бултур келиб қўрққанидан кураша олмай кетибди.

— Қўй-е, ёлгон. Поддубний Дажжолингдан ҳам қўрқмайди.

— Қўрқмайди?.. Қиз қўлини чўзиши билан чап бериб қочибди, қўлига камзулининг бир этаги илинган экан, юлиб олиб уйига олиб бориб осиб қўйибди. Мана кўрмайсанми, шу-шу курашга чақирса ҳам келмаяпти.

— Қўй, нима қиласан ёлгон гапириб. Польшада полвон қиз бор деб бир вақтлар эшитган эдим, уни бир ёш венгер полвон йиқитиб олиб кетибди, дейишган.

— Демак, шу қиз. Уни ҳеч ким йиқита олмайди. Қўлингга теккан одамни ерга олиб уравермай, кучингни шунга сақла!

— Қўй-е, шунга куч сақлаш керакми? Қиз деганинг хотин-да. «Хотиннинг зўри қозон қайнатади», дейди

бизнинг қозоқлар. Агар курашадиган бўлса, бирпасда йиқитаман-у, ўз хунингча пул тўла, дейман!

— Пул бермайди, ўзи тегади.

— Олмайман, дейман.

— Йўқ, бунинг бўлмайди, агар олмасанг, йиқилган ҳисобланасан.

— Ундай бўлса курашмайман...

— Унда ҳам йиқилган бўласан. Бўлмаса курашган полвонларингнинг ҳеч қайсисини йиқитма-ю, ўзинг йиқилавер. Шундай қилсанг, у қиз сен билан қўлингдан пул берганингда ҳам курашмайди.

— Қандай бало ўзи.

— Бу ерда йигирмадан ортиқ йирик полвон, ўттиздан ортиқ ёш полвон бор. Шуларнинг бирортасидан йиқилса ёки бир-бирини йиқита олмаса, қиз уни полвонларнинг полвони деб ҳисобламайди, у билан курашмай қўя қолади. Энг зўр полвон топаман, деб оғаси ҳар йили полвонларни Варшавага тўплайди. Сен йиқитиб шу қизни ол, бу оворагарчиликдан қутулайлик.

— Эй, сенлар, бу ҳазилларингни қўй, мен қиздан қўрқиб, ҳеч кимдан йиқилмайман, қизнинг лаш-лушини ҳам кўтариб юрмайман.

Бу гарчи ҳазил бўлса ҳам, унинг тагида сир бор эди, у кўп ўтмай очилди.

Цирқда арқонга, ип нарвонга осилиб ўйнайдиган бир атоқли артистнинг бўйи етган синглизиси бўларди, у ҳар йили турли мамлакат полвонлари йиғила бошлаганда — ҳамма полвонларни йиқитган полвонга тегиб оламан, деб юраркан. Шу сўзини эшитган ёшлар яғрини ерга тегмайдиган полвонлар киядиган ниқоб кийиб олишибди. «Оқ ниқоб», «Кўк ниқоб» Варшавага тўлиб кетибди. Бунинг устига қўли тегса йиқитмай қўймайдиган Ваня келиб уларнинг ниқобларини сидириб олаверибди. «Энди қиз мўғулники бўла қолсин!» деб умид узганлари ниқобларини олиб, яширин номларини йўқотиб, тўғри номларини айта бошлабди. Бунинг сирини билган баъзилари «аянқираб йиқит», деб қора полвоннинг чангалида мижиғланиб ётарди.

Ҳар куни кўп томошабинларнинг бири бўлиб келиб ўтирган қиз, олтин, кумуш, бир талай медалларини бўйнига ҳалқа қилиб чиққан Ҳожимуқонни кўриб ўтирган жойида қотиб қолди. Кўзлари чақнаб қайта-қайта қўлларини уқалади. Тўсатдан ёнидан ўтиб, кўзини қисганга дарров кетидан эргашиб кетадиган йигитлардан бўлмаган Ҳожимуқон елкасига бир туртиб ўтган қизга

кўз қирини ташлаб, «вейнауат!» деб қўя қолади. Шўрлик қиз нима қилишини билмай ҳаяжонга тушади. Уйига бориши билан кўзгу олдига келиб, упа-элик, ҳидли ёғларини юзига суртади, узун сочларини ҳар турли мақомда ўриб кўради, тарайди. Бироқ буларнинг бирортаси ҳам унинг дардига даво бўлмайди. Шундан сўнг қўлига карта олиб фол кўра бошлайди. Фиштиннинг подшоси гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ўтади, бир кўрганда тўғри келади, бир кўрганда эса, аксинча. Баъзан лабини тишлаб хафа бўлади, баъзан эса хурсанд. Гапга нўноқ «мўғулга» ошиқ бўлган бечора қиз баъзи кунлар хасталаниб ҳам қолади, сабру тоқати тугаган бояқиш пешонасини шартта боғлаб олиб яна циркка келади. Ахири бўлмагач, Ҳожимуқон билан бирга турадиган одамлардан у билан гаплашиб кўришни ялиниб сўрайди. Хадичага бўлган муҳаббати ҳали ҳам сўнмаган полвонга улар:

— Сен қизлар билан нега гаплашмайсан? — деб ҳам кўрди.

— Я совсем не хашу... — деб қўя қолди полвонларнинг юзидан сидириб олган ниқобларини санаб ўтирган Ҳожимуқон.

Қизнинг илтимосига кўра ҳалиги сув бўйида ўтирган полвонлар ҳам гаплашиб кўрди, лекин ҳеч иш чиқмади. Орадан бир ярим ой ўтиб, кураш тамом бўлай деб қолганда, «полвон қизни кўрсатиш учун» полвонлар Ҳожимуқонни шаҳар ресторанига олиб боради. Шундай қилиб, ўша қизга уйланиш масаласи қуйидагича тус олди.

Полвонлар ресторандан чиққач, Висла бўйидаги боғни оралаб беш чақирим ергача секин юриб гаплашиб келдилар. Сув бўйидаги скамейкаларда кемадан тушган полвонларни кутгандай уч қиз ўтиришарди. Улар ичида оқ гулдан гулдастаси бор бир сулув қиз, гулдастани кўтариб, полвонларни тўхтатди.

— Жаноби полвонлар, дугонамиз полвон Поляхоним шу гулдастани полвонлар полвонига топшириб қўйишимизни илтимос қилди. Полвонман, деб ўзига ишонган уч қадам олдинга чиқиб, гулдастани олсин! — деди.

Полвонлар чиқолмай, бир-бирига қараганча бир оз туриб қолишди. Уша куни улфат бўлишган варшавалик икки ёш полвоннинг биттаси:

— Ҳеч кимнинг юраги дов бермаса, мана мен оламан! — деб олдин чиқа бошлаганда Ҳожимуқон унинг

елкасида челақ кўтаргандай кўтариб орқага олиб қўйди-да:

— Бекам, у буйруқ берган хонимингиз қаерда? — деб сўради.

— Саройда. Нимайди, гулдастани олмоқчимисан? Сенинг полвонлар полвони бўладиган ҳеч нарсанг йўқ-ку. Полвонлар полвониман десанг, уч қадам олдинга чиқ!..

Ҳожимуқон олдинга чиқди. Қиз гулдастани узатаркан, бошқа полвонларга кулимсираб қараб:

— Бунинг полвонлар полвони экани ростми? — деб сўради.

— Ҳа, — деди машҳур полвонлардан бири.

— Гул олганинг учун гувоҳ бўладиган бир нарсангни бер, Поляхонимнинг олдига борганинга ўзингга қайтариб беради.

Ҳожимуқон катта кумуш соатини узатди.

— Бунинг кераги йўқ, рўмолчангни берсанг ҳам бўлади, — деди қиз. У рўмолчасини қоғозга ўраб берди. Қиз уни қўлига олиб:

— Эртага соат бешда фалон жойга боришингни сўрайман, — деди-да, полвонларга одоб юзасидан таъзим қилиб, кетди.

Ҳожимуқон эртасига Корень билан ўша айтилган жойга бориб қарашса, ҳеч қанақа сарой-парой йўқ, қадимги Варшавадаги оддий уйлардан бири экан. Ҳовлидаги шинам, хушманзара боғ ичига стол, стуллар қўйиб овқат ҳозирлашибди. Буларни ўзларига таниш циркнинг артисти кутиб олиб, ҳурмат-эҳтиром билан ўтиришга таклиф қилди. Уйда ўтиришган уч-тўрт одам чиқиб, меҳмонлар билан кўришишди. Кейин кечаги гулдаста тақдим этган қиз элликларга кирган онасини бошлаб чиқди. Утирган одамлар ўринлардан туришиб, онага ҳурмат билдиришди.

— Қозоқ ўлкасининг полвони қайси биринг?

Ҳожимуқон қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди.

Кампир «менинг ёнимга ўтир», дегандай ёнидаги стулни кўрсатди. Одамлар ўринларига ўтириб бўлиб, стол устидаги таомларнинг юзи очилгандан кейин мезбон артист ўрнидан туриб:

— Дўстлар, ҳамма халқда ҳам «тоққа тоғ қўшилмайди, одамга одам қўшилади», деган мақол бор. Уша қўшила олмаса туролмайдиган инсон муҳаббатига чек қўйиб бўлмайди. Полвон Мунгайтпасов, унинг дўсти полвон Корень — сизларни бу ерга олиб келган ҳам

Ўша инсоний муҳаббатдир. Мен, бировнинг шахсий, эзгу ишим деб билган юмушига аралашиб, унинг йўлини тўсишни ёмон кўраман. Бундай ишларга аралашадиган миллатларнинг урф-одатлари, диний эътиқодларига қўшила олмайман. Менинг севикли синглим, Поля Мунгайтпасовга ошиқ бўлди. Қизнинг бу юрак сирини очиқ айтиши Европа халқлари ўртасида ҳеч эриш туюлмади, аксинча, ўз эркини яхши тушунган ҳисобланади. Қиз севганига кеча оқ гулдаста тақдим этиб, рўмолчасини олиб келиб, онасидан рухсат сўради. Биз онамиз олдида шуни очиқ айтиб, ўзимизнинг энг яхши истак-орзуларимизни изҳор қилгимиз келади... Берилган белгини қабул қилганларинг ростми?

— Менга уни полвон қизнинг гули, деб берди.

— Полвон қиз — қўли билан гул берган, Поля. Курашга тушадиган қизлар фақат эртақлардагина бўлади.

— Ундай бўлса гулини олганим рост.

Шундан бир ой ўтгач, у поляк қизи Поляга уйланади. Кузга бориб немис қўшинлари Варшаванинг тинчлигини бузиб бостириб киргач Ҳожимуқон Полянинг отини Фотима қўйиб, Омска олиб келади. У ердagi цирк отларини офицерлар урушга миниб кетганларидан кейин Шардоқдаги қозоқлар Ҳожимуқонни кўчириб олиб кетишади. У ерда полвонга уй-жой солиб, мол-ҳол қилиб беришади. Фотимадан Хайрулла, Абдулла деган иккита ўғил кўради. Бироқ ўғиллар Фотима орзу қилгандай — яғрини ерга тегмайдиган полвон эмас, оддий болалардай ўсиб, иккаласи ҳам ҳукумат хизматчиси бўлиб кетади.

АРАВАКАШ

Ун саккизинчи йилнинг қаҳратон қиши; қор бўрони қутуриб, даҳшатли увилайди. Одамлар: «Бу бўрон бошланган кунига бориб тинади», деб юришган эди, йўқ, тинмади: сешанбагача — саккиз, чоршанба — тўққиз, пайшанба — ўн, бугун жума — ўн бир кун бўлди, қутурган нордай ҳамон ўкириб турибди.

Бутун умрини аравакашликда ўтказган Миша ўзининг кўп йиллик йўлдоши — куранг отига қараб туриб раҳми келди, ачинганидан йиғлаб юборди. Боши устида ўйнаб турадиган қулоқлари шалпайган, тарам-тарам бўлиб турадиган ёл-кокили пахмоқланиб, кўзининг олди-

ни муштдай йиринг босибди. Мишанинг овозини эшитиши билан талпиниб турадиган жонивор, энди хўжасидан ўпкалагандай, олдидаги пичанни чайнашга ҳам чамаси келмай, муккасидан тушиб ётибди. Миша ода-ти бўйича:

— Жониворим, тулпорим... — деса ҳам қимир этмай, эгаси олдига келганда иягини ерга тақаб ётар, ҳар энтикканда бурнидан чиққан нафасига қор учиб кетар эди.

— Жониворим, уволинг оқларга бўлсин! Кули кўка соврилсин бу иблисларнинг! Сенга деб йиққан хашагимни олиб кетди-я, лаънатилар. Еминг ҳам йўқ. Ўзингни ишлатиб-ишлатиб ўлар ҳолатда олиб келиб берди. Энди сенга нима бераман, жониворим... Қўй, сени бундай хор қилиб ўлдиргунча, хашаги бор овулда турадиган дўстларимнинг бирига бериб юборай...

У шундай нолиб юрган маҳалда овулдан иш излаб келган Ҳожимуқон учрашиб қолди. Унинг ҳол-аҳволини сўраб бўлиб, Миша:

— Дўстим, сен ҳаммол бўлиб ҳам кун кўра оласан. Бироқ бир илтимосимни қабул қилгайсан. Одамзоднинг зўри сену отнинг кучлиси мана бу менинг куранг отим. Лаънати Колчак бунинг емишини ташиб кетди. Сен шуни араваси билан овулингга олиб кет. Бир ҳафта боқиб, сал ўзига келтириб олсанг, у-бу ташиб туришингга ярайди. Бу беварака шаҳардан нима ҳам тополардинг. Агар от сенинг қўлингга турса, Колчакнинг қамчисидан қон томган полициячилари ёнига бетлаб келолмас эди. Бунинг устига овулингдаги одамлар сени ҳурмат қилиб, отни кўп ишлатмас эди.

— Рост айтасан.

— Бўлмаса аравасига қўшиб берай, олиб кет. Кўп йил йўлдошим, ёрдамчим бўлган жониворнинг нолиганини кўрмай. Боқими дуруст бўлса, арава билан қирқ пуд, чана билан саксон пуд юкни кўрдим демайди.

Шундай қилиб Мишанинг куранг оти Ҳожимуқоннинг қўлига тушиб, миршабларнинг ҳар кунги оворагарчилигидан қутулди. Қаттиқ бўрон, совуқ бўлган кунларда, Шарлоқ атрофида, кучли улов фақат полвондагина бор эди. Вақти-вақти билан қўлига дастаси йўгон паншаха ушлаб юришлигини билган улов олувчилар Ҳожимуқоннинг яқинига ҳам йўлашмасди. Ундан қўрқиб, четроқ юрадиган полициячиларга бойлар: «Анавининг уловини нега тортиб олмайсандар?» дейишса, улар: «Сенлар ўз уловларингни бергиларинг келмай, ҳар

нарсани бир валдирайверасанлар! У Николайдан қирқ еттита мукофот олган полвон. Биз уни ҳурмат қилишга мажбурмиз!» — деб жавоб беришарди.

Ҳожимуқон Миша берган куранг отга ем излаб, хирмон кўтараётганларга борганда, хирмон бошида совун, чой ва шунга ўхшаган майда-чуйда нарсаларни буғдойга алмаштириб юрган Бўрсиқбойни учратиб қолди.

— Ҳа, полвон, аҳволинг қалай?

— Шукр... Эл қатори бир кунимиз ўтапти.

— Дуруст, дуруст. Баракалла, от-араванг ҳам ўзингга боп тушибди. Нима, бу ерда оладиганинг борми?

— Нимани олардим? Сеникидай сотадиган совуним бўлмаса. Хирмончилар хўп деса, мана бу чиқитга чиққан чоридан олай деб келгандим.

— Ҳа, тўғри, тўғри... Хирмон деган — кон. Деҳқонлар бирор қоп чорини сендан аямас. Қани, ҳой деҳқонлар, худо берган нарсага хасислик қилмай, полвоннинг қопини тўлдириб юборинглар.

— Бу бизнинг ишимиз, . Бўрсиқбой ака, сиз ҳам манави қора мойдан қилинган балчиққа ўхшаш совунингизни зардай қиммат қилмай, сал арзонроққа беринг-да... Бир қадоқ келмайдиган бир бўлак совунингизга бир пуд буғдой сўрайсиз. У билан кир ювиб бўладими?

— Майли, ихтиёр ўзингизда, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Совунимиз балчиқ бўлса ҳам, лой бўлса ҳам аравамда. Буғдойларинг хирмонларингда. Балчиқмиш-а, — деди у пичинг қилиб, — замонанинг нима бўлаётганини тушунмаган одамларга гап уқдириб бўладими? Шу балчиқнинг ўзи ҳам дунёнинг бир чеккасидаги Иркутскийдан олиб келиняпти, ҳим жийданинг баргини қовуриб, чой деб ичиб ўтирганлари билан ишлари йўқ! Мункиллаб қолган оналари қишлово атрофини излаб, мужиб ташланган суяклардан совун қайнатмоқчи бўлади-ю, оналарини шу азоб-уқубатдан қутқазишга сал бўлса ҳам ёрдам бераман деган одамга буларнинг муомала қилишини қаранг. Қуён терисидан қилинган телпагига қизил латта ёпиштириб олган большевиклар келгандан кейин первой сорт совун билан кир юварсанлар!

— Бўрсиқбой, шулар келяпти дегани ростми?

— Ким билади, полвон. Ичкаридаги (Россиядаги) ҳамма бойларни қамаб, завод-фабрикаларнинг кулини кўкка совуриб, ер бетини теп-текис қилаётганмиш-кулар. Уролдан ўтиб Селебга (Челябинск) келиб қолган эмиш, оқлар зўр чиқиб ўтказмаётган бўлса керак...

— Бўрсикбой, гапингнинг тайини борми? Узинг ҳам тарозининг қайси палласи босса, шу томонга ўтасанми деб қолдим! Тунов куни: «Дунёдаги энг зарур нарсалар большевиклар олган жойлардан чиқяпти, фабрика-заводлар ҳам ўшаларнинг қўлида, ишнинг кўзини биладиганлар ҳам ўшалар, оқлар қўлига косов ушлаб урушиб юрибди», демабмидинг. Энди одамларни большевикларга қарши қўймоқчимисан? Унақа гапларингнинг бизга кераги йўқ. Бир думалоқ чойинг билан, бир бўлак совунингни мана бу қопдаги буғдойга берасанми?» — деб гавдали бир деҳқон қоп тубидаги бир пудча буғдойни кўрсатди. Бўрсикбой ёғ босган кўзлари билан қопга бир қараб қўйиб:

— Қўй, сенлар билан иш битмас экан... Сенлар билан қўлларингдаги бор донни Колчак солдатлари тортиб олгандан кейин гаплашаман!.. Хайр, мен кетдим бўлмаса, — деб аравасига ўтириб, хирмондан чиқиб кетаётганда:

— Тўхта, — дейишди чой, совунга муҳтож одамлар...

* * *

Бўрон зўрайиб, шаҳар билан овул ўртасидаги алоқа узилиб қолгандан сўнг, шаҳарда бир пуд ун Колчак пули билан минг сўм, Керенский пули билан саккиз юз сўм, Николай пули билан юз сўм бўлибди, деганини эшитиб, Бўрсикбойнинг уйқуси қочди. Унинг савдо-сотик билан йиғиб қўйган икки юз пуд буғдойи бўлиб, Колчакнинг ғалла тўпловчиларидан яшириб, ҳар ер-ҳар ерга кўмиб қўйганди. Уни аввалгидай чанага ортиб шаҳарга олиб бориб сотолмас, яшириб олиб бориш ўлимдан қийин эди. Йўлда битта нон учун одам ўлдириб кетибди, деган ваҳима гаплар тарқалди. Гарчи от-улови бўлса-да, Бўрсикбой буғдойини шаҳарга олиб бориб сотишдан қўрқди. У, «шаҳарда бир қоп буғдойга чанаси билан от, бир пуд унга яп-янги қундуз ичик беряпти», деган сўзни эшитиб жинни бўлиб қолаёзди. Бунинг устига ён теварагидаги ўз қариндошларининг аҳволи танг бўлиб:

— Сен биздан олишда «оғайни» бўласан-у, беришга келганда тескари қарайсан! Урангни очиб, бекорга чириб ётган буғдойингни жилла қурса қарзга бер. Мана бу очдан-оч чувлаб ўтирган болаларимизга раҳминг келсин. Ўлмай тирик бўлсак тўлармиз, — деб биридан сўнг бири келишди. Баъзан улар:

— Билиб қўй, Совет ҳукумати ҳадемай бу ерга ҳам келади, ҳа! Улар сенга галла сотқизиб бўпти! Большевиклар халқ гамини ейдиган кишилар эканини эшитиб юрибмиз. Улар келадиган бўлса, бизлар сендан сўраб ўтирмаймиз, ўшанда ўрангни очадилар-у, оч ўтирганларга бўлиб берадилар!— деб қовоқларини соладиган бўлиб қолишди.

Гарчи Бўрсиқбой уларга дўқ-пўписа қилса ҳам, лекин ич-ичидан қўрқадиган бўлиб қолди. Галла қиммат бўлиб турганда буғдойнинг бир қисмини бир амаллаб сотиб олмоқчи бўлди. Уни шаҳарга олиб боришга қўрқди, ўз қариндош-уруғларига эса ишонмади. Унинг битта умиди Ҳожимуқон эди. У киши мулкига хиёнат қилмайди, қуроли тўда бўлмаса, икки-уч одам ундан тортиб ололмайди.

Ҳожимуқон эрта туриб, кечаси босиб қолган қорларни тозалаб, уйига энди кирган эди, уст-бошини қиров босган, қалин ичikka ўранган Бўрсиқбой кириб келди.

— Полвон, қалай, омон-эсон ўтирибсанми?

— Шукр. Тинчликми, каллаи саҳарлаб бўронда келибсан? Уй ичинг омонми?

— Бўрон деб уйдан чиқмай ётаверсанг ҳам бўлмас экан. Юлиб бораётган ҳеч нарсаи йўқ, юрса бўлади. Бошимга бир иш тушиб олдинга келдим... Ёрдам қилмасанг, ишим чатоқ...

— Ҳа, нима гап? Савдогар дўстим...

— Ҳукуматнинг промторг деган маҳкамасидан галла йиғиб бераман, деб озроқ молини олгандим, полвон. Кузда хирмон бошида учрашганимизда шуни йиғиб юрган эдим. Галласи тушсин, кун иссиқ пайтларда тўпланди-ю, бироқ вақтида ташиб олинмай, мана кўрмайсанми, бўронга қолиб кетди. Энди шуни икки кун ичида етказиб бермасам, ўзимни қамаб, мол-мулкимни газнага соладиган бўлибди. Унинг устига йўлтўсар деган бир балолар чиқиб учраган одамни шилиб кетармиш. Шунинг юз пуд буғдойини олиб бориб беришга ёрдамлашиб юбор, деб келдим,— деди сотаман деса полвоннинг кўнмаслигини билган Бўрсиқбой.

Унинг жуда қаттиқ хафа бўлиб турганини кўриб, полвон ўйлашиб қолди.

— От-уловинг тайёрми?

— От-улов, шукр, бор-ку... Бироқ, бир лекини бор, Ҳожимуқон. Уларга мен, улов топилмаяпти, деб баҳона қилган эдим. Шунинг учун ўз отинг билан олиб

бориб берсанг яхши бўларди. Бунинг учун тегишли ҳақингни тўлайман.

— Унда бўлмас экан, қўлимдаги бировнинг омонат оти. Йўл тушмаган сўқмоқда ўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бечоранинг тузуккина ем-хашаги ҳам йўқ. Улов топсанг, етказиб берай.

Бўрсиқбой тушгача жавраб, қўярда-қўймай Ҳожимуқонни оти билан бир чана буғдойни шаҳарга олиб бориб беришга кўндирди. Узи ҳам чой, керосин, совунга ўхшаш нарсаларга муҳтож эди. Улар қаттиқ бўрон бўлишига қарамай, чанага эллик пуд буғдой ортиб шаҳарга кетишди. Бунинг эвазига Ҳожимуқон бир қоп буғдой билан аравадаги буғдой устига ташланган хашакни олмақчи бўлди. Бўрсиқбой отда чана билан бирга кетди. Шаҳарга келгач, Ҳожимуқон отининг олдига хашак солиб, ўзи ярим қоп буғдой кўтариб Мишанинг уйига келди. Келса Мишанинг оиласи бошига катта мусибат тушибди.

От-аравасини Ҳожимуқонга бергандан сўнг Леспромхозга ишга кирган Миша декабрь ичида бўлган ишчилар иш ташлашида қатнашгани учун қамалиб кетибди. Хотини қайси бир идорада фаррошлик қилиб, энг каттаси ўн уч яшар тўрт боласини бир амаллаб боқиб турган экан-у, беш кун бўлибди ўпкаси шамоллаб ётиб қолибди. Ҳожимуқон уларнинг ейишга овқати, ёқишга ўтини бўлмай ҳўнграшиб йиғлаб ўтирганларининг устидан чиқиб қолди. Рўзғор ишларини билмайдиган Ҳожимуқон уларга қандай қилиб ёрдам беришини ҳам билмай шошиб қолди. Отини қантариб қўрага боғладида, боя келаётганда, темир йўл бўйида, бир тўнка кўрган эди, шуни бориб таг-тапи билан кўтариб олиб келиб, майдалаб, ўтин қилиб берди. Қудуқдан сув олиб келиб, човгумларини тўлдирди. Деворлари оппоқ қиров бўлиб турган икки печка бирдан ёқилгач, қиров эриб уй ичини буғ босди. Катта печь олдига тиқилиб ётган болалар, бошларини кўтариб ўт ёнига кела бошлашди. Энди уларнинг қорнини тўйдириш керак эди. Ҳожимуқоннинг йўлга олган нони билан бир парча гўшти совуқда тош бўлиб қотиб қолган эди, уни қизий бошлаган печь устига қўйиб иситиб, болаларга берди. Олиб келган ярим қоп буғдойини ҳам қўл тегирмонида ун қилиб берди.

Аравакашлик касби мана шундай бошланди. Мишанинг қўни-қўшнилари от-аравали полвоннинг келиб турганини, овқатсиз, ўтинсиз, оч ўтиришган болаларга кўр-

сатган меҳру шафқатини, музда, қорда қотиб турган тўнкани бир ўзи қўпориб олганини эртақдай қилиб бир-бирига гапиришарди. Шу маҳаллада турувчи бир рус савдогар йўлтўсарлардан қўрқиб, шаҳар четидаги ўтинини олиб келолмай ўтирганди, у аравакаш полвонни эшитиб, сўзлашмоқчи бўлиб келди.

— Қанча ўтининг бор? — деб сўради полвон унинг муҳтожлигини билиб...

— Ун кубометр. Ҳаммасини ташиб олмасам ўғирлаб кетишади. Ёнингга яна битта от-арава қўшаман. Ҳовлимга олиб келиб, қалаб беришинг учун қанча ҳақ сўрайсан?

— Сўраганимни берасанми?

— Кўрамиз-да. Араванг бўлгани учун сенга келдим-да, бўлмаса иш тополмай юрган одам кўп.

— Уша одамларни нега юбормайсан?

— Ҳамма тўқайга боришга қўрқади. Бўлмаса пулни аямас эдим.

— Утинингни олиб келиб берсам, менга ҳам пул берасанми?

— Албатта.

— Мен пулга ўтин ташимайман.

— Нега?

— Пулнинг муҳрини ажрата олмайман, юздан ошигини санашни ҳам билмайман. Овулдан келганимни кўриб турибсан. Тўновчилар ўртасида турган ўтинингга бошқа одам боришга қўрқадиган бўлса, менинг жоним иккита эмас. Мана бу касал бўлиб ётган аёлни, оч-яланғоч тўрт боласини кўриб овулимга қайтолмай қолдим. Узимнинг ҳам икки болам, хотиним йўлимга қараб ўтирибди. Тўновчиси бор тўқайга бориб, ўтинингни олиб келиб беришим учун хунимни тўлайсан!

Савдогар хахолаб роса кулди.

— Нега куласан? Мен ўлиб қолгудай бўлсам, икки уйдаги икки хотин билан олти боланинг ҳам очдан ўлиши турган гап. Узинг кўриб турибсан-ку.

— Сен ўз бола-чақангни гапирсанг-чи, буларни нима қиласан?

— Нега гапирмас эканман?

— Булар менинг туғишганим — рус болалари-ку.

— Ундай бўлса, нега ёрдамлашмайсан?

— Саксон миллион рус бор, қайси камбағалнинг боласини боқасан?

— Сен саксон миллионни эмас, фақат битта оилани боқсанг ҳам бўлади. Менинг пулим ҳам, молим ҳам

йўқ. Дўст киши ўрус, қозоқ деб миллат ажратиб ўтирмайди. Буларга ёрдам бериш менинг инсонлик бурчим.

— Тўғри, гапингга қўшиламан. Хўш, нима сўрайсан, қани айт. Ҳазилингни қўй, оладиганингни айт.

— Хунимни тўлайсан дедим-ку сенга.

— Хунинг қанча туради? — деб яна кулди бой.

— Кўп сўрамайман. Бир қоп ун, тўрт тахта чой берсанг бўлади. Утинингни ташиб бўлгунча отимга ем-хашак, ўзимга овқат берасан. Ундан кейин энг охирида шу уйга ўтинингдан бир арава тушириб бераман, бунга хасислик қилмассан.

Бой чўчиб кетиб:

— Сен иш қиладиган одамга ўхшамайсан! — деб жўнаб қолди.

Бироқ эртасига келиб, полвон сўраган нарсаларнинг бир озини бериб ўтинини ташитди. Ҳожимуқон киракашлик қилиб, шаҳарда икки ой туриб қолди.

Буғдойини молга алмаштирган Бўрсиқбой бўйи барабар фойданинг тагида қолиб, ғалламнинг қолганини ҳам олиб келиб бер, деб полвонга ялина бошлади.

Ўзи ҳам уйга керак нарсаларини олиб бориб ташламоқчи бўлиб юрган Ҳожимуқон қира ҳақисига болаларига уст-бош олди-да, яна олти қоп буғдойини олиб келиб берди.

Қор эрий бошлаган маҳалда ғаллани олиб келаётганда Бўрсиқбойни эллик қоп буғдойи билан йўлтўсарлар тўнаб кетди. Унинг ичида Бўрсиқбойнинг катта ўғли ҳам бор эди. Важоҳатидан ўн одам қўрқадиган полвон қўлида кичкина паншахаси бор чолдан қўрқиб бошини қорга тиқиб, қимир этмай қолди.

* * *

Бўрсиқбой яширинча кўмган буғдойини кечаси қоплаб, аравага ортиб, овулдан энди олти чақирим узоқлашганда, тонг ёришиб қолган эди. Чанасига ўн қоп буғдойини ортиб, устига хашакни мўл қилиб ташлаб олган Ҳожимуқон йўғон таёғини ёнига қўйиб мудраб келарди.

— Полвон, тезроқ ҳайда, мана бу буталардан ўтиб кетайлик, — деди ўртадаги чанада ўтирган Бўрсиқбой нимадандир сесканиб.

— Мен бор ерда нимадан қўрқасан, Бўрсиқбой. Бута орасида нима бор дейсан?

— Нима ҳам деб бўларди... лекин жуда аста келяпсан, полвон, тезроқ ҳайда.

У «чуҳ» деб отининг жиловини силкиганда эчкининг «ма-а...» деган товуши эшитилгандай бўлди. Чўчиб тушган полвон йўл бўйида бир паншаханинг бута орасидан чанага томон чўзилганини кўриб қолди. Паншаханинг учига санчилган бир неча сичқон Ҳожимуқоннинг бурнига тегиб кетишига сал қолди. Полвон «вой» деб қаттиқ қичқириб, йўл юзидаги қорга муккасидан қулади. Бўрсиқбойнинг:

— Ҳожимуқон! Таёғинг билан тушир,— деган товуши эшитилди-ю, кейин овози ўчди. Полвон бошини сал кўтариб қараса, сичқон санчилган паншаха ҳали ҳам турган экан, у пўстинини бошига ўраб яна ётиб қолди. Қайтиб қарашга юраги дов бермай, тонг отгандагина бошини кўтарди. Қараса, Бўрсиқбой билан ўғли қўл-оёғи боғлиқ икки ерда додлаб ётибди. У бориб ота-болани бўшатди.

— Вой шўрлик бошим-ей, ўзлари атиги беш одам экан, қўлларида паншаха билан болтадан бошқа ҳеч нарса йўқ экан, нега таёғинг билан урмадинг?

— Э, мен уларни қўлим биланоқ қорга босиб, роса адабини берардим-а, лекин бир паншаха сичқонни кўриб жон-поним чиқиб кетди-ю, қаёқдан урай...

— Улган сичқондан ҳам одам кўрқадими?

— Кўрқмай бўладими, қулоқлари диккайиб турибди-ю, падали лаънатнинг...

Учови қорга ботиб уйларига зўрға етиб олди. Бўрсиқбой билан ўғлини йўлтўсарлар қаттиқ қийнашган экан, уйига кела солиб кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолишди. Тўналган от-араваларни излаб, унинг орқасидан тушган одам ҳам бўлмади. Ҳожимуқон уйига келиб:

— Фотима, куранг отни Бўрсиқбойнинг буғдойи етаклаб кетди. Уйга қачон келар экан, жонивор... — деб пиқиллаб кулди. Фотима эрининг нега кулаётганига тушунмай ҳайрон бўлди.

* * *

Шу воқеадан сал бурун шаҳарга олти қоп буғдой олиб борганида, Бўрсиқбойнинг оч қолган туғишганларидан бири полвоннинг чанасида кетган эди. Йўқчиликдан адойи тамом бўлган йигит:

— Полвон оға, тирикчилигимиз кундан-кунга оғирлашиб кетаётганидан хабарингиз борми? Оқлар ишсизлик, очарчилик балосини олиб келди. Бор буд-шудиди-

мизни шилиб олиб, ўғри-муттаҳамларга йўл очиб берди. Мана энди, охири қонимизни бойлар билан савдогарларга сўрғизяпти. Косибларни битта қўймай йўқотди. Ун икки мучамиз соппа-соғ бўлса-ю, иш тополмасак, бу қанақа хўрлик, ахир! Одамгарчиликдан ному нишон ҳам қолмади-ку. Бир отадан йигирмага яқин уй эдик, билак кучимизни зулукдек сўриб бойиган Бўрсиқбой биз камбағаллашган сайин зулм пичоғини ўткирроқ қилиб қайраяпти. Мана, уч ой бўлдики, болаларимиз оч-яланғоч. Оппоқ соқоли билан отам олдига борган эди, қарзга бир пуд буғдой беришга ярамади, барака топмагур. «Ўлганларингга мен жавобгар эмасман», дейди. Мана бу ғаллани шаҳарда пуллаб, уйини олтин, кумушга тўлдирияпти. «Оғайнилар, сенлар турганда кимни ҳам ёллар эдим. Ўзларинг ишлаб, керагида олиб энглар!» — деб ишини битириб олиб, энди бўлса ўлиб бораётсак ҳам оғзимизга сув томизмайди. «Йўқ» дейишдан бошқани билмайди. Биз мана энди кўча-кўйда санқиб юрибмиз. Бир пуд буғдой топиб келармиканман, деб шаҳарга кетяпман.

— Одамгарчиликни билмагандан кейин, тортиб олиб емайсанларми?

— Уни ҳам ўйлаб қўйгандик. Бироқ қаерга кўмганини билмаймиз. Шаҳарга олиб боришни бизлардан битта-яримтамизга топширганда эди, алақачон тортиб олган бўлар эдик. Кучимиз етмайди. Чунки ғаллани сиз ташияпсиз... Ғалласи ҳам соб бўлиб қолди шекилли.

— Ҳали ҳам олсанглар бўлади, ўнтача хонадонни бемалол ёзга олиб чиқишга етадиган буғдойи бор чоғи.

— Агар эндиги қолганини сиз олиб бормасангиз ундан тортиб олардик.

— Мен бормасам, у буғдойини олиб бормади, кўмган жойида чиритади. Қаерга кўмганини билсам айтар эдим, билмайман-да. Ўзлари қоплаб, ўзлари аравага ортишади. Мен фақат араванинг устига минганимда кўраман. Қолган буғдойини даладан қор кетмай жўнатадиган кўринади. Мендан кўрқманглар. Мен сичқондан кўрқаман, буни ҳамма билади. Ўлган сичқонни паншахага санчиб кўрсатсанглар бўлгани, мен дунёни сув олиб кетса, ҳам кимира этмай ётавераман.

— Полвон оға, бусиз ҳам бир амаллаб тирикчилик қилар эдиг-у, лекин халқдаги бор ғаллани Колчак тортиб олиб қўйди-да. Энди шу атрофда бундан бошқа ҳеч кимда ғалла йўқ.

— Ундай бўлса, ҳаракатларингни қилиб қолинглар...

Эҳтимол, бута орасида тўнаганлар шулардир. Эртасига полвоннинг куранг оти овул ўртасида чанасини судраб юрганини кўрган биров етаклаб олиб келиб берди. Бугдойнинг қаерга кетганини ҳеч ким билмади.

— Чанадаги бугдой қаёққа кетди экан-а? — деб сўраганларга:

— Уни куранг от билмаса, мен қаёқдан билай, — деб жавоб берди полвон.

Полвон Совет ҳукумати тузилгунча аравакашлигини ташламади. Турмада бир йил ётиб, қизиллар озод қилган Миша армияда хизмат қилиб, граждандар уруши тугагач уйига қайтиб келди. Ҳожимуқон унга икки хонадонни боқиб турди.

— Полвон, энди аравакашлик, ҳаммолик сенга ярашмай қолди, ҳали танангда кучинг бор, Семейда цирк ташкил этиляпти, шунга бор, — деди шаҳар Советининг раиси.

ЖАНУБГА САФАР

Қаровсиз ётган, беўхшов, рангсиз гиламдек дунёни — кир, чанг босган кўҳна дунёни Совет ҳукумати ҳаёт баҳорига олиб чиқиб қоқиб силкиб юборди; чанг-тўзондан халос бўлган дунё кундан-кунга барқ уриб яшнади. Ҳаёт кўзи очилган булоқдай қайнай бошлади. Халқнинг ижодий кучи, битмас-туганмас ғайрати шу ҳаёт биносига гишт бўлиб қаланаверди. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган очлик-қашшоқлик барҳам еб, илм ва маданият ривожлана бошлади. Эшигига қопагон итлар боғлаб, ҳеч кимни киритмайдиган муҳташам саройлар бўйинларига қизил галстук тақиб олишган қувноқ ёш авлодларга тўлиб, мактаб, интернатга айлантирилди. Ҳамма ерда шоду хуррамлик куйи янгради. Шундай қувончли кунларнинг бирида Фотима хасталаниб қолиб, цирки бор шаҳарларнинг бирида юрган Ҳожимуқонни телеграмма билан чақиртириб, шундай деди:

— О, ҳаёт чўққисига парвоз қилган лочиним, ишингдан қўйганим учун мени кечир, севиб қўшилган ёрим эдинг, сен билан бирга ўтган умримдан ўкинмайман. Энди тақдир ўлаб берган кун тугаб, видолашиш соати яқин қолган кўринади. Ҳаётимизнинг ёдгори бўлмиш мана бу икки болани сенга топширай, деб чақирган

эдим. Уларни ўқитиб одам қил, ўз дўстларига қўш. Ҳаётингнинг бошқа томонларига мен энди аралаша олмаймаман. Мен сени бутун қалбим билан севардим. Севишган, дўстлашган қалбим ўзим билан бирга кўмилади. Хайр, бахтли-саодатли бўл, севикли ёрим...

Бу сўзларни эшитган полвоннинг пўлатдай чиниққан гавдаси бўшашиб, кўзларидан тинмай ёш оқди. Ёрининг бошида ўтириб, пешонасини силар экан, лаби нималардир деб пичирлади. Унинг нима деганига ҳеч ким тушунмади. Полвоннинг бир юз ўттиз килограммлик гавдаси икки баравар оғирлашгандай бўлди.

Совет ҳукуматининг қудратли пули чиқиб, уч сўмга бир қўй, йигирма сўмга йилқи берадиган вақт эди. Фотимани қозоқ урф-одати бўйича дафн қилишди. Полвон уч-тўрт ой болаларнинг ёнида бўлиб, уларни ўқишга жойлаштирди-да, шарлоқлик оғайниларига топшириб, Тошкентга билет олди.

Фотима — варшавалик поляк қизи,
Қўшилдим насиб этиб таъми-тузи.
Видолашдим йиғлаб туриб мозорида,
Кўкимнинг сўнган каби бир юлдузи.

* * *

Цирк санъатининг баъзи бир жиҳатлари ўзбек халқида қадимдан мавжуд. Қизиқчилик, масхарабозлик цирк санъатининг бир соҳаси. Халқ қизиқчилари, масхарабозлари бир жойда эмас, балки шаҳарма-шаҳар юриб томоша кўрсатарди. Совет ҳукумати барпо этилгандан кейин бир жойга тўпланишди — Тошкентда цирк очилди. Ўзбекларда «Отўйин» деб ном олган бу маданият ўчоғи дастлаб майда-чуйда томошалардан ташкил топган бўлса ҳам, йигирма тўртинчи йилларга келиб, Европа, Осиёнинг атоқли полвонлари бош қўшиб турли ўйинлар кўрсата бошлади. Ўйин-кулгини жон-дилидан севадиган ўзбеклар уларни зўр қувонч билан қарши олди. Бу ўйинда ерли халқнинг «бел кураши» усулида маргилонлик Ўзар полвон иштирок этди. Кунлардан бир кун улар даврасига бир нотаниш одам келиб қўшилди. Циркнинг дастлабки даврларида юзига ниқоб кийиб чиқиб, уч-тўрт кун ўтгач йиқилиб, юзи очилиб қоладиган полвонлар сийраклашиб «Қора ниқоб», «Қизил ниқоб», «Кўк ниқоб» деган уч полвон қолди.

Полвонлар ичида энг кўзга тушгани «Қора ниқоб» —

«Қора қулф» дегани әди. Унинг кўриниши ҳам ғалати әди, аввало, бўйи кўзга ташланарди; бўйи бошқа полвонлардан ярим газ баланд, пешонаси ялпоқ, катта бурни ниқоб остидан кўриниб турар әди. Қорни катталигиданми ёки бори шуми, елкаси қисқароқ әди. Сафда туриб қолгундай бўлса, бўйига қараб, доимо олдинда юрарди. Цирк майдонида айланиб юрганда узун оёқлари кўл бўйида юрган кўк қўтосдай ғалати кўринарди. Одамлар кўп вақтгача:

— Буни ҳеч ким йиқита олмаса керак, туядай келадиган бу одамни ким ҳам йиқита олади дейсан? — дейшиб юришди. Кичкина полвонларнинг ниқобини битта қўймай сидириб олган ҳам шу полвон әди. Шунга қарамай унинг қўполлиги шунча әдики, кичкина полвонлар оёғининг орасидан лип этиб ўтиб, елкасига ёпишиб олар әди. Баъзан уни кўтариб туриб, тўнкадай гурс эткизиб урар, бироқ кураги ерга тегмас әди. Баъзи полвонлар катта полвон қўлидан ушлаб турганда, қорнига бир тепиб бўшаб кетарди. Полвон уларга алланима деб тўнғиллар, одамлар эса қотиб-қотиб кулишар әди.

Айниқса кампир-чоллар «Қора қулф»нинг йиқилишини истамасди. Чунки у чойхонада ўтириб, бировга: «Мен мусулмонман, Африкадан келган арабман», дебди. У бу сўзни турк тилида тушунарли қилиб айтибди. Шунинг учун битта-яримта полвон уни кўтариб кетаётганда баъзи чоллар:

— Узинг мадад бергайсан! — деб қўйишар экан. «Кураги ерга теккани йўқ» деганда: «Ҳа, баракалла, шундай бўлиши керак», — дейшиб қувонишар экан. Худди ана шу полвонни «Шери худо» мадад қилмаган кун ҳам етиб келди. Полвонлар кураши бошланиш олдида, эғнига туя жунидан тикилган чакмон, бошига қўқонча дўппи кийиб олган, чит қўлагининг ёқаси очиқ, қўлига кичкина чамадон ушлаган бир одам циркка кириб келди. Унинг бўйи «Қора қулф»дан сал пастроқ бўлса ҳам, бўйи, гавдаси уникадан йўғонроқ әди. У цирк ходимларига русчалаб бир-икки оғиз сўз айтди. Биттаси югуриб директорнинг олдида кириб кетди.

— Сизни кабинетига чақиряпти, — деди ҳалиги киши қайтиб чиқиб.

— Бу ҳам полвон бўлса керак, кўринишидан шунақага ўхшайди, — деди ағрайишиб қолган одамларнинг бири.

— Башарасига қараганда мўғулми деб қолдим...

— Ҳа... Совет ҳукумати меҳмонхона эшигини кенг

очиб қўйди, ҳар куни турли-туман одам келиб турибди, ота-боболаримиз кўрмаган одамларни кўряпмиз. Буни-сига ҳам шукр! Бунинг дўпписи ўзбекникига, чакмони қозоқникига ўхшайди... Тили русча, ким эканини худо билади...

— Бу тўғри келиб директорни сўради, камбағал ниқобида юрган бойлардан бўлса ҳам ажаб эмас. Унақалар ҳар қандай жойдан ҳам пул чиқадиган ерини топади...

Полвонлар ҳар кунги одатига кўра курашни тамомлади. Томошабинлар олдига директорнинг ўзи чиқиб, янги хабар эълон қилди:

— Ҳурматли томошабинлар, ўзларингиз ҳар куни томоша қилиб юрган Тошкент давлат цирки кўз олдингизда кун сайин ўсмоқда. Шу кейинги икки ой ичида бир қанча янги одамлар келиб қўшилганини ўз кўзларингиз билан кўрдингизлар. Бугун циркимизнинг шон-шуҳратини оширадиган спорт жамиятининг кўпдан буён интизор бўлиб кутган меҳмони келди. Келганига жуда хурсанд бўлиб, у билан маслаҳатлашдик. Биз — циркимиз коллективи, унга ўз одамимиз сифатида қатнашавринг, десак ҳам, у четдан халқ вакили сифатида қатнашмоқчи бўлганини айтди. Ноилож унисига ҳам рози бўлдик. У ўзларингиз кўриб юрган кураш ҳунарининг ҳамма турларида курашади. Полвонлик ҳунарининг ҳамма турини кўрсатади.

— Астафирулло!.. Полвонлик ҳунарининг ҳамма турини кўрсатади дейдими... Буларнинг мураккаб ҳунаrlарини халқ орасида юриб қандай ўрганиб олдийкин-а?..

— Илтимос, гапимни бўлманг, мен айтиб бўлай. Халқ номидан курашадиган полвон шу ердаги элликдан ошик полвоннинг ҳаммаси билан эмас, балки эланиб ғалвирдан ўтгани билан курашади.

— Бўлмаса, томоша жуда зўр бўларкан-да... «Эланиб, ғалвирдан ўтгани билан» бўлса, унда майда-чуйдалари билан экан-да, а?..

— Вой, каллаварам-эй! Ўзинг шу вақтгача деҳқонларнинг хирмонини ҳам кўрмаганга ўхшайсан. Эланиб, ғалвирдан ўтса тагига қуми, бетига чори чиқиб, нуқул дони қолади. Бу полвон ана шундақалари билан курашади, деяпти.

— Ўртоқ, директор, у «Қора қулф» билан ҳам курашадими, бизга шуни айт?

— У билан шу бугуноқ курашмоқчи эди-ю, биз рухсат бермадик.

— Нега?

— Поездда саккиз кун юриб, узоқдан келибди, сал дам олсин, мўрчага тушсин, дедик.

— Ундай бўлса ҳозиргина олдимиздан ўтиб директор идорасига кирган киши экан-да. Саккиз кун поездда юрган бўлса, жуда узоқ жой экан. Қаердан келдикин-а?

— Отини айтинг, директор амаки...

— Энг охирги полвонни йиқитгандан кейин отини ўзи айтади. Борди-ю, йиқитолмаса айтмаганича кетаверади. Ҳозирча у курашга «Дала бургути» лақаби билан ниқобсиз, очиқ қатнашади.

Номаълум полвонни яна келиб кўриш иштиёқида томошабинлар тарқалишди.

Эртасига томошабинлар кўп келди. Навбатдаги полвонлардан бир-иккитаси курашгандан кейин:

— Энди, Урта Осиё халқларининг полвони «Дала бургути» билан «Кўк ниқоб» — Лив курашади! Кураш французча усул билан... Вақт йигирма минут... — деб бўлиб-бўлиб эълон қилинди. Кўк ниқобли кичкина полвон энгил-енгил босиб ўртага чиқди. Томошабинлар орасидан биров ўрнидан турди-да, устки кийимини ечиб ташлади. Бундай одамнинг томошабинлар орасида ўтирганини ҳеч ким пайқамаган эди. У кечагидан бутунлай ўзгариб кетибди: бошида эски қўқон дўпписи, эгнида йўл-йўл беқасам тўн. Устидан тўнини ечиб ташлаганда юқа, йилтироқ сатиндан тикилган майка, труси, қўнжи узун энгил маҳсиси кўринди. Кеча соқол-мўйлови бор эди, бугун эса сочига қўшиб олдириб ташлабди.

Унинг ўтирганда мешдай шалвираган гавдаси созланган қўбиз таридай таранг тортилиб, елкаси худди текисланган ёғочдай юм-юмалоқ бўлиб, шалвираб турадиган бағбақасини босиб турган боши гавдаси билан қўшилиб кетгандай эди; у кўринишидан худди икки оёғида турган арслонга ўхшарди. У оёғини худди тантана маршида юргандай босиб, «Кўк ниқоб»нинг олдига бориб тик турди.

— Ака, буёққа қаранг, «Дала бургути» дегани шуми?

— Эй, буни чўлу саҳродан келган бир оддий одамдай таъриф қилишган эди-ю, суяги шу цирк илми билан қотган одамга ўхшайди-ку. Кўрмайсанми анави ҳўкиз кўтарган Узар полвонни... Французча курашни билмагандан кейин булар билан курашмай қўйди. Бунинг вазоҳатига қараганда Дажжол кураши бўлса ҳам «қайтмайман» дейдиганлар хилидан.

Ёки цирк ходимлари одам кўп келсин деб, ўзларининг бир полвонини шундай қилдимикан-а? Бу масхарабозларнинг қўлидан келмагани борми?

— Қўй-е, биз буларни икки ойдан бери кўриб келямиз. Шундан бери кучлилардан тўрт полвон қўшилди, уларнинг ҳаммаси ҳам кураш бошланар олдида олдимиздан ўтган. Мана бунинг кўринишига қара, лаблари гезарган, бундай қулоғи йиртилган полвонни биринчи кўришимиз... Майли, ким бўлса бўлсин, гавдасидан худди девга ўхшар экан, ҳар куни кўзимизга улкан кўринадиган «Кўк ниқоб» унинг олдида нор туяга эргашган бўтадай бўлиб қолди.

Томошабинлар шундай гап-сўз қилаётганда:

— Эй, гапни чўзма, иккаласи қўл беришиб кўришди, илгари бир-бирини кўрмаган экан-да, — деди биров. Буниси цирк қонуни бўйича, бир-бири билан кўришмаган полвонларнинг саломлашув ва розилик аломати эди.

«Кўк ниқоб» сал олдинга энгашиб, қўлларини ҳамлага ҳозирлади. «Дала бургути» бўлса битта оёғини сал олдинга чиқариб, биқинини ушлаганича турди. Бир неча дақиқа ўтгач, ўнг қўли билан «Кўк ниқоб»нинг қўлини қоқиб юборди. Улар галма-гал ҳамла қилишарди. Катта полвоннинг «Кўк ниқоб» билагига қоқиб юборгани — «ҳаракат қил, навбат сеники!» дегани эди. Ниқобли полвон қаддини ростлаб туриб, тўсатдан катта полвоннинг бўйнига ёпишди, оғир гавдани эгиб елкасидан ошириб отмоқчи бўлди. У бу ҳунарини талай-талай полвонга кўрсатган эди. Бироқ бу гал тажрибали полвоннинг тадбири амалга ошмай қолди. Яғринига ёпишган катта полвоннинг тўши уни силтаб юборган эди, қўллари бўшаб, худди от қоққан одамдек учиб кетди. Изза бўлган ниқобли полвон яна ҳамла қилиб, иягига бошини тираб, бир қўлтиғидан ушлаб, қулатмоқчи бўлди — бу ҳаракати ҳам чиппакка чиқди. Уни қўлтиқлаб олган кучли қўллар елкасидан қисиб, чўккан туядай муккасидан туширди. Бироқ «Дала бургути» уни йиқитмади.

Белгиланган вақтнинг саккиз минути ўтганда:

— Ана, айтмовдимми, ўз одамлари деб, шунча кучи бўла туриб йиқитмади! Кўрарсан ҳали бургутни Лив ғажиб ташлайди... Ё йиқитади, ё бир-бирини йиқита олмай ажрашади, — деб лоф урди изза бўлган бир одам.

Катта полвон сўзлашаётганларга йўғон бўйнини буриб бир қараб қўйди.

— Бизнинг тилимизга тушунадиган кўринади, жаҳл билан қараяпти. Жаҳлинг чиқса нима қилай, кучинг етса ниқобини сидириб ол! Унинг дийдорини кўролмай икки ойдан бери ўладиган бўлдик-ку.

Озгина дам олиб, қайта курашган полвонлар оёқлари, қўллари гоҳ букилиб, гоҳ ёзилиб, роса олишишди. Қўлтиққа илинган бўйинлар баъзан миҳдай буралиб, баъзан оп-осон, баъзан зўрға бўшайди. Бир маҳал «Кўк ниқоб» кўз илғамас бир тезликда бир боғ қамиш каби «Дала бургути»нинг қўлтиғига илинди, оёқ-қўлини беҳуда типирчилатарди, ўша қўлтиққа қисилганча гилам ўртасига келиб чалқанчасидан тушди. Судья энгашиб қараб, ҳуштагини чалди.

— Ўн тўрт минуту қирқ секундда «Кўк ниқоб»ни «Дала бургути» йиқитди. У ҳеч қандай қоидани бузмай, жуда тўғри йиқитди.

«Кўк ниқоб» ўрнидан туриб, кўпчиликка таъзим қилди, кейин ниқобини ўзи олди-да, йиқитган полвонга олиб бориб берди. Катта полвон ниқобни олиб, унинг қўлидан ўпди.

— Ниқоби олинган, саккиз йил «Лив» лақабида юрган Якуб Жапаридзе, ниқобини олган полвон Ҳ. М.— «Дала бургути!»

— Эй, ўртоқ «Ҳ. М.» деганинг ким ўзи, айтиб юборақол, барака топгур?..

* * *

Цирк ўйини кундан-кунга қизиқ бўлди. «Дала бургути» билан курашадиган полвонларнинг ўн тўққизи йиқирилиб, тўрттаси қолди. Ниқоблигидан фақат «Қора кулф» қолди.

— Ленин бобомиз бутун дунёнинг сирини очганда фақат мана шу кишигина юзини яшириб юрибди. Бургут ака, шу одамнинг дийдорини бир кўрсат бизларга, барака топгур,— дейишиб қичқиришарди ёш томошабинлар.

— Жувонмарглар, нега бунча шошиласанлар? Мукулмон бечора йиқилмасин!

— Юзини кўрамиз, ота. Хотин-қизлар ташлаётган чачвонни у нега ташламайди? Бургут акам очиб берсин...

Тошкентда кун исий бошлади. Сквердаги боғ ичидаги пивохона стуллари бўшамай қолди. Тўрт полвоннинг пивога тўлган столига навбат кутиб, иккита ёш йигит келди.

— Гапни чўзишнинг нима кераги бор, мен-ку бундан йигирма беш йил илгари Одессада ниқобингни сидириб олган эдим. Яна бир танғиб юрганигда Бокуда сидириб олдим. Оренбургда ҳам олганман. Уялмай яна танғиб юрибсанми? Кўп гапирмай, пивонгни қуй, қирқ шишага етказ. Бўлмаса ниқобингни ўзинг беришингни кутиб турмай, сидириб оламан-у, бутун сиру асрорингни халққа айтаман. Айниқса ўзинг арман бўла туриб, «мусулмонман» деб алдаб юрганингни айтаман...

— Қўй-қўй, қулогини японга тишлатган ярим қулоқ! Жинни бўлма. Сен шундай қилиб юриб, циркнинг қизигини кетказиб қўясан. Мени йиқитма. Яқинда Қизилўрдага борамиз. Уша ерда кураш тугай деб қолганда йиқитарсан...

— Қўй-е, «ўзбек ўз оғам» дейди, бизнинг қозоқлар. Туғишганларимга юзингни бир кўрсатмай сени қандай қилиб Қизилўрдага олиб бораман... Қўй...

— Ия, «Дала бургути» шу экан...

— Қозоқ экан.

— Ҳа. Бунинг отини билиш керак энди.

— Отимни ҳамма полвонларни йиқитиб бўлгандан сўнг айтаман, деган эди-ку.

— Қачон йиқитади энди? Эшитмаяпсанми анави полвоннинг «йиқитма» деётганини. Пиво пулини ҳам ўша тўлаяпти шекилли. Мана шунақа, пивони ичкизади-ичкизади-да, йиқилмай кетаверади, отини ҳам айтмайди.

— Бўлмаса Охунбобоевга бориб айтамыз. У киши буни олдига чақириб олади-да, иззат-хурматини жойига қўйиб суратини газетага бостиради. Ана шундан кейин бунинг оти ҳам, зоти ҳам маълум бўлади-қолади. Сўнг, ўзини меҳмонга чақирамыз, ўзимизнинг «Полвон акамиз» бўлади-қолади.

— Бу жуда тўғри фикр.

Ўзбекларнинг севикли Йўлдош отаси ўзининг бутун ҳаётини ишчи ва деҳқонлар орасида ўтказган. Тошкент вилояти, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро қумлари, Хоразм атрофида у бормаган шаҳар-қишлоқ, у кирмаган театр, клуб, чойхона, деҳқон кулбаси қолмаган. У Урта Осиё халқларининг севикли отаси бўлди. У мамлакатнинг катта-катта ишларигагина эмас, ҳатто ҳар бир оилага ҳам зўр эътибор билан қарарди. У халқ сирини, унинг орзу-умидини билувчи қомус эди. Унга цирк томошабинларининг илтимоси ҳам айтилди.

— Хўп бўлади, ўғилларим. Кечқурун циркка ўзим бораман, — деди Йўлдош ота.

Бугунги цирк афишасида «Дала бургуту» катта юмалоқ тахтани қорнига қўйиб, чалқанчасига ётибди. Унинг устида сиққанича одам чиққан бир ярим тонналик машина турибди. Тагига: «Тўқсон пуд юк ортилган машина полвоннинг устидан ўтади!» деб ёзилган эди.

Оёғини бола босиб олса дод-вой соладиган одамлар:

— Бу мумкин эмас! Қайси бир жонидан умиди бор одам қорнига тахта қўйиб машина тагида ётади?.. Ён-верига тошми, темирми, ишқилиб бир бало қўйиб машинани ўтказди-юборади. Қорнидан ўтказармиш-а! — дейишди суратига тикилишиб.

— Майли, бориб кўрамиз...

Цирк ичида қадам босадиган жой қолмаган, лиқ тўла одам. Уйин майдони атрофидаги стулларда ҳукумат раҳбарлари ўтиришибди: қоғоз-қалам ушлаб олган мухбирлар, аппаратини бўйнига осиб олган фотографлар айланишиб юришибди. Шулар орасида бошига қўқон дўппи, устига ёзлик оқ шоҳи чопон кийиб олган Йўлдош Охунбобоев ҳам бор. Унинг ҳурматини қилиб одамлар чурқ этмай ўтирибди. Ҳамманинг кўзи ўртадаги майдонда.

Бир-бирига ёпиштирилган икки бўлак катта қалин тахтани саккиз одам аранг кўтариб чиқиб, майдон деворига суяб қўйди. Циркнинг катта икки қанот эшиклари ланг очилиб, ичкаридан чироқлари ярқираб машина чиқди. Директор бошқа эшикдан устига ола тўн кийиб олган полвонни бошлаб чиқиб, ўртадаги гилам устига олиб келди. У қўлини кўксига қўйиб, томошабинларга таъзим қилди. Кейин ўзига ўттиз йилдан ошиқ ҳамроҳ бўлган (Парижда кийган), ола тўнини ечиб, цирк хизматчиларидан бирига берди-да, индамай гилам устига чалқанча ётди, икки қўлини кериб, тирсагини ерга тираб, кафтларини ёзди. Хизматкорлар қалин матрасни қаватлаб, биллагидан сал баланд қилиб тўшади. Унинг устига бояги юмалоқ тахта қўйилди. Юп-юмалоқ майдонга баландлиги билак бўйидай келадиган қилиб машина ўтадиган кўприк солинди. Машина ўт олиб, устини цирк томошабинлари тўлдирганда, меҳрибон Йўлдош ака:

— Жуда оғир иш экан-да... — деди ёнида ўтирган ҳамроҳига. Машина юмалоқ тахтанинг бир учини босиб иккинчи учи метр бўйи кўтарилиб, қисирлай бошлаганда кўп одамлар кўзларини юмишиб, машина рўпарадаги эшикка кириб кетгандагина очишди. Устидан шун-

чалик оғир юкни ўтказган полвон тахталарни улоқтириб ташлаб, сакраб турди. Кўпчиликка қараб таъзим қиларкан, қучоғи тўп-тўп гулдасталарга тўлиб кетди.

Эртасига полвонни Охунбобоев идорасига чақириб олиб, бош-оёқ сарпо, пул мукофот бериб:

— Полвон ака, Тошкентни доим ўз уйингиздай кўринг. Ёш авлодлар сизни доим «Полвон бобо» деб атайдиган бўлсинлар, — деди.

Газеталар уни шархлаб: «Қозоқ полвони, жаҳон чемпиони Ҳожимуқон Мунгайтпасов», — деб суратини босди. Ёз ўрталарида цирк полвонлари Қизилўрдага жўнаб кетишди.

* * *

Икки ойга чўзилган кураш кундан-кунга қизий бошлади. Овулдан шаҳарга келган одамлар от, туясига бир-икки кунлик ем-хашагини ҳам ола келишиб:

— Ҳожимуқоннинг курашини кўрсин, деб кампирчолимизни ҳам ола келган эдик. Шаҳарда айтарли ишимиз ҳам йўқ. Кўриб борган одамлардан эшитиб оғзимиз очилиб қолди. Рельс эгади дейдими, темирни бураб майиштиради дейдими, гавдасида тош синдиради дейдими, устидан туя қўшган арава, машина ўтказди дейдими... Худонинг қудрати, шундай ҳам одам бўларкан-а!

— У ҳалиги бир аччиқ сувни кўпроқ ичади, дейишади... Сотишга уч-тўрт мол ҳайдаб келдик, иложи бўлса туз-таъм тотқизиб кетамиз. Жуда иложи бўлма-са ётган уйига олиб бориб берармиз. Овулнинг катта-кичиклари уни олиб кел, дейди. Ҳожимуқон бири тоғда, бири боғда юрган қозоқнинг қайси бирига бора оларди! — дейишарди овул одамлари шариллаб оқаётган ариқ бўйига тўпланишиб.

— У тоғдай полвонларнинг талайини йиқитди. Эндиги қолган полвон Тошкентда ниқобини сидириб олган «Қора қулф» эди. У Қизилўрдага келгандан сўнг, қовун еганми... кучайиб кетиб, ниқобини оларда Ҳожимуқондан ўн минутда йиқилган одам, мана бир ҳафта бўлдики, унга ҳеч куч бермасди. Баъзан Ҳожимуқонни кўтариб, гўё ташлаб юборишга қудуқ тополмай юрган одамдай цирк ичида югуриб юради. Буни кўрган оқ қалпоқ, сувсар телпакли қозоқлар худди Ҳожимуқонни йиқилиб қоладигандай кўришиб ташвиш тортади. У энди гилам устига олиб келиб босаман деганда, қўлидан

лип этиб чиқиб кетиб, полвонни билаги билан бир уриб тиз чўктириб қўяди.

— Ҳа, баракалла, шундай қил, чироғим, — дейишади юраги ўрнига тушган овул одамлари.

Чўнқайиб ўтирган полвонни Ҳожимуқон дам уёққа, дам буёққа тортади. Елкасига миниб бир оз ўтиради. Зўрға чалқанчасига ётқизиб, қорнига миниб олади-да:

— Эй, кураги ерга тегдими? — деб судьядан сўрайди. У энгашиб қараб:

— Чап томони теккани йўқ! Вақт тугади! — дейди ҳуштагини чалиб: — Қирқ минут ичида Ҳожимуқон билан «Қора қулф» бир-бирини йиқита олмади. Эртага Ҳожимуқон «Қизил ниқоб» — «Қуён» билан курашади, — деб эълон қилди.

Уйин тугади.

— Ҳой Ҳожимуқон! Шунини йиқитганингни кўрамиз деб силламиз қуриди. Бизни овора қилмай, йиқитадиган бўлсанг йиқит-да, чироғим, — деб қичқиради чоллар.

— Нима қилай, оғалар... У ёғоч бўлса экан орқалаб бориб Сирдарёнинг бўйига ташлаб келсам. У ҳам ер юзини оралаб чиққан полвонга ўхшайди, — деди у шигға терини сочиқ билан артар экан.

— Рост, чироғим, рост... Ўзига ҳам худо гавдадан берган экан... Шу туриши билан уни далада битта-яримта одам кўрса, юраги ёрилиб ўларди, — дейишиб чоллар «Қора қулф»га қарашади.

Охири Ҳожимуқон уни ҳам йиқитди... Йиқитган сайин чоллар чопон, чакмон, аёллар чит, батис кўйлак кийдиришарди. Баъзи бир иримчи келинлар рўмолчаси билан терини артиб, пешонасини боғларди. Кампирлар бўлса болаларини судраб:

— Қароғим, умри узоқ бўлармикан, полвоннинг оёқлари орасидан ўтказиб олай-чи, — дерди. Полвон ҳам уларга эътироз билдирмай:

— Кўп яша, ўғлим... Туфа-туфа! — деб чўнтагидан конфетми, манпасими олиб берарди.

«Қизил ниқоб» ҳеч йиқилмади. Гавдаси Ҳожимуқоннинг ярмисидай келади, кип-кичкина. Бадани қоздек оппоқ, маймундай ўйнаб, симобдай юмалайди. Ҳожимуқон қанча уринса ҳам қўлига тушмайди. У кучли қўллари билан елкасига кўтарай деб турганда, кичкина полвон талтайиб турган оёқлари орасидан лип этиб ўтиб кетади. Ҳожимуқон унга бурилиб қарайман

дегунча, орқасидан сакраб бўйнига осилиб олади. Шундан кейин у емтўрваси бўйнига тушиб қолган оддек, бошини ликиллатгани-ликиллатган. Энгашиб силкиса оёғини қисиб олиб ҳеч ҳам тушмайди. Кейин бир амаллаб қўлидан ушлаб бағрига босса, қорнига бир тепиб яна чиқиб кетади. Баъзан уни қуваман деб ўзи йиқилиб қолади. «Қизил ниқоб» яшиндай учиб келиб елкасидан босади, ётган ерида кап-катта гавданнинг қўлтиғига қўлини солиб, зилдай танани тўнкадай ағдариб ташлайди.

— Эҳ, гафлатда қолди-я полвон! Елкаси ерга тегди шекилли, — деб чоллар чидаёлмай ўрнидан туриб кетишади. Бироқ, чоллар ўйлаганча бўлиб чиқмайди. У худди камалакдай эгилиб, боши билан оёғини ерга тираб, қорни тўмпайиб, яғрини ердан ярим газ кўтарилиб кетади. Устида бўйнини қўли билан итариб, оёқларини тепкилаб ётган «Қизил ниқоб»ни икки биқинидан қисиб ўрнидан учиб туради. Қўлтиғида бир боғ бедадай қисилиб юрган «Қуён»ни ерга улоқтириб юборади. У ҳам оёқ-боши букилиб камалак бўладию қолади. Уни шу кўйича кўтариб гилам ўртасига олиб келганда, лип этиб қўлдан чиқиб кетади.

Ҳожимуқон жуда чарчайди, ҳақиқатан ҳам чарчайди. Улар бир-бирларидан ажрашгач, полвон темирчининг дамидай гув-гув қилиб энтикиб нафас олади. «Қуён» ўйноқлаб, бемалол кетаётганда, гўё алланарса эсига тушгандай кўзини қисиб, хўрсинади. Эҳтимол, унга эллик ёш оғирлик қилиб ёшлиги эсига тушар, «Қизил ниқоб»нинг юзи ҳали очилмаса ҳам унинг тажрибакор полвон эканлиги хатти-ҳаракатидан кўриниб турарди.

Бирортасини йиқитишини кўришга муштоқ бўлган, ҳар куни келавериб зериккан томошабинлар ариқ бўйидаги дарахт соясида ўтириб олишиб, Ҳожимуқоннинг йиқита олмай юрганини ўзларича талқин қиладилар.

— Ҳожимуқоннинг «Қизил ниқоб»ни йиқита олмай юрганида бир гап бор, — дейишади улар: — «Қуён» бир шаҳарлик катта бойнинг яккаю ягона ўғлига ўхшайди. У ўғлининг Ҳожимуқон билан курашаётганини эшитиб хат ёзганмиш. «Ёлғиз эркам эди, йиқитмагин, нима тиласанг шуни берай», дебди. Мазмунидан кўп пул олган бўлса керак-да...

— Вой тавба, унда пул учун сотилганми?.. Биз унинг йиқитганини кўрамиз, деб ҳар кун келамиз. Унда биздаги шу қизиқишни ҳам сотган бўладими. Йўғ-э, ундай эмасдир. У ҳеч қачон халқдан ажралмайди. Усканбой

эртага уни меҳмон қиламан деб бугун бозордан семиз қўй олди. Ҳамма гапни ўшаникида ўзига айтайлик. Агар шунинг пулига қизиқиб юрган бўлса, уникидан икки ҳисса кўп пул йиғиб берайлик. Энди бизни овора қилмай, йиқит, дейлик.

Бу сўз айтилди ҳам.

Ҳовли ўртасига тикилган катта оқ ўтовнинг айланасига сув сепилиб, кигизни ярмигача кўтариб қўйишган. Утов ичи ясатилмаган, жўнгина. Фақат кўрпакўрпачалар солиниб, оппоқ ёстиқлар қўйилган.

Утов ичи лиқ тўла одам, тўрда оқ шоҳи кўйлагининг ёқаси илинмаган Ҳожимуқон ўтирибди. Унинг ўнг ва чап ёнида оқсоқоллар, Алибек бахши, идора хизматчилари, мухбирлар, бундай жойдан қуруқ қолмайдиган одамлар. Тўрдан бўсағагача чўзилган дастурхонда нозу неъмат тўла, тўрт жойга лаганда қовурдоқ қўйилган. Икки катта қозоннинг бирида палов, бирида гўшт пишириляпти. Утилаётган қўй калласининг, ёғнинг ёқимсиз ҳиди атрофга, кўчадан ўтган кишининг димоғига урилади.

— Хўш, полвон, олинг, еб ўтириб гаплашайлик.

— Қани, бахши, бир-икки оғиз бир нарса деворинг.

Эй...

Алалай-да булалай,

Мард аталмас синалмай,

Бир поданинг норидай,

Сирда сузган балиқдай.

Ҳар бир она тугавермас

Бундай полвон кишини.

Олам таниди энди

Араб, Эрон ва Ҳинди —

Хуллас, айтсам, бутун ер:

Ҳожимуқон — полвон! — деб

Таърифлади бирма-бир...

Билмай қолди ким буни?..

— Раҳмат, чироғим! Рост, буни билмайдиган одам кам! Бироқ шу бир «Қизил ниқоб» дегани туя билан ўйнашган мушукдай бўйнидан тушмай қолди... Биз уни қачон йиқитаркин, деб бўйнимизни чўза-чўза чарчадик! Бўлмаса, уни кучи кам, деётганимиз йўқ. Уни ҳар қанча мақтасанг арзийди, мақтайвер...

Полвон сўзлаган чолга хўмрайиб қараб:

— Мен уни йиқитар эдим-ку, бироқ пулини олиб қўйдим-да, — деди.

— Қароғим, пулни нима қиласан?

Полвон яна қовоғини солинқираб:

— Пул керак-да. Ҳар куни бир қўй ейман, бир че-лак тоза шароб ичаман. Бунинг устига уйланмоқчиман. Шундай тиз чўкиб ялинган полвонларнинг пулини ол-масам, мен пулни қаёқдан оламан? Ҳар полвонни йи-қитганим учун юз сўм, куч-ҳунаримни кўрсатганим учун юз сўм беради. Ҳар куни йиқитаверишга полвон топи-ладими? Ҳар куни устимдан машина ўтказиб, қорним-да тош синдираверсам силлам қуриб ўламан-ку.

— Чироғим, сен дунё деб ғам ема... Ҳар куни юз сўм топилмаса ҳам, ҳар куни халқ ёнингда-ку. Халқ битмас-туганмас дунё, сахий бир дарё!

— Раҳмат, оға! Бу сўзингиз рост, шу халқ ҳар ку-ни ёнимда бўлмаса, мен аллақачон ўлиб кетмасмидим.

— Баракалло, бироқ халқ қадрига етмайдиган одам кўп. Халққа суянганнинг қайғуси бўлмайди. Хўш, шун-дай қилиб, «Қизил ниқоб»ни қачон сидириб оласан? Шундан гапир.

— Бугун...

— Унда билетга чопайлик. Бир, икки, уч... Ўтовда ўттиз еттита. Уйдаги одамларни ҳам ҳисоблаб ҳамма-сига оламан...

— Чироғим, дурустроқ жойдан бўлсин, бир четда— чувуллаган болалар ўртасида қолмайлик!

— Нима деяпсиз, оқсоқол, олдинги ложалардан оламан.

* * *

Кураш вақти ҳар кунгидан ўзгариб олтмиш минут-га чўзилди. Ҳожимуқон ҳар куни кураш олдидан цирк директорининг олдига кириб чиқар эди. Бугун ундай қилмади. Илгари ўз навбати келгунча бошқа ўйинлар-ни томоша қилиб ўтирар эди, энди кўзларини чирт юмиб, мудраб ўтирибди. Цирк ходимлари тўпланади-ган жойдан биров югуриб келиб, Ҳожимуқоннинг қу-лоғига бир нарса деб шивирлаган эди, энгашиб носини тупураркан:

— Не надо! — деди.

«Қизил ниқоб» бу гал негадир хафароқ бўлиб чиқ-ди. Ҳожимуқон ўтирган жойида ечиниб курашадиган полвон билан ўпкалашгандай, жиддий борди. Ҳар кун-ги одати бўйича судья:

— Француз кураши бўйича жаҳон чемпиони Ҳожи-

муқон Мунгайтпасов «Қизил ниқоб» билан сўнги марта курашади. Вақт олтмиш минут, — деб дона-дона қилиб айтди-да, чур эткизиб ҳуштагини чалди.

«Қизил ниқоб» ҳар кунгидан кўра чаққон ҳаракат қилди. Бироқ катта полвон сурунмади ҳам, қорнига ҳам тепкизмади. Шундай бўлса-да, уни қўлга тушира олмай йигирма минут вақтни ўтказди. Бир пайт у оёқлари орасидан ўтиб елкасига ёпишганда икки билагидан ушлаб, қўлини қайириб қимирлатмай икки минут ушлаб турди. «Қизил ниқоб»нинг оппоқ танаси қипқизил бўлиб, турган жойида қотиб қолди. Судья ҳуштагини чуриллатиб, уларга яқинлашганда, уни гилам устига ёнбошлатиб, устидан оғир гавдаси билан босди. Энгашиб қараган судья «бўлди» дегандек ҳуштагини чалди. Кичик полвоннинг Ҳожимуқон маҳкам қисган билаклари оқ латта боғлаб қўйганга ўхшаб анча вақтгача қон юришмай қолди.

«Қизил ниқоб» — Ҳожимурад Давлатқораев деган қримлик йигит экан. У кейинги пайтларда «Ҳожимуқоннинг ўғлиман» деб ҳам юрди.

МИНАЙ ЯНГА

Ярим кечада уйига келган давлат арбоби:

— Онаси, бир чойнак чойинг бўлса, кабинетга олиб кириб бера қол, жуда чанқаб кетдим, — деди иш кийимларини ечиб, енгил кийинар экан.

— Дадаси, меҳмонхонага кириб овқат емайсизми? Сизни анча кутиб ўтирдик. Ун иккиларда келамиз, дегандингиз, мана соат икки бўлди. Ҳалиям овқатга тобингиз йўққа ўхшайди...

— Баҳор лолалари очилган вақтда булбул овқат ейишни унутади дер эди, биз ҳам шу-да, онаси... Ҳаёт баҳори ширин бўлиб кетди шу кунларда.

Жаҳон жумбоғи ечилган кунда,
Ишламак бўламан эл билан бирга.

Бу Охунбобоевнинг ҳар кунги ҳаётидан бир лавҳа, холос. У чойини ичаркан стол устидаги газета ва журналларни ҳам кўриб чиқди. «Қизил Ўзбекистон» газетасини кўздан кечирар экан, кўпдан буён бормаган Фарғона водийсининг бир чеккаси эсига тушиб кетди: «Уша кампирнинг ўғли қаерда экан-а?» — деб ўйлади.

у. Бу уй Йўлдош отанинг босмачиларга қарши курашиб юрган вақтларида ётиб юрган уйи эди. Тоғ оралигини макон қилган бир кампир бўлиб, унинг Муталиб деган ўғли бор эди. Йўлдош ота шулар ҳақида ўйлар эди.

«Майли, эртага Фарғонага бориб, шу бечораларнинг ҳол-аҳволдан хабар олиб келай. Аравакашлик қилган, ишчи бўлган кунларим... Ёшлигимдаги хор-зорлик... Ўша бечораларнинг ҳам кўп яхшилигини кўрдим. Денгиздай яхшилигига бир томчи ёрдамим тегса...» деб ўйлади.

У эрталаб идорасига бориб, йўлга машина ҳозирлатди. Бироқ яна бировга ёрдам бериш лозим бўлиб қолиб, тушгача ушланиб қолди.

— Ота, бир киши олдингизга кириш учун рухсат сўраяпти, — деди ёрдамчиси.

— Кирсин.

Эгнида ўзи кийдирган беқасам тўн (тўн тўзиброқ қолган эди), бошида оқ қалпоқ, Ҳожимуқон кириб келди.

— Ассалому алайкум!

— Э... Полвон бобо, ҳорманг, қани, қани, қадамингизга ҳасанот. Хайрли бўлсин...

— Йўлдошжон, ўша хайрингни ўзинг ташкил этманг, у мени излаб борадиган эмас!..

— Ия, нима бўлди?

— Қартайдим, қартайганда хотин олдим. Оппоқ соқолим бўлатуриб юлқилашиб ётишдан уялиб, курашни йиғиштирдим. Менинг боқадиган молим ҳам, ўрадиган экиним ҳам шу кураш эди; шундан айрилганимдан сўнг нима билан тирикчилик қилишим ўзингга маълум...

— Хўп, хўп. Буёғи тушунарли. Баъзи бир чоллар ёш аёл қари танага куч киритади, деганларидек, сиз ҳам ёшга уйланибсиз-да!

— Қиз ҳам эмас, аммо кир ювишдан бошқа нарсага ярамайдиган кампир ҳам эмас. Ўзимни ўлгунча кута оладиган жувон, ўттизлар чамасида. Сизларга қўшни — Чавулдир районида қариндошларим бор. Ушалардан бири ўлиб, хотини икки ёш боласи билан есир қолган эди. Бу — ҳам хотин олганим, ҳам етим болаларни асраганим. Бечора мени ҳам қуруқ қўймади, ҳомиладор. Ўғил туғса отини Ҳайдархон, қиз туғса Дариға қўяман. Олдинги ўғилларимни онаси ўлгандан сўнг давлат асраган эди. Энди эл кезишдан қутулдим, ўла-ўлгунимча ўзим парвариш қиламан. Йўлдошжон, менга куч бериб ёрлақайман деб ташвишга солиб қўйди.

— Ия, бу нима деганингиз?..

— Қирқ кишининг кучини бериш билан бирга қирқ кишининг овқатини ейдиган қилиб яратибди.

Насибамни ёзганда, оддий кишиларникидай қилиб ёзмай, фақат гўшт, қанд, чой, конфет, шароб ёзибди. Буларни етарли қилиб ёзмай, курашни ташлаганимдан сўнг — атала, ёвгон гўжа ёзиб ҳаммаёқни чалкаштириб юборибди. Уст-бош, кўрпа-ёстиқни-ю, мутлақо ўйламабди. Энди ўша тақдирнинг нодуруст жойларини тўғрилаб бер; сенинг олдиндан чиқиб Қозоғистон ҳукуматига ҳам бораман. Насибамни икки ҳукумат бир амаллаб тўғрилаб берар, деб ўйлайман.

Охунбобоев хахолаб кулди... У кула-кула бўлим бошлиқларини чақириб олди. Ҳожимуқоннинг сўзини айтиб уларни ҳам кулдирди. Шундай қилиб, Олий Советнинг якка шахслар учун бериладиган ёрдам фондидан беш минг сўм пул ажратиб, унга керак нарсаларни беришни айтди. Ҳожимуқон кўрпа-ёстиқ, керакли уст-бош олди, Охунбобоев ўз ёнидан икки минг сўм берди.

— Бу соб бўлса яна келайми? — деди полвон.

— Кечасими, кундузими, қачон келсангиз ҳам бу эшик сиз учун очиқ, полвон бобо.

Ҳожимуқон кўп юк билан «Оқтепа» колхозига келди. Аёли ўғил туғиб, отини Ҳайдархон қўйди. Уғли эллик бешинчи йилда ўн олтига кирди. Уни туққан Минай янга эди. Бола кўринишдан сал отасига ўхшаса ҳам, юзи, одати унча ўхшамасди.

Минай янга бир неча йилдан сўнг иккинчи Ҳожимуқонни туғди. Унинг отини Жанабил қўйишди. У эллик бешинчи йили етти ёшга кирди. Бу тўғрида кейинроқ ҳикоя қилармиз.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИНING БИР КУНИ

Ой охирлари эди. Зимистон кеча. Тинчлик пайтида эрта ётадиган қариялар билан болаларнинг ухлайдиган маҳали аллақачон бўлган. Энди улар шу маҳалда даладан қайтиб келишяпти. Бундай кечаларда, чироқ ёруғида қаймоқли қуюқ сут қўшилган чой ичиб ўтириб эртаси айтадиган қари оналар ярим кечада қалин тўшакларини йиғиштириб, ишга эрта саҳарлаб кетиб, ярим кечада келадиган оила аъзоларига овқат ҳозирлаб ўтирибди.

Она сутини ўз вақтида эммаса, дод солиб йиғлай-

диган болалар ҳам сабрли бўлиб қолган: бувилари қошиқ билан ичкизган сутларини лиқ-лиқ ютишар, қўлига ушлатган кўмач-кулчаларини ер, баъзан нималарнидир айтиб кампирларни кулдираб эди. Буни кўрган баъзи кампирлар эса: «Во ажабо, эл бошига тушган кулфатни кип-кичкина бўлиб шулар ҳам билади-я! Оғасининг уйда йўғини, янгасининг ишдалигини билгандай, йиғлашмайди ҳам-а?» — деб кўз ёшларини артишади. Уйларида отасими ё онасими кўтармаса, эркалатмаса йиғлаб, жанжал қиладиган болалар энди ўша кампирларнинг югурдаги, ёрдамчиси.

— Жуматой, Қундуз ойингнинг челагини сўраб олиб кела қол. Сув келтириб олай...

— Болагинам, ит ҳурияпти, чиқиб қара-чи, даданг билан ойинг келяптимиқан... — деса, қулун каби чопқиллаб чиқиб кетади.

Меҳнатда чиниққан одамлар, соқоли кўксига тушадиган чоллар, бўғини қотмаган ёш болалар, «аёл билан эркак тенг бўладими, чарчадик», дейдиган аёллар уйларига келгач, «уҳ» дейишни унутиб юборгандай, дадил қадам босар, қаттиқ-қаттиқ сўзлар эди. Бўсагадан ҳатлаб уйга кирмай туриб бундай дерди:

— Қани, овқатинг бўлса олиб кел... Фуфайкамни ёйиб қўя қол, терлаб орқамни музлатиб юборди.

Бу Улуғ Ватан уруши кунларининг лавҳалари эди.

Шундай кунларнинг бирида бешинчи синф ўқувчиси Эсали ишдан ҳар кунгисидан эртароқ келиб, сут қўшилган кесмаош тайёрлаб ўтирган Жангилнинг бўйнидан қучоқлаб, бугунги қилган ишларини хурсанд бўлиб сўзлаб берди:

— Буви, мен бугун куни бўйи полвон бобомнинг олдида ишладим. У мени ўзи танлаб олди. Бригадир бобомга паншаха топиб беролмагач, у ариқ бўйидаги йўғонлиги менинг сонимдай келадиган қуриб қолган толни суғуриб олди-да, буталарини болта билан чоптириб ташлатиб паншаха қилиб олди. Уни бобомнинг ёнига Тилев икковимиз зўрға кўтариб олиб бордик. Унга раис:

— Сиз нега келдингиз? — деган эди, бобом ерга жаҳл билан тупурди-да:

— Уйда ётавериш жуда зах ўтиб кетди. Энди уруш тугаб, йигитлар қайтгунча, мен далада ишлайман. Яхшиси менга берадиган ишингни айт, — деди.

— Бўлмаса хирмонда ишлай қолинг, — деди раис.

— У ерда нима қиламан? Иш йўқ-ку.

— Комбайнга ажратилган тўрт-беш чол ўтиришибди. Тушгача галла ташийди, иш бўлиб туради. Етмишдан ошиб қолгансиз-ку, сизга тушдан кейинги иш ҳам етади.

Шунда бобом қовоғини солиб, ёғоч паншаха устида ўтирган раисни кўтариб ташлаб:

— Мен сенга сотиладиган отдай тишим билан ёшимни санатгани келганим йўқ! Менга қўш ҳўкизли арава, ёнимга Эсали билан Тилевни қўшиб бер. Булар паншахага илинмай қолган буғдойларни йиғиб бериб турсин. Тушгача хирмондаги ишларни тугатсак, тушдан кейин хирмонни ағдартирасанми, комбайнни судратасанми, бу сенинг ишинг,— деди-да, Тилев икковимизни эргаштириб, далага томон юрди. Раис бошқа ҳеч нарса демади. Бригадирга:

— Мана бу кишига аравакашларни юбор-да, сувсинини мўл қилиб олиб бориб бер,— деб ишига жўнаб кетди.

— Буви-чи, буви, бобомнинг паншахаси узунлиги нақ ўтов увуғидай келади! Бошқалар уч-тўрт бўлиб кўтарадиган боғламларни у бир кўтариб аравага ташлайди. Унинг ўрнини тозалаш учун ўнта бола торма солдик. Аравага боғ ортаётган аёлларнинг барини бўшатиб, ўтоққа юборди-да, битта бригадирнинг буғдойини аравага бир ўзи ортди. Кун ботгунча хирмон тоғ бўлиб уюлиб кетди. Кун ботганда ўрилган буғдой қолмади, шунда табелчи келиб бобомга ўттиз меҳнат куни, бизларнинг ҳар биттамизга беш меҳнат кунидан ёзди...

— Уйга сен билан бирга келдими?

— Йўқ, буви, хирмондаги буғдойни комбайнга солоқчи бўлиб қолди.

— Бечора, ўзи ҳам роса чарчагандир?..

— Чарчагани йўқ, буви, хирмонга келаётиб, йўлда кўприкка ғилдираги кириб қолган аравани бир қўли билан кўтариб чиқарди.

— Неча меш қимиз ичди экан?

— Менинг ичганимча ҳам ичгани йўқ, буви... Тушда битта нон билан битта катта косада гўжа ичди. Хирмонга келгандан кейин бир коса совуқ чой ичди.

— Қари одамга хирмондагилар уйингизга бориб дам олинг демадимми?

— Айтди, буви. У бўлса: «Нор йўлида юк қолмайди! Шунча буғдойни уйиб қўйиб уйга бораманми?..

Ёғоч паншахам билан комбайннинг ҳалқумига тиқиб юборай», деди.

— Унда, шу бугун бир кучимни кўрсатай, деган экан-да бобонг.

— Йўқ, буви, унақа эмас. Бобом эртага ҳам ишга чиқади. Иш битгунча ишлайман деяпти. Менга:

— Уғлим, эртага ҳам мен билан бирга бўл. Эртага иккинчи бригадада ишлаймиз, деди...

Шундай қилиб, Ҳожимуқон жазирама иссиқда колхозда ўн беш кун ишлаб, уч юздан ошиқ меҳнат куни топди. Колхоз, уйига олиб келиб берган икки арава ғаллани туширмай, уйи олдидаги йўл бўйига туширтирди, кейин темир йўл станциясига кетаётган машинани тўхтатиб, бўғма қилиб солинган қопларни тарвуздек машина устига улоқтирди:

— Элеваторнинг бошлиғига айт: гитлерчи фашистлар билан олишаётган болаларимга ўз ҳалол меҳнатим билан топган бир кулча нондай совға-салом — шу машинанга солган буғдойни тез етказсин! Қопларнинг сиртига: «Кекса полвон Ҳожимуқон Мунғайтпасовдан», деб ёзиб қўйишсин, талай-талай зўр полвонлар елкасини ер искатган кекса полвон, Ватанимиз тупроғини душманнинг ифлос қадамидан тозалагунча меҳнат майдонида ишлаб туради... Чироғим, шофёр, қонли майдонда жанг қилаётган қаҳрамон болаларимга шундай деб ёзинглар!

Дастлабки меҳнат ҳақини жанг майдонига юборган полвон бутун кучи билан колхозга ёрдам бера бошлади. Катта-катта буғдой боғламларини инқиллаб кўтаролмаётган ёшларнинг ёнига келиб:

— Болам, бундайроқ тур, — деб катта паншахаси билан кўтариб ташлаб, кенг пешонасидан чиққан терни кафти билан артаркан, уни кўрганлар, раҳми келиб:

— Вой тавба, танасидаги кўрғошиндай кучни қайси ишга сарфласа ҳам бари бир экан-а. Мен уни курашдан бошқага ярамаса керак, деб ўйлардим. Бунақа ишлашда иш қоладими? — дейди унинг ёнида ишлаб юрган биров.

— Ҳа, шундай экан. Мен ҳам бир-икки кундан кейин чарчаган туядай чўкиб қолар, деб юрардим. Қара, бўш келадиган эмас, қайтага пўлатдай тобланиб боряпти, — дейди иккинчи биров, паншахасининг дастасига суяниб, узоқдан тикиларкан.

— Шунақа ўн нафар одам, ўнта машина билан ўнта трактор бўлса бошқа ҳеч нарсанинг кераги бўлмас-

ди, бемалол битта колхознинг ишини қилаверарди, — дейди яна биттаси.

— Отам келиб, оғир ишлардан сал қутулиб қолдик, барака топсин! Яна бир оз ишлаб турса яхши бўлар эди... Ким билади, темир-тошини орқалаб яна бир ёққа кетиб қоладими?.. — дейишарди аёллар.

Кўп ўтмай шуларнинг айтгани бўлди. Полвон оталари темир-тошини кўтариб кетишга бел боғлаб қолди.

Жанг майдонида бир қўли билан бир оёғидан ажралган Жақип овулга қайтиб, икки қўлтиқтаёқда орден ва медалларни шалдиратиб полвон отани кўргани келди.

— Ассалому алайкум! — деди жангчи. Унг қўлидаги таёқни сўл қўли билан тиззасига суянкѳираб, энгашиб қўлини чўзди.

— Соғ бўл, чироғим! — деди полвон. У ўрнидан туриб жангчини қўлтиқтаёғи билан қўшиб қучоқлаб пешонасидан ўпди-да, кейин тўрдаги кўрпачага ўтқазди.

— Кўкрагингдаги ялтироқ нарсаларинг мардлик кўрсатганларга бериладиганидан хабарим бор. Менга энди душманнинг қачон енгилишини айт, — деди у ҳолаҳвол сўрашиб бўлгач.

— Хўп, ота. Бостириб келишни билган душман қочишни ҳам билар экан, ота. Албатта, улар ёғоч эмаски, нарироқ итариб қўя қолсанг, замбарак тумшуғидан уриб тургандан кейин қочмай иложи борми. Катюша ҳам таъзирини бериб турибди. Автомат-ку кўзини жуда очирмаяпти. Кўпроқ танк билан самолёт керак — шу иккаласи кўп бўлса този билан бургутдай бири ердан, бири осмондан қочган душманни соғ қўймай абжағини чиқаради...

— Тўғри айтасан, ўғлим, қочган бўрини қайтиб келмайдиган қилиш учун бургут керак. Халқимизнинг ҳам фикр-ёди шуни кўпайтиришда. Мен ҳам шундан биттасини учирсаммикан деб ўйлаб юрибман.

— Ниятингизга етинг, мен ҳам тилақдошман, бироқ сизга оғирлик қилмасмикин.

— Азаматим, у қанча оғир бўлса ҳам мен кўтармайман-ку, пўлат қанотлари билан ўзи учиб кетади... Неча пул турар экан-а?

— Оғир деяётганим шу пули-да, ота. Бир самолёт юз минг сўмсиз битмас.

Полвон чап қўлини юқори кўтариб, бўлак-бўлак бўлиб турган мускулларини ўйнатиб, чангаллаб ушлаб кўриб:

— Мана шу қўлдан юз минг сўм чиқмасмикин-а. Ҳали бақувват-ку! Ҳай, қайдам, бир-икки юз минг сўм чиқса кераг-ов, қўй, миллионлар беришга қодир — саний халқимизга борай.

Шундай қилиб у эртасигаёқ Эсалини эргаштириб, темир-тошлари ортилган араваси билан Чавулдирга йўл олди.

ҚОЗИҒУРТ ҚУЧОҒИДА

Катта бўз отга қўшилган енгил арава Қозигурт тоғининг ғарбий ёнбағридан Чимкент билан Тошкент оралигидаги тош йўлга томон силжир, уни ўн уч, ўн тўрт ёшлар чамасидаги бир бола ҳайдаб келар, арава устида улкан гавдали бир одам чордана қуриб ўтирарди. То яқинига келиб қарамагунча унинг одам эканини киши ажрата олмасди. Арава енгил бўлса ҳам эллик пуд юкни кўтара оладиган даражада пишиқ, устидаги юклар оз кўрингани билан анча оғир эди. Аравакеш бола билан майда-чуйда темир-терсақларни ҳисобламаганда, ҳалиги кишининг оғирлиги бир юз йигирма килограмм, қисқа дастали болга ўн олти килограмм, аравадан бир учи чиқиб турган рельс икки юз саксон килограмм, ҳар қайсиси ўн килограммдан келадиган бир боғлам темир лўмлар бор эди. Улардан баъзи бирлари эгри-бугри бўлиб, буралиб, майишиб ётибди. Занжир, тахта, ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда эса икки одамдан бошқа, аравада ярим тоннадан ортиқроқ юк бор эди. Танасида қўш отнинг кучи бор — бўз от бўлмаса, бу юкни бошқа от тортолмас ҳам эди.

Бўз отнинг бу аравани тортиб юрганига бир ярим ойдан ортиқ вақт ўтди. Жазирама чилланинг охирларида Чимкентдан чиққан эди; Чавулдир, Чаён, Арис, Бодамли, Пахтаорол, Киров, Сариеғоч, Келес, Бўстонлик, Қоратош районларини оралаб, Қозигурт колхозига тушиб, қовоқхона олдида отига дам берди. Энди яна Чимкентга қайтиб келяпти.

— Чорраҳага ҳам яқинлашиб қолдик, бобо, қовоқхонага кириб ўтамизми? — деди бола.

Аравадаги катта киши ёнбошидаги канош қопнинг бурчагини ушлаб кўриб:

— Болам, мана бу кўкати бор тепаликка бурил. Отни ўтлатиб, қопдаги пулни санаб кўрайлик. Чамага етган бўлса, тўғри Чимкентга кетаверамиз.

Бола у айтган ерга бориб, отни тўхтатди. Ҳалиги

киши аравадан қопни олиб тушди-да, брезент чакмони-ни ерга ёзди. Қопнинг оғзини очиб силкиб юборди, гижим-гижим қоғоз пуллар чакмон устига уюлиб қолди.

— Қани, болам, мана бу пулнинг юз сўмликларини бир бўлак, эллик сўмлигини бир бўлак, майдаларини бир бўлак қилавер. Мен санаб бойлайверай.

Пулнинг кўпи юз сўмлик эди, у анча вақт санаб, ўн минг сўмлик қилиб боғлай бошлади. Ун бир боғлам пулни қопга солганда, беш мингча келадиган майда пул қолди.

— Болам, мана бу пулни рўмолчага туғиб, онанга олиб бориб бер. Укаларингнинг ҳожатига яратсин. Уғлим, сен ёзиш-чизишни биласанми?

— Ҳа, ёза оламан, ота.

— Қалам-қоғозинг борми?

— Бор.

— Бўлмаса, қалам-қоғозингни ол, мен айтиб тураман, сен ёз:

«Ватан Мудофаа Комиссарига! Етмиш беш ёшлик қозоқ халқининг полвони Ҳожимуқон Мунгайтпас ўғлидан қардошлиқ ҳамда ўртоқлик истак: ёвуз ниятли босқинчи душмanning жонажон ватанимизга бостириб кириб, тинч меҳнатимизни, фароғатимизни бузганига уч йил тўлиб, мана тўрт йилга қадам қўйди. Қонли жанг майдонидаги жангчиларимизнинг қаҳрамонлигини ҳар куни эшитиб турибман. Нима учун қон тўкаётганимизни ҳам тушунаман. Қозоқ халқининг эркин эл бўлишига ёрдам берган рус халқи олов ичида турибди. Украиналик жонажон дўстим Поддубнийнинг ватани ёв оёғи остида ётибди. Агар шу улкан эл ёв йўлини кўкраги билан тўсмаганда биз ҳам аллақачон шу оловни кўрган бўлар эдик. Жанг майдонидаги ўғил-қизларининг ғалабаси учун ҳормай-толмай меҳнат қилаётган ота-оналарни, ака-укаларни кўриб, мен ҳам жим ўтира олмадим. Етмиш беш ёшимда паншаха ушлаб, қоп кўтариб, хирмон совурганим ўзимга оз кўринди.

Менда ҳеч қачон ортиқча мол-мулк бўлган эмас, фақат кучим бор, холос. Шу кучим туфайли «Жаҳон полвони» деган номга эга бўлдим. Менинг битмас-туганмас хазинам — халқим. Охирги кучим билан юз минг сўм тўпладим. Самолёт билан келган ёв, самолёт билан кул-парчин бўлсин! Қариганимда яланғоч гавдамда тош синдириб, елкамда рельс эгиб, тишим билан юкли арава тортиб, пешона терим билан топган пулимга битта самолёт ясатишингизни сўрайман. Менинг, Ватан уру-

шининг довюрак армиясига миндирган отим шу бўлсин!

Истагимни қабул эт. Кўп яша, Сталин!»

У шу хатни ёздириб, қайта ўқитиб, кўкрак чўнтагига солди-да:

— Уғлим, отингни қўш. Тўғри Чимкентга ҳайда. Мана бу пулни банкага топширай,— деди.

ҚАЙҒУ ВА ҚУВОНЧ

Олмаотанинг от чопадиган майдони кўм-кўк майса билан қопланган. У ерга ўтовлар тикилиб қўйилган. Эсил, Нура, Тўбил, Иртиш, Еттисув, Сир бўйи, Жайиқ, Жем, Сарисув ва Толас бўйидан келган қозоқлар билан Москва, Ленинград, Фрунзе, Тошкентдан келган меҳмонлар аралашиб, майдон лиқ тўлган. Колхоз, совхозлардан сараланиб келган пойгачи отлар ер тепиниб, қулоқларини ўйнатиб, боғлоғлиқ турибди. От чопиладиган жойдан шаҳаргача олти километрлик ораликда машиналар зув қатнаб, осмонга чанг-тўзон кўтаришарди. Бепоеъ даланинг атоқли олимлари, машҳур ёзувчилари, меҳнат ғолиблари, олтин юлдузли қаҳрамонлари, киши баҳрини очадиган ашулачи-ўланчилари шу ерга тўпланишган.

Ҳар бир симёғочга осилган радиокарнайлар Олатов бағрини янгратаиб турибди. Бу Улуғ Ватан урушининг тугаш арафасида бўлаётган Абайнинг юз йиллик тўйи эди. Шу тўй ўтаётган жойда тагига оқ кигиз тўшаб, кураш судьяси — Ҳожимуқон ўтирибди.

Ёнида тўпланишган яғрини кенг, гавдали полвонлар, отасининг олдида одоб сақлаган ўғилдай қўлларини уқалашиб жим туришарди. Ҳожимуқон алп гавдасини кериб, полвонларга кўзини қисиб қараб:

— Эй, четда турган болам, отинг нима? — деди.

— Уримбет, Ҳожи ака...

— Уримбет, ўнг томонимга ўт.

— Гавдали йигитим, сенинг отинг ким?

— Тулем, Ҳожи ака...

— Чап томонимга ўт.

— Бўйларинг, гавдаларинг бир кўринади, кучларинг ҳам тенг бўлса керак. Яқинроқ келинглар. Кураш — бу муштлашиш эмас! Кулиб туринглар. Ма, труси, майка, ўтовга кириб ечиниб, кийиб, белларингни бойлаб келинглар.

— Ҳой, икки бола, анави буклоғлиқ турган гиламни олиб келиб, ўртага ёзинглар.

— Оқсоқол, қозоқча қурашадиган бўлгандан кейин майса устида қурашавермайдими?..

— Бу тупроққа ағанашадиган Тўспайнинг тўйи эмас, маданият, илм-маърифат отаси Абайнинг тўйи! Катта одамнинг гапини қайтарган уят бўлади, боринглар!

Гилам ёзилиб, полвонлар кийимларини кийиб келишди. Полвонлар отаси ўрнидан туриб, икковининг чиройли ва ихчам бўйларига қараб:

— Сен белбоғингни сал бўшат. Қурашганда чалиш, тиззага, тўпиққа тепиш бўлмасин! Дунёда мен кўрмаган қураш йўқ. Белини маҳкам бойлаган одам — белимни бемалол ушлай олмасин, деб ўйлайди. Кучли қўл ушласа қовурғангни синдириб юборади, бемалол ушлагани маъқул. Ҳа, ана энди дуруст бўлди. Сеники жуда бўш. Кўтарганда сурилиб кетсин, дейсан-да, а? Кучли қўлдан лип этиб чиқиб кетадиган симобмисан? Торт! Хўш, энди иккаланг қўл олишинглар. Ҳа, баракалла... Дўстлар одил қурашиши керак, бахтли бўлинглар.

— Ҳайдархон, акаларингнинг қурашини томоша қил, қозоқ қураши дегани мана шу.

Минай янга ўғли Ҳайдархонни эргаштириб келиб, Абайнинг тўйида биринчи мукофотни олиб қайтди. Полвон овулига қайтиб боргач, мактаб спорт ўйинида етти яшар ўғли Ҳайдархон ўн тўрт яшар бир бола билан боксга тушиб, ютиб катта тўй қилиб берди. Шу тўй кетидан кўчма булутдек бир парча қайғу рўпара бўлди.

Думи, ёллари узун семиз тўриқ от миниб келган почтальон полвонга салом бериб, кўн сумкасидан хат олиб узатди. Полвон худди ўқигиси келмагандай, бир оз қўлида ушлаб турди-да:

— Эсбўл, ҳой Эсбўл, мана бу хатни ўқиб юбор. Минскийдан келибди, ким ёзди экан? — деди.

Бола ўтириб хатни ўқий бошлади:

«Ҳурматли Ҳожимуқон Мунгайтпасов! Сизнинг ўз Ватанини жонидай севадиган соф қалбингизни ларзага соладиган бир мудҳиш хабарни маълум қилишга тўғри келиб қолди. Улуғ Ватан урушида содир бўлган бундан мудҳишроқ хабарларни ҳам яширганимиз йўқ. Бу хабар билан сизнинг етмишдан ошган оғир гавдангизни яна ҳам оғирлатишга кўзимиз етса-да, бу аччиқ ҳақиқатни сизга айтмай иложимиз йўқ.

Сизнинг ўғлингиз Ҳабибулла Мунгайтпасов Ҳожиму-

қонович биз яшаб турган Н. шаҳрини власовчи бандитлардан ҳимоя қилувчиларнинг бири эди. У ўз Ватанини бутун қалби билан севган азамат, мард йигит эди. Уз вазифасини шараф билан бажариб, душман билан мардларча курашиб ҳалок бўлди. Шундай мард, қахрамон дўстимизнинг номини мангу унутмаслик учун, ўғлингиз вафот этган кўчанинг номини Мунгайтпасов қўйдик. Сиз тарбиялаб вояга етказган ўғил белорус халқининг ҳам ўғлидир, қайғунгизга шерикмиз. Қувончли кунларга етишингизга тилақдошмиз! Қизил Армия бўлимининг штаби...»

Полвон қимир этмай, анча вақт жим ўтирди. «Вой жигарим» деб, баъзи кўз ёши қилганларни туртиб, уни ўчирди. Ёнида ётган рўмолчасини олиб марварид доначаларидай кўз ёшларини артди-да:

— Ҳеч ким ўлмай қолмайди, керагида ўла билиш ҳам керак. Уринли ўлим ҳаёт эшигини очади. Қўзим, сенга раҳмат! — деди.

Эртасига, одати бўйича, ёш болаларни эргаштириб далага чиқиб оғир темирларни кўтартирди, бир-бири билан кураштирди; хуллас, спорт ўйинларини ўргата бошлади. Шундай бир пайтда қувончли хабар келиб қолди.

— Полвон бобо, сиз қурдирган самолётнинг учувчиси келаётибди, деб райондан жуда кўп одам Темир станциясига тўпланишаётибди! Улар мени сизга юборишди... — деди бу хабарни олиб келган бола қўлини кўксига қўйиб.

Полвон станцияга борганда поезднинг келишига ҳали ўн минут бор эди. Район раҳбарлари, колхозлардан келган бир қанча колхозчилар, темир йўл ишчилари, ўзларининг полвонини ҳурматлаб, катта бўлса ҳам, машинадан даст кўтариб олишди-да, поезд йўли бўйида, ўрталарига олиб туришди.

«Лейтенант Қажитой Шалабаев, овулингга қайтиб Қозоғистонга бор, даланинг алп полвони, ҳурматли отамиз Ҳожимуқон Мунгайтпасовга биздан салом айт! Ёвузларни жазолаб, эзилганларни ҳимоя қиладиган халоскор Совет Армиясининг оташин саломини етказ. Инсонпарварликнинг нима эканини чуқур тушунган, мингларча соф виждонли ўғил-қиз ўстирган қозоқ халқига, шу жумладан Ҳожимуқон полвонга кўпдан-кўп раҳмат. Ватан бошига тушган оғир кунларда ёрдам учун берган пўлат қаноти кўкдаги даҳшатли жангларга ўн саккиз марта кириб чиққанини айт. «Ёвуз фашистни янч!»

деган эди, унинг бу буйруғи бажарилди. Унинг ўз ҳалол меҳнати эвазига қурилган самолёт Омонгелди ботир номидаги авиация бўлимида омон-эсон турганини айт. Халқ қаҳридан туғилган бу куч то бутун дунёда тинчлик барқарор бўлмагунча, осмон хавфсизлигини кўз қорачиғидай сақлайди. Қанотларига ғубор юкмайди. Ҳожимуқон берган шунқорнинг учувчиси ўзинг эканини баён қил! — деб тайинлаб юборилган жангчини Темир станциясида кучли қўл, унинг оёқларини поезд зинасига ҳам теккизмай, даст кўтариб олди. Майдонда ёв кўзига девдай даҳшатли кўринадиган қишлоқи қора йигит, бу кучли қўлда бешикдаги боладек бўлиб қолди.

— О, лочиним, учувчи ўғлим, сени ҳам кўрар кун бор экан.

ҚАЙТМАС САФАР

«Оқтепа» колхозининг шарқий томонида катта бир дўнглик бўлиб, уни одамлар «Бузиқ» деб аташарди. У шу атрофдаги «Оқтепа», «Қўнғиртепа», «Қоровултепа», «Қизилтепа» каби тепаларнинг энг каттаси эди. Бузиқ тепанинг атрофи узумзор эди. Қарияларнинг гапига қараганда илгари бу атрофни «Майиз қалъа» деб аташар экан. «Оқтепа» колхози ташкил этилиб, ариқ қазилганда бу ердан ичига олти пуд тариқ кетадиган катта хум топилибди, уни одамлар, қадимда бу идишда кимдир бўза солган бўлса керак, деб тахмин қилишибди. Бу қалъа бир маҳаллар боғ-роғли, кўркам жой бўлган-у, кейинчалик, Бўган сойи томонидаги кўрғон бузилгач, «Бузиқ» деб аташиб кетишган. Полвон ҳар сафар шу ерга келиб, бир оз дам олиб кетарди. Мана бугун ҳам келди. У сўнги кунларда, «овулга келиб ўйинингни бир кўрсатгин? Сенинг дийдорингни кўрадиган кун ҳам бормикан?» — деб илтимос қилганларга ҳам бормади. Ўғли Ҳайдархонга тананг қораяди, деб тузланган ёғ егизиб, спорт машқларини ўргатиб ўтирар эди, бу ишни ҳам қўйди. Мана, ҳозир шу тепа устида ҳам негадир маънос ўтирибди. Набираси — Абдулланинг ўғли Шодмонга:

— Ҳув анави қорайиб кўринган тепа Қўбланди бобом айтиб кетган:

Қораспан тоғини макон этган,
Беҳисоб қипчоқ алимда,—

деган жойи... Бу «Бузиқ»да бир вақтлар анча хонадон турар эди... Мана энди бузилиб-бузилиб тепа бўлди. Ҳожимуқон бобонг ер юзини айланиб чиққан жўмард полвон эди, бир кун эмас, бир кун мен ҳам қулаб тепа бўламан... Юр, ўғлим, кетайлик, — деб уйига келди.

Уч-тўрт ёстиқни ёнбошига қўйиб ухлайдиган полвон, кунботар олдида уйқусираб:

«Хадича, Хадича, қўлингни бер! Қўлингни бер!» — дея уйғонди.

Оқшомда молларига қараб юрган аёли унинг нима деяётганига эътибор ҳам қилмади. Полвон бошини кўтариб атрофга бир назар солди-да:

— Шодмон, бўш отни олиб келиб аравага қўш, — деди.

Бобосининг сўзини икки қилмайдиган набираси, бедазорга тушовлаб қўйган отни олиб келиб, аравага қўшди. Кун ботгандан сўнг туғилган ой терак бўйи кўтарилиб ҳам қолди. Полвон йўл кийимларини кийиб:

— Минайм, ҳо Минайм... Кўрпа, ёстиғингни аравага орт, Эсбўл, Эсали, Ҳайдархон, тўртталанг ҳам аравага мин, — деди.

— Ярим кечада қаёққа борамиз, полвон?..

— Сўраб нима қиласан? Мен борадиган манзилга яқинлашайлик, улар мени кўзи тўрт бўлиб кутишаётган бўлса керак...

Илгарилари Қараспан тоғига бораман деб юрганидан хабардор Минай янга югуриб-елиб аравага юкларини ортди, болаларини миндирди.

— Шодмон, сен молларни пиёда ҳайдаб Темурлангга етказ, бизлар секин аравада кетаверамиз, — деди-да, жўнаб кетди.

Унинг «Оқтепа»дан кўчиб кетганини қўшилари ҳам билмай қолишди. Кўчар олдида яқин қариндоши Машиш келиб:

— Полвон, ярим кечада бундай қилганинг нимаси? — деганда:

— Қайтмас сафарга отланадиган одам эрта-кеч деб ўтирмай, борадиган жойига аста силжийверади. Мени изласанглар Темурлангдаги Ленин колхозига боринглар! — деб йўлга равона бўлди.

Тунги салқинда жадал юриб, қуёш энди кўтарилганда Арис — Туркистон каналининг тўғон қуриладиган жойидаги «Кунтепа» колхозига келишди. Овул болалари:

— Полвон бобом келди, — дейишиб, югуришди.
— Полвон, сафарингиз хайрли бўлсин! — дейишиб катталар ҳам йиғила бошлашди. — Ярим-ёрти бўлиб бу қанақа кўчиб юриш?

— Бутунлай кўчиб келаётибмиз. «Ленин»га бораман!

— Ия, бу қанақаси бўлди, у киши сизни чақирдимми? — дейишди улар кулишиб.

— Ҳа, чақирди. Ўзига бориб, китобини орқалаб, колхозига бориб, болаларимни киргизаман...

Шу ерда юрган Арис районининг раҳбарларидан бири, кўпчилик тўпланиб турган жойга келиб, полвонга салом берди.

— Яхши йўлиқиб қолдинг, чирогим. Темурлангга борганимдан сўнг, отимга бир оз дам бериб, кейин олдингга бораман, деб келаётган эдим. Майли, бир боришга бораман-у, бироқ айтадиган гапимни ҳозироқ айтиб қўя қолай. Оқарда, Эсил бўйида туғилган эдим. Сир бўйида, Арис атрофида ўламан. Йўргакка ўралган еримнинг кафанга ўралган еримдан олис бўлгани учун ўкинмайман. Мен учун қозоқ даласида олис жой йўқ. Бу ерлар:

Бизнинг овул Арисда,
Жуда-жуда олисда.
Бўлсанг агар сен тулпор,
Узоққа чоп, қолишма!.. —

деб, ота-бобом макон этган ерлари... Одамларникидай менда ҳам битта юрак бўлди, иккита бўлмади, деб ўкинмайман. Бу юрак фақат битта нарса учун — халқ учун тепди. Заррача бўлса ҳам халқдан кўнглим қолмади, ҳамма истагимни бажо келтирди. Ҳаётимда халқ шодиёнасини эшитмаган кунларимни — кун деб ҳисобламаган эдим. Ўлганимдан сўнг ҳам одамзод оёғининг товуши эшитилиб турадиган жойга кўмилсам экан, деган умидда катта йўл бўйи — Арис-Туркистон каналининг бош томонига келяпман.

Район раҳбарлари унга Ленин колхозининг марказидан катта тўрт хонали уй солиб, боғ-роғ қилиб берди. Ўзда ўтирадиган битта ўтов ҳам берди-да:

— Мана, оқсоқол, марҳамат, уйингизга киринг. Илтимосингиз қондирилди. Етмиш беш йил касалга чалин-

май келдингиз. Энди бундан буён ҳам соғ-омон бўлинг, — дейишди.

Ленин номидаги колхоз полвон шарафига катта тўй қилиб берди.

* * *

Янги уй хайрли бўлиб, қирқ саккизинчи йилнинг ўрталарида Минай янга ўғил туғди. Полвон кенжа ўғлига катта тўй қилиб берди. У Ҳожимуқоннинг худди ўзгинаси эди. Бола чилласи чиқиб, бўғини қота бошлаганда қовун пишиб жанубнинг файзли кунлари бошланган эди. Ёш норасиданинг отини Жанабил қўйишди.

— Полвон, Ҳайдархонга тақовул қилиб Аъзамхон қўяйлик, — деганларга:

— Йўқ! Жанабил яхши, бу — ҳазрат Али билан курашган қипчоқ боболаримнинг оти. Тўйтепа қўрғони тепа бўлиб ётибди. Шунинг отини қўяман, — деди.

Сой бўйидаги майсага тикилган ўтовда қимиз ичиб ўтирган полвон:

— Ҳайдархон мактабига кетдими? — деб сўради.

— Уқишни ҳали бошлагани йўқ, дастлабки очилган пахталарни терамиз деб кетишди, нега сўраяпсан?

— Узим. Жанабилни эмизиб бўлсанг, менга берарсан.

У ўғлини қўлига олиб, унга бир оз тикилди-да, бошини искади.

— Менинг кучим шунга қўнади, ишим қўнадими ё йўқми, буни билмайман... Ма, ол!..

Полвон уйдан чиқиб арава ёнига борди-ю, қўлини бўжигача чўзганча:

— Оҳ! — деди. Ёнидаги ўғли уни қўлтиғидан суягунча бўлмай оғир гавда ерга қулаб, қайтмас сафарга жўнаб ҳам кетди.

О л м а о т а, 1951 — 1956

Урта ёшдаги мактаб болалари учун

На узбекском языке

Сабит Муканов

ХРОМОЙ ПАЛВАН

Калмакан Абдукадыров

ХАДЖИМУКАН

П О В Е С Т И

Перевод с казахского

Редактор *Ҳ. Имонбердиев*

Рассом *Р. Зуфаров*

Расмлар редактори *Ф. Башарова*

Техник редактор *Л. Хижова*

Корректорлар *Ш. Соатова ва Р. Қайумов*

ИБ № 0038

Босмахонага берилди. 23.01.87. Босишга рухсат этилди. 24.07.87
Формати 84×108¹/32. Босмахона қоғози. № 2. Банниковская гарни-
тура. Юқори босма. Шартли босма л. 21,0+0,42 вкл. Шартли кр. —
оттиск 23.52. Нашр л. 21,81+0,78 вкл. Тиражи. 40000. Буюрт-
ма № 4003. Шартнома № 3—86. Баҳоси. 85 т.

«Юлдузча» нашриёти, 700000, Тошкент, ГСП, Ленин кўчаси, 41.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Узбе-
кистон ССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқар-
иш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент — 700129. Навоий
кўчаси, 30

Муқонов С., Абдуқодиров Қ.

Чўлоқ полвон: С. Муқонов; Ҳожимуқон: Қ. Абдуқодиров; қиссалар (Урта ёшдаги мактаб болалари учун). Қозоқ тилидан Н. Фозилов тарж. — Т.: Юлдузча, 1987. — 400 б.

1. Автордош.

Машҳур қозоқ ёзувчиларидан С. Муқонов билан Қ. Абдуқодировларнинг «Чўлоқ полвон» ва «Ҳожимуқон» қиссаларида нафақат Урта Осиё, балки кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган икки полвон ҳақида ҳикоя қилинади. Улардан бири Чўлоқ полвон номи билан машҳур бўлган ва Октябрь инқилобигача яшаб, озодликни қўмсаб ўтган Нурмағамбет бўлса, иккинчиси совет даврида яшаган Ҳожимуқондир.

Полвонларнинг бошдан кечирган гаройиб саргузаштлари ҳар бир ўқувчини жалб қила олади.

Муқанов С., Абдуқадыров К. Хромой палван: Повести.

С (қоз)